

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Аҳмад ХҶҶА

СУНЪТИ ОДАМ ҲАҚИДА БАМОНА



Ҳаёт оғушида уйғонади гул,
Тиниқ сув остида кўринади тош.
Зулмат қалбларга ҳам кириб борур нур,
Умрлар уфқида юксалур қуёш.

Барибир, бу олам боради қариб,
Шўхчан бола бир кун – пурҳикмат бобо.
Яхши одамларни кўп кўрар тарих,
Қадрлай олмагай барчасин аммо.

НАСР

Рисолат ҲАЙДАРОВА

МУРАББИИ



Устознинг қабулига кирдим. У менинг дардимни эшитиб, тортмасидан рўйхат ёзилган қоғоз чиқариб, кўрсатди.

– Кўряписизми? Мана, узу-у-н рўйхат. Юздан ортиқ киши. Тўрт йилдан бери уюшмага аъзо қабул қилинмаётган эди. Шунча ариза тўпланиб қолган. Аъзо бўласиз, албатта. Лекин ҳозир эмас.

Мен шунда тушундимки, Муҳаммад Алига шогирд бўлиш имтиёз эмас, имтиҳон экан.

ПАХЛИЛ

Мунир Саййид Муҳаммад УТАЙБА

ҲАНР ВА ҲАММΙΑТИ ДИЛКАШЛИГИ



Нормурод Норқобилоннинг “Камалак” ҳикояси оламни кўриш учун боғчадан қочган боланинг таъсирли тажрибаси ҳақида. У бир гал балиқ тутаетган болани кўрса, кейинги гал камалакни кўриб ортидан уни ушлаб олиш учун кувади. Боланинг хотиралари орқали унинг бувиси билан бўлган самимий меҳрибон алоқаларини, унинг вафотидан сўнг уни йўқотганини биламиз. Ота-онасининг бандлиги туфайли у ёлғизликни ҳис қилиб боғчадан қочади. У боғчада зерикади, шу сабаб ундан қочади. Ҳикоя ниҳоясида бола бувиси ва тарбиячини таққослайди, бувиси уни камалакка олиб борса, тарбиячи уни боғчанинг тор оламига қайтаради.

ЗҒАИДА

Таомланиб бўлганимиз сўнггида мезбон соатига қараб олиб:

– Свет ўчишига ярим соат қолипти, ётари қиламиз йигитлар, – деганича ташқарига чиқиб кетди.

Тўшакка кирганимизда бит ўлгирлар ғимирлаб, тинчлик бермасди.

Ҳа-а, деганда кўзимиз илинавермай, мен оҳистагина ўлик сукунатни бузиб:

– Омо-он, бўрдоқиларимизнинг анчасини ташлаб кетамиз, шекилли, – дедим.

– Бит деганинг бундай озода жойда очдан ўлиб, кирилиб кетади...



Турсин АЛИ

НАЗМ

ЎШЛИГИМНИ ЭСЛАБ

Бир маҳаллар босган изимдан
Ўт чакнарни, мисоли чакмоқ.
Шўх кучугим чикмас изимдан,
Қир-далалар кезардик қувноқ.

Яқин эди осмон сакрасам,
Бошим тегар эди беозор.
Ўшлигим ҳам энди мен билсам,
Қайтмас тўлқин экан исёнкор.



Умид АЛИ

НАСР

"МЭН"

– Эй! Болам! Эй! Эй!

Шамол – ҳаммол. Миллион-миллион овозларни ўз эгаларига етказгани каби онаизорнинг нола-ю-фиғонини дилбанди – Сен томон етказишга ошиқмоқда. Сен илғамаяпсанми? Эшитмаяпсанми? Онанг юрак-бағри эзилиб, сени чорлаётганини наҳот сезмаяпсан?





**Шафоат
РАҲМАТУЛЛАЕВ**

Ҳар ошкор ичида бир сир яширин

Она диёр оҳанглари

1

Дунё кезар она диёр оҳанглари,
Юртни безар она диёр оҳанглари.
Боботоғнинг баҳоридай камалакранг –
Минг қатим зар – она диёр оҳанглари.

Аждодларнинг асрий қарвон теваси у,
Фаробийнинг, Навоийнинг шеваси у.
Бу оҳанглар улуғ руҳлар минтақаси,
Илоҳиёт иқлимларин меваси у.

Ёлқин бўлган бу қуй Зардўшт чўғларига,
Ҳамдам бўлган бу қуй Темур туғларига.
У бағрида истиклолни ардоқлаган,
У эгизак озод ўзбек руҳларига.

Она диёр, оҳангларинг қутлуғ бўлсин,
Рухий олам жаҳонларинг қутлуғ бўлсин.
То бетакрор ҳар қуй сенинг бир бўлагинг,
Ватан, оҳанг ватанларинг қутлуғ бўлсин.

***Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ** – (1942–2016) Тошкент давлат консерваториясини битирган. Ижодкорнинг кўплаб шеърӣ ва насрий китоблари нашр этилган.*

Сурхоним ҳам тўлиб-тошиб қўшиқ айтди,
Ҳаёт ишқин қўшиғига қўшиб айтди.
Қизлар куйга кокилларни эшиб айтди,
Бўз ўғлонлар бахши бўлиб, жўшиб айтди.

Ахир, бунда яшар куйга ошуфта эл,
Дуч келганда куйлашар ё олишар бел.
Тоғларидан тушган тошқин сувларидай,
Ҳар қишлоғи сой-сой оққан санъати сел.

Эзгу урфлар зўрлигига шак йўқ бунда,
Ўктам руҳлар ҳурлигига шак йўқ бунда.
Аждод – авлод, устоз – шогирд ворислиги,
Анъаналар бирлигига шак йўқ бунда.

Шу бирликда Ватаннинг шаън келажаги,
Шу тинчликда иқболимиз келажаги.
Ғалабамиз ўзбекона тотувликда,
Шу хос руҳни бутун жаҳон билажаги.

Шу руҳ санъат, тарихимиз билан тенгдир,
Бу оҳанглар қонимизга кетган сингиб.
Руҳи бардам, санъатсевар бундай халқни,
Садоқатли айтганидай, бўлмас енгиб.

Дўстлар, бўлсин шу Ватаннинг куйи мангу,
Озод элнинг озод байрам, тўйи мангу.
Она диёр оҳанглари олам кезсин,
Ўзбекона бўлсин ранги рўйи мангу!

Саманим

Қанот боғлаб уч, ҳей, менинг саманим,
Чўпонларнинг ити сенга кўп ғаним.
Хув, ўтовдан айрон ичгим бор маним,
Қанот боғлаб уч, ҳей, менинг саманим.

Илгари ҳам келган эдик бу ёққа,
Тушган эди дил ўшанда тузокқа.
Ташвишланма, тақанг борку туёқда,
Илгари ҳам келган эдик бу ёққа.

Унда айрон ичган эдим мисли май,
Кишнаб қўйдинг сен ҳам шунда жим турмай.
Айтчи, гўзал борми чўпон қизидай,
Унда айрон ичган эдим мисли май.

Айрон тутса бугун кўзлари сузук,
Айронига садқа қилай бир узук.
Жомга секин ташласам бўлур тузук,
Айрон тутса бугун кўзлари сузук.

Бу йўллардан ҳали кўп бор қатнаймиз,
Чўл кезмайди сенинг эганг мақсадсиз.
Токи, сенга мингунича ўша қиз,
Бу йўллардан ҳали кўп бор қатнаймиз.

Найлайин

Билмасдан севгингни хор этдим,
Севмасдан бировни ёр этдим,
Йўқ ғамни ўзимга бор этдим,
Энди мен найлайин, найлайин.

Сен эдинг доимо тилимда,
Севгингку бор экан дилингда,
Нега тик чикмадинг йўлимга,
Энди мен найлайин, найлайин.

Мен келсам бепарво кутардинг,
Мен ўзни бепарво тутардим,
Ичингда эканку бор дардинг,
Энди мен найлайин, найлайин.

Укмадинг кўзларим саволин,
Ким тортар мен ошиқ уволин.
Қутдингми ё ишқим заволин,
Энди мен найлайин, найлайин.

Барини сўнг этдинг ошкора,
Иккимиз бир дардда овора,
Муродга бормикан бир чора,
Энди мен найлайин, найлайин.

Боботоғда бир оху кўрдим

Боботоғда бир оху кўрдим,
Товус хиром, ой юз, ўт нигоҳ.
Ошиқ бўлиб эргашиб юрдим,
Бир қиз бўлиб имлади у гоҳ.
Бир кун деди зебо қуралой:
“Эй, ошиғим келгил ёнимга.
Сўқмоқларни ёшинг қилди лой,
Шунча озор бердим жонингга.
Оламда ишқ бўларди ёлғон,
Етмасалар ошиқ оҳига.
Бу булоқдан сув ич, эй нолон,

Жуфтим бўлсанг, айлан охуга.”
Оху бўлдим, ул сувдан тортиб,
Ширин эди висолнинг дами.
Бир кун деди ёрим уйғотиб:
“Бунда етди овчи қадами.”
Кийик ўтни оғзимга тутиб,
Деди: “Энди ўз ҳолингга қайт”.
Одам бўлдим, бир баргни ютиб,
“Қардошингга, – деди, – жавоб айт.”
Кийик уйин кўрсатаман деб,
Улоқтирдим мерганни жарга.
“Сайёдингни кетди сорлар еб” –
Оху бўлиб сўзлардим ёрга.
У нозланди: “Севгинг бўлса рост,
Тозалайсан тоғни мергандан.”
Шундан бери оламан қасос
Охуларга озор бергандан.
Одам бўлиб, овчи овлайман,
Оху бўлиб, оқ кийикка ёр.
Эртакнамо бу қисмат экан,
Мажнунона тақдиримда бор.

Сунбулага борайлик

Сунбуладан сув ичишган дўстларим,
Шодлигимга тўн бичишган дўстларим,
Дилгинамга меҳри тушган дўстларим,
Юринг, яна сунбулага борайлик.

Сунбуллардан сувлар тушар сирикиб,
Ул томчилар ирмоқ бўлар бирикиб,
Нозанинлар, сиз ҳам турманг зерикиб,
Юринг, яна сунбулага борайлик.

Сочингизнинг рамзи эрур сунбула,
Сизга айтур, олиб сочингга ула,
Томчиларла ўйнайсиз кула-кула,
Юринг, яна сунбулага борайлик.

Ҳар сунбулни битта томчи тарайди,
Ҳар томчидан бир жону кўз қарайди,
Бўлинг, кимлар улфатликка ярайди,
Юринг, яна сунбулага борайлик.

Тўртликлар

Ер менинг тўшагим, осмондир кулбам,
Кулбамга шам эрур ой ҳам, куёш ҳам.
Шу улкан даргоҳнинг эгасиману
Ҳаётимда ҳар кун яна недир кам.

* * *

Қолсин альбомингнинг варақларида,
Ёшлик – баҳорингнинг чиройи, изи.
Қариган чоғида, ойнадан кўра,
Альбомига кўпроқ боқармиш киши.

* * *

Данакнинг мағзи аччиқми, ширин,
Чақмасанг қаёқдан биласан сирин.
Пинҳон жумбоқлари ҳадсиз оламда,
Ҳар ошкор ичида бир сир яширин.

* * *

Ҳаёт – рубоб, бизлар – чолғучи,
Ҳар ким ўз куйини чалади.
Кимнинг куйи бир лаҳзалиқдир,
Кимнинг куйи мангу қолади.

* * *

Сочим занжирида ажабо оқ занг,
Кўз демиш, кўзгумдан аримайди чанг.
Вақт деган эговдан тирналган юзим,
Чархланган ақлимнинг тиғига қаранг.

* * *

Тун қўйнида ўлкам қишлоқ, шаҳари,
Ойна кўзлар порлар, уйғоқ уй бари.
Шу чоқ юлдузларга боқсам қўнглим дер:
“Улар олам уйин деразалари.”

* * *

Умр шошар поён сарига,
Бултургидан бу йил паст шаштим.
Лекин, ҳаёт сўқмоқларида
Бултургидан камроқ адашдим.

* * *

Сиртимга қараб сиз чиқарманг ҳукм,
Билмасдан дилимда нималар ҳоким.
Даврада вақт деган бир донишманд бор,
У ҳали айтади сиз киму мен ким.

Гладиолус

Ҳикоя



Маматқул
ҲАЗРАТҚУЛОВ

*Қуриган, ҳиди йўқ, унутилган гул,
Китобни очаркан, кўриб қолдим мен.*

ПУШКИН

Қабрга тупроқ тортиб бўлинди. Қорининг тиловати ҳам ниҳоясига етди. Ҳамма юзига фотиҳа тортди: Кимдир ҳозиргина тупроққа қўйилган марҳумнинг савол-жавоби осон бўлишини сўради, кимдир ўзининг ота-онасини эслаб, улар ҳақиға дуо қилди, кимдир шунчаки, расмийчилик юзасидан юзига фотиҳа тортиб қўйди.

Хуллас, дафн тугаб, ҳамма тарқала бошлади. Кимлардир ўзаро пичирлашиб, баъзилар ерга қараб ўйчан кетмоқда.

Жалил Ниёзович ҳам кўп қатори бир-бир босиб, жимгина борар, онда-сонда икки тарафдаги қабрларга назар ташлар, аммо қабртошлардаги ёзувларга аҳамият бермас, бутун хаёли ҳозиргина дафн этилган дўсти Акмалда эди: “Қандай бақувват, хушчақчақ одам эди-я... Қаердан йўлиқди бу бало унга. Ўзини жуда эҳтиёт қилиб юрарди-ку. Шу пандемия бошланибдики, уни никобсиз кўрмаганман. Никоб тақмаган ходимларига, ёри-биродарларига дакки бериб юрарди, раҳматли... Куни битса иложи йўқ экан-да... Оллоҳ раҳматига олсин... Бу коронавирус дегани қанча-қанча одамларнинг ёстиғини қуритди...”

Унинг олдида кетаётган икки кишининг суҳбати Жалил Ниёзовичнинг хаёлини бўлди. Улар йўлакнинг бир чеккасига ўтди-да, ўнг томондаги қабртошга ишора қилиб, бири иккинчисига деди: “Азиза опаям шу ерга қўйилган экан-да”. Иккинчиси: “Қайси Азиза опа?” Биринчиси: “Жаҳон мусикасидан дарс берадиган

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1947 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Оққуш”, “Чўли ироқ”, “Ҳаётнинг бир парчаси”, “Интизор”, “Қуёш мен томонда”, “Қўзичоқнинг кўз ёшлари”, “Журъат”, “Эшиклар очик”, “Чироқ ўчмаган кеча”, “Кўккўл”, “Дийдор”, “Севги сози” каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари нашр этилган.

домламиз бор эди-ку, Азиза Эшонхўжаева. Ана, қаранг”. Улар қабр томонга юрди. Жалил Ниёзовичнинг эти жимирлаб кетди, баданига чумоли ўрмалагандай бўлди. “Наҳотки бу ўша Азиза бўлса?” Шу ўй-фикр хаёлини чакмоқдай кесиб ўтди. У ҳам беихтиёр тўхтади. Ҳалиги икки киши чўнқайиб ўтирди-да, тиловат қила бошлади. Жалил Ниёзович ҳам уларга қўшилди. “Оллоҳ раҳмат қилсин”, деди пичирлаб ва юзига фотиҳа тортди. Нотаниш кишилар: “Сиз ҳам танирмидингиз?” дегандек Жалил Ниёзовичга юзланди. У: “Ҳа, танирдим”, деган маънода бош ирғади. Шу билан сўзсиз суҳбат тугади. Улар ўз йўлида давом этди. Жалил Ниёзович ҳам. Лекин унинг оёқлари ўзига бўйсунмас, негадир жуда оғирлашиб, бутун вужуди титраб, совуқ тер босгандай, мадорсиз бўлиб қолгандай эди. Қандайдир куч: “Шошма, бироз тўхта”, дерди. Аммо ҳозир бунинг иложи йўқ, издиҳомдан ажралиб қолиш яхши эмас. Ўзини қўлга олиб, оқимга қўшилди. Қабристон дарвозасидан чиққач, кимдир автобусга, кимдир енгил машинага ўтирди. Жалил Ниёзович машинаси томон юрди.

– Гул магазинига ҳайда, – деди.

Ҳайдовчиси ажабланиб қаради.

– Фотиҳага бормаймизми?

– Кейин, – деди Жалил Ниёзович, – кейин борамиз.

Жалил Ниёзович Акмал ака билан қил ўтмас кадрдон эканидан ҳайдовчиси хабардор, аммо дафндан кейин мархумнинг уйига бориб фотиҳа ўқиш кераклигини хўжайин яхши билади-ку, нега ҳозир бундай қиялпти, деб ҳайрон қолди. Гулни эртага қўйсақ ҳам бўлади-ку, демоқчи бўлди, аммо журъат этмади. Жалил Ниёзовичнинг ҳозирги ҳолати бунга изн бермасди.

– Қаерда гладиолус сотади? Ўша ерга ҳайда.

Хўжайиннинг бу гапи ҳайдовчини янада ҳайратга солди. “Қабрга қанақа гул қўйишнинг нима аҳамияти бор?”

Бир неча гул дўконига кирди, не-не гуллар бор – кўзни қамаштиради: архедея, лиля, атиргулнинг минг бир хили. Жалил Ниёзовични бирортаси қизиқтирмади, фақат гладиолус сўради. Баъзи гулчилар ҳатто кулишди ҳам: “Ҳозир унақа гул йўқ, моладан қолган”. Товба, гулнинг ҳам модаси бўладими. Ҳа, ҳамма нарса қатори замонга қараб гулларнинг ҳам урф бўлиши ўзгариб турар экан. Бир вақтлар гул сотувчилар борки, албатта гладиолус бўларди – оқи, қизили, тўқ қизили, жигарранги, пуштиси, танлаб, саралаб олардингиз. Жалил Ниёзович бу гулни қадди-қомати расо қизларга ўхшатарди. Чунки гладиолус тик ўсади, ғунчалари ҳам ёнига эмас, юқорига қараб очилади.

Гладиолус топилмагани сари Жалил Ниёзович баттар тундлашиб, асаби кўзирди, “Наҳотки шундай катта шаҳарда шу гул топилмаса?” деб жаҳли чиқарди. Йўқ, уруғи қуриган экан, топилмади... Бу ёқда кун кеч бўляпти.

– Энди нима қиламиз, хўжайин? – деди ҳайдовчи.

Жалил Ниёзович ўйчан бошини кўтарди:

– Бор, олиб чиқ.

– Қанақасидан?

– Барибир... Гладиолус бўлмаганидан кейин қанақа гул бўлишининг аҳамияти йўқ. Олиб чиқавер.

Бироздан кейин ҳайдовчи бир даста кип-қизил атиргул кўтариб чиқди.

– Бўладими?

Жалил Ниёзович ҳайдовчисининг саволига жавобан деди:

– Қабристонга ҳайда...

* * *

Жалил илмий-тадқиқот институтида ишларди. Бир куни хонасига ўттиз ёшлардаги жувон кириб келди. Ўрта бўйли, қадди-қомати келишган, барги карам нухали атлас кўйлаги жуда ярашган. Хонага кириши билан қимматбаҳо атир бўйи йигитнинг димоғига урилди. “Фаранг атри, “Кристиан Диор” микан ё “Шанел”ми?”

– Кечирасиз, Жалил Ниёзов сизмисиз? – деди жувон.

– Ҳа, менман, – деди Жалил, – келинг, ўтиринг.

Жувон Жалилнинг ёнидаги стулга омонатгина ўтирди. Ял-ял ёниб турган кўйлагини ғижим бўлишидан эҳтиёт қиларди чамаси. Ёнига яқин келганидан сўнг хушбўй Жалилни ром қилди. Бир зум ўзини йўқотгандай сездди. “Инсон ҳам шу қадар гўзал, назокатли бўладими?” Жалилнинг кўз ўнгида тирик гладиолус тургандай эди.

– Бир илтимос билан келдим олдингизга.

– Бемалол.

– Сизни рус тилидан ўзбек тилига яхши таржима қилади, дейишди.

Жувон гапираяпти-ю, Жалилнинг кулоқлари остида майин мусиқа янграётгандай туюлди. У аёлга разм солди: чакнаб турган кўзлари қоп-қора, киприклари узун-узун, қоп-қора қошлари қалдирғочнинг икки қаноти каби. Соҳиби қудрат бу бандасини яратганда ҳеч нарсани аямагандай эди.

Жалил унинг гапларини эшитмас, бу малак олдида эс-хушини йўқотиб, қарахт бўлиб қолган эди. Жувон буни сездди, аммо ажабланмади. Чамаси бундай ҳолат унинг учун янгилик эмас эди.

– Сиз музикани, айниқса, классик музикани яхши кўрар экансиз, деб эшитдим.

– Мусиқани ким яхши кўрмайди...

Аёл кулди. Унинг кулгиси бир чиройига ўн чирой кўшди. “Ё қудратингдан Парвардигор! Шунчалар ҳам гўзал қилиб яратасанми бандангни?..”

– Яхши кўриш билан яхши кўришнинг фарқи бор, – деди жувон. – Кимдир шунчаки, вақт ўтказиш учун эшитади, кимдир юрак-юракдан туяди музикани.

– Таржимага бунинг нима алоқаси бор?

– Алоқаси бор, – деди жувон жилмайиб. – Ман консерваторияда ишлайман, отим Азиза. Жаҳон классик музикаси ҳақида китоб ёзган эдим. Шуни ўзбек тилига таржима қилиш керак. Сизни тавсия этишди. Музикани чин юракдан севадиган одам таржима қилса, яхшироқ чиқади, деб ўйлайман... Тўғриси, бир-икки кишига учрадим, улар музикадан узоқ одамлар экан. Шунга...

Жалил унинг гапини бўлди:

– Мен ҳам музикашунос эмасман.

– Биламан, лекин музикашунос бўлиш шарт эмас. Кечирасизу, айрим музикашуносман, деб юрганлар бор, лекин музикани тушуниш у ёқда турсин, тинглашни ҳам билмайди.

Энди Жалил кулди, росмана кулди. Бу жувонни ажаблантирди, ҳатто бироз ранжигандай туюлди.

– Кўнглингизга олманг, – деди Жалил вазиятни юмшатиш учун. – Мен ҳам жуда сиз ўйлаганчалик мусиқани тушунмайман, фақат мусиқа, айниқса, ўзимизнинг мумтоз мусиқаларимиз ва жаҳон классик мусиқалари жиннисиман, холос. Айтайлик, мақомлар жон-дилим, Бетховен, Моцарт, Шостакович каби композиторлар асарларини севиб тинглайман. Мақомларимиз, мумтоз ашулаларимиз қатори Ботир Зокировни ҳам, Майкл Жексонни, Алла Пугачева, Анна Герман, Муслим Магомаевни ҳам жон қулоғим билан эшитаман.

Жувоннинг кўзлари чарақлаб кетди.

– Шунинг ўзи етарли, – деди ҳаяжон билан. – Музика жиннисиман, деган

гапингизни ўзи кўп нарсани айтиб турипти... Сиз, айнан сиз кераксиз манга, китобимни сизга таржима қилдираман. – У гапирган сари ҳаяжони ошиб борар, гўё Жалил йўқ, таржима қилмайман, вақтим йўқ, дейишидан чўчигандай, уни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилаётгандай туюларди. – Меҳнат ҳақингизни бераман, қанча десангиз бераман, фақат йўқ, деманг, илтимос...

Жалил унинг гапларини тинглар экан, ҳақиқий мусиқа жинниси шу экан-ку, деб ўйлади. У кириб келганида, консерваторияда ишлашини билганида, айниқса, ундан қимматбаҳо фаранг атри ифори таралиб, ақлу ҳушини олганида роса димоғдор, унча-мунчани менсимайдиган аёлга ўхшайди, бу кибор хонимнинг мен ғарибда нима иши бор экан, деб ажабланган эди. Суҳбатлашгани сайин фикри ўзгариб борди.

– Бу гапларни кўйинг, Азиза опа, – деди Жалил. – Меҳнат ҳақи ўз йўлига. Мусиқа ҳақидаги китобни таржима қилиш осон эмас, унинг ўзига хос терминлари бор, энг асосийси, мусиқа ҳақидаги китобнинг ўз оҳанги бўлади, уни топмаса, сақламаса таржима чиқмайди. Мен мусиқа ҳақидаги бир-икки мақолани таржима қилганман, биламан. Яхшиси, китобингиздан бир парча олиб келинг, таржима қилиб кўрай. Сизга маъқул бўлса, қолганини кейин гаплашамиз.

Бу таклиф Азизага маъқул тушди.

Жалил китобнинг бир-икки бобини таржима қилди. Азиза билан бирга солиштириб кўрди. Азиза ҳар бир жумлани, ҳар сўзни Жалилдан қайта-қайта сўрар, русчадаги маъно-мазмун ўзбекчада қанчалар тўғри, оҳангдор чиққанига эътибор қаратар эди. Сўзларни кўрсатиш учун Жалилга тикилиб келар, унинг атри ифори билан майин нафаси Жалилни сархуш қилар, шу боис Жалил стулини сал суриб олар, Азиза эса беихтиёр яна у томонга яқинлашар эди.

Ишдан бўш вақтларида, кўпроқ шанба кунлари, шу тарзда ишлашди.

Китобнинг мазмуни, унда баён қилинган маълумотлар Жалилни қизиқтириб қўйди. Боз устига Азизанинг ўз ишига масъулияти, мусиқани жон-дилидан севиши, композиторларни осмонларда тасаввур қилиши Жалилни ром этди. “Бундай фидойи инсон, билимдон олима билан ишлаш кишига завқ беради, одам ишлаб чарчамайди...” Жалил шундай хаёллар билан китоб таржимасига, Азиза билан ишлашга берилиб кетди. Аста-секин шанба кунини орзиқиб кутадиган бўлди.

Бир шанба Азиза келмади, қўнғироқ ҳам қилмади. Жалил ўзини кўярга жой тополмади ўша куни. Хонасида кечгача кутди уни, ана келиб қолар, мана келиб қолар, деган умидда. Қўли ишга бормади. Кўз ўнгидан Азизанинг сиймоси кетмади, қулоғидан унинг майин, ширали овози, димоғидан хушбўйи аримади.

Тушкин кайфиятда уйига қайтди. Ўша куни илк марта хотинининг гапларига терс жавоб қайтарди. Бундан хотини ҳайрон, ҳатто ўзи ҳам. “Менга нима бўляпти ўзи? Ўзингни қўлга ол, Жалил... Келмаса келмас, сенга нима, у сенгамас, сен унга кераксан-ку. Чўзилса унинг иши чўзилади”. Шу фикрларни ўйлагани сари кўз ўнгида Азиза намоён бўлаверди. Амаллаб якшанбани ўтказди. Унинг назарида бир кун бир йилдай туюлди. “Душанба куни ишга борсам, қўнғироқ қиламан”.

Душанба ҳам келди. Жалил ҳеч қачон ишга бугунгидай ошиғич келмаган эди. Айниқса, душанба кунлари. Хонасига ҳам кирмай директорнинг қабулхонасидаги телефондан Азизанинг ишхонасига қўнғироқ қилди. Гўшакни эркак киши кўтарди. “Азиза опани мумкинми?” У ёқдан йўғон, қўпол овоз эшитилди: “Йўқ Азиза!” Жалил у киши қаерда, қачон келади, деб сўрамоқчи эди, унгача гўшак шарақ этиб қўйилди. “Товба, консерваторияда ҳам шунақа қўпол одам ишлайдими?”

Кечгача қўнғироқ бўлишини кутди. Бўлмади қўнғироқ. Эртасига ҳам,

индинига ҳам. Бунга сари Жалилнинг ичини ит тирнай бошлади. Қўнғироқ қилмокни ўйлайди-ю, дастакдаги дағал овозни эслаб, юраги бетламайди. Жалил паришонхотир бўлиб қолди, на ишида унум бор, на ейиш-ичишида ҳаловат бор. Гоҳо ўзига ўзи дакки беради: “Эй, Жалил, ўзингни қўлга ол, сенга нима бўляпти? Кимни ўйлаяпсан? У ким, сенга ким бўлади? Бор-йўғи бир муаллиф, шунчаки таниш, холос...” Кошки бунинг иложи бўлса эди. Аксинча, хаёлига шоирнинг “Мен қўрқаман севиб қолишдан” деган сатри келаверади...

Ана шундай кутишлар, асабийликлар, паришонхотирликлар билан уч ҳафта ўтди. Жалил ишим маъқул бўлмади, шекилли, айтишга истиҳола қилиб, жим бўлиб кетди, деб ўйлади-да, таржимани йиғиштириб қўйди.

Жалил Ниёзовичнинг телефони жиринглаб, хаёли бўлинди. Ёрдамчиси қўнғироқ қиляпти.

– Ҳа, Феруз, нима гап?

– Узр, хўжайин, безовта қилдим... Вазир қўнғироқ қилди. Воқеани айтдим. Имкон топиб, менга қўнғироқ қилсин, деди. Зарур гапи бор экан.

Жалил Ниёзович гапни қисқа қилди:

– Яхши, тушундим.

... Ажойиб кунларнинг бирида директорнинг котибаси Жалилни телефонга чақирди.

– Лаббай, – деди ҳаяжон билан.

У ёқдан ёқимли овоз янгради:

– Ассалому алайкум, Жалил, яхшимисиз?

Жалил тилла топган девонадай яйраб кетди.

– Ўзингиз яхшимисиз? Тинчликми, соғ-саломатмисиз? Кўринмай кетдингиз. Ёки таржима ёқмадим?

– Йўқ-йўқ, – деди Азиза ҳаяжон билан. – Ман командировкага кетган эдим. Яқинда келдим... Агар йўқ демасангиз бир таклифим бор. Фақат катталика йўйманг, илтимос. Олдингизга бораё десам, у ерда ишлаш бироз ноқулай экан, шеригингизга ҳалақат берамиз. Шунга, хўп десангиз, консерваторияга ёки мани уйимга келсангиз, бемалол ишлар эдик... Яхшиси, уйга кела қолинг, ҳар хил словарьлар бор. Консерваторияда ҳам, ўзингиз биласиз, шовқин бўлиб туради.

Жалил унинг гапини тинглаб экан, ўйлар эди: уйига бориш ғалати эмасми, эри нима деб ўйлайди. Фикрини тилига чиқарди.

– Уйингизга бориш...

– Сиз сира хижолат бўлманг, – деди Азиза унинг гапини бўлиб. – Бемалол келаверинг, қизимдан бошқа ҳеч ким йўқ уйда, у ҳам кундузи боғчада бўлади.

Азиза шундай оҳангда гапирдики, Жалилнинг эътироз билдиришига ёки бошқа таклиф айтишига имкон қолмади. Беихтиёр “хўп” деб юборди.

Белгиланган куни, белгиланган вақтда Жалил Азизанинг уйига борди. Уйга кириб унинг оғзи очилиб қолди. Жувоннинг ўзи қанчалар озода, ораста ва гўзал бўлса, уйи ҳам шунақа саранжом-сариштали, ҳамма нарса – стол-стуллар, диван-креслолар, деворлардаги суратлар, шкафдаги сувенирлар – барчаси нозик дид билан жойлаштирилган, бирон-бир ортиқча ҳашам йўқ, лекин ҳар қандай одамнинг

ақлини шоширадиган даражада шинам, мўъжаз бир музей каби эди.

Жалилни креслога таклиф этиб, ўзи иккинчи креслога ўтирди. Креслолар ўртасидаги кичик столда писта-бодом, конфет, битта вазада мева қўйилган. Азизанинг эғнида ҳарир халат, жиякли атлас лозим. Мана шуниси Жалилни хайратга солди. “Тошкент келинлари ҳам жиякли лозим кияр экан-да”, деб ўйлади. Азиза замонавий хонимларга хос назокат билан сўради:

– Чойми, кофеми?

Жалил ўзини бироз ноқулай сеза бошлади. Муҳит ишлашга эмас, кўпроқ меҳмондорчиликка хос эди.

– Қўйинг, овора бўлманг. Ишни бошлайлик, – деди Жалил.

Азиза ўрнидан турди.

– Аввал биттадан кофе ичайлик, одамни бироз тетиклаштиради. Сиз ҳам, мен ҳам ишхонада чарчаганмиз, – деди-да, ошхона томон йўналди.

Қаҳва ичиш асносида Азиза Жалилни у-бу нарса енг, деб қистади, аммо Жалил тортинди, ийманиб қаҳвани ичди, холос.

– Энди бу ёққа юринг, – деди Азиза ва кичикроқ бир хонага бошлади. – Бу менинг ишхонам.

Бу ерда ёзув столи, айланадиган кресло, пианино турибди, хонанинг бир тараф деворини полдан шифтгача китоб тўла жавон эгаллаган. Столда бир неча қоғоз папкалар, қўлёзмалар, тунчиروқ.

Аёл креслога ишора қилди:

– Ўтиринг. Мана таржимангиз. Хўп десангиз, ман русчасига қараб турсам, сиз ўзбекчасини ўқисангиз. Ўзингиз айтгандай оҳангини эшитар эдик.

Хона четидаги стулни Жалилнинг ёнига келтириб қўйди-да, ўзи ўтирди. Азизанинг атри ва гўзал аёлларга хос дилни қитиқловчи бўй Жалилнинг дилига ғулғула солди. Унинг хаёлини мураккаб матнни таржима қилишдан, луғатлардан баъзи сўзларнинг муқобилини қидиришдан кўра бошқа нарсалар банд эта бошлади. У Азизага қаради, Азиза унга.

– Таклифим маъкулми?

Жалил беихтиёр бош ирғади, аммо у бутун вужудини кўзга айлантириб, Азизанинг кўзларига тикилди. Қаердадир ўкиган эди: оҳунинг айби кўзларида. “Мана шу кўзларга термилиб ўтириб, таржима деган бир қора ишга қандай қўл урасан!..” Йигит ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Азиза ажабланди:

– Нима бўлди, сизга?

– Азиза опа... Мени кечиринг, мен бундай ҳолатда ишлай олмайман.

Азиза ҳам ўрнидан турди.

– Билардим... билардим бир куни шундай бўлишини. Тушунаман... Мани опа деманг, ёшимиз атига уч ёш фарқ қилади... Истасангиз сан дейишингиз мумкин... Лекин... лекин... – Унинг чиройли кўзларида ёш йилтиради. – Мани кечиринг, Жалил, узр, ўзимни тиёлмадим... Ўзи кейинги пайтда кўнглим сал бўшашиб қолган. Сал нарсага йиғлаб юбораман. Узр, мандан хафа бўлманг.

Орага оғир сукунат чўкди. Иккови ҳам ўз хаёллари оғушида қолди. “Эй, Жалил нималарни ўйлаяпсан? Қандай бемаъни хаёлларга боряпсан-а?! Гулдай хотининг бўлса... Бу аёл сени ҳурматингни қилиб уйига таклиф қилса-ю, сен эса... Эҳ, галварс...”

Азиза: “Бу йигит санга холис хизмат қилса, мураккаб китобингни қўшиқдай таржима қилса... Сани дарду ҳасратингни эшитгани келдими у?”

Сукунатни Азиза бузди.

– Келинг, яхшиси бирон-бир куй чалиб берай сизга, – деди-да, пианино олдига

ўтирди. – Нима чалай, кимдан чалай? Ўзимизнинг композиторларданми ёки жаҳон классикасиданми?

– Ўзингизга ёққанини чалаверинг...

Азизанинг нозик бармоқлари пианино клавишлари узра ўйнаб кетди. Беихтиёр хиргойи қила бошлади:

*Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Топиб бер деб, ойга ёлвордим.*

Азиза куйлаган сари мусиқа ва шеър сеҳрига берилиб борарди. Йигит ашулани, мусиқани сел бўлиб тинглади.

– Ёқдимми? – деди Азиза.

– Жудаям. Ажойиб овозингиз ҳам бор экан.

– Икром Акбаровнинг шу музикасини жуда яхши кўраман. Шеър ҳам, ижро ҳам ўз ўрнига тушган... Юрагим сиқилса, шуни хиргойи қиламан... Энди юринг, кофе ичамиз.

Жалил кулди.

– Таржимани қачон кўрамин?

– Улгурамин...

Азиза қаҳва олиб кирди.

– Олинг, конфет билан ичинг. Озгина коньяк қуйиб берайми кофега?

Азиза шкафнинг қайсидир бўлмасидан чиройли шиша олди.

– Бу тоза коньяк. Озарбайжонларники, “Кўккўл”. Кофега озгина қўшилса, жуда хушхўр бўлади, кайфиятни кўтарди.

Коньякни таърифлаш жараёнида аввал Жалилнинг финжонига, кейин ўзиникига қуйди коньякдан.

– Ичиб кўринг, ёқади сизга.

Жалил хижолатомуз кулди. Коньяк аралаш қаҳванинг ёқимли ҳиди томоғини китиклади.

– Коньяк ичиб олсак, таржимани ким кўради?

– Ўн грамм коньякка маст бўлиб қолмасиз, – деди Азиза маънодор кулиб – Шоирлар ичиб олиб ижод қилади, дейишади-ку.

– Биз шоир эмасмиз-ку.

– Шунинг учун озгина, яна кофега аралаштириб ичаяпмиз-да... Парво қилманг, ҳаммасига улгурамин, – деди. Бироз тин олди. – Жалил, аввало сиздан миннатдорман. Китобни таржима қилишга рози бўлганингиз учун. Яширмайман, биринчи боб таржимасини устозимга кўрсатдим. У киши профессор, ўзбек ва рус тилларини жуда яхши билади. Таржимангизни ўқиб, тасанно айтди. “Музыка ҳақидаги китобни бу қадар ширали, оҳангдор таржима қилиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Худо хоҳласа китобингиз қўлма-қўл бўлиб кетади. Менинг номимдан таржимонга раҳмат айтинг”, деди.

– Миннатдорман, сизга маъқул бўлганидан хурсандман. – Қаҳва ҳўплади. – Қаҳва ҳам, коньяк ҳам яхши экан. Дидингизга қойилман.

Азиза кулди:

– Раҳмат...

Жалил яна қаҳва ҳўплади-да, суҳбатдошига юзланди.

– Азиза... – биринчи марта “опа” демади. Бунга Азиза ҳам эътибор берди, аммо

билдирмади. – Агар тўғри тушунсангиз, бир нарса сўрамоқчи эдим.

– Бемалол...

– Танишганимизга, аниқроғи, ҳамкорликда ишлаётганимизга анча бўлди... Қизингиз ҳақида икки-уч гапирдингиз, аммо унинг дадаси тўғрисида бирон марта ҳам оғиз очмадингиз. У киши (негадир эрингиз дегиси келмади) нима иш қилади?

Аёлнинг хандон чехраси бироз тундлашди. Кулиб турган кўзларига маъюслик югурди. Жалилга бир қараб олди-да кўзини олиб қочди. Индамай қаҳва ичди. Жалил ноўрин гапирганини англади.

– Узр, кўнглингизга теккан бўлсам кечиринг...

– Йўқ-йўқ, – деди Азиза. – Зарари йўқ. Шундай савол беришингиз табиий... Биласизми, очигини айтаман, сиз билан қанчалик яқинлашганимиз сари шу темада гап очиб қолмасайди, деган хавотирим ошиб борди. Лекин...

Йигит унинг гапини бўлди:

– Истамасангиз айтманг... Мени кечиринг...

Жувон ўзини қўлга олди. Энди чехраси-ю кўзларидаги маҳзунлик ўрнини бояги хуш кайфият эгаллади.

– Хижолат бўлманг, Жалил... Аслида ман шу темада гапиришни ёқтирмайман...

– Ундай бўлса...

Жалилнинг гапиришига имкон бермади.

– Лекин сизга айтаман... Ҳа, айтаман... Негадир сизни кўп йиллардан бери биладигандайман. Рост сиз сўрамасангиз ҳам айтмоқчи эдим. Фақат қачон айтишни ўйлаб юргандим. Мана, мавриди келди. – У бир зум жим қолди. Оҳу кўзларини йигитга қадади. Жалил ҳам унинг кўзларига термилди. Азиза Жалилдан нигоҳини узмаган кўйи давом этди. – Ҳар қандай эркак аёл билан, айниқса, гўзал аёл билан, – шу сўзларни таъкидлаб айтди ва чиройли жилмайди, – ёлғиз қолганида турли хаёлларга бориши аниқ. – Энди найза каби киприкларини ерга қаратди. – Аёллар ҳам фаришта эмас... Хусусан, сиз сингари келишган, ақлли, билимли йигитлар олдида. Шу сабаб бор нарсани очик айтмоқчиман... – Жалилнинг юраги гупиллаб ура бошлади. – Биз эрим билан севиб-севилиб турмуш қурган эдик.

“Эдик...” Демак, ҳозир эри йўқ экан-да”, ўйлади йигит.

– Аммо бу севги узоққа чўзилмади... Беш йил бирга яшадик, бор-йўғи беш йил. – У бироз маъюс тортди. Овози титради. Нигоҳини бир нуқтага қадаб сўзида давом этди. – Шундай бўлди, Жалил... Ҳолбуки, биз беш йил бирга ўқидик, беш йил севишдик, беш йил не-не орзулар қилдик. Бу беш йилнинг кучи бор-йўғи беш йилга етди, холос... Тўйдан кўп ўтмай негадир муносабатларимиз ўзгара бошлади... Йўқ, ман эримни айбламайман, ундан ҳеч қандай ёмонлик кўрмадим. Эримнинг ота-онаси ҳам, ака-укалари, сингиллари ҳам тилла одамлар... Аммо турмушимиз бўлмади. Сабабини тушунтириб беролмайман... Шундан кейин ман бир хулосага келдим: тўйдан олдинги ҳаю ҳаваслар бошқа, оила бошқа экан. – Унинг атиргулнинг гунчасидек лабларида кулги-ю шахло кўзларида ёш жилваланди.

– Нималар деяпсиз, Азиза? – деди Жалил. – Нега бундай фикрга бордингиз? Севиб турмуш қуриб, қўша қариганлар камми?

– Тўғри айтасиз, бундайлар кўп, эллик йил, ундан ҳам кўп бирга яшаганлар бор. Лекин, биласизми, Жалил, улар ақл билан иш қўрган, ақл билан яшаган, ақл билан оилани сақлаб қолган, оила – муқаддас, уни барбод қилиш гуноҳ, деган ақидага амал қилган. Ман билган оилаларнинг баъзилари бурч юзасидан, айримлари фарзандларини ўйлаб, яна бошқаси жамиятдаги мавқеини, мансабини йўқотишдан қўрқиб яшапти. Тўғри, муҳаббат билан яшаётганлари ҳам бор, балки улар кўпроқдир... Ман уларга ҳавас қиламан, шундай қилиш кераклигини биламан.

Лекин биз, аниқроғи, ман шуни эплей олмадим, кўлимдан келмади. Буни тан оламан.

– Ростданам оила – муқаддас, бир никоҳ бузилса арш ларзага келади, дейишади. Оила кургандан кейин унинг аччиқ-чучигига чидаш керак...

Азиза Жалилнинг гапини бўлди.

– Бўлди, Жалил, бу гапларни кўп эшитганман... Ўзим ҳам биламан... Мани фамилиямни биласиз, адамланнинг исми Пўлатхўжа эди. Оиламизда диний темада ҳам суҳбатлар бўлиб турарди... Никоҳ муқаддаслигини, у Оллоҳ томонидан буюрилганини... Ҳаммасини биламан. Яна шуни ҳам биламанки, айнан диний нуқтаи назардан, келинга ҳурмат билан қараш керак. Кечирасизу баъзи оилаларда келинга хизматкордай муносабатда бўлишади. Ё нотўғрими?... Йўқ, ман келин бўлиб тушган оила ундай эмас. Улар жуда замонавий оила... Ман умуман айтаяпман-да... Аммо юракка, кўнгилга буйруқ бериб бўлмас экан-да. Нима қилай?... Сиз нима деб ўйлайсиз, Жалил, нима учун илгари, яъни, ота-боболаримиз даврида ажралишлар кам бўлган?

– Одамларда имон, эътиқод, орият кучли бўлган. Аёллар иболи, хаёли бўлган.

– Нима, ҳозирги аёллар ҳаёсиз, ибосизми? Йўқ, ундай дея олмайсиз. Енгил табиатли аёллар ҳам, шунақа эркаклар ҳам ҳар доим бўлган. “Майиз емаган хотин”лар илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Балки ҳозир кўпроқдир... Аммо менинг назаримда, бунинг сабаби бошқа. Илгари ёшлар асосан ота-онасининг хоҳиши билан турмуш курган, бўлажак келиннинг ҳам куёвнинг ҳам етти пушти суриштирилган, севдим-куйдим, деган гаплар деярли бўлмаган... Ёшлиқда, осмонда учиб юрганда ҳаётнинг мураккаб томонлари кўзга кўринмас экан. Турмушнинг икир-чикирлари шу қадар кўпаканки, унга чидаш осон эмас экан. Ёки нотўғрими?

– Тўғри, – деди Жалил. – Аммо бу борада аниқ бир қоида йўқ-да. Ҳар бир оила ўзи бир олам, ўзи бир дунё. Лев Толстойнинг гапи гап: “Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир”. Ҳар бир ажрашган оилада эр ҳам, хотин ҳам ўзини оқлашга сабаб, асос қидиради ва ўзича топади ҳам.

Азиза Жалил томонга бироз энгашди. Секин, аммо қатъий оҳангда сўради:

– Қани манга айтинг-чи, бир-бирига етишган ҳақиқий муҳаббат эгалари борми?.. Мана, сиз адабиётни, тарихни яхши биласиз. Борми шундай севишганлар? Тоҳир ва Зухрами, Фарҳод ва Ширинми, Лайли ва Мажнунми, Ромео ва Жульеттами? Ким, қайси бири? Бир-бирига етишган ошиқлар ҳақида одамлар асрлар давомида севиб ўқийдиган асарлар яратилганми? – Жалил гапиришга оғиз жуфтлади, бироқ Азиза имкон бермади. – Биламан, Отабек билан Кумуш демокчисиз. Кечирасиз, аввало Қодирийнинг асл мақсади бу романи орқали фақат икки ёш муҳаббатини улуғлаш эмас. Китобни ўқимай, кинони кўрган одам шундай хулоса қилади... Қолаверса, Отабек билан Кумушнинг севгиси неча йил яшади?... – Орага оғир сукунат чўқди. Азиза бир кўтаришда қаҳвани ичиб юборди. – Биламан, бу гаплар бизнинг менталитетимизга тўғри келмайди ва ман кўнгил, деб, сал нарасага оилани бузиб кетавериш керак, дейишдан йироқман. Йўқ! Асло! Ҳатто ўзимнинг ҳаракатларимни ҳам оқламайман. Фақат муҳаббат оила кургандан кейин ҳам сўнмаса, дейман...

– Муҳаббат ҳақиқий бўлса ҳеч қачон сўнмайди.

– Балки...

– Бир нарсани сўрасам майлими? – деди Жалил.

Азиза маънодор кулди.

– Яна нима?

– Кўрқманг, дилингизни оғритмайман.

- Нега кўрқар эканман, – деди аёл ўқтам. – Истаган нарсангизни сўрайверинг.
- Яна кимнидир севиб қолишингиз мумкинми?
- Азиза кулди. Шифтга термулиб жим қолди. “Сизними?” демоқчи бўлди-ю, ўзини тийди.
- Билмадим... Балки...
- Борди-ю шундай бўлиб қолса, нима қиласиз? Сизнингча, турмуш куриш мухаббатни сўндиради-ку.
- Ўзимнинг калтагим билан ўзимни урмоқчи бўляпсиз-а.
- Йўқ... Шунчаки сўрадим-да...
- Борди-ю шундай бўлиб қолса, ўшанда кўрамиз нима қилишни. Оила куриш учун жуда катта масъулиятни зиммага олиш керак. Буни яхши биламан. Бошимдан ўтказдим... Бу ишга яна қўл урамани-йўқми... Билмайман... – Муғомбирона кулди.
- Мабодо кимнидир севиб қолсам, шунчаки севаман.
- Яъни?
- Яъни, қалбан севаман. Машхур асарларнинг қаҳрамонлари бир-бирининг лоақал қўлини ҳам ушламаган. Тўғрими?
- Сиз ҳам бирон асарга қаҳрамон бўлмоқчимисиз?
- Қўйсангиз-чи... Одамни масхара қилманг...
- Нега энди... Ҳай, майли, бу гапларни кўййлик. Сиз қанақа гулни яхши кўрасиз?
- Навбатдаги саволингиз туғилган кунингиз қачон, деб сўрайсиз? Шундайми? Жалил кулди.
- Топағон экансиз.
- Шундай бошланади ҳаммаси... Ман гладиолусни яхши кўраман... Иккинчи саволингизга жавоб йўқ. Чунки туғилган кунимни ўзим ҳам билмайман.
- Буниси ғалати бўлди-ку.
- Ман шунақа ғалатироқ одамман. Сезмадингизми? – Азиза ўрнидан турди. – Таржимани кўрамизми?
- Кўрамиз, – деди Жалил, – фақат битта илтимосим бор.
- Эшитаман...
- Нима десам экан... – Жалил фикрини қандай ифодалашни ўйлади.
- Айтаверинг, тортинманг, – деди Азиза.
- Фақат мени тўғри тушунинг, илтимос... Мендан сал узоқроқ ўтирасиз...
- Азиза шарақлаб кулди. Унинг кулгиси шу қадар беғубор, шу қадар шодон, аини чоғда киноямуз чиқдики, Жалил ўзининг гапидан ўзи уялиб кетди. Қулоқларигача қизариб, юзлари ловуллади.
- Кўркманг, – деди Азиза ва Жалилнинг қўлтиғидан олди. – Юринг, сиздан бир километр узоқда ўтираман... Нақадар юраги тоза, софдил йигит экансиз-а... Сизни учратганимдан, сиз билан ҳамкорлик қилаётганимдан жуда хурсандман. Яна айтаман, аксарият эркаклар аёлларга, айниқса, чиройли аёлларга бўри кўзичоққа қарагандай қарашади... Сиз эса тескарисини... Кўркманг, сизни еб кўймайман... Аслида сизни китобга қаҳрамон қилиб олиш керак.
- Йўғ-э. Сиз турганда бизга йўл бўлсин. Ўша Ширину Лайлидан, Кумушу Раънодан қаерингиз кам. Сиз улардан ўн чандон гўзалсиз, латофатлисиз... Очиғи, сизни биринчи марта кўрганимда кўзларимга ишонмаганман – шу қиз ҳам инсон боласими ёки фариштами, бу малак, бу паризод қаердан келди, тушимми ё ўнгимми, деб гангиб қолганман.
- Лофни ҳам жа-а оларкансиз-да...

– Йўқ, Азиза, бу лоф эмас, хушомад ҳам эмас, бор гап. Шунинг учун сизга яқин боришдан, ёнма-ён ўтиришдан қўрқаман. Сиз мисоли ловуллаб турган қип-қизил чўғсизу яқинлашсам куйиб қоладигандайман.

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёгинг яхши.*

Навоий ҳазратлари шу рубойисини сизга бағишлагандай гўё.

Азиза кулди. Жалилнинг мактовлари унга ёқаётгани сезилиб турарди.

– Ў-ҳу, жуда ошириб юбордингиз-ку. Навоий қаёқдаю биз қаёқда.

Шу куни кечгача гашлашдилар. Таржиманинг бор-йўғи беш бети кўрилди, холос.

Китобнинг таржимаси ярим йилга чўзилди. Иккаласи ҳар бир жумла, баъзан бир сўз борасида узоқ тортишган пайтлар бўлди. Бу аснода Жалил қанча газаллар ўқиди, Азиза не-не мусикаларни ижро этди, ашулалар куйлади. Бундай ҳамкорликда ишлаш Жалилга ҳам, Азизага ҳам хуш келди. Бошида бу китобни таржима қилганимча она сутим оғзимга келса керак, деб ўйлаганди Жалил. Аммо бир-икки бобини ўгириш ва Азиза билан ишлаш жараёнида мусикага, мусиқа илмига ишқи кучайди. Олдин таржимани қачон битираман, деб ўйлаган бўлса, кейинчалик уни тугатишни пайсалга сола бошлади.

Ҳар бир ишнинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам бўлади. Таржима ҳам тугади...

* * *

Яна жиринглади Жалил Ниёзовичнинг телефони. Яна ёрдамчиси. Сал малолланиб олди телефонни.

– Яна нима гап, Феруз?

– Эртага соат тўққизда йиғилиш боракан.

– Қаерда?

– Вазирликда, – деди Феруз.

Йиғилиш қайси масала бўйича, ким ўткизади – сўрамади. Ёрдамчисининг гапини кесди.

– Биринчи ўринбосар борсин... Мени сўраса бетоб десин. – Шундай деди-ю, телефонини ўчирди.

* * *

Жалил илмий иши бўйича домласи айтган таклифларни ишлаб ўтирганди, телефонга чақиришди.

– Лаббай, – деди Жалил гўшакни оларкан.

Ўзига кадрдон қўнғирокдай овоз жаранглади:

– Жалил мани табрикланг... Китоб чиқди, бугун етти нусха беришди.

Жалилнинг юраги ҳаприкиб кетди. Худди ўзининг китоби чиққандай астойдил суянди.

– Табриклайман, чин қалбимдан табриклайман, – деди ҳаяжон билан. – Азиза...

Мен ҳозир...

Гўшакни қўйди-ю хонасига югурди. Стол устидаги қоғозларини апил-тапил йиғиштирди-да кўчага отилди. Учинчи қаватдан зиналардан эмас, гўё қанот боғлаб учиб тушди.

Бир соатлардан кейин Азиза уйининг қўнғироғи қаттиқ жиринглади. Азизанинг юраги гупиллаб урди. У сезди, у билди – Жалил келди. Эшикни очди. Остонада бир кучоқ оловдай кип-қизил гладиолус кўтариб Жалил турарди. У таклифни ҳам кутмай ичкарига кирди. Азиза оппоқ, нозик қўлларини Жалилнинг бўйнига солди. У биринчи марта Жалилни кучоқлади, астойдил, меҳр билан, балки муҳаббат ила кучди.

Йигит буни кутмаган эди. Бир зум ўзини йўқотди. Аёлнинг кўзларига термулди. Унинг кўзлари шу қадар яшнаб турардики, Жалил ўзини тиёлмади. Ўша кўзларга лабини босди. Сўнг уларнинг лаблари қовушди. Бу ҳолат қанча давом этди, Жалил билмайди, аммо бир умрга муҳрланди бу лаҳзалар. Қачон эсига тушса, бутун вужуди титраб кетади, Азизанинг ақиқ дудоқлари таъми ҳали ҳам лабида тургандай бир тамшаниб қўяди.

Азиза секин, жуда секин шивирлади:

– Раҳмат сизга, жо... Жалил... Борингизга шукур. Мани осмону фалакларга чиқариб қўйдингиз... Раҳмат... жоним... – Охирги сўз эшитилар-эшитилмас чикди.

Жалил Азизанинг кўзларидан кўз узолмай деди:

– Сизни...

Азиза унинг лабларига ингичка, нафис бармоқларини босди.

– Бас... бошқа гапирманг... Илтимос...

Жалил ўзини йўқотган эди. У бу дунёда эмас эди гўё.

Ҳаяжонли ва ҳароратли бу лаҳзаларни қанчалар истамасин, иккови ҳам ўзини тийишга куч топа олди.

– Юринг, китобни кўрсатаман, – деди Азиза.

Журнал столида бир нечта китоб турарди. Азиза улардан бирини олиб, Жалилга тутди.

– Мана...

Китоб жуда чиройли нашр этилган эди. Қаттиқ муқовали, осмон рангида, рассом муқова беагини дид билан ишлабди. Бир қарашдаёқ мусиқа ҳақида экани билинади. Таржимон китобни оҳиста варақлади.

– Яна бир бор табриклайман, – деди Жалил китобни столга қўяр экан. – Жуда чиройли чиқибди, ўзингиз каби. Бардавом бўлсин...

– Сизга катта раҳмат... Унутмайман... Сизнинг ҳам шунақа китобларингиз чиқишини истайман.

– Раҳмат...

Азиза ўзига хос назокат билан сўради:

– Чойми, кофеми?

– Шарт эмас... Мен кетаман.

– Қаёққа?! – деди Азиза ҳайрат билан. – Шундай кунда бир пиёла чой ичмай... Ҳозир кофе олиб келаман.

Қаҳва ичиш асносида у ёқдан-бу ёқдан суҳбатлашдилар.

– Янги китоб ёзаяпсизми? – деб сўради Жалил.

– Аввал диссертациямни ҳимоя қилиб олай. Кейин кўрамиз.

Жалил кулди.

– Таржима қилардик-да.

Азиза ялт этиб Жалилга қаради. Юзлари қизарди. Сўнгра ўйчан ҳолда ўзига ўзи

гапирган каби шивирлади:

– Ёзаман... Ҳали кўп китоб ёзаман... Уларни сиз таржима қиласиз... Фақат сиз...

...Аста-секин уларнинг учрашуви, суҳбатлари сийраклашди. Зотан, уларнинг учрашувига сабаб ҳам, баҳона ҳам йўқ эди.

Бу орада Жалил масъул идорага ишга ўтди. Кейин катта бир ташкилотга раҳбар этиб тайинланди. Бутун вужуди билан ишга шўнғиб кетди. Кунда-кунора мажлис, турли топшириқлар. Сўфи азон айтмай ишга келади, икки хуфтонда уйга қайтади. Бир қолипга тушди-қолди. На тўй-ҳашам бор, на улфатчилик, на байраму дам олиш... Барчаси лексиконидан ўчирилди. Фақат иш, йиғилиш, ҳисобот, мажлис.

Азиза уч-тўрт кўнғироқ қилди. Бир марта қисқагина саломлашди, бемалол гаплаша олмади. “Ўзим қиламан, узр, ҳозир олдимда одамлар бор эди”, деди. Аммо қилмади, қилолмади, минг хил ташвиш билан ёдидан кўтарилди. У банд эди, жуда банд эди. Ёлғон бўлмасин, бир марта кўнғироқ қилди. “Терилган рақам тармоқда мавжуд эмас”, деган жавоб келди. “Демак, Азиза рақамини ўзгартирибди... Майли, ўзи қилиб қолар...” Йўқ, қилмади, Азиза бошқа кўнғироқ қилмади. Жалил билади – Азиза ўз қадрини биладиган, мағрур жувон. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ғурурини ерга урмайди.

* * *

Жалил Ниёзович шу тотли хаёллар билан машинадан тушди. Гулни олди.

– Сен шу ерда қол, – деди ҳайдовчисига.

Азизанинг қабрига борди, авайлаб гулларни кўйди. Қуръон тиловат қилди. Қабртошдаги ёзувга разм солди. Икки йил бўпти-да вафот этганига... “Нега мен эшитмадим? – Ўзини ўзи қойий бошлади: – Қаердан эшитасан? Кеча-ю кундуз ишдан бўшамасанг... Болаларингни, невараларингни неча кунлаб кўрмайсан-ку... Азизани охирги марта қачон кўрувдинг, у билан қачон гаплашувдинг?.. Эсингда йўқ, ҳа, ҳатто эслай олмайсан... Наҳотки, иш деб одамгарчиликдан чиқиб кетган бўлсам... Нимадир илтимос қилувдими?.. Қизи чет элга кетиб, ўзи ёлғиз қолган дейишувдими?”

Жалил Ниёзович қабртошдаги Азиза Эшонхўжаева деган ёзувга термилди. Рўпарасида бундан ўттиз йил олдинги Азиза тургандай туюлди. Кўзлари намланди, лаблари пичирлади: “Азиза, мени кечир... Сендан хабар ололмадим... Бугун сен яхши кўрадиган гулни ҳам топиб келолмадим. Мендан рози бўл... Жойинг жаннатдан бўлсин, азизам...”

У қабристондан чиқканда қош қорайиб қолган эди. Ҳайдовчиси унинг аҳволини кўриб, ҳайрон бўлди. “Унча-мунчага бўйин бермайдиган, қанча ташвишларга парво қилмаган одам бугун нега мунча ғамгин, мунча тушқин?” Ўйларини тилига чиқармади.

– Идорагами? – деди, холос.

– Йўқ, уйга...

Жалил Ниёзовичнинг овози жуда маҳзун чиқди...



Аҳмад ХЎЖА

Кунлар кўтармоқда йиллар юкини

Баҳор шамоли

Юзимга урилар баҳор шамоли,
Тоғ-тошлар бағридан булоқ тирқирар.
Қанча очилмасин боғлар жамоли,
Менинг хаёлимни тортолмас сира.

Осмонда юлдузлар чакнар бокира,
Ҳар бири – кимнингдир умид, хаёли.
Улар ҳам мен учун туюлар хира,
Кўнглим овламоққа етмас мажоли.

Қўй, дўстим, беҳуда бўлма парвона,
Бўлиша олмассан бу кўнгил ғамин.
Дунё гўзаллигин қилмагил таъна,
Гумроҳликка йўйма кўзларим намин.

Бу маҳзун ҳолимга ахтармагил кор,
Сўрама, не дард бор ичу тошимда.
Эҳтимол, мен учун даъватинг бекор,
Таскининг ҳам бекор менинг қошимда.

Нетай, ҳижронида ёниб-қуйганим,
Ҳаттоки, дунёдан юз бурганим, рост.
Менинг айбим – унга кўнгил қуйганим,
Гуноҳим – юракдан севганим, холос.

Аҳмад ХЎЖА – 1952 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Юлдузлар сеҳри”, “Сабоқ”, “Бувим билан учрашув”, “Биз икки дунёмиз”, “Карвон ва сарбон”, “Садоқат чашимаси”, “Сайланма”, “Шаҳанд”, “Сени қизганиман...”, “Қалб эшиги” каби китоблари нашр этилган.

Юзимга урилар баҳор шамоли,
Тоғ-тошлар бағридан булоқ тирқирар.
Қанча очилмасин боғлар жамоли,
Менинг хаёлимни тортолмас улар.

Сўнгги одам ҳақида баллада

*Баъзи олимларнинг фикрича, неча
миллиард йиллардан сўнг қуёш ҳам
сўнармиш.*

Ногаҳон, зарбини ўтказса дунё,
Кимдир қайғу билан эгиб қолса бош,
Қай бир дилкаш одам бўлади пайдо,
Кўнглин ёритади бир меҳри қуёш.

Олам йиллар оша боради қариб,
Беташвиш болалар – эртага бобо.
Яхши одамларни кўп кўрган тарих,
Эъзозлай олмаган барчасин аммо.

Устоз шогирдига меҳр этди нисор,
Йўлларин ёритди бамисоли моҳ.
Ариқ қазиб, ташна кетганлар мисол,
Ўтди! умр деган мангумас, эвоҳ!

У-ку, шогирдидан хирож кутмасди,
Ахир, инсон меҳри берилмагай қарз.
Шогирд ҳам қарздорман демасди асти,
Хаёл қилмас эди тўламоқ эваз.

Беустоз, етимдек абжир курашди,
Нурли манзилларга ета олди у.
Қанча ташналарга меҳрин улашди –
Устоз ариғидан тутган каби сув.

Ҳаёт оғушида уйғонади гул,
Тиниқ сув остида кўринади тош.
Зулмат қалбларга ҳам кириб борур нур,
Умрлар уфқида юксалур қуёш.

Барибир, бу олам боради қариб,
Шўхчан бола бир кун – пурҳикмат бобо.
Яхши одамларни кўп кўрар тарих,
Қадрлай олмагай барчасин аммо.

...Хаёл туманида милтиллайди чўғ –
Умр интиҳоси муқаррар қуёш.
Юлдузлар қуёшдан нур оларди, йўқ –
Энди ўзи бенур, эгиб турар бош.

Барча одамлардан айрилган, хайҳот,
Яхшию ёмонлар – ўтган бариси.
Энг сўнгги одам бу – мотамсаро зот,
Йигирма беш ёшли дунё қариси.

Устозлар қўлидан сув ичганди у,
Меҳр пиёласи эди шуълавор.
Коинот қаърида нур кечганди у,
Наҳот, бўлиб қолди энди унга зор.

Яхшилик кўрсаю уни қайтариш –
Вақти етганида тугаса ҳаёт.
Изоҳ бер, табиат, бу қандай қариш,
Унга шуни раво кўрдингми, наҳот?

Нолалар учгандай инграган найдан,
Самога ўрлайди менинг ҳам оҳим.
Соқов илҳомимга тил бердинг қайдан,
Қайдан сен бахтсизга тушди нигоҳим.

Қанча эраларнинг тумани аро,
Мурғак хаёлимга қайдан илашдинг?
Ҳолингга йиғлайман, эй бахтиқаро,
Йўлин тополмасдан бошинг силашнинг.

Бу соҳир ҳаётнинг, учкур замоннинг
Кечасидан афзал экан бу куни.
Бугун ҳам - эртанинг сирли армони,
Кунлар кўтармокда йиллар юкини.

Эҳтимол, кўкдаги сўнган юлдуздай,
Тарихдан ўчади биз солган излар.
Балки, бизни фикринг илғай олмагай,
Қайси миллионинчи бобонгмиз бизлар.

Бизнинг замонларни этмиш мухтасар,
Тарих китоблари – санаб бўлмас жилд.
Сен унга қанчалар ташлама назар,
Армонли юрагинг, асло этмас қилт.

Сен унда кўрарсан, тор келиб дунё,
Кимлардир бузганин олам жимлигин.
Улар юзларига тутганлар қаро –
Англатгиси келмас, асло кимлигин.

Меҳр пиёласи – қуриган қудуқ,
Юрак қонларида – югурар заҳар.
Одам ўлдирмоқлик – бекиёс ютуқ,
Шон эди уларга ёндирмоқ шаҳар.

Улар оқ қоғознинг қора доғидай,
Тарих варағида кўринур аён.
Лекин, баъзиларни тўла англамай,
Номуҳим нарса деб, этилмас баён.

Одамлар бўларди,
Соҳиби имкон,
Лекин, бор меҳрин ҳам тутгувчи дариг.
Улар ўз умрида, хуллас, ҳеч қачон,
Биров деб қазмаган, бирорта ариқ.

Кунларинг ортида – кунлар карвони,
Кунларинг олдида – охирги завол.
Аста ўқилмоқда фано фармони,
Сенчи, яхшилиқни қиляпсан хаёл.

Умрлар нисбатин ўйласанг обдон,
Ёмонлар бўлганин билсанг агарда,
Балким, тақдирингдан бўлмассан нолон
Қуёш сўнаётган машъум саҳарда.

Сўниқ кўзларингда, сўнар сўнгги нур,
Сўнгги нафасингни олиб бемалол –
Чинордай гурсиллаб қуларсан мағрур,
Нима бор дунёда мангу, безавол?

Ҳордик

Ҳордик – оёқ-қўлни узатмоқ эмас,
Олиб кетмоқ эмас, тоғ-тошларга бош.
Балки, ўз-ўзингла сўзлашмоқ бесас,
Ҳориган руҳингда уйғотмоқ бардош.

Ҳордик – ётмоқ эмас сокин қўл каби,
Ё сойлар ортидан чопмоқмас, инон.
Бироз тинчлантирмоқ таранг асабни,
Келажак кунларга киргали комрон.

Аския айтишмоқ эмас у зинҳор,
На бебурд ҳисларга кўнгил боғламоқ.
Ҳордик – куч йиғмоқдир,
Тўпламоқ мадор,
Яна курашларга ўзни чоғламоқ.



Малоҳат МИРЗАЕВА

Юрагимга қайтсин шафақнинг туси

Қадим Найман

Қадим Найман.

Маъюс оҳанг, маҳзун, мумтоз нолам бор,
Наволарим тошдек оғир, оҳим осмон титратар.
Мавжларимда ҳасрат оқар, авжларимда армон бор,
Куйман куйган юракларни чок-чокидан идратар.

Мен шундайин бир оҳангман, тебранади англаган,
Тебрангандай болаликда ётган ёғоч бешиги.
Оҳларимдан оромланиб тин олади тинглаган,
Эшитгандай онасининг айтган алла қўшиғин.

Қадим Найман.

Зириллайди бандим эзгин навомдан,
Шаббодалар артиб қўяр, билдирмай кўзёшимни,
Куйларимда гоҳи масрур, гоҳ мискин, нотавонман,
Кўп асрлик қадим созман, Худо билар ёшимни.

Дарду гардун эй юраклар, тингланг, келиб яқинроқ,
Най ноласи таралганда тебранади бу олам.
Сел бўласиз, янграганда мумтоз куй "Чўли ироқ",
Қалбингизнинг гардларини аритар дардли нолам.

Куйлаганда муҳаббатдан, ҳислар туси қаҳваранг,
Зорларимда Зайнабларнинг, Зухроларнинг саси бор.
Сокин куйман ҳам висолга, ҳам фироққа ҳамоҳанг,
Оҳларимда Отабекнинг, Тохирнинг нафаси бор.

*Малоҳат МИРЗАЕВА – 1968 йилда тугилган. Тиббиёт билим юртини битирган.
Шоиранинг “Ишқ ифори” шеърий тўплами чоп этилган.*

Қадим Найман,
Эй ёронлар, қадимий бир навоман,
Муғаннийим соҳирийдир, жисмим оддий камишдан.
Бир ноламда Одам Ато, бир ноламда Ҳавоман,
Кўзёш тўкинг, енгиллашсин дил илоҳий хонишдан.

Қадим Найман...

Меҳржон

Бир муштипар она мустар қариялар уйида,
Сочи қиров, нигоҳлари хира тортган ғариб жон.
Шу ҳолда ҳам фарзандлари чиқмас хаёл, ўйидан,
Дарак бергин, қаерлардан излай сени, меҳржон.

Бир даргоҳ бор, қўним топган гўдакларнинг қанчаси,
Боқсанг қалбга санчилади синиқ нигоҳ парчаси,
Тамбаланар эди, келсанг, етимхона дарчаси,
Дарак бергин, қаерлардан излай сени, меҳржон.

Бок, чақалоқ ахлат кути ичра йиғлар биғиллаб,
Бандасининг қилмишидан замин турар зириллаб,
Ташлаб кетма, ахир, дунё қолар сенсиз хувиллаб,
Дарак бергин, қаерлардан излай сени, меҳржон.

Эту тирноқ оға-ини бир қориндан тушишган,
Фиск қулидир, мол талашиб, ёқавайрон боғишган,
Ғайрлардан баттар бўлди, қара, икки туғишган,
Дарак бергин, қаерлардан излай сени, меҳржон.

Дамсозимсан, дилдан дардим тўкай сенла тиллашиб,
Кетдингми ё сен момоннинг чорсисига илашиб,
Келгин бугун, ҳар мардумга чиқайин тенг улашиб,
Дарак бергин, қаерлардан излай сени, меҳржон.

Дарак бергин, қаерлардан излай сени, меҳржон.

Пушти шамсиям

Товланади қорачиқда биллурдайин томчилар,
Майин ёмғир огушида яйрай бошлайди танам.
Сезаяпман мендан гина қилиб маъюс ғичирлар,
Эшигимнинг тутқичида қолган пушти шамсиям.

Мен жалани соғинганман, сен бўлмагин домангир,
Муздай ёмғир боссин куюк юрагимнинг оҳини.
Ҳасратларим ивисину тўкилиб кетсин бир-бир,
Ва томчилар ювиб кетсин қалбимнинг сиёҳини.

Ёмғир чак-чак сизиб тушар, сочларимни пайпаслаб,
У фалакнинг тараҳҳуми, удир беназир инъом.
Пушти рангли меҳрлигим, ҳеч боқмагин аразлаб,
Сенсиз ёмғир остида, мен кезмоқчиман беармон.

Мана ёмғир тинди, қалба қувонч қолди осмонча,
Енгил бўлдим, тарк этгандек бўлди дилдан бор алам.
Шодлигимга шерик бўлиб, сездим менга боққанча,
Сен ҳам бироз жилмайгандек бўлдинг, пушти шамсиям.

Товланади қорачикда биллурдайин томчилар.

Айтинг

Айтинг, энди туйғуларим сизга малол бўлдим,
Бағрим ёққан ул лаҳзалар, энди ҳаёл бўлдим?
Тунлар чўкса сиёҳидан бу вужудим увишар,
Ўзгаларнинг ойбалдоғи сизга ҳилол бўлдим?

Хушнуд эдим, ишқингизнинг чангалига тушгунча,
Моҳитобон малак эдим, алдов юзим тилгунча,
Саҳродаги янтоқ бўлай, ишқдан адо бўлгунча,
Сирти сокин лойқа сувлар сизга зилол бўлдим.

Юзим чайдим, билмай туриб, ёқут кўзли булоққа,
Қаердан ҳам кўзим тушди, сохта кулган қароққа,
Энди жавоб истаяпман тизгинсиз бир сўроққа,
Менга оғу изтироблар сиз учун бол бўлдим?

Зорларимдан қовжираган хазонга ўт илашди,
Кўзёшларим тошқин-тошқин дарёларга туташди,
Умидларим кул қилгувчи чақмоқ билан тўқнашди,
Маккоранинг қув нигоҳи сизга жамол бўлдим?

Минг андуҳлар менга бўлсин, майли кўниб, чидайн,
Бахтдан сармаст бўлинг, сизга шодумонлик тилайн,
Мен кўнаман, айтинг, кўнгил кўнмаса не қилайн,
Юрак билан ўртамизда ишқ деб жидол бўлдим?

Вафо султон экан, асли, чин ошиқлар ўйида,
Нетай, менинг дилим абгор, бир беқарор кўйида,
Муножотим ошкор бўлса, бўлар ҳофиз куйида,
Ишқдан мерос қайтармикан номлиғ савол бўлдим?

Билсангиз

Билсангиз, бу дилнинг дийдаси қотди,
Қаердан излайин мен унга малҳам.
Адоғсиз алдовлар юракка ботди,
Сиздан топганим шу ғуссаю ситам.

Бас, совуқ симларда қотсин сасингиз,
Тинглагим келмайди, бари афсона.
Эртакдаги гумроҳ ўзим, билсангиз,
Ўзимман адашган мужрим девона.

Умримни ўлчайди озортаб соат,
Бетиним "чик-чик"и сабрим емирар.
Кўнаман, бардошим етмайди факат,
Асотирдай умрим ўтса бесамар.

Сайр истаб оҳиста боғ томон юрдим,
Насимлар ёноғим сийпалаб кўйди.
Шабнамлар юзида аксимни кўрдим,
Тингладим ногоҳон, сеҳрли куйни.

Шафтоли шохига рўмолим осдим,
Япроқларга шайдо чакнади кўзим.
Сурхи чечакларни бағримга босдим:
– Бахтлиманми? – дедим ўзимга-ўзим.

Эртакда яхшилар муродга етган,
Гўзал интиҳо бор, ахир, эртакда.
Бир бор экан, аммо, бирда йўқ экан,
Гулиқаҳқаҳ кулар энди юракда.

Билсангиз, бу дилнинг дийдаси қотди,
Қаердан излайин мен унга малҳам.

Хонқизи

Бахтим – қўлларимдан учган хонқизи,
Юракка қирмизи қанотинг ботган.
Сендан мерос қолди кафтда қон изи,
Ва етим ишқ мерос, аламинг тотган.

Ноламдан ҳуркийди мудраётган қуш,
Ерни чангитади безовта тулпор.
Эй, воҳ, оғушимда титраётир қиш,
Наҳот, энди сенинг қайтмоғинг душвор.

Энди, армон яшар юракни доғлаб,
Қўрғони қаро тун, унсури тошдир.
Сен тониб кетганинг ишқни ардоқлаб,
Яшаяпман, ахир исмим бардошдир.

Бўлди, энди исён қилмайман, етар,
Юрагимга қайтсин шафақнинг туси.
Тушларимда ҳамон ишқдан май тутар,
Қанотлари олранг гўзал хонқизи.



Олмалик ДАЙНОВ

Зубайда

Қисса



– Бекорга Омон полвоннинг доврўғи Ўрани тутдими? Ўрада Омондайлар кам эди дейсизми? Зубайда туфайли “единний”га айланди-ку полвонингиз.

– Гапингиз филҳақиқат, Пирнакул, кураги ер искамаган Омон полвон, чобогоннинг зўри Омон полвон, бойларнинг бойи Омон полвон, элнинг гапга етари Омон полвон, йўл созлатган, кўприк қурган Омон полвон...

Пирна кап-кап Норқобил бир тортарнинг гапини кесди:

– Бир тортар ака-а, сиз-ку, Омон-Омон деяпсиз-да, кўприк “Зубайданинг кўприги” номи билан тарихда қолди-ку. У йилги катта селдаям қилт этмади-ей баччағор! Шунда “чертўж”чиларнинг гапигаям кирмади-я. Чин каллалиякан-да Зубайда.

– Ниманики бўлса эл ўз номи билан атайди-да, Пирнабой!

– Уям-ку майли-да, жунсоқол акамам билади. Моли-дунёси дунёга сиғмаган Омонингиз ул кўриб, элга тўй бериш орзусида ичи куйиб юрганида Зубайданинг ўзи бош бўлиб, Омонни уйлантирганига нима дейсиз?

Уккағор Норкумуш келинам потирдатиб Ҳасан-Ҳусанни туғиб берди-я!

Зубайданинг ўзи “тирнир”лик қилиб кундошининг бачаларини бир қарчилигидан курашга ўргатганига қойил қолардим-ей!

– Пирнажон, барини кўябер. “У гапдан бу гап айлансин”, дегандай Пирмамат полвон бовангнинг манглайи беш қаричакан дейман. Инсультдан тўшакка михланиб қолганди бечора.

Ҳар икки куннинг бирида Зубайда келин кўзини боғлаб олиб, бобони чўмилтириб, соч-соқолини киртишлаб, курутдай оппоқ ясантириб, томоғига “лични” ўзикарашарди. Зубайдадай келиним бўса-ю, тўшакда ётсамам майли деярдинг, кўрсанг!

Олмалик ДАЙНОВ – 1951 йилда туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тамомлаган. “Ўқиган калла”, “Дарвешнинг ислоҳоти” ва “Кўнгил иши” сингари асарлари чоп этилган.

– Бир тортар ака, эрта биров, “Шоп-шоп дегинча шафтоли десанг-чи” деганакан. Шундайин, отга хотин киши меҳр кўйса чопмагани бўмаякан. “Қора қашқа” Зубайданинг қўлига тушди-да, Ўранинг “единий” оти бўлиб, доврўғи етти иқлимга кетди. Нима дедингиз, Алмирза ака? Ўзиям сомонни элакдан ўтказиб, арпани етти қайта тозалаб берарди-ей баччағорнинг хотини!

У кун ўтди Пирнақул, Одина тентагам синчиякан дейман ўзимча. “Омон, шу отни ол, Олланазар гупуш бечорани хор қилипти, Ўрада “единни” от бўмаса отимни бошқа кўяман”, деганди. Ҳемирига тушган от Омонни тутатиб юборди-ей!

– Гапнинг индаллосини билсангар Омонни Омон қилган “Қора қашқа” эмас, Зубайда-а! Бир таги паст, имонсизнинг зиддига икковиям жувонмарг кетди-я! Воҳ аттанг-а!

– Бубинор гут-гутнинг иши дейсизми, ака?

– Эмасам-чи-и!..”

Қарияларнинг оғзини искаб, Омоннинг отаси Пирмамат полвоннинг фотиҳасини бериш, қолаверса дўстим Омон ҳақида кўпроқ маълумот олиш илинжида Меҳри опанининг уйига борганимда уни суҳбатга тортдим.

Меҳри опа ўтганни хотирлади:

– Зубайдадай хотин миллиондан бир йигитга насиб қилади. Отам раҳматли ошнангиз Омон полвондан кўра ҳам келини Зубайдага кўпроқ куйиб, ҳафталаб туз тотмаган кунлари бўлди.

Зубайда ўлганида қишлоқда аза тутмаган хотин қолмади. Бир келиннинг бу қадар элнинг олқишини олиши ақлга сиғмайди-ей, укамжон!

Болалигим бирга ўтган синфдош дўстим, элнинг ори учун талашиб, доврўғи бизгача етиб турган раҳматли Омон полвон ҳақида сўраб-суриштириб нимадир ёзиш илинжида қишлоққа боргандим.

Қишлоқдошларим даврасида гурунг-гаштакларга қулоқ тутдим. Сўраб-суриштирдим.

Дўстим Омон полвон ҳам, Зубайда келин ҳам энди йўқ. Қарияларнинг тилидан бол томиб, Зубайдани алқаганлари қулогимнинг тубида ҳали-ҳали жаранглаб турибди.

Қурбим етганича келажак авлодларга Зубайда каби момоларининг Худога хуш келадиган хислатларини иншо қилишга тутундим.

Тўғри-да, эл ораласанг Омон полвонлардай йигит топилар, бироқ Зубайда каби эрни пир тутиб, унинг кўнглига йўл излаган, унинг яқинларини ҳам севиб, ҳам сийлаган ,бағри кенг, эл-улуснинг олқишига сазовор хотинлар-чи?..

I

Худди кечагидай эсимда. Болалигим урушдан сўнг йил тузала бошлаган кезлари Ўранинг ўн бешми тутунли қишлоқларидан бири Олмалида кечган. Омон билан ён қўшни яшардик. Ўн йил бир синфда ўқиб, улғайдик. У мендан бир ёш, Зубайдадан икки ёш катта бўлса-да, ўнни бир йилда битиргандик.

Омоннинг отаси Пирмамат бобо ўта қорувли одам эди. Бўйни ёш боланинг белидай келарди. Камсуқум, кам гап эди.

Бобонинг йигитлик чоғларида катта ўнгирга тушиб кетган отни устидаги бир ботмон бугдойи билан орқалаб чиқариб бериб, эгасидан дуо олгани, катта сел кўприкни олиб кетай деб турганида бир йўловчининг эшакларини устидаги юки

билан орқалаб кўтариб кўприкдан ўтказиб бергани ҳақидаги гап-сўзлар гуринг-гаштакларда такрор-такрор айтилиб юриларди.

Бирон марта даврада кураш тушиб, бировнинг ёқасидан ушламаган бўлса-да, қишлоқдошларимиз бобони Пирмамат полвон деб аташи шундан бўлса керак-да.

Омоннинг онаси Соригул момо асли очарчилик йиллари нон излаб кезинган қозоқлардан бўлиб, момосига эргашиб келган бўй қизни қишлоқ одамлари Пирмамат полвонга никоҳлаб беришган. Асл номи Серегул момо юзлари гўштдор, ҳар эгнига одам ўтирса бўладиган гавдали хотин эди.

Улар икки ўғил, уч қиз кўришиб, икки қизини қизамиққа беришган. Бири кўшни қишлоққа тушганди. У бир ўғилчаси билан қайтиб келди. Омоннинг акаси Раҳмон отасига тортган бўлимли йигит эди. Умри қисқа экан, айна гуриллаган йигитлик даврида кўричаги ёрилиб кетиб вафот этган. Раҳмон аканинг вафотидан сўнг эр-хотин анчайин чўкиб қолишди.

Омон бўйдорликка бўйдор эди-ю, ўта ориқ, қўллари узун-узун, юриши ўзига ярашмаган бола эди. У саккизинчи синфга ўтганимиздагина кескин ўзгарди.

Соригул момо қирққа кириб-кирмай туйқусдан омонатини топшириб, Пирмамат бобо тул бўлиб қолди. Қишлоқ катталари ҳар қанча зўрлашса-да, бобо бошқа уйланмай, ўзининг икки боласи, тирик етим неварасининг бошини силаб, бир нав яшаб келарди.

Пирмамат полвон тул қолиб, меҳнатдан кўнгли совиб, рўзгор ташвишлари еттинчи синф боласи Омоннинг зиммасида қолди. Ўроқда ҳам Омон, ўтин-сувда ҳам Омон, ем-хашак жамғаришда ҳам Омон...

Шунча ташвиши етмагандай, ёлғиз қарияларнинг ҳам юмушларига Омон қўл солишарди. Хуллас, итда тиним бор, Омонда тиним йўқ эди.

У саккизинчи синфга ўтганимизда кам-кам давраларда курашиб кўрина бошлади...

Энг қизиғи, биз – қишлоқ болалари учун пахта теримига кетиш чинакамига байрам эди. Ҳар йили озиб-тўзиб теримдан қайтсак-да, бари бир кейинги йил пахта теримини яна соғиниб қолардик.

Уй юмушларидан, муҳими ўқишдан озод, қизларнинг ёнида пахта теришга нима етсин...

Тўққизинчи синфга ўтганимизда сентябрнинг ярмини санаб ўтказдик. Яна пахта теримига. Ленин колхўзининг Оллаёров бригадаси дала шийпонига олтинчи синфдан юқори юзга яқин ўғил-қиз – ёрдамчилар жойлашдик.

Мактабимизнинг илмий бўлими мудир Худойкулов бошлиқ уч ўқитувчи, мактабнинг хўжалик мудир бизга бош, ўнинчи синф қизларидан иккиси ошпаз, теримга тушиб кетдик.

Эрталабки нонуштага ҳар икки ўқувчига бир бухонка нон, икки қошиқдан шакар тарқатиларди. Тушлик далада, яна шакар, онда-сонда памидор, қовун-тарвуз бериларди. Кечкурун макаронли, чигитдай гўштли чулан шўрва.

Уч-тўрт кун ўтиб-ўтмай ҳамманинг жигилдони қайнай бошлади.

Ҳар синф ўқувчиларига синфига қараб, белгиланган норма бажарилмаса, кечкурун линейкада танбеҳдан, баъзан тарсакидан улушини олиб турарди.

Онда-сонда илғор теримчиларнинг номи колхўз радиоузелидан тилга олинарди. Эсимда, бир марта номимни радиодан эшитиб, худди менинг номимни Москвадан гапиргандай босар-тусаримни билмай қолгандим.

Орадан ярим ойча ўтиб, маҳаллий ўқувчилар билан аралаш пахта терадиган бўлди.

Маҳаллий ўқувчилар билан аралаш пахта теришимиз, тушликни бирга қилишимиз эвазига кўплари билан иноқлашиб кетдик. Биз – тоғлик ўқувчиларга бир-биримизни сизлаб гапириш, ака ёки ука, сингил ёки опа деб чақиришлик бегона эди. Каттаними, кичикними от тутиб чақираверардик. Бу одатимиз маҳаллийларга эриш туйиларди.

Энг қизиғи шундаки, аравакаш Гадой бобонинг ўғли Гулмуроднинг тандир нонга саримсоқпиез суркаб ейишига қанчалик ҳавасимиз кетса, катта синф ўғил болаларининг орзуси маҳаллий мактаб директорининг қизи Зубайдага ақалли бир марта эгатдош бўлиб пахта териш эди.

У тенгсиз чиройли қиз. Илғор теримчи. Унинг номи колхўз радиоузели тилидан тушмасди. У ҳеч ким билан ёзилиб гаплашмас, теримдан бош кўтармас, тушликни ҳам Норгул дугонаси билан тўдадан четроқда қиларди.

Биз – юкори синф ўғил болаларининг ўғри қарашларига Зубайда парво ҳамқилмасди.

Мен илғор теримчилар сафида, Омон эса ўртача терарди.

Каттами, кичикми, қайсики қиз, “Омон пахтамини чиқариб бер”, деса бош товлаб ўтирмасди. Оти қиз бўлса ўзининг кўмагига муҳтожлиги важданми, Омон унинг беминнат дастёрлигини қилиб кетаверарди...

II

Ноябрь охирлаб, ғўзанинг барги тушиб, пахта якка чигит ҳолига келган кунларнинг бирида пайкалнинг этагига “Победа” русмли енгил машина келиб тўхтади. Ҳаммамиз колхўз раиси келди, деб тараддудга тушиб қолдик.

Айниқса ўқитувчиларимиз икков бир, учов бир кўсак чивиб ўтирган ўқувчиларга кўллари тўлаб – турунлар, ишорасини қилиб жонлари ҳалак эди.

Маҳаллий ўқувчилар машинадан тушганларни танишиб, хотиржам тортишди.

Мен, Омон ва Шокир ўртоғимиз сал илғари бизнинг ёнимиздан қошлари чимирилиб, биздан илгарилаб кетган Зубайданинг гийбатини қилиб ўтирардик.

Машинадан тушган йигитлар ёнимиздан ўтиб кетаётганларида ҳаммамиз барабар туриб, уларга салом бердик. Улар бизнинг саломимизга на алик олди, бизни назарига илмай Зубайданинг ёнида тўхташди.

Маҳаллийлардан Новват исмли қиз бизга билгирлигидан мақтанган бўлди:

– Олдинда кетаётгани раиснинг ўғли, Тошкентда катта ўқишда ўқийди. Оти Зафар ака, битирса районга прокурор бўлиб келади. Изидан кетаётганларнинг бири Салим ака, Қаршининг физкультурасида иккинчи курс, “главбух” бованинг арзандаси. Иккисини танимадим, жўралари бўлса керак-да. Зафар ака терим бошланган кунлари Зубайдага хат берган...

Мен Новватнинг гапини кесиб, ўзимга эриш туйилган фикримни айтдим.

– Зубайда ҳали ўқувчи-ку? Энди тўққиз...

– Нима қипти? Зафар ака раиснинг ўғли, кимга хат берса ҳақи бор. Кейинам катта ўқишда ўқийди. Зубайданинг опаси Ойсора опаниям ўнни битирар-битирмас илиб кетишган. Райкўмнинг келини дейишади. Ойсора опа “единни” чиройли қиз эди-да ўзиям!

– Ойсора опа Зубайдаданам чиройлимиди? – деди-да, Омон эҳтирос билан оғзидан чиқиб кетган сўровидан қизариниб, ерга қараб қолди.

– Зубайдалар беш опа-сигил, бири-биридан чиройли қизлар. Зубайда директор бобонинг иккинчи қизи...

Зубайда шаҳарлик талабалар билан айтишиб қолдими, партугини ечиб, елкасига илди-да, изига шитоб билан қайтди. Раиснинг ўғли буйруқ оҳангида:

– Зубайда-а, тўхта девобман санга! – деди.

Зубайда бизни қора қилибми, ёнимизга келганида тўхтаб, бизга илтижоли қараб қўйди.

Шаҳарлик талабалар илдам юришиб, ёнимизга етиб келди-да, Зафар Зубайданинг олдини ўради:

– Қочганинг шу ергачами, директорнинг қизи? Шу мишиқиларни ёрдам беради деб ўйловмидинг?

Зафар тошкентча лаҳчасини бузмай бизга амирона буйруқ бера бошлади.

– Қани, укалар, пахталарингни терларинг. Қани, марш-ш!

Биз кетиш тараддудига тушганимизда Зубайда йиғламсиради:

– Нима, мени ташлаб қочмоқчимисиз буларга, Омон ака?

– Сизни ким ташлаб қочамиз деяпти, Зубайда?

Омоннинг гапи қаҳрли бўлса-да, бўғиқ чикди. Шокир билан мен калхатдан кўрққан жўжалардай қунишиб турардик. “Омон ака” деган бир оғиз калима, илтижоли бир нигоҳ Омонни шерга айлантириб қўйганини кўрққанимизданми Шокир билан мен пайқамаган эдик.

Омон талабаларнинг ҳурматини жойига қўйган бўлди:

– Акалар, сизларминам Зубайда гаплашишни истамаяпти. Негахиралик қиласизлар?

Зафарнинг қаҳри келиб, Омонга ўдағайлаб:

– Энангни кўзингга кўрсатиб қўямасимдан тошингни тер, келгинди! – деди-да, Салим билан кўз уриштириб олиб, Омоннинг кўкрагига мушт туширди. Кутилмаганда Омон ҳам Зафар юзига шاپалоқ тортди. Зафар эгатга чалқанча йиқилиб, бурнидан тизиллаб қон кета бошлади.

Новват яшин тезлигида кимгадир хабар бергани учиб кетди.

Зафарнинг бурнидан оқаётган қон Салимни қутуртириб юборди-да, Омонни бир мушт билан ер тишлатмоқчи эди.

Омон хиёл энгашди. Салимнинг зарбаси ҳавога учди. Омон Салимнинг манглайига мушт туширди. У гангиб йиқилди.

Меҳмон талабалар икки-уч қадам тисарилишиб, қочмоққа шай туришарди. Салим оёққа туриб яна Омонга мушт сермади. Унинг мушти яна ҳавога учди.

Омон унинг гарданига чунонам урдик, қайтиб жойидан туришга мажоли етмади.

Шокир ўртоғим катта кесакни қўлига олди. Зафар урма, ишорасини қилди. Можарога етиб келган ўқитувчимиз Худойкулов Омонни урмоққа хезланди-да, унинг ваҳожатини кўриб, шаштидан қайтди.

Омондан оларини олган талабалар касал товуклардай пусишиб, уловига минишганича, изига қайтиб кетишди. Зубайда билан Новват юзларини буришиб, тинмай кулишарди.

Худойкулов домла анчайин шаштидан тушган Омонга қўлини тўлғганича қуйинганнамо тинмай бақира бошлади.

– Ер ютгур, тента-ак, энди қаматиб қўйса қайси гўрга борами-из? Наввот қиз раиснинг ули деб айтганака-ан, гўринга урасама? Энди мелиса келса нима дейман-а?! Сен қамалиб кетсанг отанга нима дейман-а?!.

Шокир иккаламиз домланинг гап-сўзларига ишониб, чиндан қаматиб қўяди деб кўркувга тушдик.

Ҳамма қайтадан теримга тушди. Омон пахтаси яримлаган партугини тагига қўйиб, узоқ ер чизиб, ўйланиб ўтирди.

Шокир билан менинг кечки овқатдан сўнг ҳам хавотиримиз аримай, мелиса ана келди-мана келди қилиб, фир этган товушга қулоқ тутиб ўтирардик. Омон на еди, на ичди.

Кечаси соат тўққизларда шийпоннинг ёнига “Москвич-407” маркали енгил машина келиб тўхтади. Худойкулов домламиз чўзиб салом бериб келган кишига пешвоз чиқди.

Келган киши ўзини домлага танитмаганида Шокир билан мен пахта пайкалини ораб қочган бўлардик.

Ўрта бўйли, полвон келбатли, зиёлинамо келган киши Омонни сўради. Биз – ўғил болалар ҳаммамиз таҳликада эдик. Худойкулов ўзини тутолмай ҳалиги кишига жавраб қўяверди.

– Ер ютгурга айтдим-а! Бир кизи курғурнинг тарафини оламан, деб балага гирифтор бўлиб ўтирганини қаранг да домилла-а! Ўзинг мусофирликда юрган бўлса-анг! Директор бобо, ўзингиз эл кўрган одамга ўхшайсиз. Бола кечирим сўради денг катталарга...

– Нималар деяпсиз-ей, домилла! Омонбойнинг ўзини чакиринг, аввал танишиб олайлик. У ёғи бир гап бўлар...

Омон ийманибгина салом бериб, улардан беш қадамча берида тўхтади. Зубайданинг отаси югуриб келиб, Омонни даст кўтариб, икки-уч айлантирди-да, ерга қўйиб, эгнига қоққанича:

– Яша, ҳақиқий ўғил бола, “малад-дес”! Сен бугундан бошлаб Зубайданинг акаси, менинг ўғлим бўлдинг! Мин машинага, энанг ош дамлаган.

Омон Худойкулов домлага нима қилай, дегандай қараб-қараб қўярди. Худойкулов домла Зубайданинг отасига ялтоқланиб:

– Омонбойминам менам-ку борардим-да, аксига олиб бир ўзим. Буларни овлоқ қолдириб кетиб бўлмаса-а! – деди. Сўнг Омонга амирона оҳангда: – Катта мин дедими мин машинасига, Омонбой! – деб уни машинага минишга ишора қилди.

Омон туйқус орқасига қаради. Зубайданинг отаси Омонни тушунди, шекилли, қулиб:

– Омонбой, яхши кўрган ошнангнинг бирини ёнингга ол, – деди-да, Худойкуловга юзланди: – домилла, хавотир олманг болалардан. “Забтрик”дан сўнг қўлингизга топшириб кетаман...

Иккаламиз орқа ўриндиққа ўтириб йўлга тушдик. Чангни орқамизда қолдириб, енгил машинада учиб кетяпмиз, гўёки осмонда учиб кетаётгандай ҳис қилардигу, бироқ оёқ-қўлларимизнинг кирлигидан хижолатда эдик. Омонни билмайман, менинг енгил машинага биринчи минишим эди.

Устимизда оҳори тўкилиб кетган гулсиз чит қўйлак, арзон шим ва латта туфли, сочимиз тақир қирилган.

Домлаларимиз битлаб кетасизлар деб соч қўйдирмасди. Совун билан ювиниш ҳам у вақтлари урфга кирмаганди.

Қишлоққа кираберишимизда машина қаттиқ тормоздан силтаниб тўхтади-да, ўчиб қолди. Илкис машинадан тушган Зубайданинг отаси илиқда юрган итлар галасидан иккисининг талашаётганини кўриб, уларга томон югурди.

Биз ҳам беихтиёр унинг орқасидан чопдик. Ҳансираб етиб борганимизда кўкракли сарик ит рақибини ётқизиб олиб таларди. Зубайданинг отаси ёш боладай завқланди:

– Яша, яшавор, Рекс! Ҳа-а, шундай, “малад-дес”! Бўғзидан тишла, Рекс, бўғзидан!..

Биз етиб борганимизда Рекс рақибини қўйиб юбориб, эгасига суйкала бошлади. Эгаси итининг бўйнидан қучоқлаб олиб, бошини силаб эркаларди. Зубайданинг отаси итини қўйиб юборди. Ит анча олислаб кетган тўда томон югуриб кетди.

Машинага келиб ўтирдик-да, яна йўлга тушдик.

– Кўрдингларми, болалар, енгилган ит бошбух Бозорбойипнинг ити.

Самбочи Салимбой – ҳалиги Омон урган бола, итини кўкка кўтариб мақтайди-ей!

Ўзларинг кўрдинглар, гавдали ит бўлсаям бизнинг Рексдан енгилди-ку. Рекс одам бўлганида Омондай полвон бўларди...

Қишлоқ оралаб уч юз метрча йўл босиб, очиқ турган дарвозадан шинамгина боғчали ҳовлига кирдик. Мезбон машинадан тушар-тушмаси хотинини от тутиб қақира бошлади.

– Малика-а! Малика, чиқ меҳмон обкелдим!

Пешайвонли уйнинг ўрта эшиги очилиб, уй бекаси бизга пешвоз чикди-да, иккимизнинг ҳам пешонамиздан ўпиб, кўришиб, кулимсирабди:

– Дадаси-и, қайси бири менинг ўғлим Омонбой?

– Что ты Малика, иккаласиям сенинг ўғлинг.

Биз қўлларимизни ювиб, уй бекасининг изидан меҳмонхонага кириб, хонтахта ёнида омонатгина қунишиб ўтирганимизда Зубайданинг отаси бўсагадан ҳатлар-ҳатламас ҳаёжонини босолмади:

– Онаси-и, Рексинг бошбухнинг Галабосарини чунонам талади-и, ит бўлиб туғилганига пушаймон қилдирди-ей! Ишонмасанг ана Омондан сўра!

– Қўйинг-е, Рексингизни, аввал ўғилларим билан таништиринг, дадаси.

– Буниси Омон полвон, буниси-и, отинг нимаиди сенинг, ошна?

Омон мендан аввал:

– Одил, – деди.

Уй бекаси биз билан қуюқ сўрашиб, ҳорманг, бор бўлинг сўнггида кулимсираб меҳмонхонадан чиқиб кетди. Омон билан менинг кўзимиз дастурхонда бўлса-да, уялганнамо қунишиб ўтирардик.

– Ҳе-ҳей, мундай ёзилиб ўтирсанглар-чи! Ароқ ичасиларми?

– Умримизда ичмаганмиз, – дедим мен.

– Майли, ичмаганларинг дуруст.

Дастурхон ёзилиб, олинг-олинг бошланди. Мезбон эмин-эркин, олиб ўтиришга қистайди. Биз сиполикни қўлдан бермай тортиниб ўтирдик. Кўзларимиз дастурхонда. Томоқларимиз такиллаб турган бўлса-да, қўлларимизнинг киридан уялардик. Уялганидан Омоннинг бурни терлай бошлади.

– Энди мундай, ўртоқлар! Бир дастурхон устида ўтирибмизми, бир биримизни яхши таниб олишимиз керак. Мен Зубайданинг отаси, Максим Горький мактабининг директори Нормурод Очилибман. Етти юздан ортиқ ўқувчим бор. Ҳалиги Салим,

Зафар ҳаромхўрларниям ўқитганман. Яхши тарбия беролмабман чоғи, Зубайдани хафа қилишипти.

Нормурод ака Омонга юзланди:

– Шў-ў энағар Зафарни ўлдириб қўйганингдаям ўзим “отвичат” қилардим, ошна-а!

– Омон уни яна урмоқчи эди, таслимман дегандай қўлини кўтарди-да, – дедим мен.

– Омон тўғри қилипти, таслим бўлганни яна уриш ярамайди.

Нормурод ака ўзи ташаббус кўрсатиб, бизни суҳбатга тортиб ўтирганида Зубайда катта лаганда ош олиб кирди. “Бу ибולי фариштасифат кимни бахтли қилса унга Худонинг катта инояти”, деган ҳис кўнглимдан кечиб, орзуманд юрагим ҳабқирди.

Таомланиб бўлганимиз сўнггида мезбон соатига қараб олиб:

– Свет ўчишига ярим соат қолипти, ётари қиламиз йигитлар, – деганича ташқарига чиқиб кетди.

Тўшакка кирганимизда бит ўлгирлар ғимирлаб, тинчлик бермасди.

Ҳа-а, деганда кўзимиз илинавермай, мен оҳистагина ўлик сукунатни бузиб:

– Омо-он, бўрдоқиларимизнинг анчасини ташлаб кетамиз, шекилли, – дедим.

– Бит деганинг бундай озода жойда очдан ўлиб, қирилиб кетади...

III

Эрталаб ҳусайни узум билан иссиқ тандир нон қорнимизда йиғлашиб кўришди. Нонушта қилдик-да, кетари қилиб турганимизда Малика опа бир бўхча олиб келиб, Нормурод акага тутқазиб кетди.

Бўхча ечилиб, қанча замонлардан бери бизни кутиб ётган кийим-кечаклар ўртага ёйилди. Омадни қарангки, ҳамма кийимлар менга “етим кўзига тери ёпгандай” катталиқ қилиб, Омонни бошдан-оёқ кийинтирди.

Фақат бир размер катта бўлса-да, менга насиб қилгани бир жуфт эски туфли бўлди. Омонни кўрсангиз эди, колхўз раисининг ўғлидан кўра ҳам пўрим йигитчага айланди.

Омон шляпани олишдан бош тортиб, эскироқ кепкага ҳам эғалиқ қилди. Туфлиларнинг биронтасиям Омоннинг оёғига сиғмади. Хижолатдан қизариниб, Нормурод аканинг саруполарини тугунча қилиб олиб, машинанинг орқа ўриндиғига ўтирганимизда уй тарафдан Малика опанинг товуши эшитилди.

– Ҳо-ой, дадаси-и, ўз оёғингиз билан кетяпсиз-ку-у! Зубайданиям олиб кетинг!

Биз иккимиз, “Оҳ чиқақолсанг-чи, Зубайда!” деб ўрта эшикдан унинг чиқишини интизорлик билан кутардик.

– Зубайданг “пуст, пешком шагает...”

Омоннинг кастюм-шимини Худойқулов домла кийиб кўриб, бениҳоя катта келганидан кулгига қолди. Иккита тандир нон билан бир сиқим парвардани ўғил болалар хомталаш қилиб, эгатларга туша бошлаганимизда Зубайда дугоналари билан салом бериб ўтиб кетишди.

Омоннинг обрўси жамоамиз орасида беҳад кўтарилди, Шокир ўртоғимиз меҳмондорчиликка олиб кетмаганимиз учун биздан анча вақт қовоқ-тумшук қилиб юрди.

Зубайда ҳар куни “Энам бериб юборди”, деб Омонга иккита тандир нон билан бир сиким мева-чева ташлаб кетишни канда қилмасди. Омоннинг ўзига Малика опанинг илинганларидан урвоқ ҳам тегмасди...

Декабрнинг охирида пахтадан қайтиб, ўқишимиз бошланган кунларнинг бирида мактабимизнинг директори Санакул Тўракулов Омонга Нормурод ака районимизга маориф мудирлигига кўтарилгани, унинг қуюқ саломини етказиб:

– Омонбой, отанга тайин етказгин. Тутинди отанг уйларида меҳмон бўлмоқчи, – деганида у қизариб кетди.

Омоннинг дарсларга қизиқиши ортиб, руҳан тетиклашиб қолган эди. Омон кузги-қишқи тўй мавсумида курашдан анчагина пул-мол ишлаб олди.

Қиш мавсуми бўлишига қарамай Пирмамат полвон уйининг эшикларини алмаштириб, шолча тутиб қўйилган синиқ деразалар ўрнига бирнав ромлар ўрнатиб, маориф мудирининг келишини кута бошлади.

Орзиқиб қутилган кунлар анчайин илиқлашиб қолган апрелнинг адоғида келди.

Пирмамат полвон Нормурод аканинг ташрифи муносабати билан унинг оёғи тагига катта бўрдоқи кўчқорини сўйди. Директоримиз Санакул Тўракулов ҳам бир кўй келтириб, тандир остирди.

Энам, укаларим ва мен хизматда бўлдик.

Нормурод ака Пирмамат полвонга шиферлаб уй қуриб беришни, Омонни пединститутнинг физкультурасига киритиб қўйишни ваъда қилиб, жўнаб кетганидан сўнг, “Омонни маориф мудир куёв қилармиш, шахсан Пирмамат полвоннинг ўзига совчиларингизни юбораверинг деб айтибди. Институтга ўзим жойлаб қўяман деганимиш” каби миш-мишлар болалаб кетди.

Шунча гап-сўзлар бўлишига қарамай Омоннинг феълида бирор бир ўзгариш бўлмади; аввалги камсукум, камгап Омон, аввалги қишлоқ қарияларининг юмушида ҳожатборар Омон, бечораҳол юриш-туриш...

Мактабни тугатгуниimizга қадар Омон Нормурод аканинг саруполарини эгнига илмади.

Маориф мудирининг ҳаддан зиёд Омонни яхши кўрганиданми, унинг ваъдалари рост бўлиб чиқди. У Қарши педагогика институтининг физкультура факультетига Омонни киритиб қўйди.

Пирмамат полвон янги шиферланган уйга кўчиб ўтиб, анчайин тумшуғи кўтарилиб, гаплари маънили ва дадил чиқадиган одамга айланса-да, Омон ҳалиям ўша-ўша эди.

Мен отамнинг уч ҳўкизини миниб, Тошкент давлат университети журналистикасида, Шокир икки бузоқли сигирнинг пули билан Қаршининг тарих факультетида талаба бўлдик.

Омоннинг ҳам ови, ҳам дови юришиб, бир йилда спорт устаси нормативини бажариб, Зубайдага нон ушатди. Мен биринчи курснинг охириги имтиҳонларини топириб юрганимда, отамдан хат олдим.

Отам хатида яқин қариндошларимизнинг қистови билан Сурхоннинг Қизирғига, олтинчи совхўзга укаларини олиб кўчиб кетгани хабарини қилган эди.

Ҳукумат томонидан қурилган уйларга оқма газ ўтказилгани, электр чироқлари кеча-ю кундуз ўчмаслиги, ичимлик сувининг узлуксизлиги, Орифқул акамнинг эллик гектар пахтага ер олгани, совхўзнинг бир томони адирга туташлигидан чорвабоплиги, мактаби яқинлиги тўғрисида отам батафсил ёзган эди.

Тоғдаги уйимизни бус-бутун Пирмамат полвонга қолдиргани, томорқамиздан

истаганича фойдаланиши мумкинлиги ҳақида, отамнинг ёзганлари мени бироз ранжитган бўлса-да, дадим ичимда қолди.

Негаки, бу замонда яхшиликка яхшилик камдан-кам ҳолларда қайтади, деб ўйлардим.

Биз Сурхондан қўним топиб, сурхонлик бўлиб кетдик. Туғилиб ўсган қишлоғим билан деярли алоқам узилган бўлиб, ўқишимни битириш арафасида Шокирдан хат олдим.

IV

“Салом, дўстим Одил. Тошкентлик бўлиб, бизни унутиб кетганингдан хафамиз. Яқинда қишлоғимизга отанг келган эди. Ханифа момонинг, Олломурад бобонинг, Сайим чўпоннинг фотиҳасида бўлиб Пирмамат полвонникида бир кеча ётиб кетди.

Отангдан яшаш манзилингни олиб қолган эдим. Сизлар Сурхонга қўчиб кетганинглардан кейин қишлоқда қўп янгиликлар бўлди.

Бешта колхўз бирлашиб совхўз бўлди. Қишлоғимизга ўтган йили кузда электр келди. Совхўз марказидан дарё бўйлаб энг охириги қишлоққача машина йўли борди...

Омоннинг ҳаётига дахлдор янгиликларга қўпроқ қизиқишининг биламан, ошна. Чунки у сенинг жон айрилмас дўстинг эди. Унинг институтдан ҳайдалиш тарихини эшитмаган бўлсанг керак. Қамалмай қолганига шукр қилиб, ҳозирги кунда қишлоқда яшаяпти.

У Зубайда туфайли вилоят прокурори Муртазаевнинг ўғлининг жағини синдирди. Шеригининг жигари эзилиб кетгани боис, бир йилча касалхонада ётиб, ногирон бўлиб қолди.

Омоннинг ишига шахсан Нормурад аканинг қудаси райқўмимиз Қурбонов аралашди ва судмедэкспертиза хулосалари сўнггида ошнанг институтдан кетса-да, қамалмай қолди.

Унинг қадамини шаҳарда ўлчайдиган “шайка”лар қўпайиб кетди. У қишлоққа қайтишга мажбур бўлди...

Ўта чиройилик ҳам қизлар учун азоб экан. Ит ҳам, куш ҳам уни илинтириш пайида бўларкан.

Эсингда бўлса керак, пахтага борганимизда Зубайданинг ҳамиша тушликни бирга қиладиган Норгул дугонаси бир йилдан сўнг тил адабиётга кирган эди. Норгул Зубайдани шаҳар айлантиргани Малика опанинг рухсати билан Қаршига олиб келган.

Зубайда Омон билан топишиб, шаҳар айланиб юришганида кеч соат тўққизлар атрофида уларни бир гуруҳ безорилар ўраб олишиб, бири Омоннинг кўкрагига пичоқ тираб, яна бири Зубайдани орадан тортқилаб олиб чиқиб кетган.

Кейин маълум бўлишича, Омоннинг кўкрагига пичоқ тираган безори пахтада сен уриб йиқитган, Салимнинг қалин ўртоғи бўлиб чиқди. Зубайдани тўданинг орасидан олиб қочган безори вилоят прокурори ўғли эканлиги ойдинлашди.

Омон йўлини қилиб, пичоқ тираган безорининг биқинига тепиб йиқитиб, яна уч-тўрттасини уриб ағнатганида тўда тарқалиб қочишган. Прокурорнинг ўғли Зубайдани ташлаб қочган бўлса-да, Омон унга етиб олиб, жағини синдирган.

Бу жанжалнинг бош айбдори Салим бўлса-да, у дипломини олиб, ҳозир ўқитувчилик қиляпти.

Зубайдани узатиб келишимизда мен Омонга куёвжўра бўлиб боргандим. Болалар жонимни ҳалқумимга келтирса-да, бирон ишқал чиқармасин деб тишимни-тишимга босиб, Омонга сездирмадим.

Қишлоғимизда биринчи “вечир” Пирмамат полвоннинг хонадонида бўлди. Районнинг ансамбили хизматда бўлди.

Шахсан Қурбоновнинг ўзи Пирмамат полвонни келинли бўлгани билан табриклаб, бир соатча тўйда ўтириб кетди.

Тўёна кўп тушди. Пирмамат полвоннинг киссалари пулдан, кўраси молдан тўлиб кетди.

Бир ҳўкиз, учта кўй, икки серканинг гўшти, икки юз кило гуручнинг оши учиб ерга тушмади.

Тўй Нормурод аканинг ҳурматиға шундай катта бўлди-ю, барибир қишлоқнинг номиға қолди-да, ошна. Эскиларнинг, “Йўқнинг ули бўлгунча борнинг кули бўл”, деган гапи бежиз айтилмас экан. Омон ўша-ўша, камтар, камгап. Бироқ тўйларда Ўранинг зўри, қишлоқнинг фаҳри.

Ҳа-а, айтгандай регарлик Одина тентакнинг гапи билан Нормурод ака Зубайдаға энчи қилиб Олланазар гупушнинг Қора қашқа чўбирини Омонга олиб бериб кетди. Зубайда ихлос билан қарашиб ётипти-ю, менимча кўпкариға ярайдиган от бўлмаса керак, нима дединг?..”

V

Пирмамат полвон янги уйни келин-куёвға жиҳозлатиб, қизи ўғилчаси билан ўзи биргаликда эски уйида қолган эди. Тўйдан сўнг Зубайда онасини кузатиб кўйиб, Пирмамат полвоннинг ҳай-ҳайлаганиға қарамай, уларни ёниға кўчириб киритди.

Зубайданинг бу ишидан хижолатда қолган Пирмамат полвон Зубайдани чақириб:

– Болам, бекор қилдинг, келим-кетимларинг дегандай, биз ўз катагимизда яшаб турардик-да, – деди.

– Ота-а, биринчидан ўғлингиз дашт одами, уйда турари бор, турмаси бор. Кейинам, келган-кетган сизнинг суҳбатингизни олиб, чой-нонини сиз билан баҳам кўришини истадим. Меҳри опам ўғли билан қўшни хонада ётиб туради. Қозонни бир жойда қайнатамиз. Сиғишмай ётган жойимиз борми?..

Пирмамат полвон Зубайданинг бу ташаббусидан мамнун бўлиб:

– Одам иси ёқмай, жавраб ётса қўлимдан нима ҳам келарди, – деган гапни кўнглидан ўтказиб, таҳорат олиш учун офтобани кўтариб, уйнинг орқасига ўтганида қаердандир келаётган ўғлиға кўзи тушди. Омон хуш-хандон отасига салом бериб:

– Ота-а, бу янгиликни ювиш керак бўлипти-ку!

– Зубайда отамни ёнимизға кўчириб ўтказ, деб айтди деди-ку сени?

– Хаёлимға-ку олгандим-да, аввал сиздан сўраб кўрай, рози бўлсангиз ўтказаман деб юргандим, ота.

– Хо-о, бу ишдан хабарим йўқ дегин. Сендан сўраб иш қилгани яхши эди-да Зубайданинг.

– Худоға хуш келадиган ишни унинг мендан сўрамасдан қилгани яхши, ота. Мен мактабдан келяпман, Санақул ака чақиртирган экан.

– Ҳе-е?

– Нормурод ака телефонда айтиптики-и, Омон келсин, институтга тиклашга ҳаракат қилиб кўрайлик деганмиш.

– Сен нима дединг?

– Отам билан гаплашиб кўрай, натижасини тилпонда айтамыз, дедим.

– Ўзингнинг кўнглинг қандай, улим?

– Тикласам-ку ёмон бўмасди, ота.

– Ҳали ақлинг кирмапти, болам. Шундаям уйингнинг ярим пулини қайнотанг кўтарди. Бечоранинг сени қамокдан олиб қоламан деб ичи куйиб кетди-ку-у! Тўйларингниям ўзи ўтказди ҳисоби.

Сенда ор-номус қолмапти, Омон! Тиклашниям ўзи бўлмайти, пул чайнайди. Кейинам Зубайда бу ерга мени деб келгани йўқ. “Ошна”нг, ҳалиги прокурорнинг ўғлиям соғиниптими сени?

– Бўлди, бўлди, ота! Ўзимнияам кўнглим чопмаяпти. Отаси кўнмаяпти, деб айтинг дейман Санакул акага, майлими?..

Омон ахтариниб, Зубайдани отхонадан топди. Қора қашка Зубайданинг ҳовучидан куртиллашиб парварда емокда эди. У бироз кузатиб турди.

От тўймадим дегандай Зубайданинг юз-кўзларидан искади. Зубайда отнинг аввал бўйинини, сўнг манглайини қашлади-да, унинг бурнидан ўпиб, қандайдир қўшиқни хиргойи қилганича охурини тозалай бошлаганида Омон кулимсиради:

– Ўх-хў-ў!

Зубайда бошини кўтариб, кулганича:

– Полвон ака, ишингиз курсин, одамни қўрқитиб юбордингиз.

– Чобоғон опа, ҳорманг энди-и!

– Асаломалейкум, бор бўлинг. От ҳам одамга ўхшайди-я, нима берсангиз ейди-ей!

– Ўпганинг отгаям хуш ёқдими дейман. Яна ўп деб суйкаляпти.

– Нима, от ҳаромми?

– Ҳаром эмаску-я, менгаям қолсин дегандим-да. Ҳа-а, отанг салом айтибди.

– Кимдир келиптими уйимиздан?

– Мактабимизнинг директори Санакул акага телефон қилиптики-и, Омон келсин, ўқишига тиклаймиз!

– Сиз нима дедингиз?

– Зубайда билан гаплашай, у нима деса шу дедим.

– Қўйинг-е, полвон ака! Оти ўчсин шаҳарингизнинг, жанжалингиз эсимга тушса ҳалиям юрагим тўхтаб қолай дейди. Кейинам, менинг отам энамдан сўраб ҳечам иш қилмаган.

– Ўқишимни тикламасам-да, Салимбойминам орани очиқ қилишим керак-да Зубайда.

– Қўйсангиз-чи, полвон ака, ёмоннинг жазосини Худо берсин. Гапнинг изини қувсангиз яхшиликка олиб бормади...

Омон хотинини синамоқчи бўлиб гапирган гапларига етарлича ақлли жавоб олганидан таажжубда ўтган бир воқеа эсига тушиб, уни хотирлай бошлади. Қарши магистраль каналига дамлатадиган иншоот қуришни қўли остидагиларга қардан қуришни кўрсатиш учун обкомнинг иккинчи котиби келиб, нариги қирғоққа тросни олиб ўтиш зарурати пайдо бўлган эди.

Котиб, “Сен олиб ўта оласанми, полвон?” деб Омондан сўрагани. Тросни Омоннинг белига боғлашди. Ўшанда у тросни нариги қирғоққа олиб ўтиб, бир тол новдасига боғлаб, қайтиб келганида котиб: “Куч бўлса ақлнинг ҳечам кераги йўқ экан”, деганди.

Зубайданинг жавобларидан билдики, ақл бўлмаса кучнинг ўзи камлик қиларкан одамга.

Зубайда охурни тозалаб, майда қирқилган бедани халтадан охурга тўкди-да, бироз отнинг ейишини кузатиб, эркаланганнамо отнинг бўйнига шапатилади:

– Ҳа-а, полвон ака! Нималарни ўйлаб қолдингиз?

– Ўзим шундай, ишингни томоша қилдим, – деди-да, илдам келиб, Зубайданинг юзидан ўпди. Зубайда қиқирлаб кулганича, эрини ўзидан холилатган бўлиб:

– Уялмайсизми-ей? – деди бир турли табассум билан.

– Овлоқда кимдан уялай?

– Қора қашқадан-да!..

VI

Омоннинг Қора қашқаси Зубайданинг меҳр бериб қарашгани, қайнотаси юк машинасида икки тонна арпа ташлаб кетгани эвазига яхши семириб, олти ойда дулдулга айланди.

Омон кечалари салқинда миниб, совутиб, бир ойча Қора қашқа билан шуғулланган бўлса-да, Зубайданинг серҳаракатлиги, молпарварлиги, ем-емишнинг сероблигидан курашдан тушган улоқ-қўзилар, тана-тўрпилар ёлланиб, Пирмамат полвон “Келиннинг оёғидан, чўпоннинг таёғидан” дегандай, келинининг уздабуронлигидан ўзини тутиб олди.

Пирмамат полвон қайтадан кучга тўлиб, чалғилаб беда ўришда манаман, деган икки-уч йигитнинг ишини қиларди.

Омон курашда ном чиқариб, отаси ўзини ўнглаб олганидан Бойтўра куёв қайнотасига узр-маъзур қилиб келиб, хотини ва ўғилчасига эғалик қилди-да, унинг эски уйида яшаб, ишига қўл солишиб, тирикчилиги Омоннинг ҳисобидан ўта бошлади.

Икки рўзғорнинг ўтин-суви, ем-хашаги, мол-ҳолига қараши Пирмамат полвон билан Бойтўранинг гарданида бўлиб, Қора қашқанинг парвариши, куйдир-пишир ва келим-кетимга қараш, оила ишининг умумий назорати Зубайданинг зиммасида эди.

Икки оиланинг эркаси Омон полвон тўй мавсумида курашиб ризқини терар, икки оиланинг бозор-ўчарини қилиб ва қишлоқнинг ҳайдав-хашарида бош эди. Зубайда ҳавас билан Қора қашқага чирги-жабдуқ қилиб, эрини отлантирди.

Тўй мавсуми бошланган кунларнинг бирида Омон полвон отасидан дуо олиб, Қора қашқани миниб Чавлининг тўғайига кўпқарига жўнади. Йўлдан гурас-гурас кўпқарига кетаётган отлиқларга қўшилди. От устида улар билан бир-бир кўришиб-сўрашиб, элга таниқли чобоғон Очил Қодир билан бақамти юриниб:

– Очил ака, бугун менинг отимниям бир тўдага қўшиб кўринг-чи? Эпақага келса кўпқаригаям қўшилиш ниятим бор, – деди.

– Нималар деяпсиз, полвон! Отингизнинг тарихини мен яхши биламан. Бу от Тошқўрғоннинг Қашқа тўриғининг боласи. Зармасликларни ёппасига чўлга кўчирганида ҳали кучини олмаган ғунон эди.

Сизга тушгани яхши бўлипти. Қанча арпа бердингиз?

– Аввал икки килодан бошлаб, сўнгги икки ой кунига олти килога чиқардим, ака. Ўзиям олти ой боғувда ётди. Бечоранинг тинкаси куриб кетганакан-ей!

Бир о-ой, аввал етаклаб, сўнг кечаси миниб совутдим, ака!

– Қашқа тўриқ четданам, тўдаданам чиқарди. Майли, сазангиз ўлмасин полвонжон, икки-уч йиғинда кам-кам қўшиб кўрамиз. Сўнг...

Январнинг қоқ ўртасида Омоннинг қайнотаси Нормурод ака мактаб директори Санакул Тўракуловга телефон қилиб: – Омонга айтинг, Ўранинг зўрларидан тўрт-бештаси йиғилиб совхўз марказига отлари билан келиб туришса “УРАЛ” юк машинаси юбортираман.

Жомда январнинг йигирма бири, йигирма иккисида катта кўпқари. Бешта от, бир жуфт янги “Иж” аравачали мотоцикл ташланаркан, деган хабарни қилди...

Очил Қодир ўзининг бўзи билан, Шоди қозоқ ўзининг отида, Жўллининг Жийрони билан Аттапир тожик, Омон ўзининг Қора қашқасида совхўз марказига боришиб, отларини машинага юклашди-да, Омон билан Очил Қодир кабинада, икки чавандоз Нормурод Очиловнинг хизмат машинасида Жомга жўнашди.

Тўй икки кунлик бўлиб, хизматга Олмахон Ҳайитова чақирилган эди. Қўниқ берилган хонадонлардан чавандозлар кўпқари майдонига боришганида радиокарнайдан Жиззахдан, Туркменистондан, Сурхондарё, Қашқадарёдан чавандозлар келгани эълон қилинди.

Қўғалик четгир Нўъмонхон тошқўрғонликлар билан борганини эшитган Омон уни ахтариб топди-да, бундай катта йиғинда тўдадан чиқариш мушкуллигини билиб, Қора қашқани четдан қўшиб кўришини ундан илтимос қилди.

Катта чошгоҳдан ўтиб, баковул радиокарнайдан катта зот – бир от, бир мотоцикл, минг сўм пул ташланганини эълон қилди.

Сара чавандозларнинг кўплигидан такани якка кўрсатиб чиқариш мушкул эди. Омон қайнотаси билан Қора қашқанинг кўриниш беришини бетоқат кутишиб туришганида Нўъмонхон сурдава бақамти Қора қашқага камчи босарди.

Туркменистонлик Эрнийез такани тўдадан чиқариб-чиқаришга улгурмай Нўъмонхон Эрнийезнинг очиқ томонидан такага ёпишди. Қора қашқа ўқдай учди. Баковулнинг овози янгради.

– Четгирники ҳало-ол!!!

Баковул сўраб-суриштириб, радиокарнайдан:

– Қашқадарёлик Нўъмонхон эшон ҳалол айирди. Эшонники ҳало-ол! – деб овоза қилди.

Қайнота-куёв бир-бирини кучоқлаб, олқишлашди. Сўраб-суриштирган шекилли, от эгаларининг қувончи аримай, тўдадан чиқиб келган отлиқ киши Нормурод акага юзланиб:

– Ёшулли, отни қанчага десангиз оламан! Эшитган бўлсангиз зоминлик Обидбой бўламан.

Нормурод ака Омон полвонни кўрсатиб:

– Отнинг эгаси бу йигит, оти Омон полвон, – деди.

– Полвонжон, сотамизми, кўнглингиз чопганини сўранг.

– От энчига тушган, сотилмайди, бой ота.

– Атта-анг, саригидан бериб рози қилардим-да!..

Пирмамат полвон ўзининг ва икки кўчиб кетган қўшнисининг томорқасини тўлдириб йўнғичқа эккан эди. Эшаклаб ташиб гўнг солганиданми, биринчи ўрим йўнғичқа шохлаб, бир-бирига эшилиб қолган эди.

Биринчи ўримнинг ўзидан минг боғ чамалади бобо. Беданинг бўлиқлигидан куёви Бойтўра чалғини бир йўл ҳам торта олмади. Пирмамат полвон уч кун деганда ўримни тугатиб, беданинг қуришини кутди.

Бобо кун кўтарилгунича беда боғлаш ниятида бомдодни ўкиб, елкасига бир боғлам бовлиқни ташлаб, дастлаб ўргани – томорқасининг этагидан нос отиб, беда боғлашга тушди. Ҳали боғлар сонини ўнтага етказмай Зубайда кўтариниб келди-да, бобога дастурхон ёзиб, қўлидан ўроғини олди:

– Бобо, сиз чой ичиб олинг. Мен боғлаб тураман.

– Қўйсанг-чи болам, одамнинг бир жони бўлади-да. Куйдир-пиширинг, келим-кетиминг етмагандай саҳардан шомгача молнинг изидан югурасан. Бултурдан қоган иш борми-ей! Ўзим...

– Бойтўра ака сурувни ҳайдаб кетди. Опам сигирларни ўзим соғиб, сутини пишираман, деди.

Бобо нонушта қилиб бўлгунича, Зубайда эллик боғни қаторлаштириб ташлаган эди. Бобо келинининг эпчиллигидан завқланди:

– Болам, бир Зубайда ўнта Пирмамат дегани бўлипти-ку. Энам раҳматли ҳам сендай тез ишларди. Раисминам шартлашиб, бир кунда колхўзнинг минг боғ бедасини боғлаганакан, беш кило буғдойга.

– Момо қайнонанга тортибсан демокчисизда-я, бобо? Шундай бўлса қанийди...

Қайнота-келин катта чошгоҳгача уч юз боғча беда боғлашиб, бобонинг Меҳри қизи катта толнинг соясига гиламча тўшаб, келтирган чалобини ичишга тутинганида қаёқдандир учиб-қўниб келган Омоно тасига салом берди-да, ҳорманг қилиб, Зубайдага ҳазил қилган бўлиб:

– Ўзинг қилган чалобингни ўзинг ичасанми, – деганича унинг қўлидан косани тортиб олди. Бобо ўғлига дўлта пўписа қилди:

– Бета-ак, ишни Зубайда қилиб, косани тортиб олганинг нимаси?

– Ё-о пириме-ей, менам бекор юрганим йўқ, ота-а!

– Нима, эрталапдан бери кучук ахталадингми?

– Кучук ахталамасам эркак қўзиларингизнинг ўн бешини бичиб ташладим, отабой!

– Биров-ярим дагарликкаям қолдирдингми ўзи?

– Иккита ҳисори соғлиқнинг боласини қолдирдим. Худо хоҳласа, икки йилда сурувга қўйсангиз бўлади ота...

Зубайда ота-боланинг савол-жавобидан кулимсираб, эрининг ойлаб оч юрган айикдай ярим нонни чалобга ботириб, катта-катта тишлаб, шошиб кавшанишидан завқланиб ўтирганида Меҳри яна бир товоқда чалоб ташлаб кетди.

Омон полвоннинг уч коса чалобга бир ярим нонни ботириб еб нафси кондими, косани Зубайдага тутқазиб, туриб кетди...

Қайнота-келин толнинг соясида елвизак тоғ шамолидан баҳра олиб ўтиришганида, келини жимликни бузиб:

– Бобо-о, улингиз энам козоқ деганига ҳечам тушунмайман-ей!.. – деди.

– Муни бошдан гапирсам, қизи-им, Соригул момонгнинг асл оти Серегул. Ўттиз тўққизинчи йилимиди, ё қирқмикан, қозоқларда кўп одам очликдан ўлиб, кўплари нон излаб ўзимизга келиб қолишган, худди кечагидай эсимда. Биздаямку гўр эмас эди-да, ҳар қалай колхўз ўлмас овқат бериб турарди. Шўнда-а мен ғирт сағир, Алмамат акамникида, отамнинг укасининг уйида дастёрлигини қилиб юрардим.

Бобо нос отиб олиб ўйланиб ўтирганида Зубайда тоқатсизланиб сўради:

– Хўш, кейин-чи, бобо?

– Кейи-ин, кейин бир қозоқ момо, ёнида бўй кўрсатиб қолган невараси, Ойсулув чечамдан бир тишлам нон беришини сўради.

Гўринг тўла нур бўгур Ойсулув чечам феъли кенг хотин эди. Уларнинг олдида бир нон билан тол косада бир кубининг мойини қўйиб, ўзи қаёққадир кетди.

Мен ҳалиги неvara қизнинг Омонга ўхшаб, ютоқиб нонни соримойга булаб ейишига ҳайрон бўлиб ўтирардим. Бечора момо еса икки тишлам нон еди.

Шўнда-а, момонинг, “Биз улу жузнинг боласи, манав қиз улим Сапар полвоннинг қизи, небарам. Сапар полвонни ҳўкимат оттирди”, деб кўзига ёш олди. “Улим қозоқнинг отайи полвони эди, бир ул бола небарам Тошкентда қолди”, дегани эсимда.

Орадан уч ойям ўтмай ирим-ирим, жўм-жўм қилишиб, мени шу-у қиз Соригул момонга қўшиб қўйишди-да, Омонинг эшакхонасидай бир хавала қуриб беришди.

Ҳалиги момо бизга бош бўлди, мен чўпонлик қилдим, Соригул момонг колхўзнинг ишида, орадан уч йил ўтиб, катта қизим Майрам, изидан Марзия, сўнг Раҳмоним туғилди. Барисини тўпроққа бердим, қизим.

Ушлаб қолганимиз Меҳриминан Омон бўлди. Соригул раҳматликниям куни калтаякан, қирққа қирмай мен шўрни ташлаб кетди, – деди-да бобо кўзига ёш олди.

Зубайда бобони юпатган бўлди:

– Худонинг ишида, бобо, бандасининг бориға шукр қилишдан бошқа чораси борми?..

Зубайда хомуш, ер қизиб ўтирганида бобо кўзларини енги билан артиб, бир хўрсиниб олди-да:

– Ҳаммамизам шукр қиламизда, болам. Менинг бахтимнинг очилгани сенминан Омоннинг тил топишиб қолганларинг-да, отангнинг ҳиммати баландлиги-да. Мендай бедаво камбағални ўзига тенг кўриб, Омонни йўлга солгани менинг бахтим эмасми болам?

– Гапингиз тўғри, бобо. Улингизни мендан аввал отам севиб қолди. Ҳар икки гапнинг бирда улингизни мақтайвериб, касалини менгаям юқтирди отам, – деди-да, ўтганни ўйлабми, Зубайда кулиб юборди. Бобо ҳам беихтиёр Зубайдага қўшилиб кула бошлади.

Зубайда кулиб-кулиб, яна бирданига музтар бўлиб, ўйланиб қолди.

Бобо келинини ўтаётган кунидан норозимикин деган ўйда унинг кўнглига қўл солиб, хавотирли оҳангда сўради:

– Болажоним, нега хомушланиб қолдинг? Биров хафа қилдими ё-о!?

– Кимам хафа қиларди, бобо. “Просто” отамнинг таши кулиб, ичидан эзилиб юрганига қуяманда, бобо.

Отам ҳеч кимга дардини айтмасаям, бир армони Худонинг ўғил фарзанддан қисиб қўйгани бўлди, бобо. Элнинг тўйини еб юрган одам элга тўй беришни, келин олиб, неvara суйишни орзу қилмайди-ми, бобо?

Қиз деганингиз киши бандаси, эрининг этагини тутиб кетишга маҳкум. Отам бизларни эркалатса-да, кўпдан отамиз кам бўлгандай овлоқларда йиғлашиб кунимиз ўтарди. Ақалли биримиз ўғил бўлганимиздаям отам бу қадар ичидан эзилиб юрмаган бўларди.

Ота-энанинг кунига ярамайдиган қиз болани Худо яратмасин экан, бобо.

– Болам, кўпам куйинабермагин. Жойи келса ўғил ёққан чирокни қизам ёқади-и!..

VIII

Омон полвоннинг номи Ўрани тутган бўлса, Қора қашқанинг номи нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни республикаларга ҳам кетиб, тенгсиз от экани тилларда дoston бўлди...

Пирмамат полвон уйига бухоролик пири Боқохон эшонни меҳмон қилиб, хонадонига суқ тумор, Қора қашқага кўз тумор олди, кўз туморни Зубайда ихлос билан отнинг пешонасига тақиб қўйди.

Зубайданинг иши-кучи отга қараши; арпани битталаб кўздан кечириб тозалайди, сомонни қайта-қайта элакдан ўтказиб, буғдойиқ беданинг сарасини майда чопиб, охурини ялагандай қилиб қайта-қайта тозаларди. Омон кўпкарига кетишда Зубайда тайёрлаган еми-емишини ўзи билан олиб юарди.

Омон уйга келиши билан от фақатгина Зубайданинг парваришида бўларди; аксар ҳолларда емқорикқа сомон ўрнида Бойтўрага тердириб келган қамишнинг гулидан ишлатарди.

Отни ўзи ағнатиб, аввал сим чўтка билан қашлаб, сўнг ипак рўмол билан бошидан туёғигача артиб чиқарди.

От билан Зубайда уч-тўрт кун кўришмаса бир-бирини шу қадар соғиниб қолишардики, от Зубайдани искаб, Зубайда отни ўпиб, бир бирини қарши олишарди.

Бир куни отхонада Зубайда билан Қора қашқа бири-бирининг висолига интиқ ошиқлардай забонсиз жонивор билан унга бор меҳрини берган малика сирлашиб турганида Омон полвон отхонага пусиб кирган бўлди-да, хотинини бағрига босганича ютоқиб ўпиб, ҳазил-чин аралаш кула-кула:

– Зубайда, мenden кўра Қора қашқани кўпроқ севасан, шекилли? – деди.

– Сиз мени қанчалик севасиз билмадим, Қора қашқа мени қанчалик яхши кўришини биламан. Инчунин, мен ҳам сизни қанчалик севсам-да, отингизга меҳрим бўлакча.

– Бунн тушунаман, Зубайда, мен-ку майли-и, кизларимизниям ўйлашинг керак. Раъно бу йил биринчи синфга боради. Унинг уст-бошини бошқалардан кам қилмаслигинг керак. Нима бўлгандаям қиз бола-да.

– Нима, сизга арзанда кизингиз арз бўлдиларми?

– Биласан, ҳозирча Барнонга фақат томоқ керак, кийимнинг маънисига бормайди. Раънонинг туфлиси эски емиш.

– Сизга кураш билан кўпкари бўлса бўлди-ми? Мен уй одами бўлсам, районга ўзингиз олиб бориб, сумка, дафтар-қалам, бир сира кийим-бош олиб берсангиз бўларди.

– Қизиксан-ей, Зубайда. Ўзинг биласан-ку кийим-бош танлашга уқувим йўқлигини. Эмасам-ку-у!..

– Ҳозирдан қизларингизни талтайтирмаганингиз яхши. Ўзим борсам борардим, бовамнинг ош-овқатини ҳеч кимга ишонмайман.

– Майли, сенингча бўла қолсин, – деди-да, Омон полвон хотинининг пешонасидан меҳри товлаб ўпганича, эркаланганнамо кулди: – Ўғил туғуб берсанг тўйига Олмаҳон билан Ортиқни олиб келардим-да, Зубайда.

– Менинг қўлимда бўлганида қизлардан аввал ўғил туққан бўлардим, дадаси-и!.. Омон полвонга Тошқўрғонда икки тўйнинг хабарини қилишди.

– Зубайда, мен Тошқўрғонда тўрт-беш кун кўпкарида бўламан. Меҳриям отамга бир сенча қарашади. Сен қизларингни олиб отангникига бориб кел. Қизингга мактаб форманиям энангминан танлайсилар. Отамгаям шундай деб айтдим...

Зубайда туман марказида Ойсора опасининг уйида меҳмон бўлиб, қизларига уст-бош, қайнотасига телпак билан қиммат чийбахмалдан тикилган чопон харид қилиб, отасиникига кетди.

Меҳмонларни кичкина кучукча Чарли қаршилаб, қизлар билан у қувлашмачоқ ўйнаб турганида ичкаридан кенжа сингли Мадина чиқди:

– Во-ой, опа-а, келганингизни билмай қолипмиз-а?! Асаламалейкум, опа! Эсан-омон юриписизларми? Поччам...

– Энам уйдами? Ўзларинг қалайсизлар? Ўқишга бормадингми, Мадина-и!?

– Эртага “отдих”ку опа-а! Энам Улбўсин опамникига чиққанди, ҳозир қакираман...

Тонготар гурунг орасида Зубайда онасига қорнида ўқтин-ўқтин симиллаган оғриқ туришидан шикоят қилганида Мадина опасининг гапини кесиб:

– Опа-а, борасизда ўша тоғингизга. Қарши “облболниса”га Тошкентдан зўр аёллар дўхтири келиптимиш. Энам билан бориб кўрининг. Эрталаб отамга айтамин, Марат ака Қаршига учаламизни элтиб ташлайди. Нима дедингиз, эна?..

Зубайда онаси билан кўп тармоқли вилоят шифохонаси шифокори Анфиса Николаевнанинг қабулига навбатга туришди.

Она-бола шифокорнинг ҳузурига киришиб, Зубайда рус аёлининг ўзбек тилида равон гапиришига ҳайрон бўлиб турганида ёзишдан бош кўтариб Анфиса Николаевна:

– Қизим, сизни нима безовта қияпти? – деб сўради.

– Қорнимда онда-сонда симиллаган оғриқ туради. Ўн-ўн беш минутда ўтиб кетади...

– Ҳомилангиз борми?

– Учинчи ойга ўтяпти.

– Рентгенга тушиб келмасангиз бир нарсга дейиш қийин.

Анфиса Николаевна рентген “плёнка”сига кўз югуртириб, бошини чайқади-да, Зубайдага юзланиб:

– Сизда нечта бола бор?

– Икки қиз. Нимаиди опа?

Анфиса Николаевна узоқ ўйланиб, оғир тин олди-да, кўзини Зубайдадан олиб қочди:

– “Жал что”, ҳомила бачадон йўлида пайдо бўлган. Қанча тез операция қилинса шунча яхши. Мингдан бир “случия”...

IX

Омон полвон шерикларининг ҳай-ҳайлашганига қарамай кечаги қўрқинчли туши сабабми, эрталаб йўлга тушди. Йўл-йўлакай хавотири баттар болалаб,

садақага ҳўкиз атаб, уйига етиб келди-да, Меҳри опасидан ҳансираганича сўради:

– Опа-а, отам қаерда?

– Отам Қаршига кетди. Зубайда “апарасия” бўлиптимиш. Санакул директор бовага қайнотангиз тилпон қилипти.

– Нима, кўричакми?

– Нималигини билмадик, “апарасия”дан яхши чиқипти, хавотир олмасин, деганимиш отаси. Отам хабарни эшитди-ю, йўлга тушди. Соат ўнлар эди, шекилли...

Омон қайта отига миниб, энди машина йўлига тушганида изидан келаётган юк машинасининг товушини эшитиб, отини бир бутага илдириб, машинага қўл кўтарди.

Машина тўхтамай ўтиб кетган бўлса-да, уни қувиб етиб миниб, машинанинг устида ўриндикда ўтирган қария қўшни қишлоқлик Бобокул бобога салом бериб, кўришди-да, ҳансираганича сўради:

– Бобокул ака, машина совхўзгачами?

– Омонбой, машина райПОники, районга кетса керак. Бепадарнинг шопириям, ёнидагيام маст, магазинга ун олиб келганакан, мудир бас деганча ичирипти. Сизни Тошкўргонда дейишибди. Қора қашқани кўчада қолдириб...

– Бобокул ака, отни совхўзда қолдириб, Қаршига кетмоқчи эдим. Қарасам...

– Кечаги тўйда йирик зотни Омон чобоғон Қора қашқаминам териб олди дейишди, – деганича бобо Омон полвонга юзланди.

– Ҳа-а ака, ўзим тўртми-беш чиқдим. Аввалги куни бир ҳўкиз, минг сўм бош зот бўлди, уни олдим, кечагисида бир от ташланди, униям олдик, қогани майда-чуйда, кўй-эчки дегандай...

– Ишингиз “суручни” эканда-я! Бугунги кўпкаринингам шобири катта эди. Майли, дам олиб-дам олиб, чопганингизам яхши...

Омон полвон касалхонанинг жарроҳлик бўлимига етиб борганида қайнота-қайнонаси қизлари ва Пирмамат полвонлар дарахтнинг соясида ўзаро гаплашиб ўтиришарди.

Қайнонасининг Омонга кўзи тушиши билан кўзларидан ёши тирқираб, куёвини бағрига босди:

– Омонжон ўлиб ўтирипман. Зубайдага энди жон энди. Боламшўрнинг кўзи юмуқ, фақа-ат, “полвон ака, полвон ака”, деб сизни излаб ётипти! Шунга келган дард менга келса бўмасмиди-ей, оғажо-он!..

Нормурод ака хотинининг ҳикиллаганидан қаҳри келган бўлиб, ўрнидан турди-да, қўлини тўлғади:

– Ҳе-ей, бўлди-да, энди-и, кўзини очди-ку! Дўхтирлар “успешни” чиқди деяпти-ку тента-ак!..

Нормурод ака хотинига пўписа қилаётган бўлса-да, ўзи ҳам ичидан титилиб кетаётган эди. Ўзининг боши эгик, элнинг тўйини еб, бир умр ўғил кўриб, тўй бериш орзуси бирон кун ҳам ҳаёлидан кетмаётган бўлса-да, шундай қисмат ўз фарзандларидан-да яхши кўрган куёви Омоннинг бошига ҳам тушганидан эзиларди.

У ичидан ўтаётганини ташига чиқармасликка тиришиб:

– Полвон ака, сизнинг розилигингизни олмай “операция”га рухсат бериб юбордик... – деди.

– Ақлли одамнинг тадбири бўлипти. Бир кириб кўрсам майлими?..

– Мендан рухсат сўраб ўтиришингиз шартми, отажон? Ҳалиям вақтида жўнатганингиз...

Омоннинг яқинлари билан кўришиб-сўрашиши насия, навбатчи ҳамширанинг хай-хайлаганига ҳам эътибор бермай Зубайданинг ёнига югурди.

– Зубайдам, ҳаётим менинг, эсон-омон қутулганинг рост бўлсин-а! Бахтимдан ўргила-я!

Зубайда юз-кўзларини бўсага кўмган эрига узоқ тикилиб турди-да, онасини интиқиб кутган гўдакдай тўлиқиб, товушининг борича йиғлаб, турмоққа интилди. Уларга серрайиб қараб турган ҳамшира илкис келиб, беморнинг кўкрагидан босиб:

– Опа, сизга ҳозирча туриш мумкин эмас. Ака, тез чиқиб кетинг, врач келса мени ўлдиради-и!

– Дўхтир опа, опажон, ёнида бироз ўтирай. Жо-он опа!..

Х

Йўлини қилиб Зубайдани онаси билан алоҳида палатага ўтказиб, Омон полвоннинг ўзи меҳмонхонада уч кун қолиб, шифокорларни едириб-ичириб, жарроҳлик бўлимининг маҳрамига айланган эди.

Худонинг берган дардига Зубайда ўзини айбдордай ҳис қилса-да, Омон хотинининг кўргиликдан тирик қолганидан, у кундан-кун ўзини тиклаётганидан масту мағруб, жарроҳлик бўлимида кўкаради.

Уйига кетиши олдидан шифокорларни яна бир сийлаш учун бозорнинг рўпарасидаги чойхонада думба ёғига ош буюртма бериш учун ошпаз билан гаплашиб турганида сўрилардан бирида ўтирган хўрандалардан бири отини тутиб чақирди.

– Омон полвон, хў-ў Омон, бир келиб кети-инг, ука!

Омон товуш келган томонга бурилиб қаради-ю, Ўрада оти кетган чавандоз Ибройим Зулфикоровни таниб, уларнинг ёнига шошилди.

– Ассалому алайкум, акалар!..

Иброҳим амирона оҳангда:

– Оёгингни еч, ука, тўрга ўтиб ўтир. Танимасликка олиб, қочиб кетмоқчимидинг? – деди.

– Узр, эътибор қилмапман, ака.

Омон ўтириб, нари-бери сўрашишга улгурмай Иброҳим қўл ишораси билан узун бўйли, қотмадан келган, рус башарали ўртоғини кўрсатиб:

– Бу лангарлик Марс аканг, буниси яккабоғлик Шовруқ тентак. Сени Қора қашқанг туфайли булар яхши билишади. Бундай бизнинг шаҳарда адашиб юрипсан, ука?

– Хотиним даволаняпти. Дўхтирларни чой ичирай дегандим, ака. Ош айтдим.

– Бу ишинг яхши. Оғзини мойласанг яхши қарашади. Сен ука, беш-олти йил илгари институтдан кетгандинг-а?

– Худди шундай ака, нимаиди?

– Истасанг Марс аканг ректорга бир оғиз айтади, тикланасан. Хоҳла-а, сиртқи.

– Раҳмат, ака, ўқишга иштиёқ батамом сўнган. Шундаям кун ўтиб турипти-ку.

– Ўша-а жанжалингниям Марс аканг тинчитганди. Облпрокурорнинг дамини ўчирган шу аканг. У энағарни ўлдириб қўйганингдаям бир дона сочингни тўқдирмасликка иложимиз етарди. Биз Қурбонип райкўмнинг “бераман”ига учганимиз йўқ, ука. Сенинг қишлоқдошлигингни ҳурмат қилганмиз. Қолаверса, қайнотанг тилло одамакан. Ҳозир сенга хизматимизни пеш қилиш учун чақирмадим,

ука. Биласан, ўз ризқимизни ўзимиз териб юрган одамлармиз. Чўнтагинг кўтарса, бизга озроқ ёрдамнинг керак.

Беш-олти йигитимиз қамоқда. Уларнинг ишини енгиллатиш ниятимиз бор. Топиш-тутушингни яхши деб эшитганман, ука. Малол келмаса йўл пулидан қараш.

– Иброҳим ака, менда атиги етти юз бор. Беш юз берсам бўлами?

– Чин кўнгилдан берсанг икки марта етади, полвон.

– Иброҳим ака, уч-тўрт минг десангизам чин кўнгилдан берган бўлардим. Фақат уйга бориб келиш керак-да.

– Би-из, ҳозир берганингдаям унча пулингни олмаган бўлардик...

Ошпаз йигит келиб, қўллари кўксида, ялтоқланган оҳангда Марсга юзланиб:

– Шеф, аканинг “заказ”ини такси чакиртириб, машинага ташлаб қўйдим. Кўчада кутяпти, – деди-да, изига қайтди. Омон унинг изидан етиб эллик сўм узатди.

– Ака, шошманг, қайтимини олинг, нарсаларни қайтариш шартмас, – деганича ошпаз Омонга ўттиз сўм тутқазиб, хонасига кириб кетди...

Омон шифокорлар хонасига дастурхон ёзиб, келтирилган ош охирлаб қолганида телефон жиринглади. Жарроҳ Маҳкамов телефон гўшагини кўтариб, қулоғига тутганида телефондан:

– Кимсиз, билсак бўладими-и? – деган овоз эшитилди.

– Маҳкамовман! Танайроқ турипман, ака?

– Марсман. Омон полвоннинг хотини сенда эмиш деб эшитдим.

– Марс ака, келин операциядан чиққан. Тузалиб қолди ҳисоби. Қаердасиз ака, бир зиёратга...

Телефондан Марснинг дўриллаган овози келди:

– Биз чойхонадамиз, заруратинг бўлмаса келиб ўтирмай касалингга яхши қараш!..

Омон илгаридан лангарлик Марс билан Иброҳимнинг бирга юриши, шаҳарни қўлга қаратиб қўйгани ҳақидаги миш-мишларни эшитиб юрган бўлса-да, бу қадар дасти узунлигини тасаввур қилолмасди. Демак, “Қурбоновдай бир туманнинг эгалари ҳам шуларни ўртага қўярканда-я. Қойил, қойил-е!” деган гапни кўнглидан ўтказди.

Омон бўлимдан чиқаётганида шифкорлар уни эшонидай кузатиб қолишди. У машина кира қилиб, колхўздан қизларини олиб, совхўз марказига борганида ҳайдовчига юзланиб:

– Энди бу ёғига нима қилдик, ака? – деб сўради.

– Бу ёғига юк машинасида кетасиз, полвон. Йўл яхши бўлганида Тошкентга десангизам ҳайдаган бўлардим...

Орадан тўрт кун ўтиб, Омон хотинини кўриб келишга тайёргарлик кўриб турганида катта йўлда уни кимдир чакираётгани хабарини қилишди.

У шошиб, оёғига отасининг калишини илиб, дарвозадан чиққанида, эшакли йўловчи:

– Ғўримнинг муюлишида бир кўк москвичли одам, “Полвонга айтинг, бизга кўлик юборсин”, деди. Кўк шолнинг адоғи кўчиб кетганини биларсиз-а, полвон?

– Биламан, ака, улар неча киши?

– Уч, уч...

Омон Қора қашқани миниб, бир отни етаклаб, Ғўримнинг бурулишига етганида Қора қашқа кулоқларини тикрайтирганича бекасига кўзи тушиб, чўзиб кишнади.

У Зубайдани соғинган эди...

Омон катта гужумнинг соясидаги супага меҳмонларини ўтиришга таклиф қилди-да, Зубайданинг йўқлигини билдирмаган бўлиб, елиб-югуриб юрган опасига юзланиб, шивирлаганича:

– Пирмат аканинг Хусанини айтиб келинг, бир кўзи сўйсин, – деди.

Пирмамат полвон беихтиёр кўзларидан тиркираб оқаётган севинч ёшларини енгил билан артиб:

– Бўйларингдан бобонг айлансин-а, болам, энажоним дардни ташлаб келганинг чин бўлсин-а! – деганича Зубайданинг пешонасидан ўпиб кўришди-да, қудаси Нормурод акага кучоқ очди.

Узоқ сўрашилиб, Меҳри дастурхон ёзабошлаганида Зубайда кийим алмаштириш илнжидами, уйга кириб кетди. Унинг изидан ўқдай учиб кирган Омонга кўзи тушган қайнонаси эрига куёвини айбситгандай кулимсираб қараганини Пирмамат полвон ҳам сезиб, кула-кула:

– Нормурот ака-а, бу эскининг гапи бежиз айтилмасаканда-я, куёвнинг тупроғи қайнотаникидан олинади, деб.

– Нимайди, Полвон ака-а?

Қуда бобосининг гапини илиб кетган қудағай эрини ёзғирган бўлиб:

– Омонбой қайнатасига ўхшаганида-ку-у,– касал бўмаган одам борми, тузалса келар, деб тўй тўйлаб юрган бўларди. Омонжон баннисага борганидан биз эна-болага нур ёғилиб қолдику-у! Илоҳим, Омонжоннинг боши тошдан...

Нормурод ака хотинининг гапини кесиб, унинг ўзига адолатсизлик қилганидан ранжиган бўлиб, сохта пўписа қилди:

– Э-эх, Малика-а, Пирмамат акам тўғри айтади. Омон менинг ўзим! Сени бир кун кўрмасам турулмасдим-ку.

Туйкусдан кулгили воқеа эсига тушгандай Малика опа кўзлари кулиб, эрига қаради:

– Полвон бовамни ишонади деб гапиряписизма, отаси-и? Зубайдамда “роддом”га тушганимда бирам хабарлашмадингиз, охириям бечора дўхтирлар “искўри”минам ўзлари уйга элтиб ташлаганди-ку. Эсингиздан чиқдима, отаси-и? Сизга давлатнинг иши бўлса бўлди...

Омон аввал, изидан Зубайда кўзёшларини арта-арта уйдан чиқишганида хуш-хандон даврага маъюслик инди. Зубайданинг онаси қизининг дардини тушуниб, юзидаги табассуми сўнганича ўйга толди.

Ўзининг ҳам бир чумаклига интиқ, эрининг эзилиб юришини ҳис қилиб, эл кулса ҳам ўзи кулолмай умри ўтяпти. Отасичи, Зубайданинг отаси ҳам қизининг қайси дардда йиғлаётганини англаб эзилаётган эди.

Пирмамат полвон носини супанинг сиртига туфлаб, оғзини чайди-да, бир ҳомуза тортиб, қудасига юзланди:

– Нормурот ака-а, эндиги ёшлар калта ўйлайди. Сизминам биз бир тишлам нонга зор бўлиб, бир оғиз ширин гапнинг гадоси, не кунларни кўрмадик. Аттангат, нониям борақан, бориға шукр қилишдан бошқа ҳамма нарса бор.

Дўхтир сабаб, Худонинг ўзи Зубайдамнинг жонини сақлаб қолди. Шунинг ўзи сизминам бизга катта бахт эмасми, Нормурот ака?

– Менам шуни айтаманда, полвон ака. Эндигиларнинг кўзёши кипригининг учида туради-ей!

Пирмамат полвон кудасига, майли десангиз, дегандай, кудасига савол назари билан бир қараб олиб:

– Зубайдамни ҳорманг қилишга эшитган қариндошнинг бари келади – деди-да, Омонни ёнига чақирди:

– Ҳозир сўйдирган кўзинг Нормурод акамнинг ҳурматига, катта олабош кўчқорниям сўйдир Хусанбойга. Бугун элга тўй берсам арзийдиган кун, Зубайдам келиб уйим тўлиб ўтирипман, болам...

Ҳамманинг калласи охурда, Зубайда Қора қашқанинг ёлу кокилини силаб, кўчадан калтак еб келиб, отасига арз бўлган боладай отга ҳасратини тўкиб соларди.

– Биламан, сен мени тушунасан. Мен полвонга ўғил туғиб бериб, уни бахтиёр қилишни, катта тўй бериб элнинг олдидан ўтишни орзу қилардим. Тақдирим энамнинг тақдирига уйқаш бўлди. Отам бир умр боши эгик, таши кулиб, ичидан эзилиб юрипти. Энди бошимни қайси тошга урай? Ичим ёниб кетяпти, айт, нима қилай, Қора қашқа-а?

Эгангни ўғлим дейди. Омоним омон бўлсин дейди. Биз – муштипар қизларини кўйиб, менинг Омоним дейди. Мен шўрни айт-да, эганг кулса куламан. Эганг хомуш юрса кечалари уйқим қочади. Айт, нима қилай забонсиз меҳрибоним...

От оғир дардга йўлиққандай бошини эгиб, қимирламай кўзлари ёшовраб Зубайдани тинглаётгандай эди. Ташқаридан келган сас Зубайдани ҳушёр торттирди.

– Зубайда, Зубайда-а!

Зубайда энги билан кўзёшларини артиб, қорнини бир қўли билан ушлаганича букчайиб отнинг ёнидан чиқди-да, заифгина овозда:

– Қора қашқангизни кўргим келувди, – деди.

– Одамлар муни ҳайвон дейди. Одамдан ақлли-ей жонивор. Сени кўриши билан кишнаб юборганини эшитдингми? Меҳри опам уч кун кишнаб, сени излаганини айтганида менингам кўзимдан ёш чиқиб кетганди. Еминиям дуруст емай қўйди шўнда дейди-ей опам!

Сен энди кўпам ўзингни уринтирмай туришинг керак. Яра яхши битмай қолиши мумкин. Опамам бир сенча қарайди отга.

Яна сенга шуни айтиб қўяй, Зубайда, отанг-энанг кетгунича кулгинг келмасаям кулиб юргин. Ҳалиги, ким эди-я, отинг қурғур “медсестра”, Қобил аканинг қизи, кунора келиб туради...

Қишлоқдошлар келиб-кетишиб, кечги суҳбатга тўртми-беш қария меҳмон билан чақ-чақлашиб ўтиришганида суҳбат мавзуси Ўра дарёнинг баҳорда пишқириб оқиши, катта сел келиб, аксар кўприкларни олиб кетиши, мактаб ўқувчиларининг ойлаб мактабдан узилиб қолиши ҳақида гап кетганида Омон полвон қарияларнинг гапини кесиб:

– Норқобил бобо-о, кўпдан бери калламда бир режани пишитиб келаман. Тўрт-беш қишлоқдан камии юз эллик ўқувчи дарёдан ўтиб мактабга боради. Шойим Қурбоннинг элдан пул-мол йиғиб қурган кўпригини ҳар йили сел олиб кетади, – деди-да, кўз қири билан қайнотасига қараб: – Нормурод ака, бизга бир холис хизмат қиламан деса райқўм бобо билан гаплашиб, мутахассисларни жўнатса бор молимни сотиб бўлсаям қанча кетса харажатини ўзим кўтарардим. Етмаса элдан йиғамиз. Яхшироқ кўприк қурмасак элнинг азоби бўлдику-у!..

Туман маориф мудири Нормурод Очилов ошкора ҳаяжонини босолмай Пирмамат полвонга юзланди:

– Пирмамат ака-а, сиз Омон полвоннинг ташаббусига қандай қарайсиз?

Пирмамат полвон – кўрдиларингми, бу менинг ўғлим, дегандай марсинганнома қарияларга бир-бир қараб олиб:

– Нормурот ака-а, Омонбойингиз шу ишга бош бўлса отасини елкасида кўтариб ўн марта ҳажга олиб борган улнинг савобини олади.

Пирна дўст ўзинг айт, ўн йил аввал менинг нима бор эди. Икки хона хатагим, тўртта дирдона қўй-эчкимдан бошқа.

“Яхшиларга ёндоштир, ёмонлардан одаштир”, дегандай, Нормурот акам Омонбойни одам қилиб, шу одамнинг сабабидан Омонбойингизга ақл кирди.

Инчунин, Худонинг йўлида йигит кишининг элга қилган хизмати юз карра ўзига мартаба бўлиб қайтади. Нима дедингиз, Норқобил ака?

– Пирмаматбо-ой, мен сизга айтсам, Омон полвон бутун бошли қозоқ халқининг “единний” полвони Сапар полвоннинг невараси. Қолаверса, сизам элнинг хизматини кўп қилган одам. “От, зот” дегандай, Омон зотига тортмай менга тортсинми. Отани сонга соламан деган фарзанд шундай бўлади. Нима дедингиз, куда бова?

– Норқобил ака-а, менам Омондан шуни кутиб юардим...

Гурунг адоқлаб, қариялар тарқалиши олдидан дуога қўл очишди:

– Омон полвоннинг халққа берган бири ўзига минг бўлиб қайтсин. Худойим полвонга қўчқордай ўғиллар бериб, тўйларида сиз қудаларнинг бош бўлиб туришларингизни насиби-рўз айласин. Овми-ин!

Дуога очилган қудаларнинг қўллари ҳам юзга сурилган бўлса-да, дилларини кемираётган умидсизликни кишлокдош қариялар қайданам биларди...

XII

Пирмамат полвон ҳар намоз изидан Зубайдасининг соғайиб кетишини Худодан сўраб, илтижоли дуо қиларди. Зубайданинг эти яхши эканми, ой ўтиб-ўтмай юмушларига яраб кетди.

Октябрь охирлаб қолган кунларнинг бирида Тоштурди бобонинг кенжаси Норкумуш Зубайдани от тутиб, дарвозанинг ортидан чақира бошлади.

– Зубайда янга, Зубайда янга-а!

Зубайда салом-алик, сўрашиш сўнгида Норкумушга кўз ости билан зимдан кўз солди; қадди-комати расо, полвон келбатли бўлса-да, қалдирғоч қанотидай қийик қошлари остида бир жуфт шаҳло кўзнинг порлаши ўзига ярашиқли.

Оппоқ юзига хиёл қиррадан келган бурни, билинар-билинемас қора мўйлари садафдай оппоқ тишли оғзига ярашиб тушган тоғ қизига унинг ҳаваси келди.

Норкумуш эса бўлимли кўкракларини ёриб чиқиб кетай деб турган охори кетган чит қўйлагидан уялганданми, лабини тишлаб-тишлаб, кимтинибгина Зубайдага бақамти борарди.

Камбағалликнинг нуқси уриб кетган қиз ийманганнамо уй бекасининг изидан остона ҳатлади. Қиз тортиниб, беканинг ўтиринг ишорасини кутарди. Зубайда кўрпача тўшаб, унга ўтиринг, ишорасини қилганида қиз бироз қизаринди:

– Отам полвон акангникига бориб келгин деганди, янга.

– Синглим бўсағада турмай, тўшамчига ўтинг. Полвон акангиз тўйга кетганиди. Эшикдан қайтганингиз нимаси. Ўтинг-е!

– Билмай келипман-да, янга. Мен қайтақолай.

Зубайда кизнинг тортинчоқлигидан ажабланиб, унинг биллагидан маҳкам ушлаб, зўрлагандай тўшакка ўтказди-да, мен ҳозир, деганича ташқарига чиқиб кетди.

Қизнинг кўзлари эшикка хавотирли қараб-қараб қўяётган бўлса-да, эгасига тутқич бермай кезинарди; деворлари мармардай оппоқ оқланган, қўш деразага бир нав пардалар илинган, қизнинг айникса умрида кўрмагани – холи гилам кўзларини ўйнатиб юборди. Одмигина бўлса-да, тепадаги қандилни узоқ томоша қилди...

Норкумуш, “Бир кун умринг бўлса ҳам шундай уйда яшасангда”, деган гапни кўнглидан ўтказиб ўтирганида бир қўлида чойнак-пиёла, бир қўлида дастурхон, Зубайда кизнинг қонушиб ўтиришидан ажабланиб кириб келди-да, қизга беозор танбех бериб, ёзилиброк ўтиришга қистади.

Зубайданинг эшикка иккинчи чиқиб келиши дастурхонни ликобчада асал, аввалдан қовуриб қўйилган гўштли тақсимча билан тўлдириб, олинг-олинг бошланди. Меҳмон ибo саклаб-тортиниб, мезбон меҳмонни уялмасликка ундаб, Зубайданинг киришимлилиги важданми, уларнинг қулфи-дили очилиб, опа-сигиллардай чақ-чаклашиб, олинг-олинг билан нафслари ором олишди-да, Зубайда мулойим табассум билан:

– Адашмаса-ам, сиз Тоштурди бобонинг қизи Норкумуш, шундайми? Илгарилари кўрганимда сизга эътибор қилмаганимни қаранг-а! – деди.

– Янга, танидингиз. Энди яхши тузалиб кетдингизми, сизни носовланибди деб эшитгандим?

Зубайда кизнинг ибосига, ярашиқли табассумига, соғлом қадди-бастига суқланиб қараб, кўнглига келгани; наҳотки шундай дуркун ва дилбар қизни аллақачон илиб кетишмаган. Наҳотки, йигитларнинг кўзи кўр, диди чакки. Ёки бир кўрганда илғамайдиган қусури борми?..

Норкумуш, бироз ноўрин сўрадимми, дегандай ер остидан кўз қирини Зубайдага ташлади. Зубайда яйраб кулганича Норкумушга қараб:

– Мен тентакни қарангда, Норкумуш, тобим қочиб ўйчан бўлиб қолипман, шекилли, Худога шукр, тузалиб қолдим. Мен полвон акангизнинг ўрнида бўлганимдами, чўлнинг Зубайдасигамас, тоғнинг Норкумушига уйланган бўлардим, – деди.

– Қўйинг-е янга, пахта қўйишниям бопларкансиз. Сиз киму мен ким! Сиз мактаб директирлари каттасининг қизи энг сулув келинчак бўлсангиз.

Норкумуш ўзининг бўлимлилиги важдан ўзига кўпларнинг каттароқ ёш беришини билгани важдан – мен сиздан анча кичикман ва мени полвон ўзига тенг кўрмайди, дегандай гап қилди:

– Полвон акадай оти дунёга кетган одам мендай бир камбағалнинг қизини бошига урармиди. Кейинам у киши сизга уйланганларида мен бешинчи синфда ўқирдим...

Норкумуш бироздан сўнг яна тилга кириб, Зубайданинг – балки, мен билмаган қусуринг бордир, деган гумонга бормаслиги кераклигини эслатиб қўйиш учунми, ўйчан кўзларини ерга қадаб:

– Кейинам, янга, ўрни битирганимда икки жойдан келди. Отам яна бир айланиб келарсизлар, деб уларни қайтариб жўнатди.

Энамнинг озроқ минази пастлигини қўшниларимиздан суриштирган шекилли, улар қайтиб келишмади. Камбағалнинг қизига кимнинг кўзи учиб турипти дейсиз. Ҳамма қизам энасига тортмайди-ку, янга. Нима дедингиз?..

Зубайда қизни яна гапга тутиб кўрмоқчи бўлди-ю, “кўнглидан нималар

ўтгани”ни сиртига чиқармай, унинг қандай юмуш билан келганини сўради.

– Отам магазиндан кеча куруқ қайтиб келди. Мудир ноябрнинг охиригача ун келмайди, деганмиш. Отам, “Омон полвондан сўраб кел, бирон улов буғдой бериб тураман деса эшакминам ўзим бораман”, деганди. Энди отамга полвон ака тўйга кетганакан дейманда-я.

– Бунча кетаманга тушиб учқолоқлай берманг, Норкуму-уш! Бир улов буғдой отминам туямиди. Отангиз овора бўлиб юрмасин. Полвон бовам Бойтўра акага бир оғиз айтсалар элтиб беради. Энди қари одам отангиз юрмасин, дейман-да, Норкумуш...

Норкумуш Зубайда билан дарвоза ортида хуш-хандон хайрлашган бўлса-да, унинг турмуш тарзини кўриб, ўзининг кўраётган кунига минг лаънат ўқиб, яшашдан кўнгли совуб, йиғламоқдан бери уйига кириб борганида энаси чолини у гўрдан олиб, бу гўрга солиб, шанғиллаб қарганарди.

– Ер ютгур, сенам эркакман деб юрипсан-да. Уйингда кўзга суртим уннинг йўқ, кишлоқнинг мулласиман деб қариллайсан яна!..

Норкумуш ғазабдан титраб, бор аламини энасидан олмоқчи бўлиб:

– Шу уйда отамни кўясизми, йўқми? Бечора чечамни-ку ер билан битта қилиб, қувиб солдингиз! Бу уйда яшаймизми, йўқми сизни деб!..

– Хо-о, ернинг ками тортсин-да сен мегажинни! Гўрсўхта отанг кун узоғи китоб кўриб, пути хоридай бўлип ётса-а! Энди бир камим уйма-уй кириб ун тиланиш қолдими?

Пенсиямизни туплими, гўрми оламан деб ютган бўлсанг. Хотинчалиш аканг қанчиғининг изидан гум бўлди: “Икки бийдай боладан воз кечмийман”. Ўла, ота-энадан воз кечиб, бола баҳона қанчиғининг изидан кетти. Илоҳим, ул бўмай ув бўл-а, бетак!

Бубинор момо ўғлини қўйиб яна қизига ўшқирди:

– Эртага очик мазорингни пишириб ейсанми бўмаса?

Мулла Тоштурди Куръоннинг орасига кўз ойнагини қўйиб, олов бўлиб ёнаётган қизига хайрат тўла кўзларини тикиб, хотиржам:

– Болам, полвон нима деди? – деб сўради.

– Омон ака тўйга кетганакан ота. Зубайда чеча отанг овора бўлиб юрмасин, Бойтўра аканг элтиб беради, деди.

– Ило-я, кўқарсин-е, Зубайда. Минг қилсаям кўрган-кечирган одамнинг боласида.

– Пирмамат полвонам йўқмикан?

– Бова кўзиларини ўтлатиб юрганакан. Борганимни кўргани йўқ, шекилли.

Ота-боланинг суҳбатидан қайта асаби қақшаган Бубинор момо қайтадан тилидан заҳар томиб:

– Ўле-ей, гала беор тиламчи!.. – деди.

– Нима, қарз орасига сув кириптими, кампи-ир, эртага олади-да, буғдойига буғдой. Овушиб турмаган одам бормикан-ей бу дунёда!..

XIII

Пирмамат полвон кўзиларини кўрага қамаб, гужумнинг соясидаги супага ўтирганида Зубайда дастурхон ёзиб, бир косада сергўшт шўрва билан чой олиб келди-да, гапни нимадан бошлашини билмай ўйланиб қолди.

Бобо шўрвани ича-ича келинининг ўтиришини кўз остидан кузатиб:

– Нималарни ўйлаб қолдинг, Зубайда? Ўзингга овқат ичмайсами, болам? – деди.

– Ҳозир Тоштурди бованинг қизи Норкумуш келганди. Бирга чой ичдик.

– Ўзи шунчаки қидириб келиптими ёки бирон иши бормикин?

Зубайда ўзи режа қилган ишга урғу берган бўлди:

– Улингизни сўради.

– Ҳе-е!

– Отаси юборипти, полвондан бир улов бугдой қарзга сўраб кел, майли бераман деса кечга эшак олиб ўзим бораман деганимиш.

– Сен нима деддинг, болам?

Зубайда бобонинг ҳам кўнглига қўл солиб кўриш учун гапни узоқдан бошлаб:

– Ўзингиз биласиз, бобо, отам бир умр элнинг тўйини еб, ўзи тўй беролмаганига ўқиб ўтпти. Улингизам отамдай эзилиб юрмасин дейман-да бобо.

– Гапинг тўғри-ю, бандаси тақдирига нима ёзилган бўлса кўнади-да, болам.

– Бобо-о, хотин кишининг йўриғи бўлак, йигит одамнинг ўғилли бўлишга йўл излаши динимиздаям вожиб амал эмасми?

– Гапинг-ку тўғрида, болам, эндиги замоннинг йўриғи бўлак-да. У кун ўтди, отам раҳматлининг бир ўкиниб гапиргани сира эсимдан чиқмайди. Эшбой тўқсоба катта тўй берди дегич эди раҳматли.

Кўпқарида Эшпарда жунсоқолнинг болалари отамни қизил қонига ботириб уришган. Бобом раҳматлини ёзғириб гапирардиларки отам, улкагор яна уйланиб, ҳеч бўлмаса бир-иккита отадошим бўлганида жунсоқолнинг болалари менга таёк кўтаролмасди. Ёлғизлик Худога ярашаркан улим, деб ўқинарди.

Замон ўзгариб, у гаплар ўтиб кетди-да, болам. Лекин оғзига кучи етмаганнинг иккисидан бири – шунча мол-дунёғни тўй беролмасанг ўзинг билан олиб кетансами деб, Омонбойгаём изза бериши бор гап.

– Замон ўзгарса ўзгаргандир, удум ўзгарган йўқ-да, бобо. Бир умр отамдай эзилиб ўтгандан кўра улингиз уйланиб, Худо ўғил бериб, элга тўй берса ёмонми? Майли-и, мени кўйинг, улингиз шундай ўтса ўзингиз армон қилмайсизми бобо!?

Йўқ-ку ўтар кунини ўйлайди. Бор-чи, бор элга тўй бермадим деб ўқинмайдими?

– Дардинга ўзим кўндаланг бўлай ақлли, болам, шу гапни тентагинга айтиб кўрсанг бўларди. Аслида сен ҳақсан. Ҳалиги қизга қандай жавоб қилганингни айтмадинг-ку болам.

– Узоқни ўйлаб, отангиз овора бўлиб юрмасин, бобомга айтсам ўзи Бойтўра акадан юборади дедим.

– Яхши гап қилибсан, болам. Бойтўра келса жўнатасан.

Зубайда қайнотасининг кўнглидан борганига қувониб:

– Қурғур ўзиям тоза-а етилипти-да, бобо-о! – деди.

– Мулла Тоштурди кў-ўп ақлли, етишган одам. Лекин Бубинор момонгнинг тилига одамзот чидаб туролмайди. Заҳарли илоннинг ўзгинаси-ей бепадар!

Келинини ҳайдади, селсавут аралашди. Уларам Бубинордан оларини олиб, ёлғиз ул Тошмамат икки гўдагини ўйлаб, қайнотаси билан бўлиб кетди.

Мулла Тоштурди китоб кўрган одам-да, ноилоҳ тақдирига кўниб яшапти. Қизининг йўлини боғлаганам шў-ў шумтуёқ энаси-и! Эмасам болалари отасига тортган ибодатли болалар.

Мен деганинг сизларга қараган одам. Аввал тентагингни ийлаб кўр, Нормурод акамга, энангга айт, ҳаммаси – майли, деса мен қаёққаям бораман, қизим.

Қизга ваъда берган бўлсанг, бош-кўзларингдан садақа, юз кило унни Бойтўрадан бериб юбор. Садақа демасинда, бобом бериб юборди деб ташлаб келаберсин.

Шом аралаш Омон полвон очик дарвозадан бир той етаклаб кириб келганида кичкина Барно бобоси томон ўқдай учиб бориб суюнчи олди:

– Бобо-о, бобожон, энди отимиз бешта бўлди-и! Дадам яна от олиб келди-и!..

Омон етаклаб келган тойининг ипини судратиб томорқага қўйиб юборди-да, Қора қашқани отхонага боғлаб белини бўшатиб қўйиб, уйи томон йўл олганида қизчаси “Рекс” итга нон ташлаб турганини кўриб ўтганди.

Нони тугаган Барно яна итга нон олиб чиқиш илинжида чопиб уйга кирганида ота-онасини жиноят устида қўлга туширди.

– Ура-а, энди бобомга айтиб бераман. Дадам ойимни ўпиб олди дейман! Ура-а!..

Зубайда эрининг кучоғидан юлкиниб чикиб, ўйноқлаб чапак чалаётган қизчасини кўтариб олди-да, эрига қараб кулганича:

– Тентак қиз, даданг менга нон чайнаб бераётганди. Ўпгани йўқ, шундайми дадаси-и!?

Омон шундай дейишга улгурмай Зубайда жағини ушлаганича қизига:

– Қара, тишим оғриган! – деди.

– Ойи-и, нон беринг, Рексга бераман, унинг тиши оғримаган, билдингиз.

Барно қиз Зубайда берган бир бурда нонни қўлида ушлаганича, ташқарига отилди. Зубайда эрининг биқинига туртган бўлиб, бир турли табассум билан:

– Ўпкинги келса ёшроғини олиб ўпинг. Кеча сизни сўраб Норкумуш келганди, – деди.

– Менда нима иши боракан мулла қизнинг?

– Сизга севги изҳор қилмоқчиёкан.

– Ҳазилни қўй, Зубайда, жиддий сўраяпман. Нима иши боракан?

– Севги изҳор қилиш жиддий иш эмасми? Қурғур, ўзиям тоза етилиптида. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, “Менам сени севаман”, деган бўлардим.

– Балким ўзинг совчийам бўларсан?

– Эмасам-чи...

XIV

Омон полвон бошчорбоғлик тожикларнинг тўйидан яна бир той, иккита ҳўкизча олиб келганида Зубайда қайнотасига бир кўзини қисиб қўйиб, кула-кула ҳазил-чин аралаш эрининг қитик патини ўлдириш учунми Пирмамат полвонга юзланиб:

– Бобо-о, бир мени кўриб қолмай Норкумушгаям отнинг бирини берингда. У тарбия қилса балким Қора қашқаданам ўтиб тушар. Ҳам дегандай қалинидан қутилаберганингиз яхши-ку, – деди.

Омон Зубайданинг гапини ҳазилга йўйиб, кула-кула отасига юзланди:

– Ота-а, Бубинор гут-гутга бир соғин сигирам қўшиб беринг. Мулла Тошдурдининг кўнгли қаймоқни тусаб қолипти...

Пирмамат полвон ўғлининг кесатикли гапини тушунмади, шекилли, Омон Авжинга тўйга кетганида мулла Тошдурдининг уйига бориб, Зубайда билан келишганидай гапни узоқдан бошлаб:

– Мулла бобо-о, сиз қишлоқнинг увол-савобига жавобгар одамсиз. Мен сизга бир таклиф билан келгандим. Йўқ демасангиз Омонбойнинг бир отини қарашиб миниб юрсангиз дегандим. Эшакдан кўра ҳарна дейман-да. Арпасини бериб тураман, ака. Ўзингизда томорқангиз кенг, емиш сероб...

Бубинор момо Пирмамат полвоннинг гапини кесиб:

– Полвон ака, берсангиз бир соғин сигир бериб турунг омонатга. Муллангиз от миниб керрайиб юргандан кўра ўзимиз қарашиб сут-қатигини ичиб турамиз. Мен бекор, кизим бекор, ўлдикми, бир сигирга қараймиз-да, ака.

– Э-эй, бойбича, майли-и, сизнингиз сазангиз ўлмасин, сигир бўлса сигирда. Эртага боринг, сутлироғидан бирини Зубайда кўрсатади. Томоғига қарашиб, соғиб ичаверинг, чеча...

Йўқлик одамни нималарга олиб келмайди. Бубинор момонинг бироз чакаги тиниб, мулла Тоштурди ҳам отлик эл оралайдиган бўлди.

Кунларнинг бирида Омон полвон қишлоқдошлари билан кўпқаридан қайтаётиб ўзининг отини мулла Тоштурди миниб юрганига кўзи тушди.

Қишлоқдошларидан бири Худойкул кўса хайрон бўлиб:

– Полвон, Тўриқни муллага сотдингизми? У уркағорнинг от оладиган ҳоли йўғийди-ку?

Омон полвон бироз кизаринган бўлса-да, сирбермай, ўйиндан ўт чиққанини кўнглидан ўтказди:

– Отам қарашиб, омонатга миниб турунг дегандир-да. Ўзим от қиламан деб юрипман-ку, Худойкул ака...

Омон дарвозадан кирганида унга пешвоз чиқиб, Қора қашқанинг жиловидан тутган Зубайдага қахрли нигоҳ ташлади:

– Бу сенинг ишингми, Зубайда?

– Нимани сўраяпсиз, полвон ака-а?

– Тўриқни мулла миниб юриптику-у!

Зубайда қўллари билан юзини беркитганича бор овози билан куларди. Омон қамчин кўтариб Зубайдага дўлта пўписа қила бошлади. Ёғоч ўтирғичда таҳорат олаётган Пирмамат полвон офтобани отиб юборди:

– Бета-ак, ўзинг айтдинг-ку, соғин сигирам қўшиб беринг, деб!

Зубайдада нима айб, ўзим бориб айтдим, “Омонатга қарашиб миниб турунг”, деб!

Омон от устида наъшаси тутиб, кула-кула шайтони зўр хотинига қараганича:

– Ота-а, сигирам қўшиб бердингизми-и?! – деб сўради.

– Қизил эстонни боласими нам бердим.

– Омонатгами, қалин дебми-и?

– Қандай ўйласанг шўндай ўйла, полвон!..

Зубайда Қора қашқани етаклаб отхона гакириб кетганида Омонни шайтон кўтариб, отасининг соддалигидан кулганича етаклаб келган тойчасини томорқага бўш қўйиб, хўкизчаларга Меҳри опаси эгалик қилди. “Ҳалиям хўкизчаларни ҳайдашиб келган Хусаннинг бу маш-машадан хабар топмай уйига ўтиб кетгани яхши бўлди – деган гапни Омон кўнглидан ўтказиб, Зубайданинг изидан отхонага кириб борганида у бир мунгли қўшиқни хиргойи қилганича от охурни тозаламоқда эди.

Хотинининг мунгли овози қулоқларини тешиб ўтиб, отхонага кирмай тўхтаган Омонга дунё тор кўриниб, “Наҳотки энди бошқа фарзанд кўрмаслик хотин кишини шу қадар ғамга ботирса, наҳотки таши кулиб, ичи эзилиб юрса”, деган ўй ўзининг ҳам қалбини тирнаб, қамчин кўтариб унга ўқталганидан пушаймон бўлди.

“Қиз десак қизларимиз бор, нима, ўғил гўримизга қўшилиб кирармиди. Мен ўғил, отамга нима каромат кўрсатяпман. Ўзимни тутгунимча ташвиш устига ташвиш бўлдим-ку отамга”.

Жойида туриб қолган Омон хотининг мунг тўла ноласига токат қилолмай бир томоқ қириб, отхонага кирди-да, отнинг пешонасини силаб, кўзлари ёшли, хиргойи қилаётган хотинига:

– Зубайда-а, овозинг-ку, ширали-да, одамни эзганинг ёмон. Ота-энангни соғинган бўлсанг бориб келайлик, – деди.

– Гапни олиб қочманг, сизга ўғил туғиб бериб, суюнтиролмаганимга ўкинаманда. Худонинг раҳми келиб, бир ўғил туғиб ўлганимдаям майли эди.

– Шу гапни бошқа гапирма, Зубайда. Менга попукдай қизларимизни туғиб берганингнинг ўзи етарли. Сенинг тузалиб кетганинг менинг тўқис бахтим. Мени десанг, мени севсанг нолаларингни бас қил, Зубайда.

– Мени хуш-хандон юрсин десангиз Норкумушга уйланинг. У ўғил туғиб берса оиламизнинг чироғи ўчмайди, полвон ака.

– Кўйсанг-чи Зубайда, мен юрагимни иккига бўлолмайман. Бир бечорага уйланиб, унинг юрагини қон қилишим ақлимга сиғмайди. Кўнглим тиламаган гапни бошқа гапирмагин энди-и!

Улар изма-из отхонадан чиқишиб, айвонга етишганида дарвоза олдида ўйнаб юрган Барно қиз югуриб, онасининг қўлидан тортқилаб:

– Ойи, ойи-и, сизни бир момо дарвозага чақириб кел, деди.

– Кимакан, келаверинг демадингми?

– Рексдан кўрқяпти ойи-и! Юри-инг, кетиб қолмасидан кўринг, ойи-и!

Зубайда кизини эргаштириб дарвозага яқинлашганида Бубинор момо чўзиб салом берди.

– Асалам алайку-ум, Зубайда қизим! Мен мулла бобонгизнинг кампири—Бубинор момонгизман! Норкумушим полвон бобосига атаб сутли патир қилганакан. Ўзинг олиб бор десам уяламан деди қизи тушмагир.

– Уйга кирайлик, момо.

– Ўтириб қолсам, чоли курғур излаб қолами дейман-да. Мойли бованикига ўтиб, дарров қайтаман деганийди мулла бовангиз. Норкумуш-ку борда...

Бубинор момо айвонда чой ичиб ўтирган Пирмамат полвон билан кўришиб-сўрашиб, Омон полвоннинг ҳақиға дуо қилди-да, чўнтагидан бир дона қурут олиб:

– Айланиб кетай момо қизимдан, келганимни энасига хабар қилди-да, деганича қурутни Барнога узатди.

– Мен қурут емайман.

– Емасангам ол, қизим, қўлимни қайтарма-а!

Барно онасининг кистови билан қурутни олди-да, бир тишлам нон илинжида дастурхонга термилиб турган Рексга қараб:

– Рекс, Ре-екс мах, момонг қурут олиб келипти, – деганича қурутни итига отди. Ит думалаб кетган қурутнинг изидан югуриб кетганида Зубайда уят бўлди дегандай қизига қараб лабини тишлаб бошини ирғади.

– Ойи-и, момом дейишим керакмиди?..

XV

Бубинор момо Пирмамат полвонга илинганини қолдириб, қайта-қайта Омон полвонни алқаб, мол-дунёси, мартабаси бунданда баланд бўлишини, Зубайданинг қўша-қўша ўғиллар туғиб бериб, элга тўйлар беришини Худодан тилаб дуо қилди-да, бобо билан хайр-хўшни қуюқ қилиб, уйига жўнади. Момо дарвозадан чиқиб-чиқмай унинг қўлига Зубайда тугунча тутказди:

– Момо-о, манавини Норкумушга бериб қўйинг. Ўлчамини билганимда ўзим тикиб берган бўлардим.

– Қўйсангиз-чи Зубайдажон, шундаям мулла бобонгиз ҳижолат бўлиб юрипти.

– Моможон, оти-дунё бераётганим йўқ. Молларимизга қарашиб юргани учун илинаман-да. Бир келганида размерини айтса, райондан туфли келтириб берардим...

Бубинор момо хазина топган тентакдай, уч-тўрт уй ўтиб, сабри чидамай тугунчани йўл четига ўтиб очиб кўрди-да, қувонганидан юраги ёрилиб кетай деди.

“Бундай атласдан қўйлак-иштонни раиснинг қизиям ҳали кийгани йўқ. Ох, манави ироқи қалпоқни-чи! Бу дейман, Омон дунё топганми? Тентак хотиннинг ишини кўринг-да.

Бир бегона кизга молларига қарашиб юргани учун эмиш...”

Тирикчилик ташвишларидан чарчаб, тили чиқиб қолган Меҳри билан Бойтўра ўғиллари Холтўра билан Холиёрни ухлатиб, ўзлари ҳам тўшакка киришганида Бойтўра қайнотасидан ўпкалаган бўлди:

– Бу дейман, полвон бовамнинг ишига ҳайронман-ей! Сенминан менинг на уйкумизда, на юриш-туришимизда ҳаловат бор.

Бегонадан кўра бир қобик бери, қизил эстонни отамга, “Томоғига қарашиб, соғиб ичиб турунглар”, деб бериб юборганида уларнинг олдида менингам тилим узун бўлмасмиди, Меҳри?

Шуни отанга сен айтишинг керагиди. Ўтган гап ўтди. Меникиям ота-эна-а!

– Отам бечорада амал борми-ей! Зубайда нима деса шуни қилади. У кишим кишлоқда қайвони хотин бўлиб ном чиқармоқчи. Ҳалиги кўприк маш-машасиниям Омонга шу айтган.

Мол-ҳолга қарашган ким, топаётган ким, ўзини сахий кўрсатиб, элга улашган ким. Тавба дегилик.

Эндиги нағмасига нима дейсиз отаси. Зубайда раис Пирмамат полвонга топшириқ бериптиларки, Одилнинг отасидан олиб қолган ҳовлини бузиб ташлаб, янгитдан Омонга меҳмонхона қурдириб берасиз эмиш. Ол-а!..

– Мен-ку бегонаман дейман, сен отангни сал бураб қўйсанг бўмайдим, Меҳри?

Бир ҳисобда Омоннинг ўз ҳисобимдан кўприк қураман дегани яхши. Молларнинг ярмини сотса сен билан менга ташвишам камаярди.

Кўрдингми Бубинор гут-гутнинг оғзидан бол томиб Омонга дуо қияпти. Еган томоқ уялар дегани шул-да.

– Берган Худога ёқпти. Отам Бубинорни боксин. Икки бирдай невара сўлтанглаб кестирувсиз юрипти. Бир гапда отаси, Холтўраминан Холиёرنинг қўлини ҳалоллатиб ташлашни тоғасидан сўрасам-чи? Холтўрангиз тўққизга кетяпти.

– Сен сўрасанг Зубайдадан сўра. Укангнинг калити Зубайдада.

Меҳри ўзларининг сиғинди бўлиб юрганини ҳис қилиб, дардини ҳеч кимга айтолмай юрган кунларнинг бирида Зубайда қайнотасининг кўнглидан бориб ва эрига текизиб:

– Бобо-о, Бойтўра аканинг улларини суннати қилдириб ташласак нима дейсиз? Кўпкарили тўй қилсангизам-ку, арзийди. Лекин бу ёғи улингиз катта кетиб кўприк қураман деб юрипти, – деди.

– Ақлингдан айланайин, болам. Булар бизга қараган одамда. Туппа-туп ҳамсоячилик, Ҳусаннинг отаси оғир ётипти. Орага иш тушиб қолмасидан, тезлаштирсанглар, яхши бўларди. Омон сен ўзинг бу ишга қаттиқ кириш...

Борга нима Омон полвон жиянларини суннати қилдириб, кишлокни тўйдириб ош берди. Тўйдан сўнг Меҳри эридан ўтиб, эри Меҳридан ўтиб Зубайда келинини алқаб юрадиган бўлишди.

Омон кишлок одамларига Қизил зовнинг қиясидан ўтган йўлни таъмирлатаётганида кишлок томондан келаётган икки қизарсин ҳамманинг диққатини тортди.

Узоқдан бўлса-да, буларнинг бири аниқ Зубайда экани ҳаммага маълум эди. Бироқ иккинчиси ким бўлди. Меҳримикин?

Кўзлар адашган эди. Улар яқин келганларида йигитларнинг кўзлари ўйнаб кетди. Кўзларни ўйнатган атлас қўйлак-лозимли бўй киз Норкумуш эди.

Иккаласи ҳам кўтаринган бўлса-да, Норкумуш коса-товоқли тўрва билан бир челақ овқатни кўрдим демай кўтариб, икки-уч қадамча олдинда келарди.

Зубайданинг кўтаргани тўртми беш нон ўралган дастурхон билан ичида қошиқ-чўмичли челақча, ўқтин-ўқтин тўхтаб нафас ростларди...

Кўз барибир кўзда. Омон карамайин деса-да, кўзлари ўзига итоат этмасди.

– Ҳа-а, сеними Зубайда!..

XVI

Барно Рекс билан қулашмачоқ ўйнаб юрганида дарвозадан бобосини от тутиб чақирган овоз келди. Рекс калта-калта ҳуриб, эринчоқлик қилиб ётиб олди.

– Ҳў-ў, полвон бова, Пирмамат ака-а!

Барно дарвоза томон юриниб, “Бобом ҳаётда кўзиларни боғиб юрипти”, деганида Санакул Тўрақулов:

– Чақир бобонгни, директор бобо сўраяпти, – дегин деди.

Пирмамат полвон носини туфлаб:

– Санакулжон, тўғри кириб келавермайсизми-ей! Омоннинг ити одамзотга индамайди. От тутиб чақирсангиз бўлди, думини қисиб жойида ётиб қолади.

– Унда созакан-ку, оти нима?

– Отини Омоннинг ўзи қўйган Рекс.

Санакул директор гапини салмоқлаб бобога қараганича:

– Қудангиз Нормурот ака тилпонда айтдики-и, Омон уйда бўлса бирон ёққа кетмай турсин! Кўприк қурувчи ташкилот инженерларини олиб боряпман. Ҳозир йўлга чиқамиз, – деди.

Пирмамат полвон куйинганнамо қудасини ёзғирган бўлди!

– Бир-икки кун илгари дарак бермайдими-я! Омон кўпқарига кетганийди. Эртага кечқурун келади энди.

– Нима қилдик унда?

– Энди меҳмонларни ўзингиз кутиб оласиз Санакулжон.

Санакул директор бироз ўйланиб туриб:

– Сиз уларга чой-пой дегандай, ташкиллаштириб тулинг. Мен мактабга бораман-у, қайтаман бобо...

Қурувчилар Омоннинг уйидан еб-ичишиб, Санакул Тўрақулов билан кўприк қурушга энг қулай жойни танлашга кетишганида Пирмамат полвон узоқ ўйланиб ўтирди-да, Зубайдани ёнига чақириб:

– Болам, буларнинг бизнинг дарёнинг бир йил бу ёққа, яна бир йил бошқа ёққа ташлаб оқишини қаёқданам биларди. Санакулингни қўявер, ким нима деса шуни мақуллайдиган одам.

Се-ен, болам, Омоннинг бир отини миндагин, уларнинг орқасидан етгин. Мактабга етмаси икки зовнинг қиялаб келиб, дарёга кириб кетган жойини ўзингга кўргансан. Шў-ў қисилчангни уларга кўрсат. У жой Санакулнинг ақлига келмайди, болам.

Зубайда бироз ўйланиб турди-да, кўзлари кулиб чапак чалганича қувонди:

– Мен бир кинода шундай жойда осма кўприкни кўрганман. Отли-пиёда мактабга, тегирмонга бориш-келиш бўлса бўлди-да. Нима дедингиз, бобо?

– Кўрсатишга кўрсатиб, таклифингни айт, у ёғини ўзлари билади...

Зубайда уларга етиб борганида Санакул илгари икки-уч марта кўприк қурилиб, сел олиб кетган жойда қурувчиларга нималарнидир маънилатарди.

Нормурод Очилов отда кизининг етиб келганидан ажабланди:

– Ҳе-е, Зубайда, сен нега келдинг?

– Бобом юборди, ота. Мактабга етмаси қисилчангни катталарга кўрсат, Санакулбой эътибор бермаслиги мумкин деди...

Зубайда илгарироқ кетиб, қисилчангда уларни кутиб турарди. Машина келиб тўхташи билан трестнинг бош муҳандиси Станислав Геннадиевич Зубайдага юзланиб:

– Сиз айтади, шу ерда “мост” курсин. “Сплошной камен”да техника қандай келади, апа?

Зубайда бироз қизариниб, Станислав Геннадиевичга таклифини баён қила бошлади.

– Катта бобо, бундай-да. Мен бир кинода кўрганман. Шундай икки зовнинг бирига яқин келган жойида осма кўприк қурилган эди.

Станислав Титоренко Зубайданинг гапини кесиб:

– “Вот это идея!” Апа айтади тугри. Мадад Кулбаевич, шу ерда “мост” қурасиз. “Я сам обещаю найти тристо метров танковый трос”. “Построенный мост имени” апа бўлади.

Орадан ҳафта ўтиб ўтмай Омоннинг мол сотиб жамғарган йигирма икки минг сўм пулига билақдай йўғонликдаги уч юз метр чамаси трос, икки юк машинасида темир йўлдан чиқарилган ёғоч шпаллар махсус станокда иккига ёрилиб ва икки метрдан қилиб кесилган темир йўл рельслари келтирилиб туширилди.

Бир юк машинасида ҳар хил ўлчамдаги арматуралар, пайвандлаш ва пармаловчи агрегатлар олиб келишиб, қурувчилар иш бошлашди.

Қизилжавлик тошнинг юмшоқлиги қўл келиб, тошни пармалаб, рельс қозикларни қоқиш осон кечиб, қозикларнинг сирти сифатли бетон билан тўлдирилди.

Ораси ўттиз сантиметрдан қоқилган рельс қозикларга трактор ёрдамида таранг тортилган трослар етти қатор бўлиб, осма кўприк ўттиз метрдан узун эди.

Зовнинг бир томони динамит билан портлатилиб уч метр энлиликдаги йўл катта йўлга туташтирилди.

Бир ярим ой деганда қурилиб битказилган осма кўприкнинг шпал ёғочлари қора мойга бўктирилиб тросларнинг устидан териб чиқилди.

“Эринмаган Худойим майизга чўп тикиб чиқибди”, дегандай, Зубайда қишлоқ болаларини ёллаб, панжараман деганни бўятиб чиқди.

Ўранинг қайсики қишлоғида гурунга қулоқ тутсангиз Зубайданинг кўприги ҳақида гапиришарди.

Омон суйинганиданми, куйинганиданми бир куни Қора қашқани кўприкдан етаклаб ўтиб, хотинини ёзғира кетди.

- Шунча ишни қилдирган жонинг, устини ярим метр кўтариб “сварка” қилдирганингда отдан тушмаям ўтиб кетса бўларди.
- Отнинг устида бошингиз айланмасин, дедим-да, полвон ака...

XVII

Тўлин ой атроф жавонибни ёритиб турган кечаларнинг бирида Омон полвон Қора қашқадан зўрға тушиб, уни боғлашга ҳоли келмади. У бўкканича ичган эди. Рекс ит эркаланиб осилиб уни йиқитганида Омон оёғини кериб ўтириб олди-да, итнинг бўйнидан кучоқлади.

Қора қашқанинг калта-калта кишнаганини эшитган Зубайда эшикка отилиб чиққанида эрининг итни кучоқлаб нимадир деб минғирлаётганини эшитиб, жонида жон қолмади.

У югуриб бориб эрини кўтармоқчи бўлди-ю, ҳоли келмади:

- Во-ой, шўрим, нима бўлди сизга, полвон ака?
- Ага-ар Рекс улим бўлганида катта тўй берган бўларди-им! Э-эсингдами Зубайда, улим бўлганида Ортиқ билан Олмаҳонни-и...

Пирмамат полвон ноҳосдан ташқарилаб, ўғлига кўзи тушди-да, ғазабдан титради:

- Бета-ак, энди шундай қилиқ чиқардингми!? Ҳайфе-е, сенга йигитлик!
- Омон итини маҳкам кучоқлаганича Зубайдага куч бермай:
- А-атиғи бир шиша ичдим, ота, “через горла-а”! Ке-кечиринг, ота...
- Сенинг ёмон йўлга киргани-инг, мени тириклайин гўрға киравер деганинг бўлипти.

Зубайда эрини бир амаллаб етаклаб ётоғига олиб кирди-да, унинг кўнгли айниётганини сезиб тоғора олиб кирди.

Омон полвон қайт қилиб, бироз ўзига келганида хотинининг тоғора тутган қўллари титраб, йиғлаётганини кўриб, хушёр тортгандай бўлди:

- Кўзёшинга токатим йўқ демаганмидим Зубайда-а!
- Бу нима кўргилик полвон ака-а! Мен шўрни Худонинг қисиб қўйгани етмаганмиди? Бир бошладингизми, энди бу ёғи нишаб. Энди ташлаб бўлсиз бу ўлғирни. Энди на кураш, на кўпқари-и!..
- Зубайда, тушунсанг-чи, бир пасткаш жонимдан ўтказиб юборди, ичди-имда-а!
- Эл оралаб юргилигим қолмади Зубайда-а! “Элнинг тўйида қариллаб давранинг тўрини бермайсан! Хотинингни ахталатиб келганингни билмайманми?” деди-и бир чўлок. “Қизларингникини кестириб тўй берасанми?” деди-и! Ўзимга тенг кўрганимда ёриб ташлаган бўлардим у ит эмгани.

- Ким эди у ер ютгур?
- Зокир уни тепкилаб уйдан чиқариб юборди-и. “Зоки-ир, қўлингни ҳаром қилиб, уни урма”, дедим “Худонинг ўзи уриб қўйган чўлоқни урма Зоки-ир”, дедим! Бари бир у-урди.
- Бу ҳали учуғи полвон ака. Ҳали душманларингиз олдингиздан товоқ олиб қўйишданам тоймайди-и!
- Нима қил дейсан, Зубайда? А-айт, нима қила-ай?
- Сийингизнинг борида уйланинг, полвон ака. Худо берса, улли бўлиб, элга тўям берасиз ҳали-и!..
- Уям ул туғмаса-чи? Яна уйланаманми-и?..

– Ноумуд бўлманг, полвон ака. Бераман деса Худонинг қўлида. Фақат ҳаракат сиздан...

Омон: “Қачон, қача-он тўй бераман Зубайда-а!” деганича ўртаниб, бир-икки ер муштлади-да, уйкуга кетди. Зубайда тақдирига лаънат ўқиб, унсиз йиғлаганича тонгни қаршилади.

Омон эрталаб уйғонганида Зубайда тўшагида йўқ эди. Омон на ердан, на кўкдан Зубайданинг дарагини топмади. Ҳамма ҳайрон, Омоннинг кўнгли нохуш томонларга чошиб, ўзини кўярга жой тополмасди...

Мулла Тоштурди бомдод намозини ўқиб бўлиб, тасбеҳини кўлига олганида уни от тутиб қақираётган аёл кишининг товуши қулоғига чалиниб, айвонга чикди.

– Мулла бова-а! Хў-ў мулла бова-а!

– Ким қақиряпган? Ки-им?

– Итингизга қаранг, мен Зубайдаман!

Мулла Тоштурди соғин сигирни ўйламаса-да, куни яна эшакка қолишини кўнглидан ўтказиб, Зубайдага пешвоз чикди.

Улар кўришиб-сўрашиб, мулла Зубайдага хавотирли нигоҳини ташлаб, сўради:

– Зубайжон, сахар қатти йўлга чиқибсиз, тинчликми қизим?

– Тинчлик, мулла бобо. Эрталаб юрганга Хизр алайҳи-салом йўлдош бўлади, деб эшитганим учун азонлаб келавердим, бобо.

– Илоҳим шундай бўлсин! Омонбой жўнатдимми?

– Йўқ бобо, сизга бир арз билан келдим.

– Нима гап бўлсаям кўчада турмайлик, уйга кирайлик, қизим.

Бобонинг хавотири тўла аримай, уйкудан энди уйғонган Норкумуш уйга салом бериб кирди-да, Зубайда билан ўпишиб кўришиб, қуюқ сўрашганидан мулла Тоштурди ҳайрон бўлиб ўтирганида Зубайда кулиб:

– Эрталаб юрганимдан ҳайрон бўлманг, бобо, қулчиликка келдим! – деди Норкумушга табассумли нигоҳ ташлаб.

Мулла Тоштурди қизига чиқиб тур ишорасини қилди. Норкумуш кулимсираб ташқарига чиқиб кетганида мулла Тоштурдининг кўнгли аллақасқларга чошиб, ҳайноҳай Зубайда қизини укаси бўлса укасига сўраб келгандир деган тўхтамга келди-да:

– Қулчиликка бўлса қулчиликка-да, сиздай қизим келади-ю, қочамизми? – деди.

– Норкумушнинг ҳамма гапдан хабари бор, бобо. Отам рози бўлса мен розиман деганди...

Зубайданинг гапининг думи узилмай туриб, олқор-солқор хотиндай, топган-тутганини эғнига илиб, ибо сақлаганича салом бериб Бубинор момо кириб келди-да, пойгакда ўтириб, меҳмон билан қуюқ сўрашди:

– Мен ўлгур кечкурун молларнинг остини кураган бўлиб, қимирлаганидим. Мулла бобонгизам уйғотмапти. Келганингизни билмай қолганимни қаранг-да. Норкумушим уйғотмаса...

Мулла Тоштурди кампирининг гапини кесди:

– Зубайжон, билсак бўладими, қизимизнинг харидори кимакан, кимингиз бўлади дегандай? Укангизми ёки холис қариндошми, билган яхши-да, қизим.

Зубайда мулла Тоштурдини илкисдан хуркитиб юбормаслик учун гапни узоқдан бошлади.

– Мулла бобо, сиз китоб кўрган, элнинг урфини яхши билган эскининг одамисиз. Шу ваздан менинг эшигингизга бош уриб келганимдан ажабланмайсиз

деган умидда келдим. Мен полвон бобом билан, отам билан кенгашиб, шу қарорга келдик.

Сиз яхши билмайсиз, отам беш қизини жой-жойига бериб, бугунги кунда катта ҳовлида чол-кампир бир-бирининг бетига қарашиб ўтирипти. Партийнимандеди, амалдорман деди, уйда сўппайиб эр-хотин қолишини вақтида ўйлаб кўрмай бугун эзилиб юрипти.

Отам айтдиларки, “Қизим, энангнинг оғзидан бир намози гап чиқмади, ўзим журъатсизлик қилдим. Омон полвон билан сизлар бизнинг хатоимизни такрорламанглар, ўзинг бош бўлиб эрингни уйлантир”, деди. “Бу эскидан бор гап, деди. Полвон бобомам шу гапни айтди. Шу важдан уйингизга ўзим бостириб келавердим, бобо.

Худодан яширмаган гапни бандасидан яшириб нима қилдим. Дўхтирлар, “Энди фарзанд кўрмайсан”, деди. Ўйлаб-ўйлаб полвон улингизни уйлантиришга қарор қилдим. “Элнинг тўйини еган, улли бўлиб, элнинг тўйини берсин, дедим. Отамдай бир умр эзилиб ўтмасин”, дедим бобо.

Эр бермоқ осонмаслигини ҳамма билади, бобо-о! Лекин полвон улингиз бир умр юзимдан ўтолмай, орзуси армонга айланиб ўтса мен уни севганим бўлармиди, бобо?

Ожиз ақлимга келгани шу бўлдики, ўзини яхши кўрган хотин эрини севмайди, эрини севган хотин эрининг бахтини ўзининг бахти деб билади...

Мулла Тоштурди Зубайданинг гапларидан эси оғиб қолгандай уни жимгина эшитиб ўтирарди. Бубинор момо чолининг рад жавоби бериб қўйишидан хавотирлангандай шошқалоқлик билан Зубайданинг гапини маъқуллади:

– Топарман-тутарман йигитнинг икки хотини бўлса нима қипти. “Бор мақтанса топилар, йўқ мақтанса чопилар”, дегандай, Омонбойнинг уйланишини айбга йўйманг, чол.

– Сен билганни менам биламан, кампир. Мени ажаблантираётган жойи Зубайданинг келганида бўляпти. Бундай миллиондан бир тасодифга тушунолмай турипман.

Пирмамат полвоннинг ўзи келиб: “Отимни миниб туринг, мулла бобо”, деди-и, сен ват-ватладинг, “Сигиримниям соғиб ич”, деди. Бу сахийликнинг изидан шундай гап бўлиши сираям ақлимга келмаганини қаранг-да. Тўғриси айт, кампир, бу сенинг ишингми-и?

– Қасам ич десангиз қасам ичаман мулла-а! Қизимни сотиб сут-қатиқ ичганимдан кўра ўлганим яхши. Ўзингизда, керрайиб от миниб юрганингизга бир йилдан ошди.

Мени қасамга таямангизда қизингиздан сўранг, чол. Зубайдаминам бориш-келиш бўгандан бермоғон Омон акам ундай, Омон акам мундай, ер ютгирингизнинг тилидан Омон тушмайди. Бориш-келиш қиганингларга уч ой бўлдима, Зубайда?

– Бўлди-и, уч ойлар бўлди момо-о!

– Бир куни мунча Омон-Омон дейсан, унинг хотини бор мардак, – дедим.

Ишонмасангиз ҳайла, ўзидан сўранг қизингизнинг. “Омон хотин устига оламан десаям тегармидинг”, дедим ҳазиллашиб. “Жон-жон деб тегардим, эна”, деди. У ёғини Зубайда билади, қизингиз билади, қолаберса Омон билади. Тишингиз камшайиб сиз бечоранинг “ургани пўстак яхши” дегандай ёзғирганингиз мен шўр!

Ўзингизда, “Яна бир айланиб келарсизлар”, деб икки бирдай совчини тилингизни ясаб қуруқ қайтардингиз. Ояндага йигирма беш, сақлаб ўтириб, бошингизга ёстик қиласизма?..

“Пишган қовун палакда турмас”, дегандай бирон кори ҳол бўлмасидан сийимнинг борида сийроғимни ёпай дедими, мулла Тоштурди хотин устига бўлса-да, Зубайдага, “Майли”, дегандай бўлди...

XVIII

Зубайданинг қатъияти Омон полвонни довдиратиб қўйди. У эрини икки йўлдан бирини танлашга мажбур қилди.

– Ҳар куни қовоғингизга қараб ўлиб-тирилиб юрганимдан кўра Норкумушга уйланингда мениам узоқ ўйдан қутқазиб, бахтингизга шерик қилинг. Ага-ар, йўқ десангиз менигам жавобимни беринг, полвон. Тақдиримга кўниб, икки қизимни олиб, отамнинг уйига кетаман...

Омон гапни ҳар томонга буриб кўрди. “Мен сендан бошқанинг тўшагида ётолмайман”, деди. “Юрагимни иккига бўлолмайман”, деди. “Оғзига кучи етмаган нима деса деяверсин”, деди. “Бир бечорани бахтсиз қилишга ҳақим йўқ”, деди. Барибир Зубайда ўжарлик қилиб, ўз сўзида туриб олди.

Омон учун чорасизликнинг биргина чораси Норкумушга уйланиб, қўш хотинли бўлиш эди. Бўлиши керак бўлган иш бўлди. Бир нав тўй қилишиб, қишлоққа ош берилди. Шинамгина боғчали ҳовлига келин туширилди.

Зубайданинг ўзи бош-қош бўлиб, ўзи яшайдиган уйга бир девор қўшни, ўчоқ ёқса тутуни кўриниб турадиган янги уйга янги келинни жойлади.

Зубайда қизлари билан бўзчининг мокисидай боришиб-келишиб оилага қўшилган янги жонга илиқлик улашиб, Бубинор кампир хотиржам уйига кетди-да, Зубайда ўзи пиширган ошга ўзи эрини бошқариб, икковора бир эрнинг парвариши ортса ортдики, қамаймади.

Бири эрини отлантирса, бири Пирмамат полвоннинг хизматида. Устига-устак Бубинор момо ҳам кунора қудасига ёғли патиридан илиниб, Зубайданинг марҳаматидан уйига тўлиб-тошиб қайтарди. Бундай аҳилликни кўрган томошатаалаб қўшнилари ҳайрон эдилар.

Мулла Тоштурди ҳам куни эшакка қолишидан хавотирланмай, энди кимсан, Омон полвоннинг қайнотаси мулла Тоштурди, қишлоқнинг гапга етарларидан бирига айланди.

Зубайданинг онаси Малика кундошли қизининг куни учун куйса-да, дарди ичида, отаси эса, оқ кўнгил тентак Нормурод Очилов элнинг кулганигада парво қилмай қизининг ишидан завқи ошиб: “Менинг Зубайдам эрини ўзи бош бўлиб уйлантирган “единний” қиз, энасига тортмади”, деб мактаниб юарди.

Икки кундош опа-сингилдай иноқ, жойи келса иккиси бир эрнинг ғийбатини қилишиб, бири-бирини туртишиб-қулишиб, кунларини аҳилликда ўтказишарди.

Оилада Омоннинг Ҳасан-Ҳусани туғилиб, байрам тусини олди. Ўйлагани ошиғи билан келган Зубайданинг ўзи доялик қилиб, уларнинг киндигини кесгани пахтакорнинг Ленин қолхўзигача етиб борди.

Икки қиз, икки ўғилнинг отаси, икки хотин бирдай севган эр ўз уйига меҳмондай келиб-келиб, тўйма-тўй юриниб, Қора қашқа билан ризқини терарди.

Кун кунга ўхшамай Пирмамат полвон кунларнинг бирида инсулт олиб, теракдай йиқилди. Бир оёғи, бир қўли ишламай тўшакка михланиб қолиб, “Дард устига чипқон” дегандай, Пирмамат полвоннинг парвариши ҳам Зубайданинг зиммасида қолди. Негаки, Меҳри билан Норкумуш ўзларининг ташвишларидан

ортиб, касалга қарашни ўйлаб ҳам кўришмади. Зубайда бобосига бор меҳрини бериб, туну кун унинг атрофида парвона эди. Ахир, Пирмамат полвон жонидан ортиқ севган жуфти ҳалолининг энг яқини – отаси эмасми?

Оёғи олти, қўли етти Зубайданинг Пирмамат полвонга меҳр бериб қарашиб ва бошқа юмушларигада улгуришидан у кўни-қўшнилариининг олқишига сазовор, эрининг кўнглидан юрган хотин, қайнотасининг ягона маҳрами бўлиб қолган эди.

Қишлоқнинг қариялари кунора Пирмамат полвондан кўнгил сўрашга келишар, Зубайда уларнинг хизматидан калла бурмас, кунлар бир зайилда ўта бошлади.

Зубайда бобони ҳар икки куннинг бирида кўзига рўмол боғлаб, чўмилтириб туришни канда қилмас, соч-соқолини олиб туришни ҳам ўзидан бошқага ишонмасди.

Бобога қайси овқат ёқади, қайсиси ичини бузади, бобонинг кўнгли нимани тусаяпти, кимнинг гурунги қулоғига ёкмайди, Зубайда беш қўлдай биларди. Шу вайдан бобонинг ёнига Зубайда қудағайи Бубинор момони буткул киритмай қўйди.

Кунларнинг бирида Пирмамат полвон неваралари Ҳасан-Хусанни тилга солиб, уларнинг кучук болаларидай ғингшиб, соқолидан бири қўйиб бири тортиб, бобосининг завқини ошириб турганида Бубинор момо чўзиб салом бериб кирди-да, энди ўтиришга чоғланганида бобо товушини чўзиб:

– Зубайда-а! – деди.

– Ҳа-а, бобо-о!

– Манави жужуқларинг соқолимни юлиб олмасидан нариги уйга олиб кет! Отаси соқол қўйса отасиникини юлишсин. Момонгаям шу уйга чой қил, энажон.

Зубайда Ҳасан-Хусанни етаклаб чиқиб, уларга Бубинор кампир ҳам норози кайфиятда эргашди.

Зубайда дастурхон олиб кирганида бўсағада туриб қолган Бубинор момони қўярда-қўймай кўрпачага ўтқизган уй бекасини момо ёзғирди:

– Зубайжон, Пирмамат акамга одам иси ёкмай қолипти, мабодо сиз қайраб ташламадингизми?

– Нималар деяпсиз момо-о, касал одамнинг устига чиқиб, соқолидан тортиб ўйнашса ёкмайди-да!

– Мен буларни айтмаяпман Зубайда. Қачон келсам қувиб солади. Қудам деб иззатини қилсам, тумшугини буради бепадар! Айтиб қўй бобонга Зубайда, “Ит иззатни билмас”, дегандай қилмасин! Эмачам, эзилиб кўргани келаётганим йўқ, Омоннинг ҳурматига келаман...

Бубинор момонинг тинмай қарғаниб ғингшиганидан ҳамияти лат еган Зубайда тоқати-тоқ бўлиб, ғазабли оҳангда унинг гапини кесди:

– Момо-о, келганингизни миннатам қилманг, тинч келиб кетмасангиз келмаганингиз яхши эди-и!

Момонинг ғазаби Зубайданикидан ошиб тушиб, эшиқдан чиқа-чиқа ғингшиди:

– Нима, менинг келиб-кетишимни энди сиз тақиқлайсизми, Зубайда қизи-им? Энди буғдойига эга чиқиб, сомонига ўт қўймоқчимисиз? Билмасангиз билиб қўйинг бойбича, қўша-қўша ул туғиб, эрни суюнтирган қизни мен туккан...

Зубайда бегуноҳ ушоқларни едириб-ичириб, ташқарига олиб чиққанида Рекс итга нималарнидир чуғурлаб тушунтираётган Барно қиз уларнинг ёнига югуриб келиб:

– Ойи-и, укамларни мен ўйната-ай! Йиқитиб қўймайман, ойи!

Эгизаклар опаси билан қувушиб кетиб, ўйга толган Зубайданинг энг аввал кўнглига келгани:

– Илоҳим, Норкумуш энасига ўхшаб қолмасин-да, – деган гап бўлди...

XIX

Бубинор кампир уйида зўрға икки кунни ўтказиб, яна Зубайдани излаб келди-да, унга юрагида сақлаб юрган гапларини бир-бир гапира бошлади:

– Зубайжон, сиз шу уйнинг амиридай гап. Олди-берди сизнинг измингизда. Омонбойнинг топганини бўлар-бўлмасга совуриб юрганингизни момонгиз яхши билади.

Келар гапимни қулоғингизга олмасангиз, бу сарф-харажатга тоғ ҳам туриш бермайди. Жонини гаровга қўйиб Омоним кўпқаридан дўлтадай йиғиниб келади.

Санакулнинг майлисида гапирганини эшитиб жоним чиқиб кетди. Мактабнинг “ремонт”ига етти минг сўм берипсиз. Бу етмиш қўй деганиямасма, болам?

Биримни икки қиламан деб эрингизнинг кети ер искамайди. Сиз бойбича хотинман деб олди-ортингизга қарамай бериб юбораберсангиз эрта бир кун сўрови йўқма бунинг?

Ҳасан-Хусанга тўй бериш Омоннинг гарданида, бир томирда илашиб турган отани элдан кам қилмаслик Омоннинг гарданида. Уч бирдай рўзгорни едириб-ичириб туриш Омоннинг гарданида.

Булар етмагандай, номимга кўприк қурдираман деб хархаша қилдингиз, бу бир, отам-энам мошинда келиб кетсин деб тўрт бирдай ҳўкизнинг бошига етдингиз. Бундай бўмапти-да, энажон!

Омон полвоннинг йиққан-терганига ўзини шерик ҳис қилган Бубинор момонинг гапларини жим эшитиб ўтирган Зубайда хотиржамлик билан, “Аччиқни аччиқ кесади”, дедими, қайнонани куёвига рўпара қилишни кўзлаб, қувлик билан момосига:

– Момо, ҳамма гапларингиз тўғри, исрофгарлик қилганимни тан оламан. Эплай олмаганим – кассирлигим ўзимнинг жонимга тегди. Куёвингизнинг ўзи айтади-да, гапига эга турмайди.

Қизингиз Норкумуш йўқчиликни кўп қўрган, тежаб-тергашни мендан қўра яхши билади. Ўзингиз куёвингизга бир оғиз айтиб қўйинг, қулфу қалитни Норкумушга топширай. Бобомга қарашиб, берса еб-ичиб ўтирамин.

Сизнинг шу рўзгорга жон тортишингизни биламан, момо. Тўғри гапни тан олишимни ўзингиз яхши биласиз... – деди.

Момонинг қулфи-дили очилиб, Зубайданинг биқинига секин туртиб:

– Зубайжон, яна бир гап, одам айтишга уялади. Майли десангиз айтай болам. – Ҳафта бўлди, куёвингиз қорасини кўрсатмайди, – деб кўзига ёш олди Норкумушим. Сизам инсоф қилинг-да болажон. Унинг эр қучоқлайдиган маҳали-и! Нима дедингиз?

Зубайданинг шайтони зўрлик қилиб:

– Аслида-ку Норкумушнинг ўзига айтишим керагиди. Майли, ўзингиз Норкумушга айтарсиз, момо. Йўқ, йўқ, момо! Норкумушнинг миназини биламан. Сизни урлиб бериши мумкин. Корини ўзингиз қилганингиз маъқул, менимча.

– Нима қилиш керак дейсиз, болам?

– Мулла бовамга иссиқ дуодан нухса кўчиртирингда, иложини қилиб куёвингизга ичиринг.

Гапнинг индаллосини айтганда меникям нафс, кейинам суяр хотининга бор деб айтолмайман-да моможо-он! Менинг ўйлаганимдай бўлиб чиқмади, момо. Мен ўйлагандимки, ёш қизга уйланса мени тинч кўяди, деб. Дўхтирлар менга мумкинамас деб айтган. Сўнгроқ асталикминан кўнглига кўл солиб, кассирликни Норкумушга беришини сўранг. Нима дедингиз, момо?

– Ақлингдан айланай, болам. Майли, сиз айтгандай қиламан...

Кампири мулла Тоштурдини бир пўчокқа тиқиб, қийин қистовга олди. Мулла Тоштурди аввал мириқиб кулди-да, сўнг кампирининг лакма тентаклигидан ғазаби тошиб кўкармаган ерини қолдирмади. Зубайданинг гапига кириб эридан калтак еган момо дарди ичида, бисотида борини айтиб, қарғана бошлади.

– Илоҳим сендай отани ернинг ками тортганини кўрайин-а! Кўлингдан келадигани бир парча қоғозингни ўз қизингдан аядинг-а!..

“Бош ёрилса дўппининг остида”, бироқ тентак куёвнинг малангини бериб, бор буд-шудини садақага сарфлаб, Норкумушни икки гўдаги билан оч-наҳор қолдирса, унинг бойга теккани, еб-ичаман дегани қаерда қолади.

Бари-бир кундош кундош-да. Бир кунмас бир кун эрига гап бериб, қизимни қувиб ҳайдаса, қайси гўрга кираман. Бу жодугар Омонни ипсиз боғлаб олганини билмаган одам борми...

Кўнглидан ўтган гаплардан юраги музлаб кетган момо қизининг йўлидан кундошини олиб ташлашнинг турли кўчаларига кириб чиқди. Бироқ сичқоннинг ини минг танга эди.

XX

Омон полвон отасидан ҳол сўрашга кириб, ҳисобсиз дашномнинг остида қолди. Пирмамат полвон кўзларига ёш олиб, ўғлини у гўрдан олиб, бу гўрга солабошлади.

– Омонбой, мен ул ўстирдим деб қувониб юрсам, тўл ўстирибман. Ҳалиям Худо Зубайдани сахарли кунда берганакан. Эмасам...

Меҳри-ку ўз кунига омон бўлсин, мени аллақачон унутган. Ҳафтада бир кирами йўқми, дарров кетаманга тушади. Вақтида мен куймас касов тайёр дастёринг эдим. Бошим ёстикқа тегди-да, менга ит тегди болам.

– Нимадан камингиз бор, айтинг? Айтганингизни қилмасам ул бўмай ўлганим яхши ота-а!

– Қасам ичма-е, бета-ак!

Омон кўзига ёш олиб, отасининг соғ оёғини қучоқлаганича ёлвора бошлади.

– Ота, отажон, бир мартага кечиринг ота-а! Мен Зубайдага ишонганимдан олдингизга кўп кирмайман. Сизни безовта қилмайин дейман, ота-а!

– Сен мени тушунмадинг, Омон. Мен қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, болам. Сен кўпкарига кетдим деб кетасан, мен Худони тилимдан қўймай сендан хавотирда ётаман. Ҳар келганингда, “Ота, мен келдим”, деб қўйсанг оғзинг оғрийдими?

Кеча-а, Бубинор кампир келганийди. Мени эшитмади деб Зубайдани кўп тилга солди. Норкумушнинг ёнига бормаганинга бир ҳафта бўлипти. Бундай бўмапти-да отабой.

– Ота-а, чарчаб келаману овқат ейишгаям ҳолим қолмай тошдай қотаман. Энасига арз қилиптими уккағор?

– Болам Ҳасан-Ҳусанинг бор, гўдаклар сени соғинмайдими? Уларга кўриниб турганинг яхши-да. Бетақларинг кеча соқолимни юлиб олай деди, – деб бобо мирикиб кулди.

Отасининг бироз кўнгли ёришганидан Омоннинг ўғиллари бир-бир кўз ўнгидан ўтиб, уларни ўзи ҳам соғинганини ҳис қилди:

– Зарур гапингиз бўлмаса менга рухсатми, ота?

– Сенга тайин гапим шу, болам. Ҳалиги гут-гут энасининг гапига кириб, Зубайдаминан можаро чиқариб юрмасин Норкумуш. Қайнонангдан ҳар нарсани кутиш мумкин...

Омон Норкумушнинг ёнига борганида у ўғилларига санашни ўргатаётган эди. Кутилмаган ташрифдан қувончи ичига сиғмаган Норкумуш ўпкаланганнамо нигоҳини эрига қадади:

– Бизни унутдингизми деб ўйлагандим. Ассалом алейкум, дадаси!

– Унутсам энанг бор-ку эсимга соладиган.

– Зубайда опам айтдими шу гапни?

– Биринчидан Зубайда опанг гап ташимайди. Иккинчида-ан, қачон келсам, ихтиёрим ўзимда. Кеча энанг келганмиди?

– Энамга сизни келди-келмади деб гап қилганим йўқ, дадаси-и!

– Бир ойдан бери келмайди, тусаб қолдим деганимишсан-ку.

– Тухматингизни қўйинг, дадаси-и, келасизу, қонқув гапингизни бошлайсиз. Шўрва қилувдим, иситиб келайми?

– Зубайда опанг тўйдириб жўнатди...

“Отадан кўрган ўқ йўнар...” дегандай, Ҳасан-Ҳусан отасини бири қўйиб бири ухлагунларича от қилиб миниб ўйнашди-да, Норкумуш жой тўшади.

Ҳасан-Хусан билан, эр хотини билан эгиз кўзилардай бир-бирларини ачомлаб ширин уйкуда ётишганида каллаи саҳарлаб Бубинор момо бедадан тўйган беданадай сайраб Норкумушнинг ҳовлисига кириб келди:

– Илоҳим ер ютганини кўрайин-да, сен қанжикни! Сенинг уйитганингни Бубинор кампир жийитиб қўйганини билмайсан ҳали! Зубайда отингни ўчирмасам юрганаканман! Икки бирдай ўғил туғиб, эрни суюнтирган ки-им! Эр қучоқлаган ки-им! Гўрингда ётолмагур Пирмаматни қайраганинг-қайраган!

Норкуму-уш, турмадингми ҳалиям тулхори-и!..

Қайнонасининг шанғиллаб қарғанаётган овозини эшитиб ётган Омон тўшакдан илкис туриб эшикни очди-да, қайнонасига пешвоз чиқиб, унинг кўзини кўрқитиб қўйиш учун ясама пўписа қилди:

– Сиз кимнинг отини ўчирмоқчисиз?..

– Омонжон, мен, ме-ен!..

– Норкумуш, Норкуму-уш, чиқ отинг ўчгу-ур! Энанг сени олиб кетмоқчи! Қизингизни чирвалариминам олинг-да уйимдан қорангизни ўчиринг! Икки бирдай ул туғиб, эрни суюнтирган қанжикни Зубайданинг ҳаром тукигаям олмайман момо-о! Лаш-лушини изидан жўнатаман...

Шовқинни эшитиб, уйдан отилиб чиққан Норкумушнинг кўзлари калхатдан кўрққан жўжадай айвонда қунишиб ўтирган онасига тушди:

– Нима гап, дадаси-и?

– Энанг сени олиб кетмоқчи. Талоғингни беришимни сўраяпти! Беш минутда

уйни бўшатиб, тўданг билан қорангни ўчир, Норкумуш! – деганича Омон полвон уйга кириб кастюмини елкасига илиб, ҳовлидан чиқиб кетди...

XXI

Норкумушнинг изтиробли кўзёшлари юзини ҳўллаб, ҳали ҳам куёвининг қаҳрли нигоҳи кўз ўнгидан кетмаган онасига яқин келиб:

– Эна, сизни деб кундай кун кўриб яшамаслигим керакми? Энди икки гўдагимни етаклаб уйингизга бораманми? Бундан кўра ўлдириб кўяқолсангиз бўларди, эна! – деди.

– Болам бу Зубайданинг иши. Сен уни дўст билиб, ичингда борини тўкиб соласан. Мен шўрам эна-да, сенинг қўлинг узун бўлсин дейман. Бундай бўлишини итим билиптими. Эрингни сенга оғдираман деб иссиқ дуо қилдирмоқчи эдим. Бепадар мулла отанг элга қийганни сенга қиймади. Қайтамга тулум баданимни кўкартириб урди.

– Қўлидан отамнинг, сизни тириклайин гўрга кўмиши керагиди. Ёлғиз бир улингизниям сиғдирмадингиз. Гап бериб чечамни ҳар куни калтаклатдингиз. Отамнинг-ку кунини бермайсиз. Шўр отам сиздан қочиб кутуларди. Ўзи, бизда нима қасдингиз бор?

– Бу мартага менда айб йўқ, болам. Эрингнинг келганини билганимда дилимдаги тилимга чиқармиди, болам. Сен ҳалиям бобонга бор. Гўрга, ҳамма айбни менга ағдарабер. Бир мартага кечирсин улингиз дегин.

– Энам ёшлик қилипти дейинми? Майли, кет дедими, кетамиз. Сизга чўт эмас-ку, полвонданами бойроқ одамга яна қиз сотиш.

Ҳасан-Хусанни Зубайда опамга қолдираман. Олиб кетсам, улар сизнинг уйингизда имонсиз бўлиб ўсади.

– Ким айтди сенга мулланинг уйида бола имонсиз бўлиб ўсади, деб.

– Полвон гапнинг бўларини айтди, сиздай энаси бор қиз Зубайданинг ҳаром тукигаям арзимаслиги бор гап...

Норкумуш эзилиб-эзилиб йиғлаганича Ҳасан-Хусанининг бирини кўйиб бирини қайта-қайта кучоғига олиб, тўйиб-тўйиб ўпди-да, кўзёшларини енгил билан артиб:

– Бобонг сизларни соғиниб қолипти. Боринглар, парварда беради бобонг, – деганича уларни жўнатиб, она-бола йўлга тушди.

Омон уйига келганида Ҳасан-Хусан опалари билан Рексни қувишиб, ўйнашиб юришарди. У отасининг ёнига кириб, салом берди-да, отасидан ҳол сўраб, ташқарига бошини буриб:

– Зубайда, Зубайда-а! – деб чақирди.

Пирмамат полвон:

– Зубайдангиз мулла отангизникига кетди, полвонжон!

– Ҳе-е!

– Донини олиб, сомонига ўт қўйипсиз. “Завра калнинг чирози яхши, ўзи ёмон”. Ҳасан-Хусанни олиб қолиб, Норкумушнинг талоғини берипсиз. Мени гўрида тинч ётсин десанг Норкумушни олиб кел, бета-ак!

– Ота, ота-а!

– Нима ота-а, қишлоққа шарманда қилдинг-ку хайво-он! Бургага ўчашиб, кўрпага ўт қўйдингми? Оғзидан нима гап чиққанини кети эшитмайдиган Бубинор кампирнинг гапини гап деб хотин ҳайдадингизми? Омон тентакдай битиб кетган

одамга хотин қахатми дейишмайдими? Қишлоқда камбағалнинг қизидан кўпи борми, бошқасига уйланади-да дейишмайдими? Кў-ўп ақлли одамнинг ишини қилипсизда-а!

– Ота-а, аввал сиз мени эшитинг ота. Гут-гутнинг кўзини бир кўрқитиб қўй дегандим. Иккинчидан, сен талоқсан деган бўлсам тилим ириб тушсин, ота. Ҳасан-Ҳусанни ташлаб кет ёки олиб кетам деганим йўқ.

– Қўша ўғилли бўлдим, қизингнинг энди кераги йўқ депсан-ку, гут-гут энанга...

Мулла Тоштурдиннинг уйига Зубайда кириб бориши билан Омонни у гўрдан олиб, бу гўрга солиб қарғанаётган Бубинор момонинг чакаги ўчиб, Зубайдани ширин табассум билан қаршилади.

– Айланай сиздан, Зубайдажон, мулла бобонгиз, “Норкумушни олиб бориб қўй, уйдан совутма”, деб ўтирганийди. Ўзимиз кетмоқчи бўлиб ўтирганийдик, бекорга авора бўлипсиз-да, эна қизим.

Норкумуш онасини еб қўйгудек ўқрайиб унга бир қараб, Зубайдага юзланди:

– Зубайда опа, сизларга керагини ташлаб келдим-ку, опа. Камбағалнинг қизи тўл олишдан бошқасига ярармиди. Истасам хотин қиламан, истасам ҳайдайман деган эрнинг менгайм кераги йўқ. Менингам ўзимга яраша ор-номусим, ғурурим бор, опа.

Сиздан кўп яхшиликлар кўрдим, умрбод сиздан миннатдорман. Даллоллик сизга ярашмайди, опа. Менга уйинга қайт деб тавалло қилиб ўтирманг. Бир каллага бир кўзам етади. Фақат Ҳасан-Ҳусанни узокдан бўлсаям кўриб туришга изн берсангизлар бўлди...

Мулла Тоштурди йиғламоқдан бери қизининг тақдиридан ўкинди:

– Зубайжон болам, Норкумуш ота гапни гапирди. Отингизниям, сигирингизниям олиб кетинг. Ўлмаган кунини кўради-да. Уйимизга сиғмаган қизимиз йўқ. Норкумушгайм ўзига ўхшаган бир қора жанда топилар, топилмасаям тақдиримиздан кўрамиз-да, энажон.

– Мулла бова, мен сигир ёки от олиб кетмоқчи бўлиб келганим йўқ. Норкумушдан бир марта эрини кечиришини сўраб келдим. Йўқ, йўқ кечирмайман десаям ўзи билади. Омонга хотин керак бўлса, ўзи олиб кетади...

XXII

Омон отасининг дашномларига қулоғини қар қилиб, жаҳлнинг ишидан пушаймон бўлса-да, хотинига ялиниб боришга ғурури йўл бермай юрарди. Ҳасан-Ҳусан ойисини соғиниб, емай-ичмай отасининг икки дунёсини бир тутам қила бошлади.

Болаларини онасига бериб келмоқчи бўлди. Уларни Норкумуш умуман кўрсатмай қўйса-чи, деган ўй юрагини тирнаб ўтди.

Бари бир она она экан, улар йиғлашиб Зубайданинг ҳам тинкасини қуритди. Зубайда ҳам уларга қўшилиб йиғлаганидан Омоннинг юраги чилпарчин, мулла Тоштурдига бош эгиб боришга мажбур эди.

Омон мулланинг ҳовлисига кириб борганида Олапар ит унга ташланди. Қуръон ағдариб ўтирган мулла Тоштурди қизини тезлади:

– Чик, Норкумуш, ит бировни еб қўйди.

Омонга кўзи тушган Норкумуш соғинчдан ўзини йўқотиб, ўзини унинг кучоғига ташламоқчи эди-ю, изидан дўлтадай илашиб чиққан онасидан ҳайиқдими, итни эридан холилатиб, Қора қашқанинг ёнига ўтиб кетди.

Норкумуш отни қанчалик силаб сийпаламасин, у бегонасираб уни тумшуғи билан итариб, Олапарга кўзи тушдими, ер тепиниб, қулоғини тикрайтирганидан Норкумуш сесканиб, отдан узоқлашди.

Қайнона куёвнинг келганидан қанчалик суюнган бўлса, куёвнинг ўзини тутиши унинг акси эди.

Мулла Тоштурди хотиржам меҳмонни уйига бошлади. Омонатгина сўрашув сўнггида, Омон хижолатли оҳангда қайнотасига ер остидан қараб:

– Мулла бобо биздан хаточилик ўтди. Ўзингизам биласиз, рўзгорчилик дегандай, бир, ярим эр-хотин ўртасида гина-кудуратли келишмовчиликларам бўлиб туради. Момонинг, “Зубайдани йўқ қиламан”, деган гапи жонимдан ўтиб, бир икки бақиргандим. Норкумушнинг жони Зубайданинг ичида бўлса, у Норкумушга тиканни раво кўрмаслигини билганим учун момонинг гапидан зардам қайнаб, “Кет барингу”, деганим рост.

Худо берди деб, Норкумушнинг энасига эргашиб келабергани сизнингча маъқулми?

– Кампирнинг гапига ишонибам-ку бўмайди-да, “Куёвинг қизингнинг талоғини берди”, деганини эшитиб юрагим музлаб кетганди.

– Бобо-о, Норкумуш шу ерда, энаси шу ерда, кўзимга қараб айтсин-чи, шу гапни. Қизингизнинг ўзи нима деди?

– Ундан гап сўрасам айтмайди-да, фақа-ат кўзига зўр беради. Гапингиздан билдимки, кампир мени алдаб келган.

– Кампирингизни чақирингда чоркўз қилинг. Талоғини берганимда қизингизни излаб келмаган бўлардим-ку, бобо...

Мулла Тоштурди кампирини қазаб билан чақирди.

– Бубино-ор, тулхори ичкарига кир!

Бубинор момо худди чолидан кўркқандай кўрсатиб ўзини, пойгакка келиб, ийманганнамо ўтирганида мулла Тоштурди хўрозланиб:

– Ер ютгу-ур, Омонбой талоқ бериш хаёлимгайм келгани йўқ, деяпти-ку!

– Аччиқ устида сизга гапирсам гапиргандирман-да. Шунда талоқ тўғрисида гап бўлгани йўғийди-я, Омонбой?

– Ҳе-е, Худо кўтарсин сени, Самарқандни ёв олди қилиб, хай-хайлаб дод солиб келгандинг-ку итдан тарқага-ан!..

Орадан кун ўтиб, мулла Тоштурди кизини Тўриқ отга мингаштириб келди-да, Пирмамат полвондан ҳол сўрашга кирди.

Кудалар кўришиб, узоқ сўрашишди-да, мулла Тоштурди қудасидан ўпкалаган бўлиб:

– Пирмамат ака-а, ўзингиз биласиз эр-хотин уришадиям, яна ярашиб, гап ўтмагандай бўлиб кетаберишади. Сиз Норкумушга кетсанг, оёғингни уриб синдираман, демапсиз-да.

Кампиримни биласиз, у гапининг қаёққа кетаётганини билмайдиган хотин. У кун ўтди, ҳалолидан келганда келиним Норчучук одамнинг жонидай бола эди. Бепадар кампирим унинг бетини очиб олди...

Пирмамат полвон қудасининг гапини кесиб:

– Мулла бобо-о, эндиги ёшларга хайронман-ей! Норкумуш, “Бобо, шундай бўлди”, деса, мен, “Кетсанг кетавер”, деяримдим. Энажон бўйингдан, шайтонга хай бергин, Омоннинг жазосини ўзим бераман, деб олиб қолган бўлардим-да.

Ҳасан-Ҳусан келиб, “Ойимни дадам урушди, ойим йиғлади, момом олиб кетди, энди дадамни дада қилмаймиз”, деганидан билиб қолдим.

– Менам қизимни хў-ўп ийладим. “Омоннинг тепкисидан ўлиб кетсангам ўзи сени кўмсин”, дедим. Бу иш жойлашди ҳисоби...

Пирмамат ака, сиз Омонбойдан бир илтимос қилиб кўринг. Бу гапни гапиряпганим ака-а, Омонбой сизнинг гапингизни икки қилолмайди...

Пирмамат полвон селкиллаб кулди-да, қудасининг мунгайиб гапирганидан унга раҳми келиб:

– Тўшакка михланган отанингам гапини ташламайди, десангиз тентагингизга айтиб кўраман. Ўзи нима гапакан?

– Биласиз кўплар Омонбойни ҳурмат қилади, қолаберса кўркишадиям.

Биз деганингиз чоли-кампир икки жойда икки кунда, бир биримиз билан гапимиз қовушмай кунимиз ўтяпти. Қудамни танирсиз, айритоллик Олланазар қизилни.

– Танийман, ака, Олланазар қизил кў-ўп гапга етар, Айритолда ҳурмати бор одам.

– Қудам-ку яхши одам-да, тўрт ули бор, бариганаси таёкзан тентак. Тошмаматбойнинг бизни изламай қўйганига ям икки йилча бўлди. Ҳар замонда бир бориб невараларимни ўзим кўриб келамаман.

Деганим, Омонбой бориб қудамга тушунтирса, Тошмаматбойга насиҳат қилса-а, уйимиз тўлиб қолармиди дейманда, полвон ака.

Ўзим бораё десам келинимнинг акалари мени уриб ҳайдашданам тоймайди, деб кўрқаман...

XXIII

Омон полвон айритоллик Олланазар қизилнинг уйига бориб, отидан тушганида мезбон уни уйига бошлаб, бир нав ҳол-аҳвол сўрашиб, Қора қашқани таниганидан тахмин қилиб сўради:

– Сўраганимни айбга йўйманг, меҳмонжон, мабодо сиз Омон чобоғон эмасмисиз?

– Танидингиз, бобо, мен қудангиз мулла Тоштурдининг куёви Омонман.

Мезбон таомилга биноан ўлмайнининг кунидан қудасининг номини тилга олиб:

– Мулла Тоштурдиям эсан-омонми, тинчгина яшаб юриптимиз?

– Шукр раҳмат, муллачилигини қилиб юрипти қудангизам...

Олланазар қизил, “Меҳмонжон мен ҳозир”, деганича уйдан чиқиб келиб, бир келин дастурхон олиб кирди.

Омон мезбон билан чойлашиб ўтирганида у муддаога кўчиб, гапни узоқдан бошлади:

– Бобо-о, ўзингиздан қолар гап йўк, қариганда одам бир уйда бедаво кампири билан сўппайиб қолса, бундан ёмони йўқакан. Онда-сонда бир айланиб борганимда қудангизга раҳмим келади. Ул ўстириб, қиз ўстириб, неварачевараси бағрида бўлмаса...

Олланазар қизил Омоннинг муддаосига тушунди-да, унинг гапини кесди:

– Чобоғон улим, гапингиз ота гап. Лекин қиз бола тушган жойига сингиб кетмаса, ундан ёмони йўқакан. Норчучук қизимиз жойидан тинмади. Ҳар икки куннинг бирида жанжал-таёк, уч-тўрт келганида қизимни қувиб солдим.

Ҳамманикиям болада чобоғон, охириям, “Боламни яримжон қилиб ташласа ўлган куним”, деб қайтариб келгандим. Орадан уч ойча ўтиб, минг тавалло билан Тошмаматбой уйимга кириб келди-да, болаларимни олиб кетаманга тушди.

Мен, “Олиб кетадиган бўлсанг хотинингниям кўшиб олиб кет”, дедим. Айб энасида эканини тан олди. Бир хавала куруб беришди болалар. Турмуши яхши. Ўзини чақиртирсам, икки эшак олиб, ўтинга кетганакан.

Кўчириб кетаман десангиз отабой, тинч яшашига ўзингиз кафолат беринг. Қизимни уйимда сақлайман деган ниятим йўқда, акалари кўнмаса керак деб кўркаман.

– Тошмаматнинг ўзи билан гаплашайлик, акаларини чақиртиринг, ишнинг маслаҳатли бўлгани яхши...

Омон мезбон бобо билан суҳбати сўнггида ташқарилаб, мол сўйиб турган йигитнинг ёнидан ўтаётганида, йигит ишини кўйиб, Омон билан саломлашиб кўришди-да, ишига қайтди...

Омон отининг эгар-жабдуғини ечиб, катта кунданинг устига кўйиб, тупроқлироқ жой топди-да, отини ағнатиб, эринмай қашлаб, жойига келтириб боғлаб, уйга кириши билан Тошмамат ҳамда бобонинг ўғиллари жам бўлишиб, бобо ўғилларига юзланди:

– Улларим, тўртовингам пухта ўйлаб, бир қарорга келинглар. Омон чобогон Тошмаматни кўчириб кетишга келипти.

Бобо аввал катта ўғлига ишора қилиб:

– Норменгли, сен буларнинг қадагани, аввал сен гапир, – деди.

Норменгли укаларига, “Сизлар ҳам менинг гапимни қувватланглар”, дегандай кўз ишорасини қилиб:

– Сиз қандай фикрдасиз, ота? – деб сўради.

– Норменбо-ой, менга Тошмаматнинг кўчиб кетиб, ота-энасига қарашиб тургани маъқулдай кўринади. Ҳамма қариям бир қари-да, ўтин-суви дегандай...

Норменгли отасининг гапидан қаҳри келиб, отасига қўлини пахса қилди:

– Ота-а, “Кўчириб келмасанглар, Норчучукнинг куни қаттигакан”, деган ўзингизку! Нима, энди Норчучукнинг нони сизга оғир ботиб қолдими?

Аканинг гапини қувватлашган укалар отасини итлар орасида қолган тулкидай силкилашиб, унинг гапини кескин рад қилишди.

Бетгачопар болаларнинг ўтганга ташланганитлардай отасини ғажиб ташлаганидан қаҳри келиб, босиқлик билан Омон:

– Ўзи ҳамманг ота тарбиясини олмаган кўринасилар... – деди.

Бу нима деяпти, дегандай укаларига бир-бир қараб Норменгли:

– Меҳмон, ҳурматингизни билиб ўтиринг ўтирсангиз! – деганида укалари ҳар жойдан гапиришиб, Омонга маломат тошларини отиша бошлади.

Бемаврид гаплардан тоқати-тоқ бўлган Омон уларни жим бўлишга ундаб, бобога бир қараб олиб:

– Худо сизларга туяникидай бўй беришти-ю, тугмадай ақл бермапти, йигитлар. Ақалли, отанинг ҳурматини қилсанглар бўларди, – деди. Норменгли Омонга хезланиб, “Тошингни терсанг бўларди мошхўрдага қатик бўмай”, деди ғазабдан ўт бўлиб ёниб.

– Норменглибой, тилим бор деб ҳар нарсани валдирайберманглар. Онтимам, қасамимам шуки, Тошмаматни аввал кўчириб кетмасамам энди кўчириб кетаман! Ўзларинга мажбурлаб, орқаларинга юкини ортаман!

Норменгли укаларининг қўлловидан руҳланиб, овозини яна бир парда кўтарганича, қаҳр билан Омонга юзланди:

– Зўр бўсанг кучингни кўрсат, шунда Тошмаматни бола-бақраси билан олиб кетасан!

Омон Норменглининг чиранганидан ажабланиб, болаларининг оғзига элак бўлмай, сириниб ўтирган бобога қаради:

– Бобо, мен жанжал излаб келганим йўқ. Аввало сизнинг, қолаберса, дастурхонингизнинг ҳурмати, бир мартага буларга индамай кетаман. Ага-ар, беш куннинг ичида ўзлари Тошмаматни кўчириб олиб боришмаса, тўртовини бир гўрга тиқиб кетаман!..

XXIV

“Аммамни кўриб келганим, ҳам отимни совутганим” дегандай, Омоннинг оти кетган таёқзанлигини гурунг-гаштакларда Норменгли ва укалари эшитиб, ҳамда унинг сохта пўписаси иш бериб, Тошмамат кўчиб келиб, мулла Тоштурдининг ҳовлиси тўлиб қолди.

Тошмаматнинг кўчиб келганидан мулла Тоштурди қанча суюнган бўлса, ўзига душман деб билган Норчучукнинг яна қайтиб келганидан Бубинор момо, “Зубайда у ерда, Норчучук бу ерда кундай кун кўрсатмаса”, деб шунча куюнди.

Норкумуш ҳам ўзининг кадрили билдириб қўйгани учунми, Омон полвон кунора унинг ҳовлисида Ҳасан-Ҳусанини ўйнатадиган бўлиб, бундан Зубайда ҳам мамнун эди.

Кундошларнинг орасидан қил қичқириб ўтиб, Омон Ҳасан-Ҳусанига катта тўй бераман деб учиб-қўниб юрган кунларнинг бирида Норкумушнинг ичидан кетаётган қон тўхтамай, Омон полвон кечаси отда уни касалхонага етказиб, врачлар қайта-қайта қон қуйиши ҳисобига жонини сақлаб қолишди.

Зубайда ҳайдав-ҳашар қилиб ўрдирган ҳамма бедаларини боғлашга киришиб, қўли ишда, фикри хаёли Норкумушнинг соғайиб келиб, ўз уйининг эшигини очиб ўтиришида эди...

Норкумуш онасининг уйига келишини тақиқлаб қўйган бўлса-да, барибир болада, уни кўриб келиш учун у касалхонага жўнаган эди. Қизининг уйига бирров бурилиб, унга бирон бир егулик олиб кетиш илинжида ҳовлисига кириб, эшикларнинг тақа-тақ қулфлаб қўйилганидан ҳафсаласи пир, теварак-атрофга кўз солиб турганида, кўз кўримдакетаётган отлик йўловчига кўзи тушди.

Унинг шубҳасиз Омон полвон эканидан момонинг қалтис режаси ниш уриб кетди. Ҳовлида ўлик сукунат ҳукмрон бўлиб, толнинг соясида турган чойнак-пиёлага момонинг кўзи тушди-да, бориб шокоса тўла қандли чойни ичиб, яна шокосани тўлдириб чой қуйиб, тўрт донали қанд ташлаб, томорқанинг этагида беда боғлаётган Зубайдага кўзи тушди.

Зубайда ишдан бош кўтарай демасди. Демак, бу ҳовлида Зубайдадан бўлак кимса йўқ. Ойлаб шундай вазиятни кутган Бубинор момо ички чўнтагида асраб юргани – маргимушнинг икки буғдой донасидай бўлагини шокосага солиб, яхши эриб кетгунича чўп билан аралаштирди.

Толнинг панасига ўтиб, яна атрофга кўз солди. Атрофда зоғ учмайди. Ўзича яширинган бўлиб, уйнинг орқа тарафидаги деворнинг пастқамроқ еридан ошиб тушиб, йўлини учтами уй наридаги камсасиз ёлғизоёқ йўлга буриб, машина кута бошлади.

Момонинг юраги кимдир ҳа-а, деса ёрилиб кетгудек урарди. Юқори кишлоқлардан бирига ун олиб борган машинанинг товуши эшитилиб, момо сергакланиб, қўл қўтарди.

Борти йўловчиларга тўла юк машинаси момони ҳам илиб кетди...

Машина совхўз идорасининг ёнида тўхтаганида момо ҳам тушиб, йўлқира тараётган ҳайдовчига йиғламсираб юзланди:

– Отажон, бир тийин пулим бўлса буюрмасин! Қизим, билсангиз Омон полвоннинг хотини балнисада оғир ётипти. Бир кўриб келай деб шошганимдан пул олмай йўлга чиқибман...

– Момо-о, Омон полвоннинг ўзиям отли келяпти-ку, кўрмадингизми. Ёмон киянинг ўрида уни қувиб ўтганимизни?

– Ўзиям келяпти денг. Бир кўриб қосангиз ўзидан оласиз-да, шопиржон...

Бубинор момо сўраб-суриштириб қизи ётган бўлимни топиб бориб, ҳамширалардан бирига ялинчоқлик билан юзланди:

– Мен Омон полвоннинг хотинини кўргани келувдим айланай. Мен полвоннинг қайноналари бўламан, қизимжон. Кўраману чиқаман, йўлда полвоннинг ўзиям келяптиякан, шопир айтди, қизим.

– Момо, бизнинг бўлимга кириш мумкинамас!

– Тавба қилдим-ей, кимдан сўрасам кириш мумкинамас дейди-ей! Бошлиқларинг ким, олдига кириб, уч соатдан бери сарсонимни чиқарганларингни айтаман!

– Тушунинг момо-о, Нодира опанинг ўзлари ҳеч кимни киритманглар деганда-а!..

Омон тушга яқин касалхонага етиб келиб, бўлим бошлиғи Нодира Умаровнага учрашиб, хотинининг ҳолатини сўраганида бўлим бошлиғи Омонни гапга тутди:

– Эрталабдан бери бир момо-о, “Полвоннинг қайнонаси бўламан, қизимни кўрсатинглар”, деб ҳамманинг бошини қотирди-ей!

Мен одам кўриб, бундай шантаж момони кўрмагандим...

XXV

Зубайда тушга яқин қорувли йигитнинг бир кунлик ишини қилиб, толнинг соясига келгани заҳотиёқ қаттиқ чанқаганидан шокосани бўшатиб, яна чойдан иккинчи шокосани ичиб нафси ором олиб, бобосига ва болаларига овқат қилиш илинжида Норкумушнинг ҳовлисида чикишга улгурмай қорнида оғриқни ҳис қилиб, оғриқнинг дақиқа сайин кучайишидан ваҳимаси ортиб, уйига етиб-етмай кўнгли айниб, ажриқли жойда ўтириб, ўқчиб-ўқчиб мадори кетиб, юзтубан йиқилди.

У бор кучини жамлаб ҳар қанча уринса-да, оёққа туrolмай, сўнгги бор кўргани – қайт қилганини Рекс итнинг ялаётгани бўлди...

Бобосининг олдидан ҳожатга чиққан Ҳусаннинг кўзлари Зубайдага тушгани заҳотиёқ изига қайтиб:

– Бобо-о, бобожон, Зубайда аям уйнинг ортидаги кўкаламда ухлаб қолипти-и!

Боланинг гапидан юраги қинидан чиқиб кетай деган бобо мактабдан энди келиб ечинаётган неварасини от тутиб, бор овози билан чақирди:

– Раъно-о, Раъно!

Бобонинг товушидан югуриб кирган неварасига соғ қўли билан уйнинг орқасини ишора қилди:

– Ҳасан-Ҳусаннинг ортидан югур, энанг йиқилипти!..

Раънонинг хабаридан югуриб келган Меҳри билан эри беҳуш ётган келинини ўтиргизиб, бири суяб, иккинчиси ариқдан ховучида сув олиб келиб, унинг юзига сепди.

Меҳри Раънони қўшни бобога киннасувга жўнатиб, Зубайданинг юзларига шапатилаб уриб, ҳушига келтиришга уринса-да, бари беҳуда эди.

Бойтўра Зубайданинг юрагига қулоғини тутуб кўрди. Киннасув ичиришди. Сув оғзидан қайтиб келди. Бойтўра ҳамширани отига мингаштириб олиб келди.

Ҳамшира келганида тана совуб улгурган эди. Омон "Тез ёрдам" машинасида шифокор билан етиб келиб, шифокор марҳуманинг нимадандир заҳарлангани ёки ичаги туйилган бўлиши мумкинлигини айтди.

Омон шифокорнинг гапи билан турли шубҳаларга борса-да, асосий гумондорлар касалхонада эди. Яна ким Зубайдани заҳарлаши мумкин. Омон уйга кимлар келганини болаларидан бир-бир тинчиқлаб сўраб чиқди. Ҳаммаси ҳеч ким келмаганини таъкидлашди.

Нормурод Очилов хотини билан келаётиб йўлда йиқилиб-суриниб боламлаб келаётган Бубинор момони машинасига олишди. Бубинор момо йиғи аралаш ўзининг кимлигини, Зубайданинг эрталаб беда боғлаб юрганини машинада кўриб ўтганини, кизи Норкумушнинг ҳафта бурун ичидан қон кетиб, Омон полвоннинг пулининг эвазига зўрға жон сақлаб қолганини, Омон полвон боргунича қизини дўхтирлар кўрсатмаганини маънилатиб ҳам йиғлаб келарди.

Номурод Очиловлар шом аралаш етиб келишганида қишлоқ одамлари қора уй – ўтов тикишиб, марҳумани ўтовга ўтказишган эди.

Ўтовнинг ёнида чопон кийиб, белларига қийиқ боғлаган Омон полвон, Бойтўра, Ҳасан-Ҳусанлар марҳумани йўқлаб, эзилиб-эзилиб йиғлашарди.

Бубинор момо марҳуманинг онасидан аввал бор овозида боламлаб йўқлаб, ўтовга кирди-да, хотин-халажнинг ҳай-ҳайлашига қарамай ўзини мурданинг устига ташлаганича уни кучоқлаб айтиб-айтиб йиғлай бошлади. Марҳуманинг онасини кўндирганлар ҳам Бубинор момони кўндиролмасди.

Ёнида қариялар ўтирган Пирмамат полвон ётган жойида қаҳрли овози билан бақира бошлади:

– Овозинг ўчгур Бубинор шантажни Зубайданинг олдидан чиқаринглар!..

Қариялар билан Пирмамат полвоннинг ёнидан илкис туриб кетган мулла Тоштурди кампирининг қилиғидан қаҳри келиб, хотинларга куч бермай ётган кампирини ўтовдан судраб чиқарди-да, қайёқадир етаклаб кетиб унини ўчирди...

Навбатчи ҳамширанинг кўзини шамғалат қилиб, касалхонадан қочиб чиққан Норкумуш Қора қашқани миниб ярим тунда уйига етиб келиб, дарвозадан киргани заҳотиёқ ўзи отдан тушган бўлса-да, маст одамдай гандираклаб келиб, ўтовнинг ёнида йиқилди.

Бойтўра етказиб келган ҳамширанинг ёрдамида у ўзига келиб, аламли кўзёшлари ёқасини ҳўллаб, ҳар замонда изтиробли "оҳ" тортиб, "Сизни ким еди-я энажоним!" деб ер муштлаб тўликиб-тўликиб йиғларди...

XXVI

Нормурод Очилов тумандан чақиртирган экспертиза шифокорларига Омон полвон мурдани ёриб кўришга рухсат бермади.

Зубайда ўз жонига қўшиб эрининг жонини ҳам олиб кетган бўлса-да, у аламдан жизғанақ бўлиб ёниб, ўзига хуш келмаган одамларни кўнглидан бир-бир ўтказиб, шифокорлардан сўради.

– Кимдир заҳар берган бўлса маълум муддат таъсир қилмай туриши ҳам мумкинми?

– Йиллар давомида кузатганим, узоғи билан ярим соатда қонга сўрилиб, аввал мияни фалаж қилади. Сўнг юракни ишдан чиқаради. Нимаиди, полвон ака?

– Сўраганим, мен хавотирланган одамлар узоқда бўлишган. Хотинимнинг жони тушга яқин узилган. Ичаги туйилган бўлишям мумкинми?

– Ёриб кўрмасдан бир нарса дейиш қийин, ака...

Мархумани жойига қўйиб келишиб, қишлоқ урфига биноан эрталаб тонг ёришиб улгурмай Омон билан Нормурод Очилов Зубайданинг қабрига боришганида Норкумуш кундошининг қабрини кучоқлаб, дардли товушда оғир қўшиқни хиргойи қилгандай энтикиб-энтикиб айтиб, йиғлаётганига кўзлари тушиб, қотиб қолишди.

Омон полвон аввал отдан тушиб, Норкумушни қабрдан холилатди. Нормурод Очилов Қуръон тиловат қилиб, юзига қўлларини сурганида ҳам мунгли қўшиқнинг саси ўчмай яраланган юракларни тирнаб ўтарди.

Норкумуш ойлар давомида кундошининг қабрига ҳар саҳар гул қўйиб, кейинчалик қабрга гул қўйиш қишлоқ одамларининг урфига айланди.

Нормурод Очиловнинг яқинлари етиб келишиб, мархуманинг етти кунлик маъракаси сўнггида Пирмамат полвоннинг ётоғида хеш-акробалар тўпланишиб, мулла Тоштурди Қуръон тиловат қилди. Дуои фотиҳа сўнггида аввал тилга кирган Нормурод Очилов ёшли кўзларини Пирмамат полвонга қадаб:

– Пирмамат ака, Худонинг ишига кўнмай иложимиз йўқ. Сиз розилик берсангиз Омоннинг қизларини мен олиб кетсам дегандим. Қаровсиз қолади деб айтмаяпман бу гапни. Ақалли биз – чол-кампир қизларини кўриб турсак ҳам бизга катта тасалли бўларди.

– Биламан, Нормурот ака, сизларгаям қийин. Омон майли деса мен рози, ака.

– Ота, мен нима қиламан?

– Ҳамма томонни ўйламасанг бўмайди. Сенинг овунадиган Ҳасан-Хусанинг бор. Бобо-момога қийин-да, болам.

Омон узоқ ўйга ботиб, отасига қараганида отаси – рози бўлгин болам, дегандай мўлтираб ўғлига қараб турарди.

– Отам нима деса шу, – деганича Омон кўзёшларини арта-арта ташқарига чиққанида ичкарига киришга юраги бетламай айвонда турган Норкумуш ялинчок овозда йиғлаб ёлворди:

– Полвон ака, полвон ака-ажона, қизларни олиб кетишмасин! Уларни гулдай парвариш қиламан. Ақалли ўзларидан сўраб кўришсин...

Ичкаридан Маликанинг йиғидан шишган кўзлари қонга тўлди:

– Зубайдани еяб бўлсанг сен единг-ку мегажи-ин! Энди қизларини сенга қолдирайми-и!

Нормурод Очилов хотинига заҳрини сочди:

– Бас қил дейман, бетами-из!!!

– Худодан кўрқинг, моможо-он! Зубайда опам кундошим эмас, сирдошим, раҳбарим, энам эди. Мендай бир камбағалнинг қизини бахтига шерик қилган бағри кенг инсон эди...

“Куйган тангрисини қарғапти, сен оғир бўл Норкумуш”, – деганича уни Меҳри бошқа хонага етаклаб кириб кетди. Норкумушнинг айтиб-айтиб йиғлаётган саси йиғилганларга элас-элас эшитилиб турарди.

Омон таъзияга келганларни жўнатиб, чексиз алам исканжасида бағрини ерга бериб, адоқсиз ўйлар гирдоби уни қасоснинг тубсиз жаҳаннамига етакласа-да, ким деган, сўроғи жавобсиз эди.

Зубайдасини олдириб қўйган кундан тўрт кун ўтиб, кўнгил сўраб, дуои фотиҳага келувчилар орасида Иброҳим билан Марсга Омон полвонхоли жойда дардини тўкиб солиб ўтирганида, Иброҳим чобоғон тўсатдан унга савол ташлади:

– Омо-он, кўшни кишлоғингда бир Назар чўлоқ деган ишқирт яшайди, уни танийсами?

Омон жавобсиз қолаётган саволига жавоб топгандай чўлоқнинг ўзини ҳақорат қилгани эсига тушди:

– Танийман, нимайди, Иброҳим ака?

– Кўп замонлар бўлди, у вақтларда жоним бор, сиркам сув кўтармайдиган даврларим эди. Унинг кишлоғида ёру жўралар билан еб-ичиб ўтирганимизда даврага салом бериб у кириб келди-да, изн-имдодсиз тўрга менинг ёнимга келиб ўтирди.

Шунда-а, биласанми Омон, менинг хатоим, уни одам ўрнида кўриб, у билан сўрашмаганим бўлди ва уни даврамиздан чиқариб юборишларини талаб қилдим.

Демокчи бўлганим, ука узининг бахтсизлигини бировлардан кўрадиган, ишқиртлар ҳамиша топилади. Улар билан олишиш сен билан менинг ишим эмас. Жазосини Худо берсин дегин-да, хотинлардай мунгайиб ўтирмай, эркакнинг ишини қилиб, ўзингни тут, ошна...

XXVII

Омон Қора қашқани ҳеч кимга ишонмай ўзи парвариш қила бошлади. Пирмамат полвоннинг тарбияси ҳаминқадар бўлиб, Норкумуш ҳар қанча ҳаракат қилса-да, Зубайданинг ўрнини босолмасди.

Норкумуш Зубайдага ўхшагиси келди. Отасининг кўнглига йўл солиб, боласининг меҳрини қозонишни қанчалик истамасин, Зубайда бўлиш қийин эди.

Зубайда ўзи билан Омоннинг жўшқин кайфиятини, ҳаётга бўлган интилишини, орзу-истакларини олиб кетиб, ўрнига андуҳли армонларни қолдириб кетди.

Ҳасан-Хусаннинг наъшали кулиб эркалашлари, Норкумушнинг иболи табассумлари, катта тўй бериш орзуси кўнглининг тубига чўкиб қолган музларни эритолмасди. Кўзлардан холи қолганида, онасидан адашган кўзидай зориллаб, Зубайдани изларди.

Кишлоқ қарияларининг, тўшакка михланган отанингда панду насихатлари қулоғига кирмас, ҳамон ким, нега каби жавобсиз саволлар қалбини тирнаб, у ўзини ўнглаб ололмасди.

Шундай кунларнинг бирида бор овозида йиғлаганича: Ҳусан Ҳасанининг устидан отасига арзга келди:

– Дада-а, Ҳасанингизни Зубайда аямга айтиб бераман! Мени уриб қочди, дейман. Ҳасанни энди яхши кўрманг, дейман...

Омон арзга келган Хусаннинг бошини кучоқлаганича ўпкаси тўлиб искаб, кўзёшлари сизиб чиқабошлаганида Ҳасан гапни бошқа ёққа буриб отасидан сўради:

– Дада-а, Зубайда аям Рексниям ўзи билан олиб кетганми?..

Бойтўра молхонанинг охурида ётиб, ўлиб қолган Рексинг лошини судраб чиқиб, томорканинг этагига чуқур ковлаб кўмиб ташлаган, итнинг бору йўқлиги ҳамманинг эътиборидан кўтарилган эди.

Болалар қайта савол-сўроққа тутилганида Ҳусан ўша кунни эсига олиб:

– Дада-а, Рексингиз Зубайда аямнинг қусуғини ялади-и! Бойтўра ака келганида уради деб, кочди-я!..

Гумон ҳақиқатга айланган бўлса-да, у қандай қилиб заҳарлади каби савол ҳамон жавобсиз қолиб, гумондор Омоннинг кўнглида аниқ бўлди-ю, бироқ тишидан ҳатлаб тилига бирор марта бўлса ҳам чикмади. Негаки, ўша машғум кунда қайнонаси эрталабдан касалхонада эди.

Омон ўлмайиннинг кунидан Норкумушнинг уйига кирганда, унинг ўпкаси тўлиб йиғлаб ўтирганига кўзи тушди:

– Кундош учун куйганинг астойдилми ёки?..

Норкумуш эрига эшитилар-эшитилмас салом берган бўлиб, унинг кесатикли саволини жавобсиз қолдирди:

– Касал ўлса мен ўлишим керагиди. Ярамга туз сепманг, полвон. Мен шўрнинг бировига куйганим етмагандай қайнота бўлмишингиз энамни ҳар куни урадиган одат чиқарипти. “Зубайданинг бошига сен етдинг, юзимни қора қилдинг”, деб урармиш.

Исботини билса элнинг олдида кичкириб айтсин эди отам! Модаркуш номини олсам-да энамни ўзим буғиб ўлдирардим.

– Ким ўлдирса ўлдириб, бўлар иш бўлди. Сен энди йиғини бас қил-да, отамнинг дуосини ол, Норкумуш. Мен ҳам энангдан кўрган бўлардим. Лекин у эрталабдансенинг олдинда эди-ку.

Омон полвон отлаиб мулла Тоштурдиннинг уйига борганида жанжал-таёкнинг устидан чиқди.

– Худойим Худой бўса Зубайданинг жойига мени оса бўмасмеди. Бепадар қутурдингма, ҳар куни урасан, тепкилайсан! Норчучук қанжигинг отасиникидан ҳал товип кепти. Сўлмат улимам урманг энамни демайди-да, мегажинининг ёнини олади. Илойим, ҳаммангнинг қора гўрга кирганингни кўрайинда-я!

– Сен бетак яхши бўсанг ҳамма яхши. Норчучукнинг кунини бермайсан. Тилингни тиймасанг урам-да энаға-ар!..

Омон тўсатдан уйга кириб борганидан чол-камбирнинг уни ўчиб, бараварига унга салом беришди-да, Бубинор момо тўрга кўрпача тўшаб, мулла Тоштурди оғир хўрсинди:

– Полвон, тўшамчига ўтинг.

Омон полвон сўрашиш ўрнига Бубинор момога қаҳрли қараб:

– Нима гап, момо? Иккалангниям Зубайданинг изидан жўнатайми? – деди.

Омоннинг ғазаби босилсин дедими, чол-камбир бир-бирига ер остида қарашиб жимиб қолишди. Аввал тилга кирган мулла Тоштурди Омоннинг жаҳлдан тушганини пайқаб, салмоқлаб гап бошлади:

– Омонбой ули-им, бизники ҳар куни шу гап. Камбир келиннинг кунини бермайди. Ичи тухмат, заҳарли гапга тўлиб кетган. “Отангникида кунинг ўтмадими бепадар, нимага келди-инг?!” Гапни қаранг-да. Мен чидаб туролмай бир-икки тurtган бўламан. Бу кўчага чиқиб шанғиллаб қарғанади. Ўрта ерда Тошмаматни

тентак қилдик. Шундай, элга томоша кўрсатиб ётипмиз, улим.

– Момо бу ерда жой бўмаяпган бўлса Норкумушнинг ёнига борсин.

– Болам, бу гапни бир гапирдингиз, иккинчи тилга олманг. Кошки тинч юрса, бу борган жойини бузади.

Эшик ортида гап пойлаб ўтирган момо эшикдан кирар-кормас шангиллади:

– Бузган бузилиб ўлсин. Омонбой олиб кетаман деса кетаман! Уйингизни елкаминг чуқури кўрсин!..

Бубинор момо чиқиб кетиб, қайнота-куёв холи қолишганида Омон қайнотасига синовчан кўз тикиб:

– Зубайданинг қусуғини итимиз ялаган экан. Молхонага кириб охурда ўлиб қолганини кеча Бойтўра топиб чиқди. Зубайданинг заҳардан ўлгани ани-ик. Сизнингча заҳарни ким берган бўлиши мумкин?

– Бола-ам, гумон имондан айирар дегандай, оғрийдиган жойини билмайдиган тентак момонг шу ерда бўлганида шундан кўришимам мумкин эди. Бу эрталаб Норкумушни кўриб келишга кетганиди. Мошин кутиб ўтирганини кўрганларам айтишди. Би-илмадим болам, мен нияям дейман.

Омон Норкумушнинг ёнига олиб кетишига мулла Тоштурди қаттиқ туриб қаршилиқ қилди.

Омон қайнонасини олиб келмоқчи бўлганини, мулланинг қаттиқ қаршилиқ қилганини айтганида Норкумуш эрининг содда тентаклигидан қаҳри келди:

– Энам келганида бу ерданмен кетган бўлардим!..

XXVIII

Зубайданинг қирқ кунлик маъракасига Нормурод Очилов қизлари-ю хотинига қўшиб Омоннинг қизларини ҳам олиб келди. Малика опанинг қизини, Норкумуш эса кундошини йўқлаб овози ўчмай маъракага келувчиларнинг юрагини эзиб юборган бўлса-да, қишлоқ хотинлари, Зубайданинг яқинлари азалик кийимларини ечишди.

Тўй сезони бошланиб, қишлоқдошлари қўярда- қўймай Омонни ҳам кўпқарига етаклашди.

Ҳаммага тегишли бир ҳақиқат борки, кимнинг пешонасига нима ёзилганини олдиндан билиш ҳеч кимга насиб қилмаган. Кимдир қисматини олдиндан билганида қисматнинг қисматлиги қолармиди?

Лекин Омон полвоннинг қон босимини ўлчаб кўрган шифокор Нодира Умаровна бошини чайқаб:

“Полвон ука, сизнинг касалингиз олдида хотинингизники ҳеч эмас, даволанмасангиз эрта бир кун кеч бўлиб қолиши мумкин”, деганди.

Омон ўз соғлигини хорижда тутиб, Зубайдасига қуйди. Унинг қазосига дахлдор кимсани излади. Ақл бовар қилмайдиган биргина Худованди каримнинг қориборидаги маъшум воқеа содир бўлишини у қайданам биларди.

Омон бутун аламини кўпқаридан олишни истагандай, Қора қашқага аччиқ қамчи босиб тўдага кириб борди. Така ўрнига энди ёшига етган семиз хўкизча сўйиб ташланган бўлиб, чавондозлар қанчалик уринишмасин, хўкизчани кўтариб, эгарга олишнинг иложини қилишолмасди.

Омон отини тиззаси билан қимтиб бориб, хўкизнинг орқа оёғидан амбурдай қисиб ушлади-да, даст кўтариб, эгарга олишга улгурмади, юраги узилиб тушгандай тишлари қапишиб, кўтарганини ташлаб юборди.

Чавондозлардан бири ердан кўтарилган ҳўкизни эгарга олиб, илиб кетди. Омон полвон эгарнинг бошига кўкрагини тираганича қўллари осилиб, сурдадан қолиб кетди.

Кимдир Қора қашқани етаклаб, Омонни йўлда турган машиналардан бирига етказди. Машина касалхона дарвозасидан кирганида кеч бўлган эди. Шифокорлар Омонни ечинтириб кўришиб, юракка борадиган шоҳ томирнинг ёрилиб кетганини унинг орқасига қон тепиб, қорайиб кетганидан билишди.

Воқеа гувоҳларининг айтишига қараганда Омон полвон йўлда кетаётиб ҳушига келган. Дақиқа сайин қон босими тушиб кетаётган Омон терлаб кетган юзини ўз қўли билан аритиб: “Мени Зубайданинг ёнига қўйинглар!” деганича жон таслим қилган...

Отда кетиб, тобутда қайтган Омон оиласига оғир мусибат олиб келди. Мусибатга дош беролмаган Пирмамат полвоннинг қон босими кўтарилиб, оғзи қийшайганича уни ўчиб қолган бўлса-да, ҳеч кимнинг эътиборида бўлмай ҳамшира келиб, томчи дори улаб, унинг яқинларига бобони ёлғиз қолдирмасликларини тайинлади.

Қишлоқдошлар оилага келган эгиз мусибатдан саросимада яна қора уй тикишиб, марҳумни қора уйга ўтказишди.

Норкумуш эрининг мурдасини қучоқлаганича дод солиб йиғлай-йиғлай уни ўчганида, ҳамшира уни ҳам ҳушига келтириш учун ношатир спиртни аямай ишлатди.

Оилада кўпган қиёмат қойимни эшитган Бубинор момо эрига тили эшилиб:

– Сизминан мени ноҳақ ҳақорат қилиб кетгани учун Худо унинг жазосини берди, чол, – деганида қизининг бошига тушган мусибатдан юраги эзилиб турган мулла кампирининг юзига чунонам тарсаки солдики, унинг бурнидан кетган қон юзини бўяб, чолининг гарданидан сиқиб бўғиб олди.

Мусибат устига мусибат бўлишига бир баҳя қолганида уларнинг олдига чой олиб кирган Норчучук қайнотасини ўлимдан сақлаб қолди.

Яқин орада қанчаки таъзиями, тўйми ўтган бўлса Олмалига бу қадар кўп одам йиғилмаган, ҳовли атрофини катта-ю, кичик машиналар тўлдириб, кўзи тушганнинг ҳайратини шоширар эди.

Марҳумнинг васиятига биноан Зубайданинг ёнидан қабр қовланиб, омонат дунёни эрта тарк этган ошиқ юраклар яна топишди.

XXIX

Норкумуш лолу карахт, ўзини йўқотган қўйи жисму жонини қайга қўйишни билмас, яшашга иштиёқи сўнган. Фақатгина эрининг нурли чехрасини кўз олдида жонлантириб, Омонига кўр қисматида шикоят қиларди:

“Қисмат ўйинларини билиб бўлмас экан, дадаси-и! Бундай бўлишини билганимда оёгингизга бош уриб ялиниб, сизни кўпкарига жўнатмаган бўлмасмидим. Зубайда опа жонимнинг олдига кетишга ошиқдингиз, ақалли Ҳасан-Ҳусанингизни ўйламадингиз-а? Улар сизни соғиниб, дадамини топиб бер деса, уларга нима жавоб айтаман дадаси-и!...”

Норкумуш ўзи билан ўзи гаплашиб, ёлғизликка мубтало бўлган ўша куни, тентакдай сар-сари кезиниб, бошини урарга тош излаб юрган ўша куни Бубинор момо келиб, ўзича қизининг келажагини ўйлаган бўлди:

– Бир ҳисобда сенга энди қийин бўлади. Катта рўзғорни бошқариш энди сенинг зиммангда. Элга қанча берсанг ейди-ичади, тўйдим демайди. Олди-ортинга қараб сарф қил болам, еттиси деб, қирқи деб, йили дегандай. Яна иси-чироғи деб.

Ҳали Зубайданинг йилини беришинг керак. Эҳ, Худойим-ей!..

Норкумуш онасининг гапларидан ажабланмади. Негаки, арзимаган пулга қизининг қизлигини Қулмурод раиснинг алкаш арзандасига пулламоқчи бўлган ўша очкўз онаси. Ўшанда деразани ўйиб, қочиб чиқмаганида нималар бўлишини ҳис қилмаган ўша онаси. Шунча жудоликни энчайин гапдай гапириб, молу дунёга ҳирсини яширолмаган ўша онаси...

Норкумуш қаҳрини, захрини ичига ютди:

– Эна-а, икки бирдай одам қирчин кетганида молу дунё сизнинг кўзингизга кўринади. Гапингизни тузатиб гапирмасангиз кўзимдан йўқолинг. Сизни билмайманми, мол сўймоқчи бўлган одамнинг кўлидан пичоқни тортиб олишданам тоймайсиз. Чивиндай жонини олиб кетганларнинг қони қотмай туриб, кўнглингизга бу гаплар қандай сиғади-и?

– Сен фақа-ат гап билан менинг жонимни олишни биласан! Пирмамат чолам ўлиб ўлолмай турипти. У ўлса яна харажат. Сен шўрнинг умринг Худойи беришминам ўтади, шекилли. Ҳасан-Ҳусанинга тўй бериш учунам тежаб терга дейман-да сен қизга.

– Сарф-харажатнинг ташвишини қилмангда, уйингизга кетинг. Сиз қилдингиз-қилдингиз, қизингизга қилдингиз. Мол-дунёга эга чиқмасин деб қизингизни одам сонига қўшган Зубайда опанинг бошига етдингиз!

– Билмай гапирма-да, бета-ак! Опа бўлмишинг ўлган куни сенинг олдингда кўкардимку-у! Гап ўттиз тишдан чиқса ўттиз урукқа дегандай, яна бир жойда гапирсанг эл мени ўлдирганга чиқаришади.

– Эл аллақачон билиб бўлган. Отам ўша куни томнинг устига чиққанида ҳовлимизга кирганингизни кўрган. Толнинг соясида қолиб кетган чойнак-пиёлани ўзим келиб йиғиштириб олдим-ку. Шокосани эксперица қилдириб, сизни қамоқда чиритмасам Норкумуш отимни ўчираман эна-а!

Бекорга бошингиз тепкининг остидан чиқмай қолдими? Эгасига вафо қилмаган бойлик қизингизга вафо қилармиди, эна-а!

– Сен қиз ақлдан озибсан. Энангни қаматиб кетинг совуса бор хунарингни қилабер. Қайси эна қизининг тўқол хотин бўлиб юришини истайди. Инчунин менам...

– Сиз мени бахтли қиламан деб бадбахтлик қилдингизми? Зубайда опамдай жўмард хотиннинг бахтини бадбахт қизингизга олиб бериш учун қотилликка қўл урдингизми?

Мени туққан бўлсангиз-да сиздай имонсиз энадан жирканаман. Уйимдан ҳозирнинг ўзида қорангизни ўчиринг. Сиз энди менинг энам эмас, ўз қизининг келажагини жаҳаннамга отган золим-заҳар, нокас нотапонсиз! Кетинг...

Норкумуш гапининг думи узилмай жанжал устига кириб келган Меҳри Норкумушни ёзғирган бўлди:

– Бу нима гап, Норкумуш, укам шўрликнинг жасади совумай уйини бошингга кўтарганинг нимаси? Нормурод бовалар кетишмоқчи, сени сўрашяпти.

Меҳрининг изидан она-бола баравар чиқишиб, Норкумуш хонанинг эшигига кулф уриб, онасига кет, ишорасини қилди-да, Меҳрининг изидан юрди...

Нормурод Очилов кўзёшларини енги билан артиб, бир хўрсиниб ух тортганича Норкумушга юзланди:

– Болам, энди бу уйда бизнинг илинжимиз қолмади...

Эрининг гапини кесиб Малика момо Норкумушга ғазабнок кўз берди:

– Зубайдани единг, Омонни единг, энди даврингни сурабер бойбича хотин бўлиб. Ўзи шуни мақсад килиб...

Нормурод Очиловнинг кўзидан ўти чиқиб, хотинига ўкрайиб қараганича унинг гапини бўлди:

– Ифло-ос, бир бечорани кўясанми, йўқми-и? Зубайдаминан эрига сендан кўра минг марта мирапи шу эди-ку итдан тарқага-ан!

Кутуриб кетган Нормурод Очилов юзини қўллари билан беркитиб, унсиз йиғлаётган Норкумушни юпатган бўлди:

– Бу қари чўқканинг гапларига эътибор қилма, болам. Бу эси паст хотин ниманиям биларди. Энди сен ўзингни тут, мардона бўлиб Омоннинг эшигини очиб тур. Бобонгнинг дуосини ол болам, бобонгни-инг! Бошқаси бекор, қизим. Бу мусибатлар бошимизда борлигини қайсимиз билипмиз-а?!

XXX

Омоннинг қирқ кунлик маъракасининг худойи олди шом ошига қишлоқ қариялари жам бўлишди. Гапдан гап чиқиб суҳбат мавзуси марҳума Зубайданинг хотирасини титкилашга келганида Пирна кап-кап даврага бир қур кўз солиб, мулла Тоштурдиннинг кечикканидан фойдаланиб:

– Мен Зубайданинг бир ишига тан бериб келаман. Эрини уйлантиришга қишлоқда шунча қиз туриб, мулланинг қизига оғиз солипти деб эшитганимда, “Атта-анг, бекор қилипти-да”, деб уни ёзғириб қўйгандим.

“Энаси сийдигини бетига сочган бир шантаж бўлса-а! Энадан кўрган тўн бичар деган гапни ўйламапти-да, қурғур”, деб кампирминан ғийбатиниям қилдик. Эндилар ўйласам Зубайда бекиёс тамизли хотинакан.

Бугунги кунда Норкумушам олқор-солқор хотин, раҳматли Омон полвоннинг катта рўзғорини бинойидек бошқариб ўтирипти. Аттангат, шунча моли-дунёга эғалик қилган ҳар қандай хотинам босар-тусарини билмай қоларди.

– Пирнажо-он, ҳаммамизам шу кўнгилга борганийдик. Лекинда-а, лекин мулла Тоштурдингизнинг энаси худди Зубайдадай сен тур, мен санчама деган доғули кампир эди. Билмадим, муллеси қурғур кимга тортди, кесак қисган сапчадай уйдан чиқмай ётади.

– Энди-и, гап ўзимизники, Норқобил ака, ақли бор қиз энанинг увишидан чиқиб, ҳаётдан таълим олади. Кейинам зотида боракан, тортади-да. Инчунин Норкумушингизникиям шу гап. Муллангизга келсак, ака, бечорани йўқчилик эзиб ташлаган эди. Зубайда бечоранинг иши туфайлидан баҳонаи сабаб Тўриқни миниб, Читминам, Якка арчаминам, Қўғаминан айланиб келдик деб сизминам менга гап бермай қолди-ку.

Кейинам денг, Нороқобил ака, Худо Ҳасан-Ҳусанни бериб, элнинг олдида, эрнинг олдида Норкумушнинг тили узун, ақли пешланиб қолди-да.

Дўсатжон, Худо ўнта ўғил берганиминам кундоғида бўмаса гўрам бўмайди хотин деганинг. Бир хил тайтув қиз бўлса хотин устига тияманми деб қўнмаган бўларди. Тўяр ошни кўз танир дегандай, ақли расолигидан бўй йигитдан қўра Омоннинг минг марта пешлигини билди-да Норкумушинг.

– Ҳа-а, энди Норқобил ака, Омонам Ўрада бир деган элнинг ори деб талашган йигит эди. Зубайда келинам хайрли ишлариминам элга ўрнак бўлиб ўтди. Яхши-ёмон гап қилдик, марҳум ва марҳуманинг ҳақиға бир Қуръон тиловат қилиб юборинг, ака...

Мулла Тоштурди кечиккан бўлса-да, шомга улгурган бўлиб, ичкарига кирмай айвонда азон айтиб, ҳаммани намозга чорлаган бўлди. Намоз сўнггида қарияларга овқат тортилиб, ҳамманинг боши охурда эди.

Қариялар еб-ичиб бўлишиб, марҳум ва марҳуманинг ҳақиға мулла Тоштурди хатми Қуръон қилишдан аввал у қариялардан маслаҳат сўраган бўлди:

– Биродарлар, ўзларингиз биласиз, менга Пирмамат полвон, “Мулла, томоғига қарашиб Тўриқни миниб туринг”, деб омонатга отини, бир болали сигирини берганийди. Бугун булар тутдай тўкилиб турганида омонатини қайтармаслигим ақлнинг ишиямас, деган қарорга келдим.

Мол эгасининг тили-жағи ишласаки, мақсадимни маънилатсам. Кўпчиликнинг гувоҳлигида ўзимни қарздан соқит қилсам дегандим. Нима дейсизлар?

Норқобил қарияларга бир қур маъноли қараб олиб гап бошлади:

– Муллажо-он, тўғри, қарзни бериб қутуласиз. Леки-ин, Омон полвонга оталик ҳақингиз бор. Кейинам буларнинг дарқолиб турган жойи йўқ. Бу бир, иккинчидан муллажон, бугунги кунда мол эгаси қизингиз.

Пирмамат акамники шу гап. Норкумуш, “Қайтаринг ота”, деса-а, қайтариб беринг. Йўқ, йўқ деса савоби марҳумларни топиб ётади. Нима дедингиз, Пирнабой?

– Гапингиз филҳақиқат, Норқобил ака. Мулла элнинг олдидан ўтиб тўғри қилди. Менимча, Норкумуш муллани пойи-пиёда қўймаса керак. Норқобил акам айтганидай етишмай турганида ҳаммамизам, “Мулла, қайтаринг”, деган бўлардик...

ХОТИМА

Мухтарам ўқувчим, мен сизни зериктириб қўймаслик учун шу ерда Зубайда ҳақида билганларим баёнини мухтасар қилдим.

Ҳа-а, айтгандай, Норкумуш тергай-тергай онасини Зубайдага заҳар берганига иқдор қилган эди. Бубинор момо қизига, “Қилсам, сен учун қилдим”, деб туриб олди.

Бироқ ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди.

Негаки, кундош учун куни куйганлар озми, оғзи қолиб кети билан сўзлайдиганлар озми, кундошини ўлдиришга Норкумушнинг ўзи онасини тезлаган деб гап қилиши тайин деган ўй билан шум хабар унинг тишидан ҳатлаб, тилига чикмади.

Йиллар тўзони ёшни ёш демай, қарини қари демай кўпларни қабрга тикди. Бироқ Бубинор момо яна ким қанчани олдига солиб кетадигандай тирик эди.

У лой сувоғи кўчиб, оҳори аллақачон тўкилиб кетган уйининг кунгай бетида мазоратга бориб келадиган йўлга тикилганича чувоқлаб ўтирарди.

Ҳасан-Ҳусаннинг Ҳасани ёзги таътилга кураш бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлиб қишлоғига келди. Ҳасан мухбирнинг “Биринчи тренингиз ким?” деган саволига, “Зубайда аям эди”, деб жавоб бериб, кўзларидан сизиб чиққан ёш юзини ҳўллаб бошлаганидан оўрин савол бердимми дегандай каловланиб қолган мухбир таажжуби ошиб, “Аянғиз ҳозир ҳаёт эмасми?” деб хижолатли оҳангда яна Ҳасанга савол билан юзланди.

– Зубайда аям мени туғмаган бўлса-да, дунёдаги энг зўр ая эди. Аямнинг айтишига, қараганда уни заҳарлаб ўлдиришган...

Норкумушнинг ўғиллари ўқишдан таътилга келганида унинг биринчи иши болаларини отасининг қабрини зиёратга олиб боргани бўлди. Норкумуш аввал Зубайданинг, сўнг эрининг қабрини кучоқлаб йиғлаганини кўрган болаларнинг ҳам юраги хун бўлиб, зиёратдан қайтишаётганида Бубинор момо ҳар кунгидай деворга орқасини бериб, чувоқлаб ўтирарди.

– Болаларим, болажонларим, унга қараманглар! Кўз кўрганидан, қулоқ эшитганидан улгу олади. Тавқи-лаънат тамғасини қизининг юзига босмоқчи бўлган у ношуд кампир менинг энам! Унинг қиёматга қадар ўлиб ўлолмай шундай ўтиришини истайман!..



Турсун АЛИ

Тунларим оқади кузги сой каби

Юраётган дунё

Дарахтга чирмашган чирмовук мисол,
Қонимга инади турфа хил дардлар.
Вужудим гоҳ совук,
Гоҳида хаёл,
Кўзимдан ўтади рангин сувратлар.

Яраланган кушдек овозим мунгли,
Кимдир тинглар мени,
Кимлардир эса.
Йўл юрсам, йўлларим совук шудрингли,
Аланглаб қарайман шамоллар эсса.

Кунларим кечмоқда баъзида ғамгин,
Гоҳида қил сиғмас ичимга сира.
Қиш қуёши каби юрагим сокин,
Шеър ёзсам,
Илинмас ўтли бир мисра.

Тунларим оқади кузги сой каби,
Ёришган осмонга қарайман,
Жимжит.
Яқинларим айтар нозик деб таъби,
Мана, атрофимга чўкибди сукут.

Турсун АЛИ – 1952 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Зангори дарвоза”, “Юракдаги сўзлар”, “Ёруғ кунлар”, “Изтироб остонаси”, “Тун товуши”, “Ёлғизим”, “Уйғоқ сукунат”, “Ой япроғи”, “Қор шуъласи”, “Қуш пати” каби йигирмадан ортиқ китоблари нашр этилган.

Хурпайган сочлари оқарган тоғлар,
Элас кўринади,
Чўкқи оқарар.
Ажаб, йўл юрсам тоғлар йироқлар,
Таниш болалигим қайга чақирар?

Кошки,
Етаолсам болалик сари,
Кўзимда гуллаган бу азим дунё.
Теграмда изғирин эсар сарсари,
Йўл юраман боқмай, ҳеч кимга қиё.

Замин юриб борар, айланар дунё...

Қиш кечаси

1

Қиш кечаси негадир чўзилган, хомуш,
Хонамда чироқ ҳам хира ва нурсиз.
Ой эса қайгадир қочяпти беҳуш,
Сени йўқлай дейман, тополмайман сўз.
Сен ҳам тун қаъридан бермайсан товуш.

2

Руҳимда ўрмалар ўргимчак шубҳа,
Агар рост бўлса,
Рост бўлса қоп-қора гумонларим,
Сен тўкиган тўрга, эй паризодим,
Осаман ўзимни ўргимчак мисол.

3

Сув мисоли кечиб бораман тунни,
Олислардан чорлар кўзларинг, ахир.

Рассомга

Эҳ, тўлиқиб бордим устахонанга,
Сен парво қилмайсан, эй мусаввир.
Беҳол чўккаладим шундоқ ёнингга,
Кўзларинг сувратдан узмассан сира.

Полотнода осмон, булутлар қора,
Эшитмассан менинг мунгли сўзимни.
Сурат узра ёмғир қўшиқ таратар,
Мен эса ёмғирга отдим ўзимини.

Полотнода ёмғир, қора булутлар...

Ёшлигимни эслаб

Қиш кечаси.
Уйқум қочди.
Тун.
Бунча узун,
Чувалган ипдек?
Тўрт ёнимга қарайман дилхун,
Чорраҳада адашган итдек.

Жунжитирар тобора совуқ,
Кексалик ҳам маъюс,
Чарчатар.
Қадамларим, о, узук-юлук,
Ёшлигимни не тонг эслатар?

Бир маҳаллар босган изимдан
Ўт чақнарди, мисоли чақмоқ.
Шўх кучугим чиқмас измимдан,
Қир-далалар кезардик қувноқ.

Яқин эди осмон сакрасам,
Бошим тегар эди беозор.
Ёшлигим ҳам энди мен билсам,
Қайтмас тўлқин экан исёнкор.

Даъват эт, эй менинг ёшлигим,
Майли, ўтда ёнай дарахтдек.
Дарёларни тўлдирай лим-лим,
Сўнг кетайин, олис бир бахтдек.

Мактублар

Севгилим,
Мен сенга мактублар битдим,
Ва, лек, кетди юлиб шамоллар уни.
Илиқ, балки маъюс сўзларни кутдим,
Худо ҳам кўп кўрди,
Ё фалак буни.

Севгилим,
Мен сенга мактублар битдим,
Юрагимнинг қони чакиллаб оқди.
Темирми кўрғонинг,
Тошми,
Мактубим етмади,
Ўзимни ёқдим.

Севгилим,
Мен сенга мактублар битдим,
Қўлингга тегмади қалбим дардлари.
Барча аламларни ичимга ютдим,
Балки рақибларим баланд қадрлари.

Севгилим,
Мен сенга мактублар битдим,
Ҳавода пат каби муаллақ, не тонг!
Ишонч гули сўлди,
Зардоблар ютдим,
Дунё кўзларимга илинар аранг.

Севгилим,
Мен сенга мактублар битдим.

Хотирот

Боғ ичра юрибман,
Куз билан ёлғиз,
Теграмда шамолнинг тебранар қўли.
Сарғайган дарахтга тикиламан маъюс,
Хазонга тўлмоқда тобора йўлим.

Хотирам ҳаққуши учар бошимда,
Ичимда кимдир солади фарёд.
Сочлари оқарган онам қаршимда,
Тирикдай туради,
Оҳ, унинг ёди.

Боғда ўтирибман,
Куз билан ёлғиз.

Қалб парчаси

Ёнимдасан.
Мен танҳоман,
Шеър хаёли мени ўртар.
Сендан қандоқ,
Оҳ, кечаман,
Қалб парчаси эурсан магар.

Шеър ёзилар,
Дард тўкилар.
Тонг оқарар,
Гуллар қуёш.
Қўлларингни бер, севгилим,
Биз биргамиз.
Тўкма кўзёш.

Башорат

Бунча узун кечаётир кунлар,
Тунлар эса янада узун.
Қалбимга маъюслик учқунлар,
Кекса дунё бунчалар маҳзун.

Олдимда ғаройиб тун-кечалар бор,
Юлдузлари нозли чарақлар.
Мен юрмаган, о, кўчалар бор,
Шуълалари биллур, ярақлар.

Дунёмда отмаган тонглар бор,
Ишон, ишон, менинг севгилим.
Ҳали қуёш чиқар беғубор,
Башорат бермоқда мунажжим.

Соҳибжамол дарахт соғинчи

Қишлоқ дарахтлари зангори кўча,
Ариқча пилдирар жилдираганча.
Бир дарахтга ёзган эдим номимни ўйиб,
Йиллар чангалида номим кетмабди ўчиб.
Букун дарахт пойида зарҳарир хаёллар кучдим.
Гарчи, асрларнинг сертўлқин қаърида
Ўн саккиз ёш каби гўзал эди у,
Нозик бармоқлари ой нуридан узун,
Бўй тарарди гулданда гулгун.
Шаббода кўлида япроқлар куйларди кўшиқ.
Овозида,
Вужуд-вужудида соғинч ҳиси тутар эди оламини.
Нечундир,
Менингда ўртанди юрагим.
Хаёлим шамоли бошлаб кетди олис ёшлигим сари.
Соҳибжамол қизни севгандек ёниб,
Суйдим дарахтни.
Ҳар кун,
Ҳар тун,
Елар эдим сарвкомат дарахтга.
Синиққан кўнглим китобин очар эдим мен.
Бир сулув каби кучар эдим мен.
Соҳибжамол дарахт пойидан кетишга чоғлансам,
Ажаб,
Зангор бармоқлари ила
Оҳудек йўлимга чиқди у.
Кўм-кўк кўзларини тикди узоқ,
Ортимда жим қолди,
Сирли бу дунё!

Энди ҳақимиз йўқ хато қилмоққа



МУСАЛЛАМБОНУ

* * *

Омонат дунёда омонат дилим,
Дийдор илинжида саросар ўтди.
Тажассум тахтининг силсиласини,
Тиланчи гадодай бир кўнгил тутди.

Қачон шовуллайсан, эй мангу кўшиқ,
Қачон авж чертасан, тўлқинларимни.
Унутма, вақт оти сендан учкурроқ,
Куйлатсанг, бугуноқ куйлатгин мени,

Шоир

Шоир шеър ўқийди юраги қақшаб,
Минг йиллик чинорни йиқитар оҳи.
Шоир шеър ўқийди маънос жилмайиб,
Тўкилиб боради дунё гуноҳи.

Шоир шеър ўқийди ерни кўтариб,
Бир дарахт умрини яшаб ўтгандай.
Шоир шеър ўқийди кўҳна мозийдан,
Қодирий хурликни чанқаб кутгандай.

МУСАЛЛАМБОНУ – 1971 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Тафовут”, “Тинглаётган одам” номли китоблари чоп этилган.

Шоир шеър ўқийди борлиқни йиртиб,
Гоҳ ойни тилимлаб кесади ёши.
Шоир шеър ўқийди чақмоқ чақиндай,
Озод харитани яратар боши.

* * *

Жимгина кетаман ўзимдан тониб,
Кўксимда сиғмаган юракка тўзим,
Хануз сиз сезмаган севгимдан тониб,
Жимгина кетаман, озор чекмангиз.

Мен кетсам, шодликка тўларсиз балки,
Табассум айларсиз тонг қуёшидек.
Мен кетсам, ранж-алам чекмасдан балки,
Ташриф буюрарсиз ишқ дунёсига.

Мен кетсам, оҳ тортмай, надомат чекмай,
Балки соғинарсиз аёл меҳрини.
Мен кетсам, тупроқдек жимгина чўксам,
Сассиз бир ҳасратга айланиб қотсам,

Мен кетсам елкамга ғамим ортқилаб,
Бахтни туяرمىсиз тошқасрингизда.
Мен кетсам, жимгина кетсам, тортқилаб,
Эслаб, хўп йиғларсиз эрта эҳтимол.

* * *

Оловларнинг майин-майин ловуллаши,
Беихтиёр болаликка бошлаб кетар.
Юрагимда хотиралар шовуллашиб
Қашқадарё бўйларига ташлаб кетар.

Дарё кечиб, тентирайман бўзлаб-бўзлаб,
Қоғоз кемам сузиб кетган аро йўлда.
Оқиб кетган болалигим излаб-излаб,
Гулхайридек гуллаяпман армонзорда.

* * *

Энди ҳақимиз йўқ хато қилмоққа,
Юрак жон томирдан узилиб бўлди.
Кўнгилни бўлишиб, ҳар касу пастга,
Оловранг ишқ фасли гулламай сўлди.

Энди ҳақимиз йўқ хато қилмоққа,
Тугади ҳаётнинг қора ранглари.
Тафаккур қўлимга тутқазди қалам,
Сув бўлиб оқмоқда дилим санглари.

Энди ҳақимиз йўқ хато қилмоққа,
Эзгулик тантана қилар дунёда.
Садоқат яловин баланд кўтариб,
Ер шарин кезайлик шодон пиёда.

Энди ҳақимиз йўқ хато қилмоққа,
Майдалаб ташладим сўнгакларимни.
Тавбага етгунча минг йил қаридик,
Тавбадан топармиз энди барини.

Энди ҳақимиз йўқ хато қилмоққа...

Бу менинг ўзим

Умидлар етилган ҳаловатсиз тун,
Оҳ, яқин суҳбатдош олис ошнолик.
Тушлар хобларимга беркиниб олган,
Юрак сарҳадида сўнгсиз ташналик.

Ортимга қарасам, ҳеч вақо йўқдай,
Саросар руҳимга тушади кўзим.
Кечилган оғриқлар беҳад гўзалдир,
Энг катта муаммо – бу менинг ўзим!



**Шермурод
СУБҲОН**

Кетмоқдасан кўзларимга қадаб нигоҳинг

Туш фантазияси

кўп бўлди ойнага боқмаганимга
балки юз
балки минг йил
балки ундан ҳам ортиқ

бошланғич нуқтаси қаерда борлиқнинг
қаерда
сўнгги нуқтаси
на билган бор буни
на-да сўраган.

* * *

қаердан бошланиб
битар қаерда
ёлғизликнинг ҳеч
поёни борми
борми адоғи
тиксам гарчи кўз

***Шермурод СУБҲОН** – 1966 йилда тугилган. Тошкент давлат университети ҳамда Истанбул университетида таҳсил олган. Ижодкорнинг “Сокин сўз суврати” шеърий тўплами, “Шеърият иқлими” илмий мақолалар ва таржималар китоби чоп этилган.*

* * *

тун
кеча ярим
кеча каби
яримдир кўнгил
на кўкда ойдан нишон
на отар тонгдан дарак
димоғингга урилар қаттиқ
ёлғизликнинг аччиқ азоби
тун
кезаман ёлғиз
бошим узра кўк
элар қорини
на бир шарпа тасалли
на бир шитир таскиндир
кўз текканга ўхшайди
ойга бу кеча

тун
қизғанчиқ малак
куёшни ерга кўмиб
яширдинг айт
ул ойни қаён

Олқиш

куннинг авзойи бузук
ғойиб бўлмиш куёш қайгадир
чақмоқ чақа бошлади мана

талвасага тушди кўк
тараддудда қолди булутлар
ва ёмғир қуйди ниҳоят

деразалар ёпилди ёпилди эшик
кимдир тонг қотар кўчага боқиб
кимдир титрайди дир-дир

ажаб томоша ичкарида қиш
ташқарида эса
гулдурос қарсак ёғар

* * *

бугун бўлмаса
эртага дея
ортга сурамиз гоҳ
муҳим юмушни
ҳавола қилиб барин
вақтнинг ҳукмига
билсак-да борин
эртанинг-да
яна бир эртаси

Видо

1

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг
синамоқ учун
севги – сабримни

севганимни
балки билдинг
балки билмадинг
умрим сенга ҳавола
ихтиёрингдадир
бор ила йўғим

етмас сенга оҳ
етмас ўйларим
кутасан мендан
ширин сўз каби
илиқ бир нима

севгидир балки у бир
балки ҳеч нима

2

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг

бир ишонч
бир умид солдинг қалбга
яна қанча қувонч

севги тилини ўргатдинг менга
бир-да
айрилиқ тилин

бир-да висол
бир-да ҳижрон
армон тилини

ўргатдинг менга бир-бир
фақат қувонч сикқан кўнглингга
нима десам-да ёқишин
ёқмаслигин ё

3

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг

биламан
фойдасиздир энди
не десам сенга
кор этмас кўзёш
мисоли севгим

ҳолбуки
сени қайта кўришнинг
баҳонаси эди-ку
кўчангдан ўтиш

ҳолбуки
олис эди масофа
яқин эдик биз

4

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг

воз кечдинг наҳот
севги – сўзингдан

маън этилмиш
васлинг менга
севги гуноҳим
кўрмоқ истадим
сени мен гоҳо
гоҳо унутмоқ

5

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг

ортда қолдимми энди у
ўтли нигоҳу
ўтли бўсалар
ортда қолдимми ёҳу
барча-барчаси

6

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг

бу ўйинни аслида
бошлаган сенсан
сўнг
кетаркан ортингдан
кўзим ёшлаган

7

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг

сен мени ҳали кўп эслайсан кўп
унутолмайсан балки
сочларингни мендек гарчи
силар энди ўзга бир ёр

8

кетмоқдасан
кўзларимга қадаб нигоҳинг

қолсинлар майли
севгим каби
сўзларим шундай
сассиз садосиз

Мураббий

Эссе



Рисолат ХАЙДАРОВА

Кеча ногаҳон Устозга ёлгон гапириб қўйдим. Ўзимни беайб кўрсатмоқчи эдим. Ёлгонимни айтишга айтдим, ичимдан “киринди” ўтиб кетди. Устоз, менимча, гапим ёлгонлигини сизди. Мен ўша кун Устознинг китоби тақдимотига боришим керак эди. Тақдимотдан бир кун аввал журналга ваъда қилинган эссенинг у ер-бу ерини тузатишга ўтирган эдим. Таҳририятга эссени эртага топшираман, деб қўйганман, ишнинг эса ниҳояси кўринмайди. Тақдимот кун эрта тонгда яна компьютер ёнига келиб ўтирдим. Тадбир соат ўн бирда бошланади. Ўн яримда ишимни тугатсам, таксида етиб оламан, улгураман. Ишга киришдим. Вақти-вақти билан монитор пастидаги соатга қараб қўйяпман. Соат ўн бўлди, ўн ярим, ўн бир... Ишимни қизғанияпман. Майли, озгина қолди, кечикиб борарканман. Ичим тирналмасин учун соатга қарамай қўйдим. Тақдимотга бориб, кейин ишга ўтирсам ҳам бўларди, лекин унда ҳозир келиб турган “илҳом париси” мўраламай қўйишидан кўркаман. Майли, яна озгина, яна озгина... Ниҳоят, иш тугади. Хайрият!.. Электрон почтадан эссени жўнатиб, соатга қарадим. Ўн икки ярим! Воҳ! Тақдимот тугагандир. Етиб боргунимча ҳамма тарқайди!

Устозга қўнғирок қилиш керак. Лекин нима дейман?

Мана шу “нима дейман” билан яна икки кун ўтди. Устозга рўпара бўлишимни билардим, лекин унга нима дейишни билмасдим. Рўпара келгач эса, ёлгон гапирдим.

Устоз мени кечиришини биламан. Шуни билганим учун ҳам ўша кунги қилиғимни қилганман. Мен мана шунақа суиистеъмолчиман.

Мен Устозни биринчи марта кўрганимда телевидениега амалиётга келган талаба эдим. У киши адабий-драматик кўрсатувлар таҳририятида бош муҳаррир эди. Кўрсатувлар тайёр бўлгач, бош муҳаррир дастур ижодкорлари билан биргаликда тузатиш керак бўлган жойлари борми-йўқми, деган мақсадда уни назардан ўтказиб

Рисолат ХАЙДАРОВА – “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. 1966 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. “Мағрура”, “Карантин” қиссалари, “Жавзо” тарихий романи, “Гўрғуртепада саратон” ҳикоялар туркуми чоп этилган. Ҳикоялари Болгария, Украина, Беларусь адабий нашрларида эълон қилинган. (2021). Шукр Холмирзаев номидаги I халқаро ҳикоялар танлови галиби (2021).

олишарди. Телемарказда кўрсатувларни намоиш қилувчи алоҳида хона ҳам бўларди, деворга қайси таҳририят қайси куни, соат нечада шу хонага келиши кераклиги белгиланган жадвални ҳам илиб қўйишарди. Биз талабалар шу жадвалга қараб адабий кўрсатувларнинг кўригига келардик-да, йўлакда, очик эшик ёнида тик турганча томоша қилардик. Бош муҳаррир ўртада, мониторинг рўпарасида ўтирарди, ахён-ахёнда унинг “манави ерига эътибор беринглар-да”, дегани эшитиларди. Мен талаба бўлган 1980 йилларнинг иккинчи ярмида телевидениедаги энг машҳур кўрсатувларнинг кўпи шу таҳририятники ҳисобланарди. Биз бўлғуси журналистлар, ҳаваскор қаламкашлар эдик, шоир ва ёзувчиларга айрича эътиمود билан қарардик. Шу боис бош муҳаррир – шоир Муҳаммад Али кўзимизга жуда салобатли, ўта жиддий ва қаттиққўл бўлиб кўринарди.

* * *

1990 йилларнинг бошида Юлдуз Усмонованинг бир қўшиғи жуда машҳур бўлди:

*Анҳорнинг бўйида ўлтирар қизлар,
Юракда қайнайди ноаниқ ҳислар.
Бўтана сув оқар лим-лим, лиммо-лим,
Сувдай олиб кетар қизлар хаёлин.*

Қўшиқ шўхчан, бошланишиданоқ тингловчини ўзига “тортиб” оларди. Албатта, бирон жойда қўшиқ сўзлари кимга тегишли эканлиги айтилмади (биздаги “одат”га кўра, шоир ва бастакорнинг исм-шарифини “унутиб” қўйишади).

Орадан икки-уч йил ўтгач, бу шеърни Муҳаммад Алининг “Сайланма”сида ўқидим. Сарлавҳаси – “Қизлар ўн еттига кирганда”. Шеър сюжети содда: ўн етти ёшли қизлар бўтана сув тўлиб оқаётган анҳор бўйида ўйчан ўтирибди. Бу йил баҳор ўн еттинчи марта кириб келган. Лекин унинг тухфаси нимадан иборат бўларкан? Муҳаббат олиб келармикин, ранго-ранг туйғулар инъом этармикин ёки ранжу азоблар келтирармикин? Ким билади? Бу саволга жавоб беролмай дунё лол бўлиб қараб турибди, шамол эса бу жумбокни ечолмаганидан йироқ-йироқларга қочиб кетяпти. Фақат бўтана сув лим-лим тўлиб оқяпти, қизларнинг хаёли эса чувалиб боряпти...

Шеърнинг бошида ҳам, охирида ҳам такрор тилга олинган детал кишини ўйлантиради. Нега энди бўтана сув дейилган?

Шу ерда кутилмаган мувозийлик бор. Баҳор чоғи сувнинг лойқаланиб, тўлиб оқиши (халқ бунга бўтана сув деб ном берган) балоғат остонасидаги ёшларнинг хаёлларига ўхшайди, улар тўлиқ, шошқин, йўлида учраган қор сувларини ҳам, ёмғир сувларини ҳам бағрига олган бўтанага ўхшайди. Бўтана сув неча қирғоқларга урилиб, неча бурилишлардан ўтиб, ниҳоят, баҳор ва ёз чегарасига етибгина тиниқлашади. Ҳозирча эса баҳор, ўн етти ёшли қизлар ўзини олдинда нима кутаётганини билмайди, шу боис хаёллари каби лиммо-лим тўлиқ анҳор лабида ўйчан ўтиришибди. Аслида анҳор – ҳаётнинг рамзи.

Умуман, Устознинг шеърларида қизлар, аёллар ва уларнинг кайфияти, руҳиятига мос келувчи табиат тасвирлари кўп. Бир шеърда ёши ўтиб қолган аёл билан кириб келаётган кузни бир-бирига мувозий бир тарзда таҳлил қилади.

Тасаввур қилинг, ёшлик давридан, яъни ҳаётининг ёзидан кузига қадам қўяётган аёл боғда сайр қияпти. Ёз тугаб, куз бошланган пайт. Лекин табиат япроқлари сарғайишини, тўкилишини истамаяпти. Худди шундай аёл ҳам кириб келаётган изғиринларга қўл бергиси йўқ, ёзнинг этагини қўйиб юбормоқчи эмас. Лекин ёз барибир кетяпти... Жуда кизиқ ҳолат!

Ёки томга ёйилган донни шопираётган буғдойранг аёл... Куёш тафтидан унинг юзи ҳам ғалвирдаги дон билан бир тусга кирган. Аёл донни ғалвирда шопиряпти, уйида эса ўғилчаси ётибди, она тезроқ донни эласа-ю, кулбасига кирса... Ҳолбуки, атроф жуда гўзал: шалола шарқирайди, шабада аёлнинг этагини тортқилайди, онанинг хаёли эса уйига қараб оқади, унинг хаёлига ҳатто борлиқ ҳам садо қайтаради. Лекин ғалвирдаги дон ҳеч тугамайди...

* * *

“Ўзбекистон” телеканалида муҳаррир бўлиб ишлаган пайтларим, 2002 йил. Режиссёримиз Шерзод Расулов амалиётга келган талабалардан бирини кўрсатиб, менга “Азиза ёзувчи Муҳаммад Алининг қизи экан”, деди. Азиза билан шу тариқа танишдик. У ёз бўйи биз билан бирга ишлади, кўрсатувларимизда иштирок этди. Амалиёти тугагандан кейин ҳам кўрсатувларимизни тайёрлашда қатнашиб юрди. Университетни тамомлагач, радиога муҳаррир бўлиб ишга кирди.

Бир куни Шерзод қалин бир китобни берилиб ўқиётганини кўрдим. Унинг қўлида китобни жуда кам кўрардим. Қизиқиб, муқовасига қарасам, китоб газетага ўралган экан.

– Кир бўлиб қолмасин, дедим, – изох берди у. – “Сарбадорлар”ни ўқияпман. Азиза айтганига қизиқиб қолдим. Аслида роман ўқишни ёқтирмасдим. Лекин бу роман яхши экан.

Бир куни шеърларимдан бирини оққа кўчириб, Азизага бердим.

– Даданга кўрсатиб кўр-чи, – дедим. – Нима деркин? Жуда иккиланаяпман, газетага берсамми, йўқми?

Мана, Муҳаммад Алига кўрсатиш учун берган шеърим:

*Қиш кунимнинг хуришиди, хайр!
Баҳор келди қиш чилласида.
Бойчечаклар унди сўзимда,
Бўй кўрсатди ишқ силласида.*

*Тура олмам энди бегам, тинч,
Мудрамоқлик фақат қишга хос.
Бойчечакдек мен суйдим Сизни,
Шу жасур гул ҳолимга қиёс.*

*Адашмоқлик қиш ялдосида
Бўлса охир қисмат – пешона,
Сизга макон бўлсин дардларим,
Изтиробим бўлсин бошпана.*

*Дардларимни соғиниб юринг,
Юрак берсин Сизга Худойим.
Мени эмас, майли, ўзгани
Севиб қолинг Сиз ҳам, илойим.*

Эртаси кун Азиза ўша варақни қайтариб берди. Шеъримнинг биринчи бандидаги “силласида” деган сўз ўчирилиб, ўрнига “хулласида” деб ёзилибди-да, пастрокқа изоҳ битилибди: “Хулла – нозик, ипак либос”.

Мен шу бандни тузатилган сўзи билан ўқиб кўрдим:

*“Қиш кунимнинг хушииди, хайр!
Баҳор келди қиш чилласида.
Бойчечаклар унди сўзимда,
Бўй кўрсатди ишқ хулласида”.*

Чиройли чиқибди. “Ишқ силласида, яъни бойчечаклар ишқ кучида бўй кўрсатди”, дегандан кўра, “Бойчечаклар ишқнинг нозик либосида бўй кўрсатди”, дегани яхшироқ экан деб ўйладим. “Дадам туйғу билан ёзилган шеър экан, ўртоғинг дуруст”, деб айтдилар, деди Азиза.

Бу Устознинг илк далдаси эди. Кейинроқ бу шеърим “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида худди шу таҳрирда босилди.

Шу далда менга куч бўлди, биринчи қиссам – “Баҳор кеч келди”ни кўтариб, у киши ишлаётган Амир Темури номидаги хайрия жамғармасига бордим. Ўйламабманки, Муҳаммад Али – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро жамғарманинг раҳбари, мен – ҳали ҳеч ким танимаган қаламқаш қоралаган қоғозларни ўқишга вақти ёки имкони бўладими, йўқми!

Устоз қўлёсмани олиб қолди. Орадан ўн беш кунларга яқин вақт ўтди. Уйимга Азиза қўнғироқ қилди:

– Сиз билан дадам гаплашмоқчи эдилар.

Ўшакни Устоз олди:

– Қиссани ўқидим, Рисолат. Эрта-индин вақт топиб ишхонамга бир келиб кетарсиз, а?

* * *

– Йўқ, иккита қаҳрамонга бир хил исм берманг, – деярдди Устоз. – Ниятингизни билиб турибман. Бир хил исмдаги бир-бирига қарама-қарши икки киши. Тузук. Лекин қиссада бу нарсачиқмаган. Нариги қаҳрамонга – шоир йигитга бошқа исм керак.

Биз бир соатдан бери Устознинг кабинетида ўтирдик. Темурийлар тарихи музейининг пастки қаватидаги чоғроқ хона. Ён томондаги жавонда китоблар терилган, бурчакда Соҳибқироннинг бронза бюсти. Столнинг нариги чеккасида компьютер кўринади, стол устида папкалар уйилган, қаламдон тўла ҳар турли ручка-ю, қаламлар...

Устоз ўзининг иш столидан пастга, қабулга келувчиларга мўлжалланган столга, менинг рўпарамга келиб ўтирган. Бир текис қилиб матн терилган қоғозларни бирма-бир кўздан ўтказиб, бир уюмдан иккинчисига олиб қўяди. Аҳён-аҳёнда котибаси мўралайди.

– Домла, чойингизни янгилаб берайми?

Устоз шундагина чойнакда чой борлигини эслаб қолади.

– Ие, хотирдан кўтарилибди! – деб қўяди. Чойнак устидаги қавима “чопон”ни кўтаради. – Ҳа, ҳали совимабди.

Котиба чиқиб кетади. Устоз яна қоғозларга андармон бўлади. Чой эсдан чиқади. Ниҳоят, охирги варақ ҳам нариги уюм устига келиб қўнади. Устоз папкани олдимга суриб қўяди.

– Ёзувчи бўлиш осонмас. Мана шуларни кўриб чиқасиз. Эринманг.

...Қиссам “Шарқ юлдузи” журналида босиладиган бўлди. Журнални Минҳожиддин Мирзо бошқарарди.

– Қиссага кимдир кириш сўзи ёзиб берса яхши бўларди. Уни ким ўқиган? – сўради у.

– Муҳаммад Али ўқиган, – жавоб бердим мен.

– У кишига айтинг, уч-тўрт оғиз тилак ёзиб берсин. Қиссанинг номини ҳам ўйлаб кўриш керак. “Баҳор кеч келди” узун-да. Кейин баҳор билан боғлиқ номлар жуда кўп. Бир ўйлаб кўринг.

Эртаси яна жамғармага келдим.

– Минҳожиддин қўнғирок қилди, – деди Устоз. – Менга “Рисолат “Муҳаммад Али қиссани ўқиган, у киши менинг устозим бўлади”, деб айтди. “Оқ йўл” ёзиб беринг”, деди менга. “Ҳа, дедим, Рисолат менинг шогирдим бўлади”.

Гангиб қолдим. Мен Минҳожиддинга бундай демагандим, “Муҳаммад Алининг шогирдиман” дейишга ийманган эдим. Минҳожиддиннинг иккинчи шартини эса Устоз оддийгина ҳал қилиб қўя қолди:

– Қиссани “Мағрура” деб атанг, бу бош қаҳрамоннинг исми. Мураккаб қилиб юборишнинг нима кераги бор? Асарнинг номи қисқа, лўнда бўлгани маъқул. Мана, адабиётдаги машҳур романларнинг номларини кўринг: “Ўтган кунлар”, “Навоий”, “Қутлуғ кон”, “Чинор”...

Менинг киприк қоқмай эшитаётганимни кўриб, қувлик билан илжайди:

– “Сарбадорлар”...

Мендан олдин ўзи маза қилиб кулиб олди. Кейин қўлимга бир варақ қоғоз туткизди:

– Манавини Минҳожиддинга элтиб берасиз.

Бу қиссамга ёзилган “Оқ йўл” эди.

* * *

1 март – Устознинг туғилган куни. Бир куни ҳазиллашиб, туғилган куни ҳақида шундай деган эди:

– Мендан қайси кунда туғилишни хоҳлайсан, деб сўрашганда мен шундай деб ўйлаган бўлсам керак: шундай бир кун бўлсинки, улуғлар билан бир сафда бўлай... Энди февраль ойида туғилсак яхши эди-ю, лекин зуваламиз март ойига мўлжаллаб қорилган экан-да. Демак, мартнинг биринчи куни бўлса маъқул!

Шундай қилиб, 1 март куни Ўзбекистон халқ шоири Зулфия, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддинов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг туғилган кунлари нишонланади.

Устоз Амир Темуражамғармасида ишлаган кезлари ишхонадаги тушлик вақтидан фойдаланиб, у кишини табриклагани бориб келардим. Яхшики, ишхонам – “Ўзбекэнерго” жамғарманинг рўпарасида жойлашган эди. Бир куни ишим чўзилиб кетиб, тушликка кечикиб чиқдим. Ораси яқин бўлса ҳам, Олой бозорига гулга бориб келгунча яна вақт йўқотдим. Хуллас, жамғармага кириб келганимда соат иккига яқинлашиб қолган эди.

Гулдастани кўтариб кириб келганимда жамғарма аёллари дастурхонни йиғиштира бошлашган, Устоз девор ёнидаги креслода тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов билан гаплашиб ўтирарди.

– Ие, ана, ошнинг эгаси келди, – қулди Устоз.

Аёллар олдимга устига ликопча ёпилган чинни косани келтириб қўйишди.

– Домла сизни келади деб косада ош олдириб қўйдилар, – кулишди улар. – Иссиққина турибди.

– Сиз ошни еяверинг, биз чой ичиб, сизга гурунг бериб ўтирамыз, – илжайди Қаҳрамон ака. – Опа андижонча ош бериб юборибдилар, қўллари дард кўрмасин, маза қилдик.

Жамғарма жамоаси кичкина, ходимлар ўзаро иноқ, туғилган кунлар, байрамларда ҳамма битта дастурхон атрофида жамулжам ўтирарди.

* * *

Устознинг оила борасидаги қарашлари ҳам ўзига хос эди. У кишининг уйи ҳамиша саранжом-саришта, Манзура опа батартиб аёл эди. Устоз аёлини авайлар, унинг ховли қуришга қарор қилганига Манзура опанинг панель уйда саломатлиги ёмонлашиб қолгани сабаб бўлган эди.

Устоз кўп болали оилада катта бўлган, ўзи ҳам беш фарзандга ота эмасми, болалар ҳақида баъзан жуда қизиқ гапларни айтиб қоларди.

– Бир куни ишдан келсам, Манзура опангиз жуда аччиқланиб турибди, – дея хикоя қилади у. – Нима гап, деб сўрадим. “Дилбарингиз бир даста пиёлани ерга уриб синдирди”, деди онаси. Дилбар қизим беш-олти ёшларда эди. “Ие, бу нима қилиқ?” дедим мен. Дилбар ўзини оклаяпти: “Дада, мен синдирганим йўқ, мана бундай қилиб кўтариб кетаётувдим”, деб икки-учта пиёлани қўлига олди. “Мана бундай бўлиб қўлимдан тушиб кетди”, деб пиёлаларни ерга ташлаб юборди. Шу баҳонада яна икки-учта пиёлани синдириб олди-да! – маза қилиб қулади у.

– Азизам биринчи синфга ўқишга чиққан эди. Бир куни онаси шикоят қилди: “Азиза икки дугонаси билан биргалашиб, синфдошини урибди. Болақайнинг онаси мактабга арз қилиб келибди”. Мен ҳам тергай бошладим: “Ие, бу қандай гап? Уч кишилашиб урасизларми, а? Тагин ўғил болани-я!” Азиза нима дейди денг! “Ўзи у жуда ёмон бола-да, ҳаммага лақаб тўқийди”. “Барибир қиз боланинг уришиб юриши яхши эмас-да”. Азиза: “Мен урмадим”, дейди. “Ҳа, ундай бўлса, нега сендан шикоят қилишди?” Азиза: “Болани қизлар уришди, мен бошқалар кириб ҳалақит бермасин деб эшикни ёпиб турдим”, дейди, – яна қулади.

– Ўғлим беш ёшларга кирган пайтимиди... Қизларимни тўплаб насихат қилдим: “Укаларинг ҳаммангдан кичик. Сизлар опа бўлиб уни ҳимоя қилишинглар керак, уни хафа қилиб қўйманглар...” Комрон нима дейди денг: “Мен ўғил бола эмасманми? Қизларни мен ҳимоя қилишим керак эмасми?” Қаранг-а, ҳали тили чучук-ку, ҳимоячиман, дейди!

– Қизларни ҳадеб уришаверманг, дедим Манзура опангизга. “Нега анави ишни қилиб қўймадинг? Нега бу ишни чала қилдинг”, деяверади. Эртага шу қизларни ўзингиз соғиниб қоласиз, келармикин деб эшикка тикилиб ўтирасиз, дедим. Уришманг! Қиз – юракнинг қонидан унган гул, у уйингизга омонат, уйингизга меҳмон. Эртага бошқа бир уйга кетади, бир умр ўша ерда яшайди. Сиз эса эшикка термили-иб... ўтирасиз, қачон келаркин деб...

– Мен оиламизда тўнғич ўғил эдим. Укаларимни ўзим ўқитганман, ўзим оёққа қўйганман. Шунинг учун неваралар туғилса, исм қўйиб беринг деб менга айтишади. Мен исмни синчиклаб танлаб бераман. Чунки исм – жуда муҳим нарса. Боланинг исмига қараб, унинг қандай оилада туғилганини билиш мумкин.

Мен қизимни турмушга узатаётган пайтим эди. Устоз тўй ўтказиш борасида тутган ўзига хос йўли ҳақида шундай ҳикоя қилди:

– Манзура опангиз менга у керак, бу керак, дейди. Мен рўйхат қилиб қоғозга ёза бошлайман. Битта қоғоз тўлади, унга иккинчи қоғозни улаб, елимлаб қўяман. Иккинчиси ҳам тўлади, кетидан учинчи қоғоз уланади. Тўй яқинлашаверади. Манзура опангиз менга: “Анави нарса муҳимроқ-да, манави нарсани рўйхатдан ўчириб, анави нарсани олайлик”. “Майли”, дейман-да, ўша “манави” нарсани ўчираман. Салдан кейин опангиз яна айтади: “Энди бу нарса муҳим-да, у нарсани рўйхатдан ўчиринг, бу нарсани олайлик”. “У нарса” рўйхатдан ўчади-да, “бу нарса” олинади. Шундай қилиб, тўй куни ҳам етиб келади. Рўйхатдан анча-мунчаси ўчирилган бўлса ҳам, лекин барибир ярми олинмай, қоғозда қолиб кетади.

* * *

Устознинг ҳаёт ва ижод ҳақиқатлари борасидаги баъзи қарашлари ҳам қизик:

– Тош мевали дарахтга отилади, деб тўғри айтишган. Фақат бу... тошотар кургурлар дарахтнинг мевасини қоқиб есам, демайди-да!

– Яхшилиқни қилу, дарёга ташла... Тўғри гап! Фақат эҳтиёт бўлиш керак, сувга ташлаётганда яхшилиққа қўшилиб, ўзинг ҳам дарёга қулаб кетма! Баъзида шунақа ҳам бўлиб туради...

– Одамларнинг бекитикча ишлари худди мушукнинг қилиғига ўхшайди: жонивор маҳсининг ичига кириб беркинади-да, мени ҳеч ким кўрмапти, деб ўйлайди. Ҳолбуки, маҳсига қараган мушукни кўрмаса ҳам, унинг думини кўриб турибди... Чунки мушук ҳеч қачон думини эплормаган!

– Бировни ёмон раҳбар деган одамларнинг ўзи яхши раҳбар бўлиб кўрганмикин?

– Манзура опангизга шундай дедим: “Келинни танлаганда кўз очиқ бўлиши керак, келинни олиб келгандан кейин кўзни юмиш керак!”

– Мен ҳам одамман, қайбир ишим тўғри, қайбири нотўғри... Лекин бир ишни жуда тўғри қилганман: узоқ йиллар аввал Манзура опангизга уйланганман!

– Энг ёмон нарса бу – эр-хотиннинг хиёлати. Эракнинг “саргузашт”и оддий ҳол, аёлники ёмон деган гаплар учига чиққан бемаънилик. Эракнинг оиласига хиёлати ҳам жуда жирканч нарса. Дунёдаги энг покиза мавжудот – болаларинг олдига хиёлат билан ифлосланган вужудингни кўтариб борасанми? Йў-ўқ...

– Таржима ижодкорнинг қаламини чархлайди. Тўғри айтишган! Лекин бунинг учун таржима қилинадиган асар қайроқтошдек бўлиши керак.

– Ҳар турли майда-чуйда билан вақт ўтказманг. Ижод қилинг, ижод қолади, ёзолмасангиз, таржима қилинг, бу ҳам ижод, таржимадан чарчасангиз китоб ўқинг, бу – сабоқ, ҳеч бўлмаса, болаларингизга эртак тўқиб, айтиб беринг. Бу ҳам ижод.

– Ҳамма асарни ҳам таржима қилавермаслик керак. Аввало ўйланг: шу асар вақтингизни сарфлашга арзийдими? Ўзбекка бирон нима берадими? Агар ўзбекнинг маънавиятини бир неча поғонага кўтарса, албатта, уни она тилига ўгириб, чоп қилиш керак. Акси бўлса, она тилимизни беҳудага безовта қилишнинг ҳожати йўқ.

– Ҳамма ҳам бу дунёда умид билан яшайди. Ҳатто сизга ёмонлик қилаётган одамда ҳам умид бор: “Шунга бало келса-ю, кўнглим хотиржам тортса эди”

– Меҳнат қилган одам, албатта, ёруғликка чиқади. Бу жимжимали гап эмас. Бекорчи баҳс-мунозарадан кўра иш қилган маъқул.

– Дунёда сувдан ортиқроқ мўъжиза йўқ. Қаранг, сув ҳамма ифлосни ювиб тозалайди, лекин тозалайман деб ўзи кирланади. Кирланган сувни эса тўкиб ташлашади. Одамнинг ҳаёти ҳам шунақа...

* * *

“Улуғ салтанат” эпопеясининг учинчи китобида қизиқ муқояса бор. Сароймулк хоним ва Хонзода хоним дардлашаётиб, иккови ҳам бир вақтда бахт ҳақида ўйлайди. Хонзода хоним ёнида ҳамдард ва уни қадрлайдиган, ҳар дақиқада тоғдек суяниш мумкин бўлган инсон борлиги учун Сароймулк хонимни бахтли деб ўйлайди. Сароймулк хоним эса ёнида икки нафар ўғли бўлган, оналикдек улуғ неъмат насиб этган Хонзодани бахтли деб билади. Нарироқда эса бу икки маликага уларни дунёдаги энг бахтли аёллар деб ўйлаётган яна бир аёл – оддий канизак ҳавас билан қараб турибди...

“Сарбадорлар” романида мана шундай воқеа тасвирланади. Самарқанд сарбадорлари султони Абу Бакр Калавийни дорга осишяпти. Дор остида тураркан, у Хожа Яҳё Қурробийни эслайди. Сабзавор сарбадорлари Элхоний Туға Темурхоннинг ўрдасига меҳмон бўлиб борадилар-да, уни ўлдириб қайтадилар. Самарқандда эса сарбадорларни меҳмонга чакириб, ўлдиришяпти. Дунёнинг ишлари мана шундай ғалати!

Устоз муқоясадан кўп фойдаланади.

– Муқояса сиз айтмоқчи бўлган фикрни янада бўрттириб беради, воқеанинг драматизмини кучайтириб юборади, – дейди Устоз. – Лекин сиз шу самарали усулни кўп-да қўлламайсиз... Ўрганинг!

* * *

Устоз у ёки бу асар устида қандай ишлаганини кўп-да ҳикоя қилмайди, назаримда буни ёқтирмайди. Лекин баъзида менга насиҳат қилаётиб, билиб-билмай шуни гапириб қўяди. Мен ҳам пайтдан фойдаланаман, ўзимга қизиқ кўринган бир нималарни сўраб оламан.

– “Рамаяна” таржимаси менга жуда оғирлик қилган, – деди бир кун. – Қўлёзмани отиб юборгим келган пайтлар бўлган. Лекин сўз олганман. Ташлай олмайман, бажариш керак. Бир муддат айланиб келиб, ҳовуриمدан тушиб, яна ишга ўтирганман.

Дарҳақиқат, “Рамаяна” икки сатрлик банддан иборат катта лиро-эпик дoston, унда ҳар икки банд бир-бири билан қофиядош бўлиб келади. Асарда очиқ банд йўқ. Достоннинг баъзи бобларида уч сатрлик бандлар учрайди, аммо улар ҳам бир-бири билан ўзаро қофиядош!

Масалан:

*Келар кўкда тўқнашган сонсиз ўқлар жаранги,
Шундоқ кечди рокишаслар шоҳи-ла Рама жанги!*

Ёки:

*Авжга чиқди вадаванг қўиноғора садоси,
Ваҳмали – рокшасларнинг нола-фигон, гавгоси,
Жанг эмас, қиргин бўлди, қиргин бу – жанг баҳоси.*

Сатрларда баъзида шунақанги сўзлар учрайдики, айникса, ҳиндча исмлар келтирилганда, уларга нимани қофия қилишни билмай қолади киши.

Масалан:

*Абгор бўлди Олмостии, иблис Вазрадамитра
Ўқдан қочиб қутулмас Маҳонарива ҳам сира.*

Шуларни ўқиганда, Устоз нима учун шунчалик қийналганини тушунганман. Яхшики, она тилимиз бой, унда маънодош ва шаклдош сўзлар кўп, бу эса истаганча “ўйин” яшаш имконини беради. Таржимада маънони бўрттирадиган сўзлардан Устоз жуда ўринли фойдаланган: “Пуршиддат, серғулу, бахайбат, серитоб, бетимсол...” Яна шундай сўзлар борки, ўқиганда шеърий сатрларни майинлаштириб, кулоққа ёқимли қилиб беради: “Нуржамол, шикастанафс, офтобжамол, форигбол, ойчехра, рухафзо, гулрў...”

“Рамаяна” бандларида мутахассислар эпифора, анафора, аллитерация, ассонанс деб атайдиган назмий усуллар жуда кўп қўлланилган. Булар, оддий қилиб тушунтирганда, шеърий сатрларнинг охирида битта товуш бирликларининг такрорланиши, ёки ҳар бир мувозий сатр бошидаги сўз ёки сўз унсурлари, масалан, ўзакнинг такрорланиши, шеърий каторларда бир хил ёки ўхшаш ундош ёки унли товушларнинг такрорланиб келиши ва шунинг натижасида алоҳида шеърий ифодага, оҳангга эришишдир.

Мана шундай усулда ёзилган асарнинг ўзбек тилидаги муқобилини яратаман деган таржимоннинг машаққатини тасаввур қилиб кўринг!

Мен “Рамаяна”ни ўқиганда мактаб ўқувчиси эдим. Уни ўқишимга “Маҳабҳорат” мутолааси сабаб бўлган. Бхарат авлодлари ҳақидаги ривоятларни берилиб ўқиганимдан кейин кутубхоначимиз менга “Рамаяна”ни тавсия қилганди. Мен шунда 14 – 15 ёшларда эдим. Негадир асар аслият тилида қандай янграганини билгим келган, кутубхоначимиз (ҳаммамиз уни Люда опа деб чақирардик, у ўзбекчани жуда яхши биларди) роса кулган, “Рамаяна” икки ярим минг йил олдин яратилган, ҳозир уни биров ўқиб берса ҳам ҳеч нарсани тушунмайсан, таржима шунинг учун керак, деган эди.

“Рамаяна”ни талабалик йилларим қайтадан, бу сафар раҳматли Нажмиддин Комиловнинг “Таржима назарияси” фанидан берган сабоқлари асносида ўқиб чиқдим. Мана, эссени ёзиш баҳонасида уни яна такрор ўқияпман. Устознинг машаққати сабабини англаяпман.

* * *

2009 йил эди. “Жавзо” романим Ёзувчилар уюшмасида муҳокамага қўйилди. Ўша пайтда Наср кенгашига Пиримкул Қодиров раислик қилар, Муҳаммад Али унга ўринбосар эди.

Ёзувчилар уюшмаси “Халқлар дўстлиги” метро бекати ёнидаги кўп қаватли ойнабанд бинонинг 5–6-қаватларида жойлашган эди.

Муҳокама пайти ёзувчи Раҳимжон Отаев (Отаули) романдаги эпизодлардан бирига эътироз қилди. Масала ойдин бўлиши учун ўша эпизодни келтираман.

“Малика “Айтсамми, йўқми?” дегандек тин олди. Хон аёлнинг ийманаётганини сезиб, унга далда бериш учун савол берди:

– Айтингиз, сизни не ҳол маъюс этди?

Малика ниҳоят, пича дадиллашгандай бўлди: узун киприкларини тушириб, секингина:

– Сизни Искандари соний дейдилар. Аммо мен сизнинг учун Нозмехр бўла олармиканман деб қўп ўйлайман, – деди.

Шайбонийхон гўё энди қўраётгандек маликага кўзларини катта очиб қаради. Мўғил хоним юзлари уятдан ёниб, қўллари билан оғзини ёпди.

– Хоразм сафари олдидан китобхонага келганда менга шуни айтмоқчи эдингизми? – деб сўради хон салдан кейин.

Мўғил хоним шивирлади:

– Ҳа...

Хон дафъатан юрагига қайноқ қон тошиб тушганини ҳис этди. Қўллари узатди:

– Кел ёнимга, – деди шивирлаб.

Мўғил хоним келди. Хон унинг елкаларидан қучди:

– Мени кўплар қаҳри қаттиқ одам дейди-ку! Ахир мени қандоқ сева олдингиз, хоним?

Мўғил хоним бошини кўтариб қаради:

– Икки очик кўзим, биргина юрагим билан сева олдим...

Хон енгил тортди. “Аввалроқ қайда эдинг, малак?” – деб ўйлади беихтиёр. Кейин эса: “Кўзим қаёқда экан?” деди ўзига-ўзи. Ниҳоят, “Бизни ҳам севгувчи бор экан...” – дея шивирлади”.

– Аёл кишининг биринчи бўлиб изҳори дил қилиши яхши эмас-да, – деди афсусланиб Отаули. – Ҳар ҳолда Шарқ одамларимиз...

Салим Ашур эътироз қилган бўлди:

– Билмасам... менга романнинг шу жойи ёқди...

– Йўқ, мен масалан, ҳазм қилолмадим, – қизишди Отаули.

– Ие, нега энди? – Устоз муҳокама қатнашчиларига бир-бир қараб чикди. – Шунчалик бадҳазм эканми, а? Асаджон, – дея Асад Дилмуродга ўғирилди. – Сиз нима дейсиз?

Асад Дилмурод хиёл жилмайди:

– Энди бу кўнгил иши... Мўғил хоним Шайбонийхонга меҳр қўйибди, шуни нозик ибораларда билдирди, назаримда қўпол эмас. Мен ҳазм қилдим...

Отаули росмана ачиқкланиб кетди:

– Йўқ, мен буни ҳазм қилолмадим!

– Э, парҳез тутяпман демайсизми, Раҳимжон? – ҳазиллашди Устоз.

Ҳамма кулиб юборди.

* * *

Устоз стационарда даволанаётган пайти. Уни кўргани бордим. Устоз, эғнида кенг-мўл қорамтир қўйлак, палата айвончасидаги ихчам стол ортида ўтирганча, адабиёт ҳақида, ижод ҳақида узоқ гапирди. Мен эса деразага қараб, қоронғилик туша бошлаганидан безовта бўлардим. Уйга етиб олишим осон эмас, болаларим мактабдан келган, овқат ҳам ейишмагандир, мен эса бу ердан, ҳали нон олганим йўқ, уйга эримдан кейин кириб борсам яхши эмас...

– Нимадан безовтасиз? – сўради бир вақт Устоз. – Тинчликми?

Жавоб бериб улгурмасимдан қўл телефоним товуш чиқарди. Дисплейда эримнинг телефон рақами кўринди. Оббо! Мени излаяпти, шекилли. Телефонни кулоғимга тутдим.

– Домланинг олдида ўтирибсанми? – деди эрим. – Тузукмилар?

– Уйдамысиз? – дея сўрадим мен нима деяримни билмай.

– Албатта. Таксига ўтириб кел.

– Майли.

– Хўп, домлани сўраб қўй.

Устоз юзимга диққат билан тикилди.

– Хўжайинми?

Мен бош силкидим.

– Ие, мен жуда гапга берилиб кетибман-ку, – Устоз ўрнидан қўзғалди. – Шошманг-чи!

Тумбани очиб, елим халтага солинган бир жуфт патирни чиқарди. Музлаткичдан иккита рангдор кадоқдаги шарбатни олди.

– Манавиларни болаларингизга олиб боринг.

– Йўғ-е, – шошиб эътироз қилдим мен. – Буларни сизга олиб келишган, мен дўкондан ҳам олавераман.

– Э, меники табаррук, – жилмайди Устоз. – Кеч бўлиб қолди. Дўконга кириб юрасизми? Олаверинг, – халтани қўлимга тутқизди. – Бир ўзимга шунча егулик кўплик қилади, ахир.

Менинг гангиб қолганимни кўриб қулди:

– Ҳа, мендек бўлиб юарсиз. Муҳаммад Али ҳаммага ҳам патиру шарбат берармиди?

Устоз тўнини кийди:

– Юринг, сизни дарвоза олдиғача кузатиб қўяй. Ўша ерда киракашлар бор, – мени яна эътироз қилмасин, дегандек қўшиб қўйди. – Баҳонада ўзим ҳам айланиб келаман.

* * *

“Амир соҳибқирон ер юзида монанди йўқ сиймодурлар, анинг таърифини қилмоқ биз эрмас, иншооллоҳ, келажак авлодлар зиммасига тушадур”.

“Улуғ салтанат” романининг учинчи – “Мироншоҳ Мирзо” китобида Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Султон ўз кўрган-билганларини ёзиб юрадиган дафтарига бобоси ҳақида шу сўзларни битиб қўяди. Шаҳзоданинг кундалиги, албатта, бадий тўқима. Лекин Амир Темур сиймосининг таърифи ростдан ҳам келажак авлодлар зиммасига тушди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Амир Темур сиймоси гавдалантирилган ҳикоя ва бадихалар эълон қилина бошланди. Асқад Мухторнинг “Инсонга қуллуқ қиладурмен”, Асад Дилмуроднинг “Хилват”, Урфон Отажоннинг “Хумоюн қабул” ҳикоялари, Хуршид Давроннинг “Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят” эссеси... Шунда ўз-ўзимга адабиётимизда Соҳибқирон ҳаёти ҳақида йирик эпик асарни ким ёзаркин, деган савол берганман.

2002 йилда “Улуғ салтанат” романининг 1-қисми “Жаҳонгир Мирзо” алоҳида китоб бўлиб босмадан чикди. Орадан бир неча йил ўтиб, иккинчи китоби – “Умаршайх Мирзо”. 2012 йилда Устозга “Улуғ салтанат” асари учун Ўзбекистон

Давлат мукофоти берилди. Ўшанда газеталарда босилган ҳукумат хабарида “Улуғ салтанат” роман-дилогияси учун” деб ёзилган эди. Ҳолбуки, “Умаршайх Мирзо”нинг охирида “Иккинчи китоб тугади”, деб ёзилган, бу эса романнинг давоми бор, дегани эди.

Хабарни ўқигач, бир даста гул кўтариб, Устозни қутлагани жамғармага бордим. Жамғармага музей биносининг орқа томонидаги эшикдан кириларди. Мен ҳар сафар келаётганда шу томонда турган машиналарга разм солардим. Устоз “Нексия”сини ҳамиша бетон йўлканинг адоғига, жамғарма эшигининг рўпарасига қўярди. Агар машина жойи турса, демак, Устоз ишхонада, “Нексия” кўринмаса, у каергадир кетган бўларди.

Устознинг “Нексия”си ён-верида тўрт-бешта машина турарди. Жамғармага кимлардир келган, шекилли. Тахминим тўғри чиқди, Устозни кўплар қутлагани келган эди.

– “Улуғ салтанат” ҳали тугагани йўқ, – кулди Устоз табригимга жавобан. – Бу олдиндан рағбат бўлди-да. Раҳматли Матёкуб Қўшжонов “Сарбадорлар”га сўзбоши ёзган, биласиз-а? Кейин шу киши менга Соҳибқирон ҳақида катта роман ёзинг, деган эди. Романни ёза бошлаганимда машаққати катта бўлишини билганман, тушунганман. Лекин менинг аҳдим шундай: бошладимми, чекинмайман.

Кейин “Улуғ салтанат”нинг учинчи, тўртинчи китоблари нашрдан чиқди. Роман ҳақида ҳали унинг биринчи қисми “Шарқ юлдузи”да босилгандаёқ Аҳмад Отабоевнинг ижобий тақризи босилди. Асарни биринчилардан бўлиб қутлаганлар орасида академик Матёкуб Қўшжонов, профессор Наим Каримовлар бор эди.

Роман чиндан ҳам ҳодиса бўлди, мунозаралар қўзғади. Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти, унинг авлодлари ҳақида ўша давр тарихчиларидан кўп асарлар қолган. Лекин унинг феъли-атвори қандай эди, нималарни ёқтирган, нималарни хушламаган, унинг оиласидаги муносабатлар қанақа бўлган? Бу ҳақда бирон жойда қайд учратмайсиз. Эпопея Соҳибқироннинг инсоний сифатларини очишга қаратилган эди, адабиётшунос, ёзувчи, тарихчи ва ўқувчилар ўртасида шу жиҳат баҳс қўзғаган эди. Амир Темур оддий одамлар орасига тушириб қўйилмадими? Бу билан унинг сиймоси жўнлашиб қолмадими? Ҳолбуки, биз тарихда улкан ўзгаришлар ясаган шахслар ҳам биз қатори оддий инсон бўлганини, у ҳам Яратгanning бандаси эканини унутиб қўямиз. Хуллас, мунозараларда кимдир асарнинг аҳамиятини айтди, кимдир унда тарихий тасвирларда хатолар бор деди, кимдир унинг тили мундай, услуби ундай деди.

“Улуғ салтанат” ҳақида баҳслар кўтарилган пайтда мен ижтимоий тармоқда шундай деб ёзган эдим: “Мустақиллик даври адабиётида тарихий мавзуларда, айниқса, биз ифтихор қиладиган аجدодларимиз ҳаёти ва амалларидан ҳикоя қилувчи асарлар кўплаб ёзила бошланган бир даврда соҳибқирон Амир Темур ҳақида йирик, эпопея тарзидаги роман ёзиш, ёзганда ҳам адабиётимизда ҳақиқий ҳодиса бўладиган, шунчаки кампаниябозлик учун эмас, ўқувчилар йигирма йил, балки ундан кейин ҳам қўлига оладиган дилогия, трилогия, балки тетралогия яратиш зарурияти пайдо бўлган эдики, бу ишни кимдир бор масъулияти билан ўз зиммасига олиши керак эди. Муҳаммад Али чўчимасдан шу масъулиятни зиммасига олди. Романни муҳокама этиб, босиб чиқаришнинг ўзи ўн икки йил вақтни олди. Бу ҳазилакам эмас. Мен ҳали бу роман қанча вақтда ёзилганини айтаётганим йўқ. Ёзувчи сифатида биламанки, роман, айниқса, тарихий роман ёзила бошлангунча ҳам анча тайёргарликни талаб қилади. Бу жараён изтироблар билан, баъзида жисман хасталиклар билан кечади. “Улуғ салтанат” шунчаки кампаниябозлик учун ёзилдими ёки йўқми, буни аниқлайдиган улуғ ҳакам – ВАҚТ бор”.

...Лекин ҳозиргача Амир Темур ҳақида бадиияти билан “Улуғ салтанат”дан ўзидиган эпопеяни ҳеч ким яратгани йўқ. Мабодо кимдир уни яратган тақдирда ҳам “Улуғ салтанат” Соҳибкирон ҳақида ёзилган биринчи роман-эпопея сифатида адабиёт тарихида қолади, аниғи, у шундай бўлиб қолди ҳам.

Баъзида ўйлаб қоламан: Устоз ўз қаҳрамони тилидан “Амир соҳибкирон ер юзида монанди йўқ сиймодурлар, анинг таърифини қилмоқ биз эрмас, иншооллоҳ, келажак авлодлар зиммасига тушадур”, деб бежиз ёзмаган, шекилли.

* * *

“Улуғ салтанат”нинг учинчи китоби муҳокамасида мен ҳам қатнашдим. Унда йигирма чоғли киши – ёзувчи, адабиётшунос, тарихчи олимлар иштирок этишди. Муҳокама уч соатга яқин давом этди. Устоз сўзга чиққанларнинг айтганларини индамай эшитар, ҳеч кимга эътироз қилмасди. Мабодо кимдир савол бериб қолса, зарур жавобни айтади-да, яна эшитади.

Муҳокама тугагач, мен танимаган бир олима: “Шуларни албатта тузатинг, домла, тузатмай чоп қилдириб юборманг тағин”, деб кўйди. Устоз кулимсиради:

– Албатта тузатаман, хотирни жам қилинг. Мен ҳатто аввал ёзганларимни ҳам тузатганман.

Одамлар тарқала бошлагач, менга:

– Нега индамай ўтирдингиз? – деди.

Мен сўзимда тугилиб:

– Истиҳола қилдим-да... – дея ўзимни оқлаган бўлдим.

Тўлқин Ҳайит ёнимни олиб:

– Устозларнинг салобати босади-да, тортинади одам, – деб, менга қараб кўз қисиб кўйди.

– Вақти келиб, ўзлари ҳам салобатли устозга айланадилар, дадил бўлишни ўргансинлар, – назаримда Устознинг жаҳли чиқди. – Ҳа... Тўлқинжон, вақт тез ўтади...

* * *

2013 йил эди. Устоз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис бўлди. Мен ўша пайтда “Ўзбекэнерго”да таржимон бўлиб ишлаб юрардим. Кун бўйи расмий ва техник ҳужжатларни ўзбек тилига ўгириб ўтириш жонимга теккан, лекин ўзимга мос бошқа иш топа олмаётган эдим. Уюшмада наср бўйича адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаётган Отаули нафақага кетган, унинг ўрнига ишга кириш учун ариза топширганимга икки ойдан ошган бўлса ҳам, ҳамон на ижобий, на рад жавоби ололмагандим.

Устознинг Уюшмага раис бўлгани, назаримда менинг масаламни енгиллатиши керак эди, шу мулоҳаза билан унинг ҳузурига бориб, дардимни айтдим.

– Ўша зерикарли ишингиз учун қанча маош оласиз? – сўради у.

Жавобимни эшитиб, хайрон бўлди.

– Уюшмадаги ойлик шундан бир ярим баробар кам. Розимисиз?

– Розиман.

Устоз ўзининг одатдаги ўйчан “Ҳа-а...”сидан кейин:

– Ўша жойингизда ишлаб тураверинг, – деди.

Нафасим ичимга тушиб кетди.

Шу куни жуда хўрлигим келди. Ахир мен унинг шогирдиман-ку, салгина қўлласа бўлмасмиди! Мен даъвогар бўлган ўрин ҳали ҳам бўш-ку!

Янги 2014 йил мен учун хайрли бошланди: иккинчи январь кунидан ярим ставка “Звезда Востока”, ярим ставка “Шарқ юлдузи” журнаliga ишга таклиф қилишди. Маоши Уюшманикидан ҳам кам эди, лекин бунга парво қилмадим, Худо баракасини берсин, дедим. Ўзим эса ўйладим: “Устозни би-ир хайрон қолдирай. Биринчи иш куним шундо-оқ рўпарасидан чиқаман! Мана, шу ерда ишлаяман, дейман”.

Хуллас, иккинчи январь куни келди. Таҳририят бешинчи, раис қабулхонаси эса олтинчи қаватда эди. Эрталаб бизга қўшни хонада ишлайдиган Уюшма ходимларидан раис соат тўққиз яримларда келишини билиб олдим. Худди шу вақтни мўлжаллаб олтинчи қаватга чиқдим.

Айни пайтида келибман. Лифтдан Устоз, ортида эса ёрдамчиси – Бахтиёр Ҳайдаров чиқди.

Мени кўриб, Устоз тўхтади.

– Ие, ие, Рисолат! – деди саломимга алик оларкан. – Нечук эрталабдан йўқлаяпсиз? Ишларингиз яхшими?

– Раҳмат, мен шундоқ, бир иш билан чиқувдим, – дедим гўё шошиб қолган одамдек. – Қабулхонага жўнатишувди... “Шарқ юлдузи”да ишлаяпман, яна ярим ставка “Звезда Востока”да!

– Э, шундоқ денг! “Шарқ юлдузи”да бир вақтлар мен ҳам ишлаганман. Бу журналга Ойбек домланинг ўзи “Шарқ юлдузи” деб ном қўйган! Жуда яхши бўлибди-да! Қани, бу ёққа юринг-чи! – дея мени кабинетига бошлади.

Раиснинг кабинети кенг, чап қўлда бутун деворни эгаллаган китоб жавони, эшик рўпарасида йиғилиш ўтказишга мўлжалланган узун стол, хона тўрида эса катта ёзув столи.

Устоз ёзув столи ортига ўтирди-да, менга қабулга келувчиларга аталган суянчиғи доирасимон стулни кўрсатди:

– Бундай ўтиринг-чи!

Кейин кўриб чиқиш учун тайёрлаб қўйилган қоғозларни бир чеккага суриб қўйиб, менга қаради:

– “Шарқ юлдузи”даман денг?

– Ҳа, яна “Звезда Востока”да...

Устоз лабини кимтиб, афсуслангандек бошини чайқади:

– Уюшмада ёшлар ижоди бўйича адабий маслаҳатчи деган янги лавозим таъсис этиляпти... Бизга шеър кўтариб келаётган ёшларнинг қўпчилиги қизлар-да, шунинг учун улар билан ишлайдиган ходимнинг аёл киши бўлгани яхши, дегандим. Шу ўринга сизни мўлжаллаган эдим. Сал шошибсиз-да!

Довдираб қолдим.

– Ҳечқиси йўқ, айтсангиз бу ишни ҳам қилавераман, – дедим ошиқиб.

– Йўқ, – дея шартта кесди Устоз. – “Шарқ юлдузи”ни танлабсизми, энди ўша ерда ишлайсиз!

Шундай қилиб, мен тўрт йил журналда ишладим.

* * *

Абдулла Орипов Ёзувчилар уюшмасига фахрий раис ҳисобланарди. У кексайиб қолган, анчадан бери мазаси йўқ, ишхонага ҳам кўп келолмасди. Унинг хонаси бешинчи қаватда, таҳририят билан ёнма-ён эди. Абдулла ака келганда таҳририятдаги қизлардан бири, одатда Мадина чой дамлаб берарди. Кейин

“Абдулла ака бердилар”, деб чиройли кутига солинган ширинлик кўтариб келарди. Ўша кунни негадир Мадина йўқ эди. Чойни мен дамлаб бердим. Абдулла ака эшик ёнида турган музлаткичга ишора қилди:

– Анавини очинг-чи?

Кичик музлаткич ичида икки-уч кути шоколад, печенье турарди.

– Шоколад бор экан, – дедим.

– Тузуккина шоколадми? Еса бўладиганми? – сўради у.

– Албатта, – жавоб бердим мен. – Украинларники экан.

– Ҳа... – дея илжайди Абдулла ака. – Ҳанифа опангизни диди дуруст. Шоколаднинг яхшисини олиб келади уйга, лекин ўзи емайди. Меҳмонга олиб кўяди. Меҳмон биздан уялиб, емайди. Увол... Хайриятки, ишхона бор. Ёққан бўлса, олақолинг.

– Раҳмат, Абдулла ака, – дедим севиниб.

– Печиннидан биттасини очиб, столимга қўйинг-чи, мени кўргани кирганларни меҳмон қиламан.

Бироздан кейин сўради:

– Сиз ҳеч чой дамлаб бермагансиз, танимадим, қаерда ишлайсиз?

“Звезда Востока”да ишлашимни билиб: “Э-э...” деб қўйди.

– “Звезда Востока”дан жуда хафаман мен. Николай Ильин “Зар ва зиё”ни таржима қилган, “Звезда Востока”га топшираман, деганди. Анча бўлди. Лекин босмаяпсизлар. Нега? Мен қора рўйхатдаманми?

– Йўғ-э, – эътироз қилдим шошиб.

– Нега босмаяпсизлар?

– Мен қўлёмани кўрганим йўқ эди, Клавдия Ивановнадан сўрай-чи?

Клавдия Ивановна Панченко иккала журналнинг бирлашган таҳририятида бош муҳаррирга ўринбосар ҳисобланар, “Звезда Востока”ни таҳрир қиларди. У менинг саволимни эшитиб, хайрон бўлди.

– Бизда бу дostonнинг қўлёмаси умуман йўқ, – дея елка қисди.

– Николай Ильин журналга қўлёмани топширмаган экан, – дедим мен қайтиб кириб.

– Йўғ-е? – Абдулла ака қулиб юборди. – Ҳали топширилмаган қўлёммага ваҳима кўтардимми? Мен Ильинга айтаман, олиб келиб беради.

Сал ўтмай, мени раис йўқлаётганини айтишди.

– Боя Абдуллажон сизлардан гина қилди, – деди Устоз. – Достонини ҳалигача босмабсизлар.

– Ҳа... Боя Абдулла ака ҳам сўрагандилар, – дея гап бошладим мен. – Ҳамма гап шундаки...

Устоз сўзимни шартта кесди:

– Абдулла Ориповни маҳтал қиласизларми, а? Бу нима эътиборсизлик? Мен Клавдияхонга ҳам айтаман, лекин сиз менинг шогирдимсиз, шунинг учун аввал сизга гапиряпман. Бунақа ишларда хушёр бўлиш керак. Журналнинг бу сони босмахонага жўнатилдими?

– Ҳа.

– Келаси сонга, албатта, киритиш керак. Бораверинг.

Ўрнимдан турдим.

– Абдуллажондан узр сўранглар, – деб қўйди охирида.

– Хўп, – дедим мен. – Николай Ильин қўлёмани олиб келсин, кейин...

– Нима? – Устоз кўзларини катта очиб қаради. – Ҳали қўлёмга йўқми?

– Йўқ, таржимон олиб келмаган.
Устоз баралла кулиб юборди.

* * *

“Уюшмага аъзолар қабул қилинаётганмиш...”

Хабарни эшитиб жуда севиндим. Чунки менинг аъзоликка ҳужжат топширганимга тўрт йил бўлган эди.

Устознинг қабулига кирдим. У менинг дардимни эшитиб, тортмасидан рўйхат ёзилган қоғоз чиқариб, кўрсатди.

– Кўряписизми? Мана, узу-у-н рўйхат. Юздан ортик киши. Тўрт йилдан бери уюшмага аъзо қабул қилинмаётган эди. Шунча ариза тўпланиб қолган. Аъзо бўласиз, албатта. Лекин ҳозир эмас.

Мен шунда тушундимки, Муҳаммад Алига шогирд бўлиш имтиёз эмас, имтиҳон экан.

Мен кейинги қабулда, адабиётшунос Ислон Ёқубов, шоира Фароғат Худойкуловалар билан бир кунда Уюшмага аъзо бўлдим. Менга Ёзувчилар уюшмасига аъзолик учун тавсияни Асад Дилмурод, Тўлқин Ҳайит ва Минҳожиддин Мирзо ёзди.

26 март куни эди. Устознинг хонасида ҳайъат аъзолари ўтиришар, Адҳамбек Алимбеков номзодларни бирма-бир ичкарига олиб кирар, ўтирганларга таништирар, ҳайъатдагилар икки-учта савол беришар, шундан кейин номзод овозга қўйиларди.

Мени ҳайъат аъзоларига Устознинг ўзи таништирди:

– Хўш, саволлар борми? – деди кейин. Ҳамма менга қизиқсиниб қараб турарди. – Йўқми? – Ҳеч ким индамади. – Хўш, нима деймиз? Бир овозданми?

Ўтирганлар бош силкишди.

– Бир овоздан, – деди Устоз. – Табриклайман, қабул қилиндингиз.

Тахририятга келгач, иш столимга ўтирдиму, “Негадир ҳаётимда саналар тез-тез мос келади-я? – деб ўйладим. – 2001 йил 26 март – онам вафот этган кун, 2014 йил 26 март – мени Уюшмага қабул қилишган кун”.

* * *

2016 йил. “Шарқ юлдузи” журналида “Тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима ва уйдирма” номли мақолам босилган кезлар. Баъзи ёзувчиларнинг Амир Темур ва Сароймулхоним муносабатлари борасидаги талқинларда ҳаддан ошаётганлари ҳақида ёзганларимни ўқиган Устоз менга:

– “Сарбадорлар”да мен ҳам шу мавзуга тегиб ўтганман, – деди. – Ҳа... Роман ёзилган пайтда ҳали Соҳибқирон ҳақида ундай ёки бундай талқинлар йўқ эди. Битта талқин бор эди: у золим, қонхўр подшоҳ! Тамом! Мен уларнинг севгиси ҳақида ёзибман. Бу менинг фаразим, аслида қандоқ бўлган, буни ҳозир биров билмайди. Энди... нима қилай, шундай иш қилиб қўйган эканман-да! Бошқалар мендан кўриб шундай деб ёзипти, шекилли. Буни сиз мақолангизда айтгандек бадиий асар яратган стереотип деб атаса тўғри бўлади.

* * *

Шу йили Манзура опа вафот этди. Тахририят аёллари фотиҳага бордик. Эшик олдида тизилишиб турган одамлар кўп эди. Машиналар кўчанинг бошига, катта йўлгача чиқиб кетганди.

Ҳовлида бизни Устознинг келини билан қизи Дилбар кутиб олди. Ичкарида Устознинг синглиси – ёши олтмишлардан ошган миқтигина аёл ўтирарди.

– Манзурахон жуда яхши аёл эди, – деди у. – Ҳамиша дастурхони ёзиқ, қачон келсак, очик чехра билан кутиб оларди. Анча пайт касал бўлиб ётди, бечора.

Аммасининг гапини эшитаётиб, Дилбарнинг кўзларига ёш келди.

Манзура опа бир йилга яқин касал бўлиб ётибди-ю, Устоз буни ишхонада ҳеч кимга сездирмаган, ҳатто биз шогирдлар ҳам буни билмаган эканмиз.

Устоз ҳар куни туш маҳали машинасига ўтириб, уйига бориб келарди, биз: “Устоз кўчанинг овқатини хушламайдилар-да, Манзура опанинг кўлидан чой ичгани кетдилар”, деб кулардик. У эса ҳаста аёлидан хабар олгани бориб-келаркан...

Устоз баъзида ҳазиллашиб аёлини “Шерик” деб қўярди. Чунки у ҳаётининг энг оғир, қора кунларида, рухий изтироблар ичида кийналган маҳали Манзура опани учратган, куйган дилига шу аёл малҳам қўйган эди.

Дилбар кўзёши аралаш онасининг сўнгги кунларини ҳикоя қила кетди. Гапираркан, ора-сира тўхтаб, кўзларини артиб қўяр, биз уни юпатардик.

Бир вақт даҳлиз шовур-шувур бўлиб қолди: “Бош вазир келди”. Устознинг синглиси ҳайрон бўлди: “Акамни Бош вазир ҳам танийдими-я?”

– Ахир Бош вазир “Ижод” фондининг Васийлик кенгашига раислик қилади-ку, – дейишди Уюшмадан келган аёллар. – Албатта танийди.

* * *

Устоз асли водийдан эмасми, сўз ўйинлари ясашга уста, у жуда топқир, ҳазиллари беозор, лекин “нишон”га аниқ тегарди. 8 март арафасида юбилей ёшига етган аёлларни табриклаш маросими ўтказилди. Кимдир 50, кимдир 60, кимдир эса 70 ёшга тўлган, 75 ёшни қаршилаганлар ҳам бор. Устоз совғаларни эгасига топшираркан, юбилей эгасини шундай таништиради:

– Фалончихон Фалончиева икки марта 25 ёшга тўлибдилар.

– Фалончихон Фалончиева уч марта 20 ёшга тўлибдилар.

Ҳамма кулади, аёллар эса олаётган совғаси, гулидан ҳам кўра, эшитган таърифидан хурсанд.

* * *

2018 йилнинг январи. Ёзувчилар уюшмаси янги бинога кўчиб ўтадиган бўлди. Эрталабдан ишхона шовур-шувур, ҳамма китобларини, қоғозларини, компьютерларини йиғиштирарди. Йўлакларда картон қутилар, тахлам-тахлам қилиб тизимча билан боғланган китоблар қалашиб ётарди.

Айниқса, журналнинг архивини ташиш жуда оғир бўлди. Архив эшиги ёпиқ жавонда тургани учун бизга билинмаган экан, бир нечта сонларини битта қилиб тикиб, қалин муқовага солинган “подшивка”лар жуда кўп экан. “Подшивка”ни тартиби билан тахлам қилиб, тизимча билан боғлаймиз-да, тизимча тагига сана ва журнал сони ёзилган қоғозни тикамиз. Кейин барини бир чеккага уямиз. Йигитлар тахламларни лифт ёнига ташишади. Кейин уларни лифтга жойлаб, пастга олиб тушишади. Иккала қават баравар кўчаётганидан лифт ҳам тезда бўшай қолмайди. Хуллас, охирги қутини пастга олиб тушганимизда кун пешиндан оққан, ҳаммамиз чарчаган эдик. Лекин янги бинога кўчаётганимизга, эски бинодаги қишки элвизакдан, ёзги диққинафасликдан, тез-тез ишдан чиқадиган лифтдан қутулганимизга хурсанд эдик.

Шу куни таҳририятнинг “Дамас”и “Халқлар дўстлиги” майдонидан Адиблар хиёбониغا саноксиз марта бориб-келди.

Қуюқ дарахтзор ичига қурилган енгил, оппоқ бино бизга жуда ёқди. Таҳририятимизга биринчи қаватдаги бешта хона тегди. Бизнинг бўлим бурчакдаги хонага жойлашди. Деразамиздан хиёбонга кириб кетаётган йўлқалар, нарироқдаги ҳайкаллар кўриниб турарди.

Янги бинога ўрнашиш, кўникиш умумий хушҳоллик билан кечди. Ҳолбуки, ҳали телефон алоқаси ўрнатилмаган, ҳамма ўзининг қўл телефонида фойдаланарди, ошхона ишга тушмаган, тушлик қилиш учун хиёбонни кесиб ўтиб, катта йўлга чиқиш, шоҳқўчанинг нариги бетидаги қаҳвахона ва ошхоналарга бориш керак эди.

Мана шундай кунларнинг бирида таҳририятимизга Адҳамбек Алимбеков кириб келди. Одатдаги ҳазил-хузули билан кулдириб олди-да, кейин жиддий туриб:

– Сизга бир таклиф билан келдим, – деди. – Бизнинг Халқаро бўлимга ишга ўтинг. Рус тилини жуда яхши биласиз. Бўлим кенгайтириляпти.

Бир вақтлар Уюшмада ишлашни ҳавас қилганим рост, лекин мен тўрт йилдан бери журналда ишлаб, анча паст-баландни кўргандим, доим ижодий жараённинг ичида юриб адабий муҳитга ҳам танилиб улгурган эдим. Халқаро бўлимнинг ишини эса ҳавас қилмагандим.

1 март келди. Устознинг туғилган куни эди. Эрталабдан Юнусобод бозорига кириб, гулдаста сотиб олдим.

Қабулхонага келганимда раиснинг эшиги очик, котиба раҳбар кўриб чиқиши керак бўлган қоғозларни стол устига бирма-бир қўяр, Устоз эса тик турганча уларга бир кур кўз югуртириб, иккига – бири шошилинич, иккинчиси бемалол кўриладиган хужжатлар тўпига ажратарди. Мени кўриб, киришга ишора қилди.

– Бу менга шекилли? – дея жилмайди.

Менинг табригимни ҳам кулимсираб туриб эшитди.

– Журналда ишлар яхшими? – сўради кейин.

– Дуруст.

– Зерикмадингизми ҳали?

– Йўқ.

– Сизга бир иш бор.

– Майли. Нима ишни айтсангиз ҳам бажаравераман.

Устоз юзимга синчковлик билан қаради:

– Нима ишни айтсам ҳам бажарасизми?

Юрагим шувуллаб кетди. Устоз кулиб қўйди.

– Майли, жавобингизни ўйлаб кўраман.

* * *

Ўн кунлардан кейин Устоз яна чақирди.

– Уюшмага ишга кирмоқчи эдингиз, а? – сўради у.

Рост, ишга кирмоқчи эдим. Лекин наср бўйича адабий маслаҳатчи ўрни ҳам, Устоз бир вақтлар менга мўлжаллаган лавозим ҳам энди банд.

– Нима ишни айтсам ҳам бажараверасизми?

Ўх... тилим-а... Айтилган сўз – отилган ўқ. “Нима бўлса, бўлди”, деб ўйладим.

– Ҳа, – дея жавоб бердим.

– Билиб қўйинг, бу ерда бемалол, бекорчи бўлиб юрмайсиз.

Мен бош силкидим.

– Уюшма раисининг жаҳли ёмон...

Мен хўрсиндим:

– Бу ҳаммадан ҳам менга аён.

Устоз кулиб юборди.

– Албатта-да, сизга аён, – мирикиб кулиб олгач, котибасини чакирди:

– Дилбархонни айтиб юборинг.

Устоз айтган Дилбархон – Уюшма ходимлар бўлимининг бошлиғи Дилбар Турсунова эди.

– Халқаро бўлимда ишлайсиз, – деди Устоз менга узил-кесил.

Ўх, нимадан қочсанг, шунга тутиласан деганлари тўғри экан.

– Дилбархон, – дея юзланди Устоз эшикдан кирган опага. – Рисолатни танийсиз, а? Уни Халқаро бўлимга ишга оламиз.

Дилбар опа жилмайди.

– Вой... Рисолат ўзимизнинг қизимиз-ку! Адабий маслаҳатчи қилиб расмийлаштирайликми? Икки ой синов муддати билан, а?

– Ҳа. Аризани ёзаверсин.

* * *

...Таниқли таржимон Шахло Қосимова Устознинг “Ёмғирда қолган қиз” шеърини озарбайжон ва рус тилларига ўттирган эди. Бир куни у Сумгаит Поэзия уйида бўлиб ўтган кечада шу шеърни ўқиганини, шеър тингловчиларга қандай таъсир кўрсатганини менга кула-кула ҳикоя қилиб берди.

– Кечани Поэзия уйининг директори Иброҳим Илёсли олиб бораётган эди, – деди у. – Шеърни ўқиганимда зал жимжит бўлиб қолди. Кейин олдинги каторда ўтирган бир чол:

– Qıza nə olub¹? – деб сўради.

– Allaha şükür, sağdır², – жавоб бердим мен.

– Ya Allah, ıldırım da, yağış da, göy də bir qıza aşiqdir. Nə məkrli paltar! Hələ də qızı qusaqladı³, – деди у чол хайрон бўлиб.

Залдагилар кулиб юборишди.

– Türk poeziyası belədir, mübaligəsiz etmək olmaz⁴, – деди Иброҳим Илёсли чолга.

– Ростдан ҳам бу шеър сўз билан яратилган картина, – дея ҳикоясини яқунлади Шахло.

Мен бу ҳикояга қўшимча шарҳ битмайману, шеърнинг ўзини келтираман:

*Жала қуйди ногаҳон,
Ҳеч ким йўқдир далада.
Навниҳол гўзал бир қиз
Қолиб кетди жалада.*

*Чит қўйлак ҳам, кўрингиз,
Пайтдан нафланиб қолди:
Нозиккина баданга
Чиппа ёпишиб олди.*

1 Қизга нима бўлди?

2 Оллоҳга шукур, соғ-саломат.

3 Ё, Оллоҳ, момақалдирик ҳам, ёмғир ҳам, осмон ҳам бир қизга ошиқ. Маккор қўйлак-а! Барибир қизни қучоклабди!

4 Турк шеърятини шундай, муболағасиз иш битмайди.

*Ёмғир тинмас, шавқиеб
Қарсиллатиб ёғади.
Қизнинг анор қўкси-ю
Юзларидан оқади.*

*Сўз отайин дейди-ю
Тили бозланар бироқ,
Завқи ортиб хохолар
Кўкда момақалди роқ!*

*Оғушига олмоққа
Ҳавасманд бўлиб осмон,
Қучмоққа чақмоқ қўлин
Чўзар эди қиз томон...*

*Қизгина хўп севинди:
Уйга етволди энди...
Чақмоқ ҳам чил-чил синди,
Ёмғир ҳам тинди... Тинди...*

* * *

Эрталабданоқ Устоз йўқлатди. Хонасига кирганимда унинг рўпарасида Николай Ильин ўтирарди.

Москвадаги адабий нашрлардан бирида чоп этиш учун Чўлпоннинг беш-олтита шеъри рус тилига ўгирилган экан. Устоз таржималарни овоз чиқариб ўқий бошлади.

*– И луну я найду, и спрошу у нее:
Может, видела где-то тебя в небесах?
И ответит: “Во сне я встречала ее
Щек румянец я помню и нежность в глазах.
В белом облаке света затмила меня
Ярче звезд и прекрасней весеннего дня”, –*

Кейин шеърнинг аслини ёддан ўқиди:

*– Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.
Ул-да айтадир: бир қизил яноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал! –*

сўнг афсусланиб, бошини чайқади: – Эсиз, шундай сатрлар-а! Таржима жуда хира!
Энди манавини қаранг: Чўлпон айтяптики:

– Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
 Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
 Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
 Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!
 Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал! –

Таржимон нима депти? –

*На рассвете в окно свежий ветер влетит
 И тогда у него о тебе я спрошу.
 Он мне скажет: “Встречал я ее на пути,
 И с тех пор среди гор ее снова ищу.
 Я покой потерял – так красива она!
 Рядом с ней меркнут звезды, и день, и луна!” –*

Бу ерда дераза нима қилиб юрибди? Шоир шамол сочларини ёйиб ўтганда деяпти, образнинг кучини қаранг! Мен у гўзални бир кўриб, йўлимдан адашдим, деяпти, таржимон эса мен гўзални йўлда учратдим, дейди. Чўлпон қизни ойдан ҳам, кун, яъни қуёшдан ҳам гўзал, дейди, таржимон бўлса, қуёшни кундуз билан адаштириб юрибди. Йўқ, бўлмайди! Энди манавини кўринг:

*Душа моя, ответь зачем
 Ты терпишь этот странный плен?
 Зачем, безвольна и нема,
 Ты не поднимаешься с колен?*

Аслиятда-чи? – Устоз яна ёддан ўқиди:

*– Кўнгил, сен мунчалар нега
 Кишанлар бирла дўстлашдинг?
 На фарёдинг, на додинг бор,
 Нечун сен мунча сустлашдинг?*

Ие, таржимон нима деяпти ўзи? “Зачем ты терпишь этот странный плен?” Бу ғалати асирликка нега чидаёпсан, деяптими? Чўлпон нега кишанлар билан дўстлашдинг, деб сўради! Шоир боғдан келса, таржимон тоғдан келяпти-ю!

Қоғозларни тахлади-да, Устоз кўзойнагини ечиб қўйди.

– Хуллас, таржималар қайтадан қилиниши керак. Николай Дмитриевич...

Ильин ўтирган ерида бир кимирлаб олди:

– Ҳа, мен тушундим.

– Сиздан бошқаси буни эпполмайди, – деди Устоз қатъий. – Тағламани Рисолат тайёрлайди. Ишга киришаверинглар.

...Биз икки ҳафта ичида Чўлпоннинг бешта шеърини рус тилига таржима қилдик. Кейин эса Чўлпон шеърлари бизни ўзига шунчалик “тортиб” кетдики, унинг шеърини ичида бир йилдан ортиқ “қолиб” кетдик. Чўлпоннинг элликка яқин шеърини рус тилига таржима қилиб, кичик тўплам жамладик.

Китоб 2020 йилда “Ижод” фонди кўмагида босилди.

Сирожибдин Саййид қўлёзма билан танишиб чиққач, тўпламга “Мгновения любви” деган ном беришни таклиф қилди. Чунки Чўлпоннинг “Суйган чоқларда” шеърининг сарлавҳаси “Мгновения любви” деб ўтирилган эди.

* * *

“Рисолат, бу тарихий роман Миср маликаси Клеопатра ҳақида. Узоқ йиллар орзум эди. Ўқиб чиқинг, кейин маслаҳатлашамиз. Сизга сабр-тоқат тилайман. Муҳаммад Али”.

Кўзларимга ишонмаганимдан, телеграм рақамимга келган бу хатни икки қайта ўқидим.

Клеопатра ҳақида роман! Тушми бу?

Устоз хизматидан нафақага кетаётганда менга: “Бемалол оёқ узатгани кетаётганим йўқ, катта бир ишни бошлаганман, бу анчадан бери кўнглимда орзу бўлиб юрган эди, шуни қиламан”, деган эди. Соҳибқирон ҳақида кўп қисмли фильм суратга олинади, Устоз шу иш билан банд деб эшитгандим, Чимкентда унинг “Навоий ва Бойқаро” пьесаси сахналаштирилди, деган хабар келган эди. Лекин Клеопатра ҳақида роман ёзгани тамоман қутилмаган янгилик!

Бугунги кунда Клеопатра ҳақида ҳамма гап айтилгандек туюлади. Чунки Миср маликаси ҳақида бутун дунёда сон-саноксиз фильмлар суратга олинган, шеър, дoston, ҳикоя ва романлар ёзилган. У ҳақда яна нима янги гап айтиш мумкин?

Чўлпон ҳам Клеопатра ҳақида жуда гўзал мансура ёзган: “Менинг бағримда-да севги ҳидли бир нилуфар ўсмакдадир. Уни сувлаб ўсдирган, етишдириб турғон нарсa меним “нилий” кўзларимнинг ёшидир. Не аччиғ, не заҳар, не тотлиғ – тўюб бўлмас тоти бордир унинг!”

Чўлпоннинг мансурасида Клеопатра – севги излаб, уни топмаган қудратли, лекин бахтсиз гўзал, охир-оқибат бош қаҳрамонни хиёнатга етаклаган малика!

Устознинг Клеопатраси эса Миср мустақиллиги учун ҳар ишга тайёр ҳукмдор! Ҳаммаси ижодкор тарихий шахсга қайси ракурсдан туриб қарашига боглиқ экан! Клеопатра Спитамен авлоди эканлигини эса, рости, билмас эканман. Устоз шу жиҳати билан Миср маликасини бизга яқинлаштирган, илдизларимиз узоқ-узоқларгача тарқалиб кетганини айтмоқчи бўлган.

* * *

Бугун – январнинг ёмғирга тўйинган кечасида ушбу эссенинг сўнгги сатрларини битяпман. Лекин биламанки, бу, барибир, яқун эмас. Устоз саксон ёшни қаршилайдиган кунларда у кишига билиб-билмай етказган ранжларимни, у кишидан қилган ўринсиз гиналаримни эслаб, хижолатдан ёняпман. Лекин биламан, Устоз бағрикенг одам. Мендан ўпка қилмаслигига ишонаман.

Устоз бир сўзли киши, қилмайман деган ишини ўнта одам ўртага тушса ҳам қилмайди. Унинг шогирдларини тарбиялаш усули – қадим Спарта мураббийларининг усулини эсга солади. Яъни шогирдини папалаб ўстирмайди, мабодо отдан йиқилса, тиззаси шилинмасин деб ерга ёстик ташлаб қўймайди, агар от минишни эпламаса, қўлтиғидан олиб эгарга чиқариб юбормайди. У шогирдим ботқоққа борадиган сўқмоққа тушиб қолмасин деб тўғри йўлни кўрсатади, лекин йўлни шогирднинг ўзи очади, ўзи босиб ўтади! Унинг наздида одам отдан йиқилса, ҳеч боқиси йўқ, ер кўтаради, муҳими – йиқилган туришни ўрганади. Кимларнингдир назарида ғалатидир, лекин бу ўзига хос мантиққа суянган усул.

Ўтган йиллар давомида мен англаган яна бир ҳақиқат шу бўлдики, Муҳаммад Алига шогирд бўлиш имтиёз эмас, имтиҳондир. Яратган шу имтиҳондан ўтишда биз шогирдларнинг юзини ёруғ қилсин!

2021 йил ноябрь – 2022 йил январь, Тошкент

Навоий сиймосининг янги талқини



Саъдулло
ҚУРОНОВ

Роман ёзиш – машаққат. Тарихий роман ёзиш эса икки ҳисса машаққатдир. Зеро бундай асарда романнавис тарихийлик тамойилларини маҳкам тутиши, ўзининг олам ва одам ҳақидаги бадиий концепциясини мавжуд тарихий воқеликка таянган ҳолда ифодалаши лозим. Албатта бадиий ғоя талаби билан тарихий роман сюжетиға тўқима образлар, тўқима воқелик ҳам киритилиши мумкин. Романда тўқима образ ва воқеалардан фойдаланишнинг аниқ чегараси, катъий ўлчови бўлмаса-да, бу унсурларнинг меъёри тарихий асар савиясини белгиловчи асосий омил ҳисобланишини маҳоратли муаллиф яхши англайди. Шу боис доим тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима ўртасидаги олтин кўприкни излайди. Бу эса асарда муаллиф ижодий имкониятларини маълум даражада чеклайди. Лекин, агар роман миллатнинг улуғ сиймоларига бағишланган бўлса, ёзувчининг ижодий масъулияти бир неча қаррага ортиб, тарихий асар ёзиш янада машаққатлироқ жараёнға айланади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романини ўқиркансиз, беихтиёр юқоридаги каби масалаларни мулоҳаза қиласиз. Чунки Ҳазрат Навоий нафақат ўзбек миллатининг, балки бутун туркий халқларнинг энг улуғ мутафаккирларидан бири. Навоийнинг шахси, ҳаёт йўли ҳамда ижоди кўп ва хўп ўрганилган. Мактабда, олий таълимда, қўшимча ахборот манбаларида ҳам энг кўп эътибор қаратиладиган тарихий сиймолардан бири Алишер Навоий ҳисобланади. Китоб ўқийдиган зиёлилар қатламиға эса Навоийнинг ҳаёт йўли ёд бўлиб кетган десак муболаға бўлмас. Шундай экан, Исажон Султон нима янгилик қила олди, аввалги салафларидан фарқли ўлароқ Навоий сиймосини қандай тасвирлади деган савол, табиийки, биринчи ўринға чиқади.

Саъдулло ҚУРОНОВ – филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 1989 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ифода ва ифодавийлик” номли адабий-танқидий мақолалар тўплами, “Эгиз санъатлар” монографияси чоп этилган.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, адабиётимиз тарихида Алишер Навоийнинг тўлақонли бадиий сиймосини яратишга бўлган уринишлар у қадар кўп эмас. Ойбекнинг “Навоий” романи (1944), Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси (1945), Омон Мухторнинг “Ишқ аҳли” романларида (2007) Алишер Навоий сиймоси тарихий-ижтимоий шароит фонида бадиий талқин этилади. Бу асарлар ичида Навоий шахсиятининг нисбатан тўлақонли, концептуал бадиий қиёфаси Ойбекнинг “Навоий” романи ифодаланган десак, мазкур асарнинг ёзилганига қарийб саксон йил бўлганини эътибордан қочирмаслигимиз лозим. Яъни ўтган саксон йил давомида ижтимоий шарт-шароит ҳам, тузум ҳам, адабий-эстетик қарашлар ҳам, ҳатто, тарихнинг ўзи ҳам янгиланганини ҳисобга олишимиз зарур. Шундай экан, Исажон Султоннинг Алишер Навоий сиймосини қайтадан бадиий талқин этишга бўлган уринишига, шунчаки, шахсий ижодий эҳтиёж сифатида эмас, балки адабий-маданий ҳаётимизда етилиб келган умумэстетик эҳтиёжнинг меваси сифатида қараш ўринли бўлади.

Исажон Султон тарихий шахс концепциясини яратишда худди Ойбек каби Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, элпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатларига алоҳида эътибор қаратади. Бироқ мазкур жиҳатлар Исажон Султонда Навоий сиймосини яратишдаги бош омил эмас. Адиб “Алишер Навоий” романида кўпроқ мутафаккир шоирнинг ижодий-руҳий оламини тафтиш этишга ҳаракат қилган. Яъни Исажон Султонни ёзувчи сифати Навоийнинг аслида ким бўлгани, унинг кечинмалари, маънавий дунёси, ўй-хаёллари, армони, шахс сифатидаги қадриятлари, иймони, ахлоқи кўпроқ қизиқтирган.

Янги романнинг ютуғи шундаки, адиб Навоий ҳаёти ва ижодини диний-этиқодий нуқтаи назардан талқин қилишга, улуғ мутафаккирнинг ислом билан йўғрилган ахлоқи, ақидаси, тариқатдаги йўли ва макоми, умуман, авлиёлик сифатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, Исажон Султон навоийшуносликнинг сўнгги тадқиқотларига, истиқлол йилларида аниқланган тарихий манбаларга асосланадики, бу ўз-ўзидан Навоий ҳаёти ва ижодининг том маънода замонавий бадиий талқинининг яралишига олиб келади.

Исажон Султон Навоий сиймосини яратар экан, у яшаган даврни, тарихий-ижтимоий муҳитни имкон қадар жонли тасвирлашга уринади. У шу йўл билан буюк мутафаккирни шакллантириб берган ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий омилларни заргарона маҳорат билан териб чиқадики, натижада ўқувчи Навоий оламига осон кириб боради. Бу йўлда ёзувчи энг аввало тарихнинг ишонарли, жонли манзараларини яратади. Асарда Хуросон ва Мовароуннахрнинг гўзал табиати, шаҳар, қишлоқ, овул, бозорлару гузарлар, султонлар саройи-ю, оддий аҳоли уйлари, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари, иш қуроллари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, хуллас, тарихни жонлантирувчи барча унсурлар ипидан-игнасиғача маҳорат билан тасвирланган. Мутолаа жараёнида ўқувчи ўзини худди тарихга тушиб қолгандек ҳис қилади. Масалан, асар бошланишида Алишер Навоийнинг болалиги ўтган амир Гиёсиддинбекнинг ташқи ҳовлиси мана бундай тасвирланади: “Кенг тупроққўчадан тўғри келинса, узун, қалин пахса девор орасида кичик ёғоч эшик ва дарвоза кўринади. Эшикда темир ҳалқа ва кичик тўқмоқча бўлиб, келган киши эркак бўлса ҳалқани, хотин бўлса тўқмоқчани уради. Ҳовли гулу гулзор, мевали оғоч кўп. Чапда катта мураббаъ, яъни тўртбурчак ҳовуз кўринади. Яна, уй ёнида кичикроқ қилиб қурилган обхона ҳам бор, сопол қувуридан жилдираб

сув тушиб туради. Обхона ёнида очик ва ёпик ошхона, ошлиқхона, зерзамин, яъни ертўла. Зерзаминдаги катта сопол кўзалар ичидаги сув жазирама маҳали ҳам муздай бўлади. Унинг ёнбошида усти-ю ичи сомон сувоқ билан сувалган пастак яхчол кўринади. Яхчол шуки, чуқур қазилган ертўла кузда сувга тўлдирилади, қишда у тубига қадар музлайди. Қалин деворлари ва серсомон сувоғи ертўлани жазирама иссиқда ҳам муздай тутиб туради, Ҳирийда ёзда муз бўлишининг сабаби шунда”¹. Ўтибор қилинса, биргина тасвир билан аҳолининг яшаш шарт-шароитлари, ахлоқи, технологик ютуқларига ишора берилмоқда. Ўқувчи асардаги бу каби тасвирлар воситасида Навоийнинг болалиги ўтган муҳитга тушиб боради. Бош қахрамонни унинг атрофидаги воқеликлар билан тўла қонли тасаввур этади.

Ойбекнинг “Навоий” романида воқеалар Навоийнинг 18 ёшда Самарқанддан Ҳиротга қайтиши билан бошланади. Айтиш мумкинки, Ойбек Навоий характерининг шаклланиш босқичларини кўрсатишни мақсад қилиб олмаган. Ойбекдан фарқли ўлароқ, Исажон Султон ўз асарида Навоийнинг бутун ҳаётини қамраб олади. Албатта, бунинг ўзига яраша жиддий сабаблари бор. Биринчидан, Навоий 18 ёшга қадар шоир сифатида Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда машҳур бўлиб улгурган эди. Демак, Навоийнинг тарихий шахс сифатидаги яхлит қиёфасини яратишда унинг болалик ва ўспиринлик чоғидаги ҳаётини тасвирлаш, шоир сифатида камол топишига таъсир этган асосий омилларни шу даврдан излаш эҳтиёжи бор. Қолаверса, ҳозирги дунё харитаси нуктаи назаридан қаралганда Навоийнинг айна ўсмирлик даври Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқ. Бу даврда Навоий Самарқандда яшаб ижод қилади ва таҳсил олади.

Романда Навоийнинг илк устози – Абу Абдуллоҳ Кулоҳийнинг дарслари жуда жонли тасвирланган бўлиб, бунда ёзувчи муайян бадиий-ғоявий мақсадни кўзлайди. Кулоҳий толибларига Қуръон, ҳандаса, абёту назмдан таълим бераркан, бир дарсда сўз ҳақида маъруза қилади. Маърузада сўзнинг илоҳий қудрати, вазифаси, маъно қирралари ҳақида айтиб, жаҳон тилларига алоҳида тўхталиб ўтади. У араб тилига таъриф бераркан, “...фасоҳат ва балоғат сайқали билан зийнатланган бўлиб, Тангри таолонинг каломи шу тилда нозил бўлди. У тилнинг мукамаллигига шубҳа йўқдир”, дейди. Бироқ бошқа тилларнинг мавжуд эканида ҳам катта ҳикмат борлигини эслатади: “...Тангри азза ва жалла халқларни ва тилларни яратганининг ҳикмати ҳам бор. Яъни, ўзига ўша тил ила ҳамд айтилмоғини ирода айлади”. Мавлоно Кулоҳий толибларига туркий тилнинг мақомини кўрсатиб, “...туркча, форсча ва ҳиндча – асл тилларнинг манбаидир”, дейди. Сўнг туркча сўзлардан мисоллар келтириб, мазкур тилнинг нақадар муҳташам эканини кўрсатиб беради. Айтганларининг далили сифатида Фаридуддин Аттордан бир ғазал келтириб уни шарҳлаб беради. Ғазални тинглаган толиблар туркий тилнинг жозибасига маҳлиё бўлиб, маънолар уммонида шўнғиб кетади. Навоийни туркий тилда ижод этишга ундаган илк омиллар романда ана шундай ифодаланади.

Ҳижрий 846 йилда Алишер Навоий Самарқандга кўчиб ўтади. Романда Самарқанд Навоийнинг ижодий-маънавий ҳаётида туб бурилиш ясаган маскан ўлароқ тасвирланади. Муаллифнинг бу мақсадини самарқандлик олим Фазлуллоҳ Абулайснинг Навоийга айтган мана бу сўзлари билан далиллаш мумкин: “Сиз энди Самарқандда уламо суҳбатида бўлинг, керакли илмларни ўрганинг, Самарқанд сизнинг тақдирингизда илм булоғи бўлиб қолсин”.

1 Султон И. Алишер Навоий. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – 512 б. (16)

Алишер Навоий Самарқанддаги Қозизода Румий мадрасасида таҳсил олиб, мударрислардан фикҳ, тарих, хандаса, илми нужумга доир жуда қимматли билимларни ўзлаштиради. Айниқса, Фазлуллоҳ Абулайс билан бўлиб ўтган суҳбатлар Навоийга катта маънавий озуқа бўлади. Зеро мавлоно Абулайс Навоийга “эътиқод сирлари”дан сабоқ беради: “Мадраса дарслари ва Фазлуллоҳ Абулайс суҳбатлари Алишер ўй-фикрини беҳад кенгайтириб, шу хулосага олиб келди: нафақат ер юзи, балки Коинот ҳам тенги йўқ қудрат кўргазмасидир, унинг ҳақиқатлари эса илм туфайли маълум бўлмай. Ҳар дам, ҳар нафасда бир савоб ҳосил қилишга саъй қилинғайдир, савоб эса ниятдан пайдо бўлиши маълум”. Суҳбатларнинг бирида Алишер, “Менга сўфийлар борасида ҳам сўз айтсангиз”, дея мавлоно Абулайсга мурожаат этади. Мавлоно “сўфий” сўзининг луғавий маъносини Абу Райҳон Беруний, Абул Фатҳ Бутий изоҳлари билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Сўнг эътиқод, ибодат масалаларида фикр юритиб, Хўжа Аҳрор валийнинг сўзларидан иқтибос келтиради. Романда мавлоно Абулайс билан бўлган суҳбатлар Навоийнинг тариқатдаги йўлини белгилаб олишида муҳим аҳамият касб этган омил сифатида урғуланади: “Сиз авлиёulloҳ йўлини тавсия қилдингиз!” дейди Навоий мавлононинг суҳбатидан хулоса чиқарар экан.

Навоий самарқандлик яна бир етук олим мавлоно Ризо Афзал қўлида фикҳдан сабоқ олади. Бир дарсда мавлоно илми нужумнинг ҳалоллигини Куръони Карим оятлари билан исботлаб бераркан, фалаккиёт илмининг афзалликларига тўхталади. Беруний, Мирзо Улуғбек тадқиқотларидан мисоллар келтиради. Романда муаллиф шу тарзда Навоий ижодида алоҳида ўрин тутган осмон жисмларининг бадиий талқинини Самарқанддаги сабоқлар билан боғлашга уринади.

Мавлоно Хожа Мислий эса Навоийга тарихдан дарс беради. Бу олимга нисбат бериларкан, “Мусулмон ва маъжусий тарихининг тенги йўқ билимдони бўлиб чиқди”, дейилади романда. Хожа Мислий дарс ўтаркан, “...турфа улусларнинг эътиқоди, урф-одатлари, қавмларнинг қалқишини ва таназзули ҳақида шунчалар жонли ва ҳаққоний ҳикоялар сўзлаб бердики, Арастунинг “Тарих”, Абу Райҳоннинг “Осору-л-боқия” ва ибн Касирнинг “Ал-бидоя ва-н-ниҳоя” китобларини бир-бирига қиёслаб, толиблар тасаввурини то Одам Ато замонасига қадар етказди”. Айтиш мумкинки, Исажон Султон Хожа Мислий тимсолида Навоий ижодидаги тарихий воқеалар, шахслар, афсона ва асотирларнинг гўзал бадиий ифодасига манба бўлган шахсни кўради. Ёзувчининг мазкур ижодий мақсадини асардаги мана бу гапларда яққол кўриш мумкин: “Ҳар ҳолда, Хожа Мислий ушбу ҳикматларнинг абётга муҳрланишини ва санъат либосига ўранишини жуда истарди. Шу сабабли, даврада Навоий бўлган кезлари шоён берилиб, севиниб дарс ўтарди”.

Улуғ шахсларнинг миллатлар ўртасида талаш бўлиши табиий ҳол. Алишер Навоий сиймоси ҳақида гап борганда ҳам бутун туркий давлатлар бу мутафаккирни ўз тарихи билан боғлашга уринади. Исажон Султоннинг маҳорати шундаки, у ҳазрат Навоийнинг камолотга чиқишида, етук ижодкор ва олим, мутасаввуф бўлиб етишишида Самарқандда эгаллаган билимларининг аҳамиятини юқори ўринга олиб чиқади. Мазкур воқелик асарда ҳаққоний, зўраки талқинларсиз тасвирланадики, бу ўзбек ўқувчисига ифтихор туйғуларини уйғотмай қўймайди.

Исажон Султоннинг Навоийга бўлган эҳтироми романдаги “муҳаббат” мавзусида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу ҳақида оғиз очилганда гўзал ахлоқ, андиша билан “изоҳ” берилади ва бу мавзуда романда бутунлай ёпилади: “Тавба, – деди Мажидиддин бироз жимликдан сўнг, ҳар ишни сақич каби чайнашни хуш

кўрадиганлардан аччиқланиб: – Кишиларга қиладиган иш қолмабдими, бировнинг бировга майли бор йўқлигини суриштиргайлар? Модомики сўз канизагу жориялар ҳақида эмас, даражотда тенг никоҳ, яъни ўта маҳрам мавзуда бўлса, ақлли киши буни қандоқ муҳокама қилсин?”

“Алишер Навоий” романида ёзувчи Навоийнинг ижодий оламини тафтиш этишга, мутафаккирнинг ижод лаҳзаларини бадиий талқин қилишга алоҳида эътибор қаратади. Адиб Навоийнинг илҳом палласидаги маънавий оламини, ўй-хаёлларини унинг маҳобатига мос равишда тасвирлашга, шу йўл билан ўқувчини Навоий оламига олиб киришга, уни англатишга, тушунтиришга ҳаракат қилади: “Кеча-кундузнинг алмашиши, қуёш чиқиб ботиши, ойнинг ҳилолдан бадрга қадар ўзгаришлари сезилмасди. Маънолар олами унинг руҳини ўзига тўла сингдириб олди. У олам инсонликнинг энг олий чўққилари сари чорларди”. Навоийнинг “Хамса”ни ёзиш чоғидаги ҳолат эса бундай тасвирланади. “Кеча қоронғусида шам шуъласига фарқ бўлган хона гўё беҳад кенгайиб кетгандай, бу ерда турфа воқеалар рўй берарди. Қушлар инсон тилида сўзлар, кўк узра сузган қуёш ўз тақдиридан ҳикоя қилар, Кўҳи Қоф ортидан мўралаган яъжуж-маъжужлари уларга қарши бораётган имон лашкари ўз мазмунидан сўзлар...” Асардаги бу тасвирлар ўқувчи ҳаёлотини кенгайтириб, ижод онларида гўё бутун коинот билан қовушиб, оламни турли ўлчамларда кўра бошлаган улуг мутафаккирнинг руҳият дунёсига кириб бориш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат, асарда Навоий ижодидаги муайян асарнинг яратилишига туртки бўлган ижтимоий, руҳий омилларни кўрсатиб беришга уриниш кучли. Бу эса Навоий ижодини биографик нуқтаи назардан “бадиий тадқиқ” этиш бўлиб, ўқувчи бу талқиндан сўнг шоир ижодини нисбатан яхшироқ тушуна бошлайди. Масалан, ўспиринлик чоғида Алишер тағойиси билан лола сайлига чиқади. Улар тоғда тош кесаётган ёш сангойи йигитни учратиб қолишади. Йигит қоятошни йўниб водийга сув чиқариш илинжида меҳнат қилаётган эди. Алишерга йигитнинг машғулоти жуда қизиқ туйилиб уни суҳбатга чорлайди:

“Исмингиз не? – деб сўради Алишер. Норғул, содда бу йигитнинг иштиёқи уни хуш келган эди.

– Хусрав, – деди йигит. Суҳбатдошининг ҳайрон бўлиб қараганини кўриб, изох берди: – Ажабландингизми? Отам кўп китоб ўқийдилар. Хусрав Деҳлавий деган шоирнинг “Хамса”сини ўқиб, ҳавас қилиб, менга шу отни қўйган эканлар.

– У ҳолда, бу арода Ширин ҳам бўлгайдир, – деди Алишер ҳам, “Хамса”ни эслаб.

– Айтсам инонмайсиз, бироқ улусда ростдан ҳам Ширин деган бир қиз бор”.

Алишер сангойи йигит билан бир муддат суҳбат куради. Кетиш чоғида йигитга бир қанча тилла танга ҳадя қилади. Бу хузурбахш суҳбат Навоий қалбидан бир умрга жой олади. У қачонки “Фарҳод ва Ширин” достонини ёзишга киришаркан, ҳаёлан сангойи йигитни ва унинг Ширинга бўлган муҳаббатини жонлантиради. Сангойи йигитнинг қалб ҳарорати заррадек бўлса-да Фарҳод сиймосига кўчиб ўтади.

Исажон Султон айрим ўринларда Фарҳод ва Мажнуннинг ўй-хаёллари, кечинмаларини Навоий шахсияти билан ҳам боғлашга уринади. Айниқса, “Хамса”даги икки қаҳрамоннинг ўз ота-онаси учун чеккан изтироблари Навоийнинг қалб жароҳатлари билан уйғунлаштирилгани асарда жуда ҳам жонли, таъсири

чиққан. Зеро Алишер ҳам ота-онасидан эрта етим қолади. Ота-онасининг фожиали вафоти, улар билан видолаша олмагани Навоийнинг бир умрлик фиғони эди: “Язд чўлида² онаизорининг этакларига ўралаша-ўралаша, юзидан пардаси учиб, “Кўзим!” дея йиглаб чопиб келганларини қалам қисмат қоғозига шундай нақшлади: “...Сўнг ажал ўз ўқини Фарҳоднинг жонига урди. У ўз умрининг тугаб бораётганини тушуниб, отасини ёдлади ва бир совуқ оҳ тортиб қўйди. Онаси кўз олдида келар экан, кўзидан иккита қонли ирмоқ очилгандай бўлди”. Ёки Мажнуннинг ота-онаси қабрига бориб қилган фарёди Навоийнинг ўз оху зори эди: “Онаизор қабрига келиб тўхтагач, фарёд-фиғонлари оламга сиғмай кетди. Ёқа ўрнига кўксини чок қилиб, юрагига раҳмсиз тиглар урди. Кўзёшининг селидан ерлар денгизга айланиб, қабрлари балиқлар каби кўринди”.

Исажон Султон навоийшуносликдаги сўнгги тадқиқотлар, янги тарихий манбаларга асосланиб “Навоийнинг Астработга сургун қилиниши” масаласига ҳам ойдинлик киритади. Яъни адиб Навоийнинг Хуросон жанубидаги Астирабод вилоятига ҳоким этиб тайинланишида уни Ҳиротдан узоклаштириш, “сургун” қилиш мақсади бўлмаганини кўрсатиб берган. Хусай Байқаро шу йўл билан жанубда тобора кучайиб келаётган сафавийларга қарши муносиб Ҳимоя ўрнатишни, бунда Навоийнинг мавқеи, кучли сиёсатдонлик маҳоратидан фойдаланишни кўзлайди. Романнинг бу бобида Навоийнинг нақадар ўткир сиёсатчи, одил ва ташаббускор раҳбар бўлгани ҳам очиб берилади.

Юкорида қайд этганимиздек, давр ўтиши билан тарихий воқеликка, тарихий шахсларга бошқа ракурслардан қарашга, бадиий талқин қилишга бўлган эҳтиёж табиий равишда юзага келаверади. Шу маънода, Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи нафақат Навоий ҳақидаги тасаввурларимизни, балки беш аср наридаги тарих ҳақидаги билимларимизни ҳам бойитади. Асар том маънода янги авлод меваси. У униб-ўсиб келаётган янги авлод учун Навоийни англашда, ижодини тушунишда, буюк мутафаккир билан юзлашишда муҳим манба бўлиб қолади.

2 Бола Алишернинг чўлда ухлаб қолиб аравадан йиқилгани ва адашиб қолганига ишора.

Жанр ва жамият дилкашлиги



МУНИР САЙИД
МУҲАММАД
УТАЙБА

Ўзбек адабиётидан ўқиганларимнинг барчаси бир китобдан иборат, холос. Мен уни икки марта ўқидим, чунки бу китоб бир неча бор ўқишга лойиқдир. Бу китобда Муртазо Сайдумаров ўн олти ўзбек адиби ва икки ўзбек адибасининг йигирмата ҳикоясини тақдим этган. Ҳикоялар бир асрнинг тўртдан уч қисми давомида ёзилган. Ушбу тўпламдаги энг кекса ёзувчи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1887 йили туғилган, энг ёши эса 1968 йили туғилган Улуғбек Ҳамдамдир. Шунингдек, Муртазо Сайдумаров китоб муқаддимасида ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари ҳақида тадқиқот ҳам ёзган¹.

Таржимон танлаб олган ҳикоялар даври икки босқичга бўлинади. Биринчиси – мамлакат бешафқат рус босқинчилари ҳукми остида бўлган давр бўлиб, “унда бечора халқ руслардан кўрқар, ҳатто рус аскарининг шапкасини кўрганида кўрққанидан бироз ўрнида тўхтаб қоладиган” давр эди. (12-бет.)

Иккинчи босқич – Ўзбекистон 1991 йил 31 августида мустақилликка эришгандан сўнг бошланади. Мамлакат мустақиллик кунини ҳар йили 1 сентябрда миллий байрам сифатида нишонлайди. Бунда ўз миллий кадриятларини қайта кўриб чиқиш ва ўзлигини ва келажагини белгилашга уриниш кузатилади.

Икки босқичнинг ҳам ўзига хос хусусияти шундаки, жамият муаммолари ва долзарб масалаларини ҳал этиш йўлини кидирувчи, имкони бўлса уларни ҳал этишни таклиф қила оладиган адабиёт сифатида кўзга ташланади. Бу адабиёт бугунги кунимиздаги адабиёт танқидчилигининг талабларидан келиб чиқиб эмас, балки ўша замон ва воқеалардан келиб чиқиб танқидий фикр билдиришимизни талаб этади, шундагина биз унинг қадр-қийматини, таъсирини ва умумий йўналишларини англай оламиз.

¹ Танланган ўзбек ҳикоялари. Тузувчи: ф.ф.н. Муртазо Сайдумаров. Тақризчи: акад. Неъматулло Иброҳимов. Жаҳон ижодиёти силсиласи. Маданият, санъат ва адабиёт Миллий Кенгаши. Кувайт. 2009 й.

Мунир Сайид Муҳаммад УТАЙБА – мисрлик ёзувчи, драматург, адабиётшунос. 1969 йилда туғилган. “Ғунаймийлар ҳикоялари”, “Кавказ шеърлари” ва “Могитос” романлари, “Маҳзунликнинг синиши”, “Дарахтдаги қон доғи”, “Ҳикоя руҳи” номли ҳикоялар тўпламлари нашр этилган. Адабиётшуносликка доир “Романнинг ажойиб оламида”, “Ҳикоя муҳаббати ичра” номли китоблар муаллифи.

Жамиятга танқидий назар билан қараш бу “Танланган тўплам”даги ҳикояларнинг энг хос фазилатидек туюлади. Бу асосан ислохотчилик руҳидаги танқидий назар ўзаро тушуниш, бирдамлик ва муҳаббат билан йўғрилган бўлиб, эътиборни тортади-ю, кўпинча жароҳат етказмайдиган нафис сатирадай таассурот қолдиради.

Воқеалар саҳнаси шаҳар ва қишлоқ, оилавий ҳаёт, шу жумладан, қайнона-келин муносабатлари, уруш асоратларию, қашшоқлик, болалик даври хотиралари – ҳикоялар мана шу мавзуларда баён этилган, улардан биргина Хайриддин Султоновнинг “Нукта” ҳикояси, гарчи у ҳам асосан ислохотчилик руҳи билан йўғрилган бўлса-да, мустаснодир.

Киссалар баёни самимий оғзаки сўзлашга яқин бўлган ҳикоя этиш услубида бўлиб, ҳикоячи ўқувчиларга юзланади. Бундан фақатгина тўпламдаги Улуғбек Ҳамдамнинг “Лола” ҳикояси фарқланади. Ушбу ҳикояда асар чиқиш қийин бўлган баланд тоғ чўққисида жойлашган ЛОЛАга етиш йўлида инсон чеккан машаққатлари, дуч келган рақобатлари ва содир қилиши мумкин бўлган жиноятларини ҳеч қандай ижтимоий ёки сиёсий бўёқлару сояларсиз тавсифлашга уринишда экзистенциализм ғоясини ифодалашда онг оқими қўлланилади. Бу борлиқнинг бутун моҳияти рамзи бўлиб, инсон унга эришиши йўлида ўзининг куч-қудрати ҳақида ўйлайди ва ҳаракат қилади. Ҳар сафар энди етдим деб ўйлаганида, мақсад сари йўл ҳали ҳам узоқ эканлиги аён бўлади, ундан бошқа минглаб одамлар ҳеч нарсага эриша олмай қулаб тушганлари маълум бўлади.

Араб адиби ўзбек ҳикоячилиги ҳақида

Мисрнинг Искандария кутубхонасидаги ҳикоянавислик устахонасига асос солган адиб Мунир Саййид Муҳаммад Утайба нафақат Мисрда, балки бутун араб оламида ҳикоянавис, романнавис, драматург, болалар адабиёти ёзувчиси ва адабиёт танқидчиси сифатида танилган. 1969 йили туғилган Мунир Утайба 1991 йили Мисрдаги Искандария университетини “жамиятишунослик” (“социология”) мутахассислиги бўйича битирган. Кейинчалик, 2009 йили Араб фан ва технология академиясида “бизнесни бошқариш” мутахассислиги бўйича магистрлик даражасини олган.

Адиб Мунир Утайба Миср ёзувчилари бош ҳайъатида янги китоблар таҳририяти раиси, Миср Маданият бош кенгашида ҳикоянавислик комиссияси аъзоси ва, шунингдек, Маданият ва адабиёт соҳасида турли кенгашлар ва ҳайъатлар аъзоси сифатида жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиб келади.

Муаллифнинг ўттиздан ортиқ бадиий асарлари ва адабиётишуносликка оид тақиқотлари нашр этилган. Бу қаторида “Ғунаймийлар ҳикоялари”, “Кавказ шерлари” ва “Могитос” номли романларни, “Маҳзунликнинг синиши”, “Даррахтдаги қон доғи” каби ҳикоялар ва “Ҳикоя руҳи” номли жуда қисқа ҳикоялар тўпламларини айтиб ўтиш мумкин.

Мунир Утайбанинг адабиёт танқидчилиги борасида икки йирик асари нашр этилган. Улардан бири “Романнинг ажойиб оламида” деб аталиб, роман жанрига бағишланган бўлса, иккинчи китоби “Ҳикоя муҳаббати ичра” деб номланади ва унинг жаҳон адабиётида ҳикоя жанрига бағишланган тадқиқотидан иборатдир.

Мисрлик бу адибнинг бир қатор асарлари юзасидан докторлик ва магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Мунир Утайбанинг “Ўзбек ҳикоялари. Жанр ва жамият дилкашлиги” (“Ал-қисса ал-қасира ал-узбекиёй... Ҳиварийят ал-фан ва ал-муҳтамаъ”) номли тадқиқоти унинг 2018 йил Искандариядаги “Дар ал-Афақ ал-арабийя” нашриётида чоп этилган “Ҳикоя муҳаббати ичра” (“Фи маҳаббати ал-қисса ал-қасира”) китоби (25–39-бетлар)дан ўрин олган.

Шунингдек, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Саф” ҳикояси ҳам уни ҳаётга ўхшатишдаги рамзий йўналишдир, ҳаёт бир саф бўлиб, унда инсонлар ёши каттадан кичикка қараб тартибланади. Улар тўйга ёки жанозага ана шу тартибда борадилар. Лекин ўлим саф тартибига қарамасдан хоҳлаганини олиб кетади. Сафда худди ҳаётдаги каби хушмуомалалик, адоват ва таъмагирлик бор. Тоғай Муроднинг “Бобоси ва набираси” ҳикояси эса мусаффо қисса бўлиб, билувчи ровийнинг виждонидан, лекин бобонинг ва набиранинг икки хил нуқтаи назаридан сўзланади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ёлғиз. Кичкина набира катта оламдан оз нарса билади. Бобо нафақага чиққанидан буён ёлғиз, гўёки ҳикоя ҳаётни бошланиши ва тугалланишини икки қавс ўртасига олганидай.

Абдулла Қодирий ҳикоясининг “мавҳум” эканлигини билади. Ҳикоя этувчи бола оила даврасида ўтириб, отасининг бир харобазордаги жинлар базмига бориб қолгани ҳақида эшитади ва сўнг уни ўз устозига сўзлаб беради, устоз эса унга бу ҳаёл ва ўйлаб топилган деб тушунтиради ва келгуси жума хутбасида ҳаёлнинг қандай юз бериши ҳақида сўзлашини айтади. Бола хутба эшитишга бориши ҳақида: “Агар вақтингиз бўлса, сиз ҳам келаси жума хутбасига келинг” (35-бет), дейди.

Ҳикоянинг сарлавҳаси остида “мавҳум ҳикоя” деб ёзилиши унинг бошланишидан ёзувчининг тарбиявий-маърифий мақсади борлиги билинади. Ёзувчининг ҳикоя орқали амалга оширишни истаган сўнгги мақсади фикрларни тозалаш, мавҳумликдан узоқ бўлган илмий фикрлашга ўргатиш ва тарбиялашдир.

Муаллифнинг “Ҳикоя муҳаббати ичра” китобида Миср, Баҳрайн, Тунис, Яман каби араб давлатлари билан бир қаторда Корея ва Ўзбекистон адабиётига мансуб бўлган ҳикоялар тўпламлари адабиёт танқидчилиги нуқтаи назаридан ўрганилади. Жумладан, у Кувайтда нашр этилган “Танланган ўзбек ҳикоялари”ни мутолаа қилиб, улардан таъсирланиб қуйидагиларни ёзади:

“Ўзбек адабиётидан ўқиганларимнинг барчаси бир китобдан иборат, холос. Мен уни икки марта ўқидим, чунки бу китоб бир неча бор ўқишга лойиқдир”.

Мунаққид ўз мақоласида “Танланган ўзбек ҳикоялари” тўпламини ташкил этувчи ҳикояларни икки босқичга бўлиб, таснифлайди. Биринчи давр совет даври бўлса, иккинчи босқич мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг бошланган даврдир. Унинг фикрича, “икки босқичнинг характери жамият муаммолари ва долзарб масалаларига мос келадиган адабиётни, уларни ифодалай олишини талаб этади, муаммоларни ҳал этиш йўлини қидирувчи, имкони бўлса уларни ҳал этишни таклиф қила оладиган адабиёт бўлишини талаб қилади”. Шу сабабдан мунаққид “бу адабиёт бугунги кунимиздаги адабиёт танқидчилигининг талабларидан келиб чиқиб эмас, балки ўша замон ва воқеалардан келиб чиқиб танқидий фикр билдиришимизни талаб этади, шундагина биз унинг қадр-қийматини, таъсирини ва умумий йўналишларини англай оламиз”, деб таъкидлайди.

Мунир Утайба тўпلامдаги ҳикояларнинг энг кўзга ташланарли жиҳати сифатида жамиятга танқидий назар билан қарашни кўрсатади. “Бу танқидий назар асосан ислохотчилик руҳида бўлиб, у ўзаро тушуниш, бирдамлик ва муҳаббат билан йўғрилган бўлиб, эътиборни тортади-ю, кўпинча жароҳат етказмайдиган нафис сатирадир”, деб таъкидлайди.

Мунир Утайба ўқувчи ўзбек ҳикояларини “ўқиш учун сарфлаган вақтига асло афсусланмайди”, дейди ва “янги дунёни, янги ҳаётийликни, ўзгача фикрлайдиган ва ўзгача ҳис қиладиган инсонларни кашф этиш учун” ушбу китобни ўқишга даъват этади.

Таржимон

Навбатдаги ҳикоя Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “Қор кўйнида лола” ҳикояси аввалгисидан ажралиб қолмайди. Ҳикоя қаҳрамони Самандар аввал савдогар бўлиб, тижорати касод бўлгач, суфийлик тариқатига хизматга бел боғлаган. Унинг қалби қари эшоннинг қароматига ихлос билан тўлиб тошган. У шайхга гўдак кизини турмушга худди қурбонлик қилаётгандек назр қилади. Бу маҳалла аҳлининг нафратини келтиради, лекин улар пичирлаб, отани ва эшонни лаънатлаш, қизчанинг келажагига аза очиб шарҳлашдан бошқа ҳеч нарса қила олмайдилар.

Ғафур Ғулом “Менинг ўғригина болам” ҳикоясининг сарлавҳаси остига “воқеий ҳикоя” деб ёзган ва асардаги воқеа ҳикоя сўзловчи ўн тўрт ёшда бўлганида юз берганини таъкидлайди. У ва укалари ота-онасининг вафотидан сўнг бувиси билан яшар ва улар жуда қашшоқ бўлишган. Шунга қарамай, ўғри уларнинг уйига тушади. Буви ўғрини тўхтатиб, “Эй, ўғригина болам” деб мурожаат қилади, сўнг у билан барчанинг қийин моддий аҳволи, касод, порахўрлик, камбағаллик ва тиламчиликнинг кенг тарқалгани ҳақида узоқ суҳбатлашадилар. Буларнинг барчаси Биринчи жаҳон уруши сабабли. Буви ўғрининг гапларига ишонади ва уни бир пиёла чой ичишга таклиф қилади. Уларнинг бор-йўқлари ана шу чой, холос. Буви бисотидаги ягона нарса катта қозонни олиб кетишни, уни сотиб оиласига, рўзғорига сарфлашни таклиф қилади, лекин ўғри рад этади ва кетади.

Ҳикоя суҳбат асосига қурилган, ундан мақсад камбағалларнинг аччиқ ҳаётини шарҳлаш ва бойлар билан таққослаш, ўғри бойларнинг уйига тушгани кўрқади, чунки уларни катта ит ва ўрис солдат кўриқлайди, у ўғрини ўлдириши ёки Сибирга сургун қилиб юбориши мумкин.

Абдулла Қахҳор “Адабиёт муаллими” ҳикоясида нафис санъатлар муаллими “илмни ҳамма нарса деб даъво қилувчи” аслида ниҳоятда жоҳил бўлган Боқижон Бақоев устидан нозик сатира орқали кулади. Муаллиф бу билан агар жамият тараққиётни истар экан, бундай иллатлардан қутулиши кераклигини таъкидлайди. Ана шундай сатирани биз Фарҳод Мусаҷоновнинг “Нозик масала” ҳикоясида ҳам учратамиз. Суҳбат асосига қурилган бу ҳикояда театр директори ва юморист артист ўртасида тортишув бўлади, артист томошабинларни кулдириш учун камчилик ва айбларни кўрсатишни истаса, директор “гуллаб-яшнаётган ҳаётимиздаги” камчилик ва нуқсонларни кўрсатмасликни хоҳлайди. Диалог сатирадан иборат бўлиб, директорнинг ғафлатда қолганини ва унинг ўзи артистга айланиб қолиб ўқувчини кулдириши учун сатира манбаига айланганини кўрсатади. “Ўша танқидни ёқтирмайдиган одамларнинг бирор айби бўлади. Шунинг учун айбининг фош этилишидан кўрққан учун танқидни ёмон кўради улар”. (104-бет.)

Ўткир Ҳошимов ўзининг “Ош” деб номланган ҳикоясида ҳар қандай зиёфатдан қолмайдиган Холиқ тажанг устидан кулади. Холиқ тажанг профессор Орифни ҳар сафар ошга қақриб унинг ишлаши учун фикр-зикрини бир жойга жамлашга салбий таъсир қилади. Оқибатда у Холиқ тажангга нисбатан кексин муносабатда бўлиб, у билан гаплашмай кўяди. Холиқ тажанг унга “чойхона”да очиқ-ойдин ташланиб қолади ва уни маҳалла аҳлидан ўзини юқори тутишда айблайди. “Профессор Обид Расулевич эса бу пайтда юраги сиқилиб, ўзи кашф этган янги бугдой нави ҳосилдорликни бир ярим ҳисса оширса, халққа қанча фойдаси тегишини ҳисоблар эди” (112-бет.)

Ўлмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз” ва Тохир Маликнинг “Ажаб дунё” ҳикояларига келсак, улар уруш ва унинг мусибатлари ҳамда улуғворлик ва пок виждон ҳақида. Биринчи ҳикояда Сарсонбойнинг ўғли урушда ҳалок бўлгани ва ўғлининг ўртоғи Ҳайдарали урушга кетишдан олдин иккита кўйни унга боқиб туриш учун омонат ташлаб кетгани ҳақида. Иккита кўйни боқиб, унинг урушдан қайтганида уйланишидаги тўйида сўйиш учун семиртириб туришга қолдирган эди. Бироқ Ҳайдарали йигирма йил мобайнида урушдан қайтмайди. Ҳайдарали ташлаб кетган кўйларининг сони кўпаяди, у ҳар ҳафта бозорга бориб эҳтимол Ҳайдаралини

учратиб қоларман, омонатини топширарман деб кутади. Қисса охирида, киши қалбининг тубида урушда дўсти билан бирга ҳалок бўлган ўғлининг қайтишига, ёки ўғлининг Сталинграддаги қабрини бориб кўриш ҳақидаги васиятини адо этишга умид бор.

“Ажаб дунё” ҳикоясида Йигитали урушда бир оёғидан айрилади, кишлоқда чўпонлик қилади. У ўзи ишлаётган колхоз аҳлини золим раис ҳузурига етаклаб, беш кун колхоз учун, икки кун ўзлари учун бугдой ўришга ундайди. Йигитали урушдаги дўсти Рамазоннинг болаларини бориб кўришга қатъий жазм қилади. Хотинига уйдаги бор ундан нон ёпишни буюради ва нонни олиб, ҳалок бўлган деб ўйлаган дўстининг болаларини кўргани отланади. Кейин билса, дўсти тирик, бошқа шаҳарда нон тарқатувчи бўлиб ишлар, одамларга ўта кўрс ва шафқатсиз муомала қилар экан, нонни ўзи учун олиб қолар экан. Йигитали эса ўзи билан олиб келган нонларни ўғли урушда ҳалок бўлган ва набиралари оч бир кекса кампирга беради. Йигитали ўз колхозига қайтади ва орденга сазовор бўлади. Рамазон эса халқ мулкани ўзлаштиргани учун қамокқа тушади ва ундан ёрдам сўрайди.

Йигиталининг виждони камбағаллар манфаатига хизмат қилишга ундайди, биз буни колхоз раисига қарши бош кўтаришида ҳам, кекса кампирга шаҳиднинг болалари есин деб нон берганида ҳам кузатамиз. Ҳикоянинг асосий ғояси шундан иборат.

Омон Мухторнинг “Оппок қор” ҳикояси учун ҳам уруш мусибатлари мавзуси танлаб олинган. Бу ҳикоя ғайриодатий тарзда баён этилади. Сухбатдаги жумлалар узилиб, тўхталишар юз беради, ўқувчи ўзи қаҳрамонни ҳис қилганича ҳикояни якунлаши керак бўлади, бу эса ўқувчини ҳиссиётда ноқулай аҳволга солади. Нўъмонхон ўғлини урушда йўқотади, сўнг ўғай она ҳайдаб юборган етим болани учратади, ва уни йўқотган ўғли ўрнига ўз фарзандидай тарбиялайди. Фарзанд улғаяди, уйланади ва бола кўради, ҳаёт давом этади. Ҳикоя урушнинг мусибатлари ва офатларини баён этиш билан бир қаторда ҳаёт ҳеч нарсага қарамай, давом этишини кўрсатади. Ҳикоянинг сарлавҳаси муносиб эмасдек туюлди, ҳатто қорни оппок деб тавсифлаш ҳам ортиқчадек, чунки ҳар қандай қор оқдир.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Бешик” ҳикояси Ғанижоннинг тирик виждони ҳақида. У янги туғилган чақалоқ учун бешик харид қилгани район марказига боради, лекин йўлда ундан ёрдам сўраган шахсни кўради, хуркиб кетган от тез чопиб кетади. Ҳалиги киши нима хоҳлаётганини билиш учун ортга қайтади, лекин уни топа олмайди. У уйга ўша киши ҳақида ўйга толиб қайтади: эҳтимол касалдир ёки жароҳат олгандир деб ўйлаб, ухлай олмайди. Отхонага бориб, отни олиб ҳалиги жойга яна қайтиб бормокчи бўлади. Отбоқар Насибалини учратади, у ўзи ишора қилганини айтади, Йигитали кўнгли жойига тушиб, ўғли учун харид қилган бешигидан хурсанд бўлади. Ҳикоя ўзгаларга ёрдам бериш, фақат ўзи билан банд бўлиб қолмаслик ҳақида. Бу ўзлигини кураётган халқлар учун жуда керак бўлган кадриятдир.

Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикояси тараққиёт сари интилган ҳар қандай халқ учун тилнинг аҳамияти, унинг муҳимлиги ҳақида. Бобуршоҳнинг ўғли Султон Ҳумоюнга юборган мактубида юрт бошқарувининг тамойиллари, унинг қийинчиликлари, муаммолари ва курашлари ҳақида сўз юритилади. Унга араб ёзувининг туркий тилларда сўзлашувчи халқлар учун ислоҳ қилиш зарурати ҳақида ёзади. У Бобуршоҳнинг ўзи ихтиро қилган “Хатти Бобурий” ҳақидадир. Бироқ Бобуршоҳ бу лойиҳани амалга оширишда муваффақият қозонмайди, чунки уламолар унга қарши чиқиб, Куръон тили бўлган араб тили ёзувини ислоҳ қилишга қаттиқ қаршилиқ қиладилар. У қанчалик кучли ҳукмдор бўлмасин, уламоларга қарши чиқиши унинг манфаатига хизмат қилмайди, чунки бу уламолардан ҳар бирининг ортида юз минглаб одамлар намоз ўқийдилар.

Қайнона-келин муносабати тўпламдаги икки ҳикоянинг мавзусидир. Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” ҳикоясида етти ўғилнинг онаси Фармонбиби олти

ўғлини уйлантирган, унинг еттинчи ўғли эндигина уйланган, янги келин Инобатнинг тили узун, исёнкор. Уйда онанинг ҳукми ўрнатилган, ўртанчи келин “шпион”, Инобат барчани онага қарши исёнга чорлайди. Она таслим бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўз ҳолига қўяди. Шундан сўнг ўз ҳаётининг, шунингдек, барчанинг ҳаёти яхшиланганини сезади. Ўртанча келинга “шпионлик”ни бас қилишини буюради. Ҳикоя оғзаки сўзлаш услубида баён этилган, унда ижтимоий сатира ҳисси бор, эркинлик ва ҳуррият эса зўрлик ва босимдан яхшидир, ҳатто босим ўтказувчининг ўзи учун ҳам деган фикр таъкидланади.

Наргиза Ғуломованинг “Шаҳарлик келин” ҳикоясидаги ўғилнинг хотини итоаткор ва барча вазифаларини бажаришига қарамай, қайнонанинг ундан кўнгли тўлмайди, чунки келин уни “ойижон” деб атамайди, бу эса қишлоқдаги энг муҳим белгилардан бири. Келин бўйида бўлгач, қайнона унинг ишларини, юмушларини унга айтмасдан қилади. Келиннинг қишлоққа нисбатан ҳиссиётлари ўзгаради, шаҳарни унутади ва қишлоқнинг тоғларини, гўзал тонгини ва ҳавосини севиб қолади, қайнонасини “ойижон” деб чақиради. Гўёки келажак чақалок, агар биз унинг келишини ҳис қилсак, у ҳақида ўйласак, у бизни бирлаштиради ва орани яқинлаштиради.

Нормурод Норқобиловнинг “Камалак” ҳикояси оламни кўриш учун боғчадан қочган боланинг таъсирли тажрибаси ҳақида. У бир гал балиқ тутаетган болани кўрса, кейинги гал камалакни кўриб ортидан уни ушлаб олиш учун кувади. Боланинг хотиралари орқали унинг бувиси билан бўлган самимий меҳрибон алоқаларини, унинг вафотидан сўнг уни йўқотганини биламиз. Ота-онасининг бандлиги туфайли у ёлғизликни ҳис қилиб боғчадан қочади. У боғчада зерикади, шу сабаб ундан қочади. Ҳикоя ниҳоясида бола бувиси ва тарбиячини таққослайди, бувиси уни камалакка олиб борса, тарбиячи уни боғчанинг тор оламига қайтаради.

Носир Фозиловнинг “Кўкёл” ҳикояси кўк юнгли бўрини қувиш, уни чавандозлар ва овчи итлар орқали йўқ қилиш ҳақидаги чўпон қиссасидир.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Энг юксак чўққи” ҳикояси саодат ва юксак руҳоният билан сўзланаётган ҳаж тажрибаси ҳақидаги мақолага яқинроқдир.

Ойдин Ҳожиеванинг “Рамазон” ҳикояси болалар қиссасига яқинроқ бўлиб, болаларнинг баъзи беғубор ўйинлари ҳақида, масалан, йиғи онасини ўз айтганини қилдириш учун қуролдир. Бу асарни биз тўпламдаги энг заиф ҳикоя деб аташимиз мумкин, чунки унда тўпламдаги бошқа ҳикоялар каби чуқур мазмун мавжуд эмас.

Ўқувчи ушбу китобни бир марта ва бир неча марта ўқиш учун сарфлаган вақтига асло афсусланмайди. У янги дунёни, янги ҳаётийликни, ўзгача фикрлайдиган ва ўзгача ҳис қиладиган инсонларни кашф этади. Лекин у ана шу инсон билан чуқур алоқада бўлиб, унинг, яъни ўқувчининг инсонийлигини оширади.

Араб тилидан
Маҳмуда САЙДУМАРОВА
ўгирган



Маҳмуда САЙДУМАРОВА – 1990 йилда тугилган. Подшо Сауд университетининг (Саудия Арабистони, Риёз) инглиз филологиясини тамомлаган. “A Collection of Uzbek Short Stories” (“Танланган ўзбек ҳикоялари”) китоби АҚШда (Индиана, Блумингтон) нашр этилган. Илмий мақолалари ва таржималари матбуот нашрларида, илмий-адабий журналларда чоп этилган.

Унга асир бўлдим пинҳона



**Сирожиддин
ИБРОҲИМ**

* * *

Умрнинг йўллари кучганига шод,
Юракнинг энг оғир одимларини.
Ўзига мадҳия тўқитар ҳаёт –
Алдаб дунёнинг гўл одамларини.

Бир овоз бўзлайди кимгадир мушток,
Бормисан дунёда, кўлларимдан тут.
Ушбу манзилда ҳам йўл топмас адоқ –
Юрак одимлари ёкиб ўтар ўт.

У излайверади бир валломат дўст,
Ҳамма телбалик деб атар ишини.
Қароқлари аро тошган дарёга,
Бўзлаб айтаверар мунглиғ тушини.

Одими бунчалар оғир бўлмаса,
Умр йўлларини эзар товони.
Энг фузун дардларга дунё тўлмаса,
Бу оғир юракнинг битмас армони.

Уни афв этинглар бедор оқшомда,
Шеърларни меҳмонга чорлаган диллар.
Ва ўзини атаб ҳар турли номда,
Карашма айлаган ишқи йўқ гуллар.

Сирожиддин ИБРОҲИМ – 1993 йилда тугилган. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси. Шеърлари ва публицистик мақолалари матбуот нашрларида, жамоавий тўпламларда чоп этилган.

Бу оғир юракнинг оғриқлари мўл,
Бағрин ерга бериб, ётар юзтубан.
Сабр қирғоғидан тошганида сел,
Васлидан ўзгасин олмагайдир тан.

Ташқари оламда ўзгача ҳаёт,
Қорни тўқлигидан бахтлилардир жам.
Умр йўлларига бўлиб кетди ёт,
Юракнинг энг оғир одимлари ҳам.

* * *

Қилмасди ҳеч кимни безовта,
Кўзёши оқмасди шашқатор.
Соғиниб яшарди у зотан,
Кимнидир, ненидир, дилафгор.

Қўяди синикроқ жилмайиб,
Одамлар қаҳқаҳа отганда.
Осмонга боқарди хўрсиниб,
Ёлғизлик жонидан ўтганда.

Оз қолди дер эди пичирлаб,
Демакки, шубҳасиз кутарди.
Ўзини этгали буткул забт,
Унга бир ишора етарди.

* * *

Нигоҳи оламдан ўтгандир,
Кўрмагай у қуйнинг кўзларин.
Тупроқ сақлаб турмас изларин
Ва еб кун кечирар муттасил,
Айтиши шарт бўлган сўзларин.

Ўзидан ўзибку кетмайди,
Келмайди ўзига яқинроқ.
Висолнинг тотини билмайди,
Билмайди – нимадир ал-фироқ.
Ўйлаб ҳам кўрмаган дунёда
Ўзидек кас борми ёки тоқ?

Парвосиз етаклаб юрар вақт,
Ўлганмас, ўртанмас, ўрганмас.
Унинг қарашида онасин,
Сийратин бир киши кўрганмас.
Умрида сира қарз олмаган,
Қарзга ҳам ҳеч нима берганмас.

Сигиниш онидан беҳабар,
Тавбала лол-хайрон турганмас.

Нишонлик бахтидан мосуво,
Ҳеч қачон нишонга урганмас.

* * *

Хонамдаги чирок нурлари хира,
Йўл топиб киради уйга изғирин.
Беҳол ҳамда ялқов таъбимга кўра,
Ерда йиғилмасдан турибди ўрин.

Ҳозир ўқиб бўлдим юрагим мисол,
Дўстим “Ёш Вертернинг изтироблари”н.
Инсонга бутун бахт, наҳотки, увол,
Соф қалблар кувончи бенаво, ярим.

Сўнг эса ранжийман сиздан, ўзимдан,
Агарда бўлсайди севгимиз тўқис.
Ҳатто, ҳеч нимасиз яшардик бекам,
Ундан мадад олиб, сеҳрланиб биз.

Демак, нолимоққа йўқдир ҳаққимиз,
Азобга ўзимиз этганмиз маҳқум.
Менинг қароғимда томчи ёш – юлдуз,
Сизчи, уйингизда йиғлайсиз юм-юм.

* * *

Совуқ хона, жунжикар этим,
Юрак бурчин адо этар кўз.
Ёлғизликка шарҳи ҳол этдим,
Бошим узра у чекди афсус.

Бола эдим: ўйчан ва ғамгин,
Ўйин, эрмак эди бегона.
Бир ғуссага тўлганди ичим,
Унга асир бўлдим пинҳона.

Қалбим мендан худбинроқ чиқди,
Борлигини турди билдириб.
Аямади, ишққа йўлиқди,
Бор сурурни қўйди сўлдириб.

Ва ўзини кимга бахш этса,
У бўларди менинг ҳасратим.
Йўлларига йиғлаб кўз тутса,
Келмаслигин билдим, айтмадим.

Шу зайлда кечди йилларим,
Шундай ўтар умр – сезаман.
Қалб тирикдир азоб билан чин,
Ҳавочинин қандай узаман?

Ожиздирман, бори-йўғим шу,
Қалб яшасин, мен-қу қолмадим.
Севмоқликни эплай олдим,
Севдирмоқни ўрганолмадим.

* * *

Осмон берган қўшиқларни қуйлайвергин,
Умр ҳақда ҳасдан ҳикмат тинглайвергин,
Бу дунёга сиғмайвергин, сиғмайвергин,
Ҳаёт – тушдир. Ва бу туш ҳам тонг отгунча.

Ўртанганда кўзёш тўккин, улар нурдир,
Кўзёшларнинг парвозида ишқ энг хурдир,
Боқма улар. улар бари бешуурдир,
Қуйлайвергин тош юраклар қон ютгунча.

Эртак дема ботирларнинг ҳаётини,
Навоийнинг ишқдан бунёд баётини,
Бу йўқликлар билмагайдир ўз отини,
Улар базми тонгу шомдан бир ўтгунча.

Оқ кўнглингда оқ дастурхон тузатгин сен,
Меҳр ортган карвон келар, кузатгин сен,
Муҳаббатла жомларда май узатгин сен,
Сухбат этгин дийдор сари йўл кетгунча.

Бағринга бос, Худонинг хас-хорларини,
Бахши дилнинг бўғиб қўйма торларини,
Ўзи йўқлар муштоқ бўлган ёрларини,
Қўшиқ айтгин, ошиқ бўлиб то етгунча.

Борар ишқ йўлларим қадимий бўлсин



Юлдуз
ЎРМОНОВА

* * *

Ошиқларга тилмоч керакмас,
Ошиқларнинг тили биттадир.
Ҳар юракни айлагувчи маст,
Қўшиқларнинг тили биттадир.

Бир-бирини тушунар сўзсиз,
Кўнгли яраларнинг фарқи йўқ.
Миллион йилки тили бир, ҳаргиз
Ичи қораларнинг халқи йўқ.

Жумбоқ олам тиллари аро,
Она тили барибир яхши.
Энг хушрўйи ўзи доимо,
Энг тенгсизи, энг ҳузурбахши.

Шундай қилиб, кўзларимизни
Тушунамиз она тилида.
Ёрга айтар сўзларимизни
Туш кўрамиз она тилида.

* * *

Ҳарсанг каби ҳасратларда ипак сабрим билан ёндим,
Оғрина-оғрина толдим, соғина-соғина толдим,
Суянч керак бўлган чоғлар ўзим билан ўзим қолдим,
Манзилга етмадим сира, йўллар мудом тушди айро,
Қашқадарё.

Юлдуз ЎРМОНОВА – Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. 1995 йилда туғилган. ЎзЖОКУ Олий журналистика курслари магистратура босқичини тамомлаган. Шоиранинг "Уйгоқ юлдузлар" номли шеърый китоби чоп этилди.

Ҳеч кимса кўрмади ҳаргиз ичимдаги чин йиғини,
Эшитмади сукутдаги кўзларимнинг қўшиғини,
Билмади дил андуҳини, юрагимнинг чандиғини,
Йиғласам кўзёшларимга чўкиб кетмасмисан, аё,
Қашқадарё.

Шамолдай шаббоданг, шароб ичятганга ўхшайман гоҳ,
Кўксимга отилиб келсанг қучятганга ўхшайман гоҳ,
Учятганга ўхшайман гоҳ, учятганга ўхшайман гоҳ,
Йиқилмагин, синмагин ҳеч мендай, хўрсиниқлар аро,
Қашқадарё.

Харсанг каби ҳасратларда ипак сабрим билан ёндим,
Оғрина-оғрина толдим, соғина-соғина толдим,
Суянч керак бўлган чоғлар ўзим билан ўзим қолдим,
Манзилга етмадим сира, йўллар мудом тушди айро,
Қашқадарё.

* * *

Рухимни ортмоқлаб, сирлашиб,
Судраб-судраб бораман уйга.
Уйғоқ умидларга эргашиб,
Мудраб-мудраб бораман уйга.

Йиқиламан ерга кастюмдай,
Елкамдан тутмайди бир илгич.
Дўстлик топилмайди, дўстимдан
Топилади миллион кулгич.

Илиниб боради кўзларим,
Қўлларин тутади туйғулар.
Бу мудроқ дунёда он сари,
Уйғотиб боради уйқулар.

* * *

Бир кафт тупроқ заррасидан
Кўзи осмон яратганга,
Сенинг эгри қовурғангдан
Рухи равон яратганга,
Сенга эмас, Яратганга,
Сенга эмас, Яратганга
Ошиқман бир, ошиқман жим,
Ошиқман зўр, Хур ошиқман.

Киприкларнинг ҳусни хатин
Ҳаргиз ўқишни билмассан,
Йиқар кўкнинг муҳаббати,
Гарчи кўркишни билмассан,

Азал ёзар ишқ ҳикматин,
Ҳар бир томчи сиёҳига,
Ошиқман бир, ошиқман жим,
Ошиқман зўр, бил ошиқман.

Най қамишдандир қаламим,
Мудом йўлдош, асо менга.
Ўзи Айюб, ки, малҳамим,
Ўзи мисли Мусо менга.
Қилич келсада бош эгмас
Бошқани кўрмадим, шундан
Ошиқман бир, ошиқман жим,
Ошиқман, кўр, кўр ошиқман.

Меҳр оби ҳаёт ахир,
Хароб этсанг уволмасми?
Ҳақни севган бандасини
Севолмасми, севоламасми?
Бу ишқ сен учунмас асли:
У учундир, унинг учун,
Ошиқман бир, ошиқман жим,
Ошиқман зўр, ул ошиқман.

* * *

Кипригимни тўқди бир-бир,
Соғинчнинг найчилари.
Бўлиб оғир, бориб охир
Кўксимни қайчиладим.

Кафтимга шир қуйилди сел,
Тўкилди қанча ҳасрат.
Кўзимда уммон битмиш ул,
Муҳаббат томчилари.

Ичимдан – қафасдан олиб,
Учирдим дилни кўкка.
Зотан Кўкдан ўзга содиқ
Дилдошга ёлчимадим.

Дунёнинг рўёбидано,
Рўёси кўпроқ экан.
Вужудим бўлди кенг саҳро,
Ялангқалб қовжирадим.

Изларим кузакранг бўлди,
Сўзларим юракранг бўлди.
Ҳар тиканни юрак билан
Индамай янчиладим.

* * *

Кўксим уфқида ниҳон,
Бағри қон бўлдим чунон.
Омонманми, беомон –
Даргумон бўлдим чунон.

Осуда оловландим,
Озурда қаловландим,
Бунчалар қаловландим,
Саргардон бўлдим чунон.

Қалбимни қамал қилмиш,
Азалдан-азал қилмиш.
Барин бесамар қилмиш,
Сирга қон бўлдим чунон.

Битмади ҳеч хиёнат,
Ичимдаги қиёмат,
Ҳарён этиб зиёрат,
Бемақон бўлдим чунон.

Бир бор, бир он суюндим,
Сўнгра, минг бор куюндим,
Сабоҳда нурдай тиндим,
Сўнг, хуфтон бўлдим чунон.

Дунё бунча ёмона,
Яхшилар қай томона,
Неки, бўлсам ҳамона,
Ногаҳон, бўлдим чунон.

* * *

Бир гўзал уйқу бер уйғотадиган,
Сени кўрмоқ учун кўзларим юмай.
Бир гўзал туйғу бер қуйлотадиган,
Тупроқ остида ҳам сўз бўлиб унай.

Бир гўзал кулгу бер йиғлотадиган,
Ҳақиқий, табиий, самимий бўлсин.
Художон, белги бер Буруқ отида
Борар ишқ йўлларим қадимий бўлсин.

Бир гўзал уйқу бер уйғотадиган.
Сени кўрмоқ учун кўзларим юмай...

“Мен”

Ҳикоя



Умид АЛИ

1

Мен туйкус йўлни йўқотиб қўйдим.

Йўл юриб-йўл юриб қай манзилга келиб қолганимни билмай ҳалакман. Шаҳар-кишлоқлардан, тоғ-тошлардан, қир-адирлардан, ўрмонлардан, чўлу биёбонлардан, денгизу уммонлардан ҳайиқмай, ётсирамай-ёвсирамай юриб келган одам шу ерга етиб, гангиб қолдим. Чор-атрофга аланглайман: кимсасиз жойлар. Одам жон сақлаши мушкул. Кета-кетгунча яйдоқ дашту дала. Бош – охири-да йўқ. Бу ерда бир сония тўхтаб қолсанг, жинни бўлишинг ҳеч гапмас. На одам сиёғи бор, на ҳайвон туёғи. Ақалли ҳашарот кўзга ташланмаяпти-ку? Набототни гапирмай қўя қолай. Ер аллазамонлардан бери сувсизликдан қақраб тош қотган. Қизиқ, дунёда қор, ёмғир тусини кўрмайдиган бадбахт жойлар ҳам бор экан-да? Тириклик сув билан. Шу учун жон нишонаси кўринмаяпти бу катқалоқ ерда.

Илкис кўнглимга шубҳалари бор ўйлар келади: “Мендан бурун бу ерларга бирор кимса келганмикан? Мен босиб келаётган излардан аввал бошқалар ҳам оёқ изларини қолдиришганмикан? Йўқ, ўхшамаяпти. Из бўлганда кўзга яққол ташланган бўларди. Кўзларимга парда тушдимикан? Ҳолдан тойдимми ё? Ё шамол гарду ғубор билан супуриб-сидириб ташладимикан? Йўқ, ҳар қандай изни ўчириш мумкин. Аммо одам изини йўқотиб бўлмайди. Умуман тирикликдан қолган нишона бу дунёда ҳечдан-ҳеч йўқ бўлиб кетишига ишонмайман. Мавжудот мавжудлигини кўз-кўз қилгандай махлуқот ҳам ҳечкурса бир из қолдириб кетади. Гулдан ифор, янтоғу тикандан ниш, тирикликдан эса овоз.

Умид АЛИ – 1978 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Дилмоҳим”, “Салом, ширин туйғулар”, “Кўкка йўл”, “Қора шаҳзода”, “731-қадам”, “Кўнгилга сайр» каби шеърий ва насрий китоблари нашр этилган.

– Эҳе-ҳе-ҳеёй!

Мен берган нидо еру осмон орасига сингиб боради. Ҳаво парчалаб ташлайди. Мен эса яна осмонга қараб сас бераман:

– Эҳе-ҳе-ҳеёй!!!

Тагин шу ҳол... парчаланиш...

Онамнинг айтишича, чақалоклигимда уйни бошимга кўтариб йиғлаганларим чинқириқларга айланиб, ер-ку ер, кўк бағрини-да ёриб ташлаган экан. У ғуборсиз пайтлар овозим нур тезлигида кўкка етиб борган. Мен чақалокдан фалак ҳамиша ҳайиқиб турган экан. Билмадим, чўпчакдай эшитилади-ю, аммо менинг ишонгим келади бунга. Кейин-кейин нима сабабдандир овозларим етиб бормай қолибди самога. Ҳайронман, болалигимда кучим етган нарсага тоғни талқон қиладиган ёшга етганимда кучим етмаса-я? Ғалати. Жуда ғалати.

Мана не мақсадда, не истакда йўл бошлаганим англашилди. Ахир овозимни излаб йўлга чиқмадимми? Ўша бир пайтлар овозларим етиб борган осмонни кўзлаб уйдан чиқмаганмидим?! Чин, фақат уйдагиларга бу тўғрида лом-мим демадим. Азонда оёқ илсам, шом кўнмай қайтаман, бир кунлик фурсатни деб яқинларинг юрагига хавотир солишнинг нима кераги бор, дедим-да?! Энди аён бўляптики, осмонга етиб бориш учун бир кун у ёқда турсин, бир умрлик вақт ҳам камлик қиладигандек туюляпти. Менга йўл кўрсатажак – юрагингдаги нурга қараб юраверсанг, бир кунга бормай етиб оласан манзилингга дейишганди-да. Ким дейсизми? Ўзим-да! Шу онгача юракдан таралиб турганди-да нур. Кўкқис қаергадир сингиб, гумдон бўлганига ҳайронман.

Тушунтириб берай. Тушимда қиёфамга кирган бир зот қошимга келиб, осмон сари юришни, бу бор-йўғи бир кунлик йўл эканини айтди. Агар ўйу хаёлимни жамлаб, фақат шу – овоз ва овозим етиб борган осмон ҳақида ўйлаб, бу ўйдан оғишмай уқтирди. Менга савол бериш имкони йўқ эди, амрга бўйсунिशгина бор эди, холос. Сафарга чиқишдан ҳожат нима – ҳамон англаганимча йўқ, аммо Мен чекаётган машаққатлар, йўл укубатлари, сарсон-саргардонликлардан укаётгандекман – қачонлардир қалбдан юлқиниб қочиб кетган “Мен”ни излаётгандекман. Шу. Не ажабки, йўл бошлаб бораётган юрагимдан сизилиб тушаётган нур ўз-ўзидан ғойиб бўлди-қолди. Энди қай ён оёқ қўяй? Қай тарафга қараб юрай? Манзилимга яна неча тош йўл бор?

Йўлни йўқотиб қўйдим... Ўз юрар йўлимни йўқотиб қўйдим.

– Эҳе-ҳе-ҳеёй!

2

Сен тўсатдан гум бўлиб қолдинг. Чоғроққина хонанг, ётоғингнинг чоракча қисмини эгаллаб турган симтўр каравотинг бўм-бўш эди. Сен йўқ эдинг.

Ажабо!

Ҳар сахар уйғонганингда тўшагингни тартибга келтириш, хонанг деразасини очиб, тоза ҳаво киритиш истагида муштипар кампир – бир бурда бўлиб қолган онанг инқиллаб-синқиллаб ичкари кириб келарди. Бу гал не кўз билан кўрсинки, одатга хилоф иш бўлган эди. Сен сахармардонлаб туриб аллақерга даъф бўлгансан, бироқ хонанг деразаси очик, дарпардаларни хилпиратиб елиб кираётган ҳаво салқинлик уфурар, тўшагинг эса батартиб эди. Онанг донг қотди. Чунки ҳеч маҳал Сен ундан барвактроқ уйғонмасдинг. Бу пайтга қадар бу мубҳамлик юз бермаганди. Мушфика

онанг саломга ошиқаётган келинчакдай хилпираётган дарпардаларга беихтиёр кўз ташлади, сўнг деразанинг қия очик дарчаларига қўл юбориб, кенг ёзди. Юзларига шабаданинг майин, совуқ нафаси урилди. Меҳрибонинг ичкаридан ташқарига боқди. Кўзлари Сени излади. Аммо топа олмагач, шошиб эшикка йўл олди.

– Тавба! Бунақа одати йўғийди-ку? Қаерга гум бўлди бу бола?”

Онаизор юрагига ўт тушди.

Сен гўрсўхта, онанг хонумонига ўт тушгудай бўлиб лошингни ҳамма ердан қидира бошлаган пайт мусофирлик камарини белга боғлагандинг. Аён, ўйу хаёлинг юрагингни, жисму жонингни қамраб олган бир истак билан банд бўлган кезде онангни ёдингнинг бир чеккасига ҳам келтирмаган эдинг. Йўқ-йўқ, Сен нотавон банда ғанимат бўлиб бораётган волидангнинг рози-ризалигини олиш, дуосига ғарқ бўлиш ўрнига, кўнглинг истагини қондириш ўйида эдинг. Сен ўз овозингни ва овозинг етиб борар осмонни кўзлаб кетаётгандинг.

Сен довлонлар, тоғу тошлардан ошганингда, чўлу биёбонлар, денгизу уммонлар аро кезганингда онаизоринг сени сўраб юз киши қошига юз карра борди, юзта жойга юз чандон оёқ босиб қайтди. Шўрлик эгилиб-букилиб кетса-да, оёқлари майишиб, лату жароҳат олса-да юришдан тўхтамади. Сени излади. Сени!

Онаизоринг нонуштага Сен доим ёктирадиган хушбўй ширгуруч пиширганди. Инжиқлигинг унга беш қўлдай аён эмасми, кечадан қолган сутга эмас, янги соғилган сутни қайнатиб, доналаб териб қўйган оппоқ гуручни солиб, аралаштириб тайёрлаганди. Буғи куюқ кўтарилиб, ҳиди димоқни қитиклайдиган ширгуруч устига бир қошиқ сариёқни қуяркан, сени чакириб қолди-ку:

– Эйй! Болам! Эйй!

Овоз кўкка ўрлади. Шамол уни чангаллаб олди.

Онанинг кўнгли болада, боланики далада...

Зеҳн солганмисан, биласанми? Онанг сенга мурожаат қилганида, ҳар бир калимани айтаётиб “болам” дейди. Унинг лутфи марҳамати “болам” билан бошланиб, “болам” билан тугайди. Сен-чи? “Меҳрибоним, ғаниматим, ғамхўрим” дейсанми? “Онажон” дейсанми лоақал? Қаёқда? Ҳимматинг ошса, “она” дейсан, холос. Меҳрибонингга меҳр бериш сабоғини олмаганингни тан олгинг келмайди. Бироқ меҳринг йўқ. Бўлганида волидангни хавотирга қўймаган, унинг сандирокланиб ҳар ерни кезиб чиқишига йўл бермаган бўлардинг.

Сен хавотиру ҳадиклар манзилида қолдирганинг – шўрлик онанг кўзи тўрт бўлиб, илҳақ бўлиб кутяпти. Унинг тобора вазминлашиб, эзилаётган юраги, хавотиру ҳадиклардан чўкиб, мунг қоплаётган кўзлари, сени чақиравериш қақраган тили чорлаётир:

– Эйй! Болам! Эйй!

Шамол – ҳаммол. Миллион-миллион овозларни ўз эгаларига етказгани каби онаизоринг нола-ю-фиғонини дилбанди – Сен томон етказишга ошиқмоқда. Сен илғамаяпсанми? Эшитмаяпсанми? Онанг юрак-бағри эзилиб, сени чорлаётганини наҳот сезмаяпсан?

Ҳа, йўлдасан. Юрагингдан сирқиб тушаётган ингичка нур осмон узра йўл бошлаб бораётган эмиш. Бу ҳам йўл ярмига келганда ўз-ўзидан ғойиб бўлибди. Ҳозир қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бир кимсасиз жойда ҳайкал янглиг турган эмишсан. Ўйу хаёлинг, ҳушинг ўша – бир вақтлар чақалоқлигингда олов чинқириқларинг бағрини ёрган осмон эмиш. Ҳануз шу истакдан воз кечмаётган экансан.

Йўлдан адашиб, юрар йўлни йўқотиб қўйгансан. Онанг тинмай чақираётир:
– Эйй! Болам! Эйй!

Ҳаммол – шамол оғирдан-оғир бу садоларни, нидоларни Сен томон қўтариб
елиб бораётир.

3

У каерга даф бўлганини бирор зоғ сезмай қолди.

Ғалати. Жуда ғалати. Бор бўлганида борлиги билинмасди. Энди йўқ бўлиб
қолганида йўқлиги аён бўляпти. Борликнинг йўқлиги, йўқликнинг эса борлигига
унинг кўни-қўшилари, маҳалладошлари, қариндошлари илк бор шоҳид
бўлишаётганди. Ўзи камдан-кам ҳолларда У эсга олинарди. Бугун унинг ғойиб
бўлиб қолгани бутун қишлоққа равшан бўлгач, ғамирламаган одам қолмади.
Борлигида кўча-кўйда тез-тез кўзга ташланиб тургани учунми, на қизиқадиған, на
сўз қотадиған, на ҳазил-хузул қиладиган яқин-ёртилар бу гал У ҳақида тортишди,
мунозаралар қилишди:

- На бировга зиёни тегарди, на нафи...
- Ўзи қўй оғзидан чўп олмаган боладай эди-да...
- Тавба, шундай беозор одам ўз-ўзидан гум бўлиб ўтирса-я?!
- Қаердан излаймиз энди, онасининг бўлари бўлди, топиш керак?
- Кеп қолар. Онасини деса келади.

Ҳаммага бу фикр маъқул бўлди. Оломон наздида У волидаи мухтарамасига
нисбатан меҳрибон, мушфиқаси учун яшаётган фарзанддек туюлди. Чунки шу
пайтга қадар унинг онасига гап қайтарганини, ўдағайлаганини, жеркиб берганини
ҳеч ким кўрмаган, эшитмаган, сезмаганди. Ўта ювош бўлганидан кўча-ку
кўча, уйдан ҳам уни чиқмасди. Одамлар онасини яхши кўрган фарзанд келмай
қолмаслигини ўзларича башорат қилиб тарқалдилар.

Онаизор эса мунғайиб қолди. Ўжардан ўжар, қайсардан қайсар, худбин ўғилнинг
кўрсатажак кароматлари мушфиққагина маълум эди. У нени истаса, то ўшанга
эришмагунга қадар тинчимайдиган фарзанд эмасми, шунга волида ўғлимни мана
шу мардум йўлдан қайтариб олиб келади дея ишонганди. Бўлмади.

Қаттол ўйлардан, симирилган ғаму мунгларданми, бирдан онаизорнинг юрагига
оғриқ кирди. Чап кўксини чангаллаб, аламли товуш берди:

– Эйй! Болам!!! Эйй!

* * *

У чўкка тушиб, қатқалоқ ерга бармоғи билан у-бу сўзларни ёзиб ўтирганди.
Тўсатдан аллақаердан елиб келган шамол увиллаб ҳамма ерни тўзиб ташлади.

“Эйй! Болам!!! Эйй!”

У шамолнинг аччиқ ғувуллашига ортиқ тоқат қилолмай, кафтлари билан
қулоқларини беркитди. Кўзларини чимма юмди. Шу кўйи канча муддат ўтирди,
билмайди, аммо бир пайт кўксининг чап тарафи қизиби кетганини ҳис қилди.
Юрагида аланга уйғонгандек бўлди. Кимдир унинг кўксини ёриб, олов солганга
ўхшарди. У кўркқанидан сапчиб туриб кетди. Чап кўксини чангаллаб олди. Не
тонгки, унинг “юрагимдан сирқиб тушаётган қон” деб ўйлагани нур эди. У қувониб
кетди. Кийимларини қоқиб, чанг-ғубордан тозалаб, олдга қадам ташлагандиямки,

кўксидан сизилиб тушаётган зарралар ҳавога сингиб, ўз-ўзидан ғойиб бўлди. У ажабланиб, ортига ўгирилганди ҳамки, тагин юрагида нур жўша бошлади. Ортга тисарилди. Келган тарафига тўрт-беш қадам ташлади. Йўқ, равшанлашаётган зарралар ғойиб бўлмади. У энди ортга эмас, олд томонга юрганди ҳамки, тагин ўша ҳол юз берди – йўл кўрсатаётган нур сўнди.

Унинг фиғони фалакка кўтарилди:

– Эҳе-хе-хей!!!

У такрор-такрор машқ қилди. Бир неча қадам олд томонга одимлар, сўнг яна тисариларди. Кўксида жўшиб турган нур ҳам шу тахлит гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ ғойиб бўларди. Бўлмади. Кўксидан оқиб тушаётган зарралар ортга бошлаб келган манзили томон бурилсагина таралиб туришини У ниҳоят англаб етди. Аммо ортга чекинишни сира-сира истамаётганди. Негаки мурод ҳосил бўлмаган – мақсад чўққиси забт этилганича йўқ.

Тагин шамол кўтарилди. Чор-атрофни “ғув-ғув” овозлар қоплаб олди. У қулоқларини беркитиб, чўкка тушди. Бесар шамолнинг шўхликлари тинишини кутди. Бирок “шўхликлар” тинмади. Овоз тобора юксалиб бораверди:

“Эйй! Болам!!! Эйй!”

У ортиқ чидай олмади. Ғувуллаётган овоз ва беҳуда чўк тушиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқлигини билиб, йўлни мустакил босишга аҳд қилди. Тўғрига илдам юраверди.

Айтишларича, ҳаммол – шамол тўхтамай ғув-ғув этар, олиб келгани – омонатни эгасига топширишга уринаркану, У туткич бермай, фаҳм-фаросати етмай, яёв қадам босавераркан...

У ҳануз йўлда эмиш.

НА МЕН, НА СЕН, НА У

Ёз. Туш. Хужрамда майиндан-майин, оппоқ тўшакда чўзилиб ётибман. Ором олиш истаги аста-секин бор хужайраларимни қамраб оляпти. Ичкари салқин. Бу юрагимдан таралаётган тафтан. Шунчалар совуқ ҳаво “кух”лайманки, хужрам-ку хужра, олдимга биров юрак ютиб яқинлаша олмайди. Ҳароратим шу қадар баландки, агар кимдир жонимга тегиб кетса, ғазабим селидан чиққан ҳовур шу нусха билан қўшиб ер юзини зимҳарир музга айлантириши шубҳасиз. Чин.

Мен фақат туш маҳали ором оламан. Саҳар пайтлари, намозшомда, тун қуюқ чўккан дамлар шаҳар кўчаларини кезаман. Бу маҳаллар одам сиёғи кўринмайди. Аммо “кўз”ларидан нур тошаётган автоуловлар қоронғи кўчаларни ёриб, ғиз-ғиз қатнайверади, қатнайверади...

Мен-ку ўзи одамман-а, аммо қайси қавмга мансуб эканлигимни билмай ҳануз ғам ютиб келаман. Насл-насабимнинг ҳам тайини йўқ. Менга сен етимхонада ўсгансан дейишади. “Меҳрибонлик уйи” эмас, айнан етимхонада. Ўзим эса бунини эслай олмайман. Мисоли мен шу ёшда – умрини ошаб, ёшини яшаб қўйган чол бўлиб дунёга келганману тагин шу алпозда кетадигандайман. Ҳа, йўқ, ҳали-бери ўладиган аҳмоқ йўқ. Ахир эсимни таниганимга ҳали кўп бўлмади-ку? Чин. Эсимни таниганимдан бери қариб-қартайган чолман. Қизиқ, шу умр манзилига келгунга қадар нималар қилганман, қандай кароматлар кўрсатганман, кимлар билан учрашганман, билмайман. Ўта расво: менинг хатто, дўстим тугул, яқин танишим

хам йўқ. Тушуниб бўлмайди, нафратми, ғазабми кўзларини кўр қилган бегоналар теграмни қуршаб олишган. Улар менга тап тортмай, “Биз сенга эмас, сен бизга бегонасан”, дея ҳукмфармолик қилишади. Бу ҳақорат дилимни оғритади. Ахир улар гапирадиган тилда гапирсам, миллатимиз, ирқимиз, эътиқодимиз бир бўлса, қанақасига бир-биримизга ёт бўлишимиз мумкин, тушунмай ҳалакаман. Лекин шунга икром бўлишдими, ўзларидан кўришсин.

Издиҳомга қўшила олмайман. У ерга тасодиф сабаб тушиб қолгудай бўлсам ҳам, копток ерга зарбла тушибоқ кўтарилгандай, ирғиб кетишим тайин. Чунки кўпга қўшилмай юргач, юрар йўлинг – ёлғиз сўқмоқ бўлиб қоларкан. Мен битта ҳақиқатни тан оламан: қоним кўпникига қўшилмаган.

Мен битта ўзимман. Ёлғизман. Умрим мана ёлғизлик осмони остида ўтиб борапти. Ҳатто оила ҳам қурмадим. Нима кераги бор, мени тушуна олмаган, менга дил бермаган кас билан бир ёстикқа бош қўйишнинг. Эҳтимол барно йигит бўлган вақтларим бирор сулуви яхши кўриб, дил рози қилгандирман. Ортидан гул-пул кўтариб юргандирман. “Менга тег, сени бахтли қиламан”, деб олам-олам ваъдалар бериб ялиниб-ёлворгандирман... Таассуф. Эслолмайман. Эслай олмайман.

Боя туш маҳали ётиб бироз пинак қиламан девдим-а? Билсангиз, ором олмай уззукун санғийдиган пайтларим ҳам бўлади. Қишда. Туну кун кўча-кўйларда дайдиб юраман. Мактабнинг шўх-қув болалари бир-бирига қийкириб қортош ирғитаётганини, болапақирларнинг яхмалак учаётганини кузатиш мароқли бу чоғлар. Яна шамол кучайган онлар, ёмғир шариллаб ёғиб атроф-жавонибни сувга бўқтирган дамлар ҳам менга ёқади. Бир чин гапни айтайми? Шу болаларгина ёқади-да. Чунки уларда катталарда йўқ самимийлик бор. Инсоннинг қалб қулфини очадиган калит самимийлик-да, ахир. Шунданми, кўча-кўйда болаларга дуч келдим дегунча юрагим илиб, уларга сиқимлаб қанд улаша кетаман:

– Мана, кўзичоғим, бу – Умид. Сенга асқотади. Манавиниси – Орзу. Ўххў, ҳали бунинг ортидан шундай қудратли одамга айланасан-ки, казо-казоларни тиз чўқтирасан, мени айтди дейсан. Ишонч. Меҳр. Муҳаббат. Олинглар. Ҳаммаси сизларга аталган. Йўқ-йўқ, дадангга ҳам, онангга ҳам тортиқ қилмайсан. Улар сенларнинг ёшларингда ўз улушларини олиб бўлишган. Ҳа! Бу неъматлар фақат сиз попуқларга!

Таассуф. Болалар қафтларимни шип-шийдам қилиб тагин ўйин-қулгига ғарк бўлишади. Мени йўл тортиб кетади. Шу охириги пайтлар туғруқхоналарга кўп қатнайдиган бўляпман. Шаҳарнинг ҳамма туғруқхоналарига изим тушади. Дераза оша чақалоқларга нигоҳ санчиб, дарров ўзимни четга оламан. У ерда кўп қолиб кетсам, афт-ангоримдан, нафасимдан шамоллаб қолишмасин дейман-да.

Қизик. Шакл-шамойилимни биламан. Ҳозирги сувратимда юзимни соқол энлаган, сочи пахмоқ чолман. Эҳтимол бир вақтлар мен ҳам анави туғруқхонада “ингаа”лаб ётган гўдаклардай рўшноликка келгандирман. Менинг ҳам онам, отам бўлгандир (бўлиши шубҳасиз). Лекин нега уларни эслай олмаяпман. Нега? Нега?!

Бўлди. Саволларни йиғиштирай. Энди бироз мизғиб олай. Ухлаш керак. Эҳтимол тушимда умр бўйи дуч келмаганларим – онамни, отамни кўрарман. Ҳеч эслай олмайётганларим – болалигим кучоқ очиб қаршилар эҳтимол. Ёхуд туғруқхонада чириллаб ётган чақалоқлик онларимга шохид бўларман. Балки... балки... Уйғонганимда сизларга, албатта, бир-бир сўзлаб бераман.

МЕН ВА “МЕН”

Кўчамизга кираверишда, дунёни бошига кўтараётган болаларга дуч келдим. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, турфа-турфа ўйинлар ўйнашаётганди: “чиллак”, “ёшин пишталок”, “қушим боши”, “оқ теракми-кўк терак...” Сонини санаб бўлмас ва адоғига етиб бўлмас болалик ўйинлари...

Ё қудратингдан! Булар ғам-қайғуси йўқ, ташвиш не билмаган бу замонанинг болалари эмас, ўтмишдан – қарийб йигирма-ўттиз йил наридан келган эдилар. Илкис мен шўх-қув болалар орасида ўзимни кўриб қолдим. Мана олти яшарлик сурат ва сийрат уйғунлашган митти болакай. У тенгқур жўрасини кува солиб югурар ва беш-олти одимдаёқ тутар, сўнг қийқириб қочар, ўз навбатида тенгдоши ҳам уни ушламоқчи бўлиб жон ҳалпида орқасидан чопарди. Охири кўринмас, қайта-қайта такрорланаётган эса-да бу ўйинни кўриб завкланардим. “Қувлашмачоқ”ка беихтиёр ҳалал бериб юбордим:

– Ҳей!

Илдам чопиб бораётган олти яшар қочоқ овозимни эшитиб, тўхтади ва менга юзланди. Юз-кўзларидан севинч тошаётган, қувонч порлаётган, қикирлаб кулаётган юзи қорачиқларини менга тиккан он бўшашиб кетди. Кўзларидаги мунислик ўрнини ғам қоплаб олди. Ишонинг, умрим бино бўлиб шу чокқача бирор бир боланинг кўзларида бу қадар чуқур дард кўрган эмасман. Унинг кўзларидаги мунг менга юкди. Оҳ, оҳ! Бу мунгнинг аччиқлиги, тахирлиги, кескирлиги... Дилим оғриб кетди.

– Сени ранжитдимми?

У жавоб бериш ўрнига тик турган жойида тек қотди, мунғайди. Қанийди кўзларидаги битикларни ўқий олганимда бу зил-забунликнинг тагига етаримдим?

Олти яшар Меннинг кўнглини олиш учун мен дунёдаги энг ширин каломларни айтдим, турфа ширинликлар, сара ўйинчоқлар олиб беришга ваъда бердим. Бирок у тош қотганча турар, менга бўлган норизолигини шу ғамбода ифодада аён этарди. Қўққис атроф ёришиб кетди ва лаҳза ҳам ўтмай шундайгина олти яшар Меннинг ёнида худди ўзи тенги, нур ичра товланаётган, бошида олтин тожи бор болакай пайдо бўлди.

– Вақт бўлди. Кетамиз. Тайёрланинглар! – буйруқ берди у теваракдаги барча болаларга. Кичкинтойлар амрга бўйсунишди – бир саф бўлиб тизилишди.

Уларга томон яна бир одим ташламоқчи бўлгандим, аммо оёқларим менга бўйсунмади. Гапириш учун оғзимни очмоқчи бўлдим, аммо лабларим қимирламади. Фақат очиқ кўзларимдан дув-дув ёш томди, холос.

Беғубор болалар ва уларнинг қаватидаги олти ёшли Мен кўз очиб-юмгунча бу ғуборли дунёдан, ғубори йўқ бошқа бир дунёга равона бўлдилар. Улар гум бўлгунларича менга шундай мунглиғ, таассуф лим кўзлар билан боқишдики, ўз-ўзимга ачиниб кетдим. Шу асно мангу мана шу олти ёшда қолишни шу қадар истадимки...

Олти ёшли Меннинг кўзларидаги мунгни уқишга идроким етмади, аммо ўз-ўзимча тушунганим шу бўлди: “Беғубор эдим – ғуборлар кўндирдингиз. Беғуноҳ эдим – гуноҳларга дўндирдингиз. Алвидо, пок фикратимни асллигича асрай олмаган мен...”

Эшигимизни топиб боргунимча, орадан йиллар ўтди, чоғи.



**Баҳодир
ЖОВЛИЕВ**

XX аср адабиётида янги метафоралар

Жаҳон адабиётидаги хилма-хил анъаналар, услублар, оқимлар миллий адабиётлар тараққиётига сезиларли таъсир қилади. Зеро, инсон тафаккуридаги эврилишлар жамият ҳаётига кўчгунига қадар, авваламбор адабиётда ўзини намоён эта бошлайди. Шу боис ҳар бир миллий адабиёт ўзаро таъсирларсиз яшай олмайди. Миллий насримиздаги дунё адабиёти шакли ва услубларини ўзлаштириш XX асрнинг 10 – 15-йилларида миллий уйғониш, жадидчиликнинг ижтимоий онгга, жумладан, ижодий тафаккурга таъсири ўлароқ янги давр насрининг илк намуналари сифатида яратилган ҳикояларда ҳам сезилади-ки, бу ҳолат адабиётларнинг бир-бирисиз, ўзаро таъсирсиз яшолмаслигини кўрсатади. "Бу жараён бир-биридан узоқ минтакалардаги халқлар бадий адабиётларининг ўзаро алоқалари, таъсири кучайишига омил бўлди ҳамда жаҳон маданиятининг сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъминлади"¹.

Аслида ҳам ҳар бир янги давр мавжуд воқеликка мос ҳолда етилиб келаётган қарашларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Адабиёт ижтимоий фикрдан олдинда юргани, ундан илгарироқ етилиб келаётган жараёнлар ва қарашларни акс эттиргани учун ҳам жамиятни эврилишлар, янгиликлар ва ўз навбатида хавф-хатар ҳамда фожиалардан кўп марта огоҳлантирган. Адабиёт тарихида бунга мисоллар кўп. Энг ёрқин мисол Ф.Кафканинг "Жазо колонияси" ҳикояси, десак муболаға

1 Муҳаммаджон Холбеков. Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. газетаси – Тошкент, 2010 й. 44-сон. – 3-б.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ – 1978 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. "Журналист нигоҳи" публицистик-адабий китоби чоп этилган.

бўлмайди. Ушбу асардаги жазолаш усули бу ёзувчининг башорати эмас, балки ижтимоий онг остида, инсон табиатида пайдо бўлаётган фашизмни олдиндан илғай билганини Ғарб адабиётшунослари қайта-қайта таъкидлайдилар².

Адабиёт даврининг ҳали ўзини намоён қилмаган, лекин оммавий онгостида ўзини кўрсата бошлаган тўлғонишларини анча олдин илғайди, ҳали булар воқеликка айланмасдан кенг миқёсда ўзини кўрсатмасдан туриб оқ бадий ҳодисага, бадий образга, бадий таъсирга айланиб, ижтимоий фикрга туртки беради. Бу ҳолатни биз Ғарб адабиётида XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида, XX аср ўрталарида Лотин Америкаси адабиётида кўраимиз.

“Нафсиламр, ҳар қандай санъат ва тарих ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуддир. Тарихий жараёнлар тарихчи олимлар томонидан қайд қилинади: бўлиб ўтган муҳим воқеа ва ҳодисалар аниқланади, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро таъсир ва муносабатлари талқин қилинади, ўтган сиёсий ва ижтимоий концепциялар атрофлича ўрганилиб чиқилади. Аммо узоқ ва яқин ўтмишнинг ҳаққоний қиёфасини, оддий кишилар ҳаётида кечган воқеалар, тарихий шахслар ҳақидаги тасаввурларни, бошқача қилиб айтганда – умумий тарихий онгни тарихчилар шакллантира олмайди. Бу муҳим аҳамиятга молик мураккаб жараёни фақат санъат ва адабиёт асарларидагина батафсил ифодалаш мумкин бўлади”, дейди адабиётшунос олим М.Холбеков³.

Миллий хотира – бу фақат тарихнинг ўзи эмас, бу миллатнинг ўз илдири билан боғлаб турадиган ва шу билан унинг келажагини кўрсатадиган ришта ҳам. Ёзувчи Чингиз Айтматов ижодидаги ана шу хусусиятни Назар Эшонқул “Маънавий ҳаёт” журналида чоп этилган “Хотира ва келажак хавотири” мақоласида шундай изоҳлайди: “Асардаги (*“Асрга татиғулик кун” романи кўзда тутилиаяпти.*) манқурт афсонасига, Тансиқбоев каби образларга эътибор берилса, асар тўлиғича ўз даврида миллий озодлик ғояси билан суғорилганини кўриш мумкин. Чунки миллий озодлик кураши – бу миллат ўзини англаш курашидир, бу ўз ўтмишига, ўз тарихига эга бўлиш, шунга муносиб яшаш учун курашдир.

Шунинг учун ҳам бу асар бутун бошли истиқлол арафасидаги авлоднинг уйғонишига туртки берганди, дейиш юз карра ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида миллий республикаларда миллат ва халқлар эрк, мустақиллик истаб кўчага чиққанлар “Биз манқурт эмасмиз!” деган шиорларни ёзиб олишганди. Шунинг ўзиёқ Чингиз Айтматов ўз даври ижтимоий фикрига қанчалик таъсир қилганини англаш қийин эмас⁴. Бу фикрни “адабиёт ижтимоий фикрга қанчалик таъсир қалганини” билиш мумкин, деб ўқисак ҳам бўлади.

Миллий озодликка интилиш, умуман, ўша давр миллат ва инсон эрки ҳақидаги бор гапни айтиш эҳтиёжи миллий адабиётларда янги усуллар, янги йўللار, янги ташбеҳлар, янги метафоралар топишга замин яратди. Дунё адабиётининг энг илғор, ўзини оқлаган усул ва услубларини миллий адабиётда синаб кўриш, сўз санъатини

2 Қаранг: Вальтер Бенъямин. Франц Кафка; Макс Брод. Франц кафка. Узник абсолюта; Хорхе Луис Борхес. Кафка и его предшественники; Альбер Камю. Надежда и абсурд в творчестве Франца Кафки; Юрий Манн. Встреча в лабиринте (франц кафка и николай гоголь); Невозможность быть Кафкой; Синтия Озик. Невозможность быть Кафкой; Жорж Батай. Кафка.

3 Мухаммаджон Холбеков. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Тошкент, 2013й. 16-б.

4 Назар Эшонқул. Хотира ва келажак хавотири // Маънавий ҳаёт. – Тошкент, 2018 й. 4-сон.

дунё билан бўйлаштириш даври бошланди. Шунга кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида адабиётга кириб келган дунё адабиёти оқимлари ва анъаналари ҳам шу даврнинг адабий эҳтиёжи эди.

Бу ҳолат юртимизда биринчидан, шўро тузумининг мафкуравий биқиклигидан ва социалистик реализм методидан безиган адибларнинг янги йўл, янги усул излаши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, йиғилиб қолган ижтимоий муаммоларга жавобни дунё фалсафасидан излашга бўлган интилиш самараси эди. Бинобарин, аини давр тўлиқ маънода, нафақат адабиёт ёки санъатда, умуман, ижтимоий тафаккурда ҳам янгиланишга эҳтиёж сезарди. Буни вақтида илғаган зиёлилар, адиблар дунё адабиёти, дунё фалсафасини кенг миқёсда ўргана бошладилар ва ўз асарларига татбиқ этишга киришдилар.

Ҳар бир даврнинг ўз дарди, адабиётга муҳрланиши лозим топилган гаплари, изтироблари бўлади. Табиийки, ҳар бир ижодкор буни ўзича қабул қилади ва ўз дунёқараши, сўзга муносабатидан келиб чиқиб ўзига хос тасвирлайди.

Ўтган асрнинг 70 – 80-йилларида ўзбек зиёлилари ўртасида дунё адабиётида мифологизмнинг бошланишига туртки, асос берган Шопенгауэр, Ницше, Анри Бергсон, Фрейд, Юнг, Освальд Шпенглер, Камю каби Ғарб фалсафаси, Жойс, Кафка, Музил, Брехт, Сартр, Фолькнер каби адабиёт намояндаларининг асарлари ва қарашлари кенг муҳокама қилина бошланди. Бу янги йўл излаш, ана шу қарашларни маълум маънода миллий адабиётга, миллий тафаккурга олиб кириш дегани ҳамдир. Бу изланиш ҳосиласи ўша давр адабиётида ҳам ўз инъикосини топа бошлади. Мурод Муҳаммад Дўст, Олим Отахон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамро каби адиблар ижодида янги анъаналар пайдо бўлишига олиб келди.

Мифологизм XX аср адабиётининг энг характерли ҳодисаси, энг таъсирли адабий услуби бўлишининг асосий сабаби воқеликнинг мифологик моҳиятини кўра билиш, яъни, “олами мифологик идрок этишда”дир⁵. Е.Мелетинский қайд этганидек, мифологизм тасвир қуролига айланиши учун, аввало, адибдан ана шу воқеликнинг мифологик моҳиятини топиш, кўра олиш, асарни ана шу мифик воқелик асосида ифодалай олиш талаб этилди. Томас Манн, Жойс, Кафка каби адиблар ўз асарларида мифологизмни адабий унсурга, тасвир воситасига, бадиий тимсолга айлантиргани сабаби ҳам шу: улар ўзлари тасвирлаётган воқеликнинг макро оламини, унинг мифологик космосини, мифологик кенглигини, мифологик тилини, ифода этиш шаклини топа олдилар⁶.

Табиийки, миф бугунги кунда нафақат ёзма адабиётнинг, умуман, санъатнинг ҳам ажралмас бўлаги, унинг равнақи ва тараққиёт уфқларини белгиловчи унсурлардан бири бўлиб қолаяпти. Санъат тобора кўпроқ таъсирга эга бўлаётган бугунги кунда мифлардаги рамзийлик фақат асар поэтикасини чуқурлаштирибгина қолмай, балки унинг шакли ва мазмунини ҳам аста-секин ўзига бўйсундириб олмақда. Ролан Барт “Миф – бу аввало сўз” деганда маълум маънода ҳақ эди⁷. Хорхе Луис Борхес мифларнинг адабиётдаги ўрнига янада катта баҳо беради: “Адабиёт мифдан бошланиб, миф билан якун топади”, дея таъкидлайди⁸.

5 Шу манба. 295-бет.

6 Шу манба. 298–358-бетлар

7 Барт Р. Мифологии. М.: Издательство имени Сабашниковых, 2004. ст. 233 – 286.

8 Х.Л.Борхес. Сочинения в трех томах. М., Полярис, 1994 г.

Бунга модернизм отаси бўлган Ж.Жойсдан тортиб, туркий адабиётнинг забардаст вакили Чингиз Айтматов асарларигача мисол бўла олади. Умуман олганда, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасидан кейинги деярли барча асарлари поэтикаси у ёки бу жиҳатдан мифология ва фольклоризм билан чамабрасчас боғлиқ. Шу маънода, Х.Л.Борхес янги асрни “Мифлар асри”, деб атагани бежиз эмас эди⁹.

Дунё адабиётининг бир қисми ва ажралмас бўлаги бўлган ўзбек адабиёти ҳам бундан холи эмас, албатта. Хусусан, жаҳон адабиёти анъаналарини миллий адабиётга дадил олиб кираётган ва синтез қилаётган адиблар ижодида бу янада яққол кўзга ташланади. Тадқиқотимиз объекти бўлган Назар Эшонкул ижодида мифологизм алоҳида ўрин тутати. Унинг деярли барча асарларида биз дунё адабиётида анъанага айланган мифологик ёндашувни ёки мотивни кўрамиз.

Мифологизм ёзувчининг “Тўрўғли”, “Уруш одамлари”, “Қора китоб” каби роман ва қиссаларида, “Баҳовуддиннинг ити”, “Ажр”, “Ўлик мавсум”, “Тўзон” каби асарларида мотив, сюжет ёки архитиплар кўрнишида ўзини ошкора кўрсатиб турса, “Тун панжаралари” қиссаси, “Маймун етаклаган одам”, “Оғриқ лаззати”, “Эволюция”, “Тобут”, “Момоқўшиқ”, “Хаёл тузоғи”, “Зулмат салтанатига сайёҳат” ҳикояларида муҳит кўрнишида намоён бўлади, бу асарларда биз матн шаклдаги мифларга эмас, балки мифик формулаларга, асар структурасига айланган мифологик муҳитга, мифологик дунёқарашга дуч келамиз.

Бу асарларнинг ҳам услубида, ҳам тасвирий ёндашувида, ҳам воқеликни акс эттиришда ва қаҳрамоннинг воқеликни ҳис этиши ҳамда ҳикоя қилиш (“Ўлик мавсум”, “Тўзон”, “Хаёл тузоғи” ҳикояларидагидек), макон ва замондан холи ёки макон ва замон чегаралари бузилган тарздаги (“Оғриқ лаззати”, “Эволюция”, “Зулмат салтанатига сайёҳат” ҳикояларидаги каби) XX асрда дунё адабиётида синовдан ўтган ва анъанага айланган мифологик усуллардан кенг фойдаланилган. Мазмун ва фалсафий кийматини чуқурлаштирадиган бундай асарларнинг мифопоэтикасини таҳлил қилиш замонавий насримиз бадиияти, поэтикаси ҳақида тўлақонли тасаввур беради.

Хусусан, адиб ўзининг “Ажр” ҳикоясида ҳам шўро тузумининг қандай ва нима эвазига яралгани ҳамда мафкураси устидан кескин хулоса чиқаради. Унда мифологизм асосига қурилган асарлари сюжетидаги сингари бир пайтлар ғоя ва мартаба учун отасини ўлдирган ҳикоя қаҳрамони ўлимидан сўнг қиёмат кунига қадар отасининг жасадини елкасида кўтариб юришга ҳукм этилади. Албатта, “жасад кўтариш” рамзий ифода. Бошқача айтганда, қаҳрамон қиёматгача қилмишларининг ажри сифатида азобга маҳкум этилади. Ота эса худди жонли хотира каби тириклар дунёсида фарзандининг қилган қабих ишларини гапириб кетаверади: отанинг гапларидан, хотирларидан ўқувчи кўз олдида шўро тузumi бошида ўтирганларнинг қиёфаси бирма-бир намоён бўлади.

“Тобут” ҳикоясидаги меъмор образи эса тузумнинг “асосчиси”га ўхшатилади: ҳикоя қаҳрамони – меъмор қурган шаҳарда яшаётган одамларни ҳеч бир сабабсиз ўлим гирдобига ола бошлайди. Одамлар кўчаларда, уйларида, иш жойларида, ухлаган ёки уйғоқ ҳолатда жон таслим қилаверади. Ҳамманинг боши қотади: ўлимнинг сабаби нима бўлиши мумкин? Дастлаб бунга сабабни эпидемия, деб ўйлаб, шаҳарга комиссия жўнатишади. Комиссия ҳамма нарсани текширади, аммо эпидемияга хос

9 Хорхе Луис Борхес. Сочинения в трех томах. М., Полярис, 1994 г.

нарсa топмайди. Ниҳоят, шаҳар харитасини ўрганишгач, ҳаммасини тушунишади: аслида бу шаҳар тобут шаклида қурилган экан! Шаҳарни меъмор тобут шаклида чизган. Энди бу шаҳарда яшайдиганлар ўлимга маҳкум бўлаверади. Ўлим маънавий ҳам, жисмоний ҳам бўлиши мумкин. Ҳар ким ўзи талқин қилиб олаверсин. Муҳими, қурилган шаҳарнинг тобут шаклида эканлигида, унда яшайдиганларни шаксиз ўлим кутиб тургани ҳақида...

Бу истеҳзоли маъжозий ўхшатиш чин маънода шўро тузумининг моҳиятини кўрсатиб берганди!

Адибнинг бошқа бир ҳикояларида, хусусан, “Оғриқ лаззати”, “Муолажа”, “Тун панжаралари”, “Баҳовуддиннинг ити” асарларида ҳам инсон озодлиги ва ҳурлиги мавзуси ўзига хос усулда муҳокама қилинади. Таъкидлаш жоизки, адиб ўз асарларида, биз юқорида тилга олган ҳар икки эҳтиёжни ҳам маълум маънода қондиришга уринади. Бунинг учун ҳар хил ифода усуллари, приёмларини танлайди. “Уруш одамлари” – анъанавий усулда, “Тун панжаралари” – монолог шаклида, “Ажр” – мистик манзаралар, тазарру тарзида, “Оғриқ лаззати”, “Муолажа” ҳикоялари – репортаж шаклида ҳикоя қилинади.

Адиб ҳар бир асарида дунё адабиёти усул ва шаклларида унумли фойдаланади, миллий адабиётга бу усуллари дадиллик билан олиб киради. Албатта, дунё адабиёти анъаналарини олиб кириш, бу ёзувчининг адабиётдаги мавжуд приёмлардан тўғридан-тўғри фойдаланиши, дегани эмас. Бу усул ва приёмлар ижодий ўзлаштирилиб, адибнинг ўз услубига хос ҳолда бериладик, энди у миллий адабиётимиз усул ва приёмларига айланади.

Ҳар бир ижодкорнинг бадиий-фалсафий дунёсини таҳлил қилишда унинг ўз асарлари ҳамда адабий қарашлари ишончли манба ҳисобланади. Шунинг учун Назар Эшонкул ижодини ўрганишда унинг “Мендан “мен”гача” деб номланган иккита китобига кирган мушоҳодаalar адибнинг бадиий-эстетик қарашларини намоён қилиши билан аҳамиятлидир¹⁰.

Бу китобларда айнан бизнинг тадқиқотимиз учун дунё ва миллий адабиёт, адабий жараёнлар, оқимлар, фалсафий-эстетик қарашлар, жаҳон адабиётида воқеа бўлган асарларнинг талқини, поэтикасига дахлдор зарур ва қимматли фикрлар борки, бу мулоҳозалар адибнинг ижодий-бадиий концепциясини, асарларининг мазмун-моҳиятини тушунишда яқиндан ёрдам беради. Айнан шу китоблардаги мақолалардан маълум бўладик, Назар Эшонкул ижодининг дастлабки босқичида унинг асарларида Ғарб адабий-фалсафий қарашлари таъсири баланд бўлган.

Адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов ўзининг “Мўъжизалар сеҳри” китобидаги “Жавоб излаётган одамлар” мақоласида Назар Эшонкулов ижодида ҳам, бадиий-эстетик қарашларида ҳам Ғарб адабиёти ва эстетик қарашлари устуворлик қилишини ва ўзбек адабиётига Ғарб адабиёти анъаналарини олиб кираётгани¹¹ таъкидланади. *“Ғарб адабиётига хос “онг оқими” йўналишида ижод қилувчи адиблар инсон қалбида юз берадиган зиддиятли ҳолатларни бутун мураккаблиги, эврилишлари билан ўзини-ўзи тадқиқ қилиш учун баён йўналишини қаҳрамонга топиради. Бунда бадиий нутқнинг муҳим шаклларида бири – ички монолог асосий*

10 Назар Эшонкул. “Мендан “мен”гача. Т.: “Академнашр” 2014 й.

“Ижод фалсафаси – “Мендан “мен” гача-2” Т.: “Академнашр” 2018 й.

11 Й. Солижонов “Мўъжизалар сеҳри”, Т.: “Адиб”, 2013. 49- бет.

ўрин тутади.

Назар Эшонкул ҳам ижодида асосан шу йўлдан бормоқда. Бироқ у ифодалаётган воқеаси, қаҳрамонлари ўзбек эканлигини унутмайди...”

Шу маънода миллий адабиётимиздаги шаклан ва мазмунан изланишлар мутлақо янги услубий ёндашувларнинг юзага келиши ва жаҳон адабиётига уйғунлашувига туртки бўлди. Бунда эса ифоданинг янгиланиши ва мифологизмнинг асар поэтикасига сингиб кетиши адиб асарлари таъсири ва моҳиятининг янада кучайишига таъсир кўрсатиб, ўқувчини кенгрок мушоҳодага ундашга хизмат қилмоқда.

РЕЗЮМЕ

Аннотация: Мазкур мақолада дунё адабиётининг наср жанридаги турли анъана ва услубларнинг ўзбек миллий адабиёти (насири) тараққиётига таъсири кенг таҳлил этилган. Унда XX аср жаҳон адабиётида етакчи ўрин эгаллаган мифологик ёндашув ва мифопоэтик образ ҳамда талқинларнинг миллий адабиётган сингиши ёзувчи Назар Эшонкул асарлари мисолида исботланган.

Аннотация. В этой статье анализируется влияние мировой литературы на различные традиции и стили в узбекской национальной литературе (прозе). Мифопоэтический образ и мифологический подход, занимающее ведущее место в мировой литературе XX века, а также освоение трактовок национальной литературой доказаны на основе произведений писателя Назара Эшонкула.

Annotation: The article analyses the impact of various traditions and styles in the prosaic genre of world literature on the development of Uzbek national literature (prose). Based on the works of the writer Nazar Eshonkul it proves the absorption of leading mythological approaches, mythopoetic images and interpretations in the world literature of the 20th century into the national literature.



Яссавийнинг икки муршиди

Элнура ҚУРБОНОВА

Аҳмад Яссавийнинг ирфоний асарлари қанчалар ўрганилган бўлса, унинг ҳаёт йўли ҳам ҳамиша яссавийшуносларнинг диққат марказида бўлган. Айниқса, унинг таълим ва таҳсил мактаблари, устодлари ҳақидаги маълумотлар хусусида жиддий йирик тадқиқотлар олиб борилган. Зеро, мазкур изланишлар унинг дунёқараши, тариқатининг ўзига хос жиҳатларини белгилашда жуда муҳимдир. Барча тариқат асосчилари каби пири Туркистоннинг ҳам ирфоний маслаги давр, макон, оила, шунингдек, устоз ва маънавий муршидлари таъсири муштараклигида шаклланган.

Яссавий илк таълимини отаси шайх Иброҳимдан, сўнгра замонасида Сайрамнинг таниқли олими бўлган Шаҳобиддин Исфижобдан олгани айтилади¹.

Ҳикматларида *“Тариқатни йўли қоттиқ, турфа шоитим, Бошим қотти, пири муғон сори қочтим, Пир этагин тутуб ботин кўзун очтим”*², дея таъкидлаганидек, Хожайи Туркистон, Авлиёлар сарвари бўлиб шуҳрат топиши ва камол мартабасига етишида Арслонбоб ва Юсуф Ҳамадонийдек икки буюк шахсият эгаларининг таъсири кучли бўлган. Бироқ “Девони ҳикмат”да Хизр (а.с), Мансур Ҳаллож, Жўнайд Бағдодий, Абу Бакр Шиблий, Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам каби тасаввуф оламига машҳур авлиёлар номи бот-бот зикр қилинган.

Яссавий кўплаб мутасаввуф авлиёлар ҳамда бир қатор малоийиклардан ҳам

1 Hayati Bice. Piri Turkistan Hace Ahmet Yesevi. 2016-yil. 62-84 б; Dosay Kenjetay, “Hoca Ahmet Yesevi: Yaşadığı Devir, Şahsiyeti, Tarikati ve Tesiri”, Tasavvuf İlmi ve Akademik Araştırmalar Dergisi Dergisi, Aralık, 1999, yıl: 1, sayı: 2, 112-б; Atmaca Ali, Ahmet Yesevi’nin İnanç ve Düşünce Dünyası, CÜSBE, Yayınlanmamış Yüksek Lisans Tezi, Sivas 2008.8-10 б; Muhammet Volkan Özkan. İlim, hikmet, ask, sadakat ve liyakat kavramları çerçevesinde Ahmed Yesevi düşüncesinde insan olmanı imkanı. Gazi universitesi. (YLT), - Ankara, 2019. 32-38 б.

2 Яссавий, Аҳмад. Девони ҳикмат. // Нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, Н.Ҳасан. – Т., Мухаррир, 2020. 38-б.

Элнура ҚУРБОНОВА – 1986 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаган. Республика ва хориж нашрларида публицистик ҳамда илмий мақолалари эълон қилинган.

таълим олган ва қатор маънавий арбоблар ва эранлар хизматида бўлган. Жумладан, бир ҳикматида “*Кўкка чиқиб дарс ўргандим малойикдан*” деса, яна бир ўринда ҳатто “*Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим мано*”, дейди.

“Девони ҳикмат”да Хизр (а.с) ва Арслонбоб номи бир неча ўринда такрорланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, Шарқ тасаввуф адабиётида атоқли шоир ва адибларнинг илми камол ва валодат мақомига етишида Хизр (а.с) маънавий пир сифатида кашф ва илҳомга йўл очган. Манокибларда Хизр (а.с) ҳар куни етти иклимдан ҳамсуҳбат қидиргани, бироқ Яссавийдек ўзига муносиб суҳбатдош тополмагани ривоят қилинади. Бу ҳақда Яссавий ҳикматларида “*Қайда борсам Хизр бобом бўлди ҳамроҳ*”, “*Хизр бобом ҳозир бўлиб лутф айлабон, Мадад қилиб, илгим тутуб олди, дўстлар*”, “*Ўттуз бирда Хизр бобом май ичурди*”, дейди. Бундан англашиладики, етти ёшида Хизр (а.с) иноятига ноил бўлган Яссавий умри давомида Хизр (а.с) билан ҳамсуҳбат бўлиб, ундан маънавий тарбия олган.

Ўздаклигидаёқ ота-онасидан етим қолгач, опаси Гавҳари Шаҳноз ҳимоясида Яссига кўчиб боради ва Арслонбобга мурид бўлади.

Кўплаб илмий манба ва тадқиқотларда Арслонбобнинг Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларидан экани айтилади. Ривоятларга кўра, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ишорати билан Арслонбоб Аҳмад Яссавийга раҳномалик қилиш вазифасини ўз зиммасига олганлиги боис ёш Аҳмадни излаб топади. Ва унга аталган маънавий насибанинг тамсили бўлмиш хурмони унга етказишга бел боғлайди. Тасаввуф илмининг сир-асрорини Арслонбобдан ўргана бошлаган ёш Аҳмад болалигидаёқ турли кароматлари билан эл орасида шуҳрат қозонади.

Арслонбоб ҳақида маълумот ва қарашларнинг кўпи манқаб ва тазкираларга бориб тақалади. Ушбу манбаларда унинг ҳаёти, кашфу каромати шу даражада бўрттирилганки, баъзан буларнинг қай бири ҳақиқат, қай бири халқ тасаввури асосида тўқилганлигини фарқлаш мушкул. Манокибларда тарихий ҳақиқат ва халқнинг улуғ валийсига бўлган муҳаббат ва эътимоди қоришиб кетган. Натижада Арслонбоб ҳазратларининг афсонавий таржимаи ҳоли дунёга келган.

Яссавийшунос Нодирахон Ҳасан Арслонбоб ҳақидаги маълумотлар “*Рашаҳоту айн ил-ҳаёт*”, “*Жомиъ ул-муршидин*”, “*Музаққири аҳбоб*”, “*Сафинаи авлиё*”, “*Ҳужжат уз-Зокирин*”, “*Ҳазинат ул-асфиё*”, “*Рисола ал-маймуна*”, “*Тибён васоил ил-ҳақойиқ*” каби илмий, тарихий, тасаввуфий асарларда ҳам учраши ҳақида маълумот беради. Бу манбаларга кўра, Арслонбоб ўз даврининг машхур сўфийларидан бўлган. Жумладан, Доро Шукуҳ (ваф:1659 йил) бу зотни “*азими машойихи турк*” (“*турк машойихининг улуғларидан*”), дея таърифлайди³.

Турк олими Наждат Тўсун эса Ҳужвирий (ваф: 465/1072)нинг “*Кашф-ул маҳжуб*” асарига таянган ҳолда муаллифнинг Фарғонада баъзи мутасаввифлар билан учрашганда ерлик аҳолининг шайхларга “боб” дея мурожаат қилишганига гувоҳ бўлганини нақл этган⁴. Алишер Навоий ҳам “*Насойим ул-муҳаббат*” тазкирасида “*Ҳамоно андоққи, кўпрак ақобирни Хуросонда шайх дерлар ва Самарқандда хожа ва Румда боб ва Ҳиндда қози дерлар*”⁵, дейди. Буюк сўфийларнинг номи таркибида бўлган “боб” калимаси арабча “эшик” маъносида қўлланган “боб” сўзига бориб тақалади.

3 Н.Ҳасанов Яссавийликка доир манбалар ва “Девони хикмат”. ДД.-Тошкент, 2017. 123-6; Hasan Nâdirhan, Arslan Baba ve Ahmed Yesevî, Tasavvuf İlmî ve Akademik Araştırma Dergisi, 24 [2009/2], 1-10 6.// <http://www.tasavvufakademi.com/index.php?bolum=ayrinti&vurgu=Ahmed%20yesevi%EE&no=2344>.

4 Hoca Ahmet Yesevi kulliyati. (Edit- Zülfikar Güngör) - Ankara: Ahmet Yesevi Üniversitesi Mütevelli Heyet Başkanlığı -2019. 14-6.

5 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 17-том. –Т., 2001. 366-6.

Атоқли адабиётшунос Фуод Кўпрули Арслонбобнинг ўтрорлик турк дарвеши бўлганини ёзса⁶, баъзи илмий адабиётларда эса у зотнинг араб бўлгани айтилган⁷. Тариқатшунос Яшар Ўжак Арслонбобни қаландарий-маломатийлик тариқати вакилларида эканлигини айтиб, фикрини қаландария тариқатидаги сўфийларнинг ўзларига “бобо” нисбасини бергани билан изоҳлайди⁸. Туркий дунёда унинг Арслонбоб номи билан маълум ва машхур бўлиши ҳам бежиз эмас. Демак, Арслонбобнинг маънавий мақом мартабаси унга “боб” лафзининг қўшиб айтилишидан ҳам аён бўлади. Бу эътироф ҳам яссавийшунослар томонидан ўрганилиб, туркий тариқатларнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан баҳо берилган. Бу тадқиқотлар нафақат яссавийшунослик, балки тасаввуф илми тўғрисидаги қарашларни ҳам бойитади.

Муҳаммад Шакарнинг ҳам Арслонбоб шахсияти ҳақидаги маълумотлари яссавийшуносликда эътиборга молик. Унинг фикрича, “Арслон” Арслонбобнинг асл исми бўлмай, балки унга берилган лақабдир. Исломдан олдин ва кейинги даврларда давлатнинг обрўли, жасур эр кишиларига, ҳамда илм ва маънавий куч-қувват соҳибларига арслон лафзи сифат ўлароқ ишлатилган. Ислом манбаларига кўра эса, Аллоҳ ва Унинг дини йўлида курашганларга берилган унвон бўлган. Арслон мардлик ва жасорат тимсоли бўлиб, ислом динининг тарғибида жонбозлик кўрсатган ҳазрати Али, ҳазрати Ҳамза каби саҳобаларга Пайғамбар томонидан “Аллоҳнинг арслони” лақаби берилган⁹. Айниқса, Али (р.а) халқ орасида “Шери Худо” номи билан машхур бўлган, бу унвон бадий адабиёт, хусусан, халқ оғзаки ижодида ҳам кўринади.

Арслонбоб ҳақидаги маълумотлар турли-туман. Натижада ҳар хил мулоҳазалар келтирилиб, манбалар асосида далилланади. Масалан, Фуод Кўпрули, Наждат Тўсун ва Яшар Ўжак каби олимлар Арслонбобни Аҳмад Яссавийнинг отаси шайх Иброҳимнинг иниси деган қарашни ҳам ўртага ташлайди¹⁰. Ҳатто баъзи манбаларда Арслонбоб ва Салмони Форсий айни бир шахс бўлгани қайд этилса-да, бу маълумотни тарихий ҳақиқатдан йироқ деб биламиз. Зеро, Салмони Форсийнинг 644 – 656 йилларда Мадинада вафот этиб, ўша ерга дафн қилингани адабиётларда қайд этилган¹¹. Яссавийшунос Ҳаёти Бижа ҳам пайғамбар омонатининг Салмони Форсий (р.а.) авлодлари томонидан наслдан-наслга етказилиб, ниҳоят, Арслонбоб томонидан Аҳмад Яссавийга етиб борган бўлиши керак, дейди¹².

6 Ko'pruli F. Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar.-Ankara, 1976. 29-6.

7 M. Serhan, Tayşı, “Ahmed-i Yesevî”, Ahmed-i Yesevî Hayatı-Eserleri-Fikirleri-Tesirleri, İstanbul, 1996, 54-6; İlknur Sisnelioğlu(edit)Türk irfaninin Piri Hoca Ahmed Yesevî, Kocaeli Büyükşehir Belediye. Kültür yayınları №37. 31-6;

8 Ahmet Yaşar Ocak, Türk Sufiliğne Bakışlar, İstanbul, 1996. 37-6.

9 Mehmet Şeker. Ahmed Yesevî'nin hayatında Arslan Baba meselesi // Milletlerarası Hoca Ahmet Yesevî Sempozyumu, 26-29 Mayıs 1993, Kayseri.

10 Фуод Кўпрули Мусо Сайрабийнинг “Тарихи амния” асарига таяниб берган маълумотиға кўра, Арслонбоб Ҳз Али ибн Абу Толиб ўғли имом Муҳаммад Ҳанафий наслдан бўлиб, шажара қуйидагича келтирилган: Арслонбоб – Илёсбоб – Маҳмудбоб – Ифтихорбоб – Усмонбоб – Умарбоб – Исмоилбоб – Исҳоқбоб – Абдулкаримбоб – Абдулжалилбоб – Абдурахимбоб – Абдурахмонбоб – Абдулжабборбоб – Абдулфаттоҳбоб – Имом Муҳаммад Ҳанафий. Қаранг: Ko'pruli F. Turk edebiyatında ilk utasavvıflar.-Ankara, 1976. 61-62 6; Necdet Tosun (edit.), Divan-ı Hikmet, Hoca Ahmed Yesevî Uluslararası Türk-Kazak Üniversitesi Yay., Ankara, 2015. 18-25 6; A. Yaşar Ocak, Türk Halk inançlarında ve Edebiyatında Evliya Menkabeleri. Ankara 1984.

11 Jandarbek Zamanhanuli. Hoca Ahmet Yesevî'nin Türk tarihindeki yeri (Çev: Dr. Sevil Piriyeve Karaman - Av. Muhsin Karaman). Ankara: Astana. 2018.116-6.

12 Hayati Bice. Piri Turkistan Hoca Ahmet Yesevî. Ankara: Hoca Ahmet Yesevî Uluslararası Türk-Kazak

Таъкидлаш жоизки, Аҳмад Яссавийнинг маънавий ҳаёт йўли, аввало, унинг ўз асарларида акс этган. Айниқса, ҳикматлар синчиклаб ўқилса, Пири Туркистоннинг таҳсил мактаблари, ладуний илмдан баҳра олгач, ботинида кечган ҳолу мақомлар ҳақидаги тасаввурлар тиниқлашади. Ҳатто айтиш мумкинки, валий шоирнинг таржимаи ҳолини ҳам ҳикматлар асосида бир қадар тиклаш мумкин. Жумладан, Аҳмад Яссавий Арслонбоб номини ҳикматларида бир неча бор тилга олган. Ҳикматларга кўра, Арслонбоб билан учрашуви етти ёшида бўлган:

*Етти ёшда Арслон бобом излаб тобти,
Хурмо бериб, парда бирлан сиррим” ёбти,
Биҳамдиллоҳ, кўрдум тею юзум ўбти,
Ул сабабдин олтмиш учда ерга кирдим*¹³.

Бироқ тасаввуфшунос Атҳам Жабажеўғли Аҳмад Яссавийнинг Арслонбоб билан 7 ёшида кўришгани ҳақидаги фикрларни инкор этиб, 18 – 20 ёшда кўришган ва ундан маънавий омонатни олган, деб маълумот беради. “Зеро, дейди муаллиф, – бир инсоннинг бу ёшда маънавий оламда етукликка етиши ҳақиқатга яқинроқдир”¹⁴. Бироқ руҳий тарбия мактаби бўлмиш тасаввуф ҳамда ботиний кашфлар хусусида тажриба ва тасаввурга эга китобхон олимнинг мазкур фикрларини унча ёқламайди. Аҳмад Яссавий каби олимларнинг болалигиданоқ муҳиблиги, қалбида ботин эшикларининг очилиши ғоят табиий бир ҳолдир. Неча йиллар туркий халқлар қалбида ўз ҳикматлари билан шариати Муҳаммадияга садоқат, Ҳақ ва ҳақиқатга муҳаббат уруғини сочиб келаётган Хожа Аҳмад Яссавийнинг етти ёшларидаёқ мана шундай ботин сирларига ошно бўлганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Зеро, валийларга кашфу каромат ёшига қараб берилмагани бор ҳақиқат.

Яссавийга аталган хурмо ва хирқа ҳақида олимлар турлича фикр билдиришган¹⁵. Бизнингча, хурмо ва хирқа мажозий характерга эга бўлиб, Аллоҳ таолонинг лутфи марҳамати, Пайғамбари (с.а.в)нинг ҳиммати туфайли ладуний илм ҳамда тасаввуфий ҳақиқатларнинг Арслонбобо воситасида Аҳмад Яссавийга етказилганига ишора мавжуд. Бу ҳақида Зулфиқор Кункўр шундай дейди: “Арслонбоб Ҳз. Пайғамбарни тушида кўриб, хурмони эгасига етказиш вазифасини олган ва вақт ўтган сари бу туш маноқибга айланган бўлиши эҳтимоли бор”¹⁶.

Афсоналарга йўғрилган маноқибларда Арслонбоб 400 йилдан ортиқ яшаган шахс сифатида гавдалантирилади. Ясси яқинидаги Ўтрор шаҳрида унинг номига қурилган мақбара Арслонбоб шахсининг тарихда мавжуд бўлганининг бир далилидир. Тарих саҳифаларига муҳрланган манбалар оз бўлса-да, Арслонбобнинг Пайғамбаримиздан қолган омонат хирқа ва хурмони Аҳмад Яссавийга етказиши ва тарбияси билан машғул бўлиши, тўрт юз йилдан ошиқ умр кўргани ҳақидаги

Universitesi, 2016. 66-б.

13 Яссавий, Аҳмад. Девони ҳикмат. // Нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, Н.Ҳасан. – Т.; 2020. 18-б.

14 Cebecioğlu, E. (1993). Hoca Ahmet Yesevi (ö. 562/1167). Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi, XXXIV. 100-б.

15 Tosun, N. (2004). Tasavvuf kültüründe meyve; E Cebecioğlu (Ed.). Tasavvuf İlmî ve Akademik Araştırma Dergisi, 5(13), 289-300; Hayati Bice. Piri Türkistan Hoca Ahmet Yesevi. Ankara: Hoca Ahmet Yesevi Uluslararası Türk-Kazak Üniversitesi, 2016. 68-б; Algar, Hamid, “Arslan Baba” (madde), TDV İslâm Ansiklopedisi, İstanbul, 1991, c.III, s. 400; Hasan Nâdirhan, Arslan Baba ve Ahmed Yesevî, Tasavvuf İlmî ve Akademik Araştırma Dergisi, 24 [2009/2], s.1–10;

16 Editör Prof. Dr. Zülfikar Güngör. (edit) Divani hikmet sohbetleri. Ankara, 2018. 192-б.

маълумотлар бизгача етиб келган. Халқ орасида кенг ёйилган манқабалардан ул зотнинг ўз даврида буюк саҳоба ва етук сўфий шахс бўлганини ҳам билиш мумкин.

Фуод Купрули Арслонбоб ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар йиғиб, уларни тадқиқ этган. Яссавийнинг маънавий отаси сифатида унинг нафсини тарбиялаб, қайта дунёга келишида сабабчилардан бўлган Арслонбоб ҳақида холис хулосаларга келади. Унга кўра, Арслонбоб Аҳмад Яссавий ҳали гўдаклигидаёқ оламдан ўтган¹⁷. Бошқа манбада эса Яссавий Арслонбобга 16 йил хизмат қилгани ва у 23 ёшида экан Арслонбоб ҳаётдан кўз юмгач, Ўтрорга дафн қилингани ҳақида қайд этилади¹⁸. Биз учун бу масалада ҳам барибир “Девони ҳикмат”даги ишоратлар муҳим ва қимматлидир. Ҳикматларда Арслонбоб вафоти шундай ифодаланади:

*Қобиз келиб, Арслон бобом Жонин олди,
Хурлар келиб, ҳарир тўндин кафан қилди,
Етмиш фирқа фаришталар йиғлиб келди,
Ул сабабдин олтмиш учда ерга кирдим.*

*Жанозасин ўқуб ердин кўтардилар,
Бир фурсатда учмох ичра этурдилар,
Рухин олиб Иллийинга еткурдилар,
Ул сабабдин олтмиш учда ерга кирдим¹⁹.*

Арслонбоб вафотидан сўнг Яссавий илм олиш учун Бухорога йўл олади. Ўз даврининг етук мутассавуф олими Юсуф Ҳамадонийнинг тарбият қанотида руҳий тарбияга киришиб, тариқатда собит қадам билан илгарилайди.

Хулоса қилиб айтганда, Пири Туркистоннинг тарихий ҳаёти ёритилган васиқалар, маноқибномалар ва ҳикматларига таяниб, улуғ шайхнинг илми камолотда юксак даражаларга кўтарилишида сезиларли таъсир кўрсатган муршидлари ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўлиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Аннотация: Мақолада Аҳмад Яссавийнинг камол мартабасига етишида раҳнамолик қилган маънавий муршиди Хизр (а.с) ва буюк шахсият эгаси Арслонбоб ҳақидаги турк яссавийшунос олимларнинг тадқиқотлари таҳлилга тортилиб, бу хусусда фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Аннотация: Статья посвящена исследованиям турецких ученых Яссави о духовном муршиде Хизре (ас) и великой личности Арсланбаб который привел Ахмада Яссави к достижению уровня совершенства.

Annotation: The article analyzes and comments on the research of Turkish scholars which on the spiritual mentor Hizr (as) and the great personality Arslanbob, who guided Ahmad Yassaviy to the level of perfection.

17 Ko'pruli F. Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar. – Ankara, 1976. 64-6.

18 Dosay Kenjetay, “Hoca Ahmet Yesevî: Yaşadığı Devir, Şahsiyeti, Tarikatı ve Tesiri”, Tasavvuf İlmi ve Akademik Araştırmalar Dergisi Dergisi, Aralık, 1999, yıl: 1, sayı: 2, 115-6.

19 Яссавий, Аҳмад. Девони ҳикмат. // Нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, Н.Ҳасан. – Т.; 2020. 18-6.

Булъажаблар



Алишер САБРИЙ

*Йўқ ажаб, лаълингдин ар беҳудлугум ойин эрур...
Алишер Навоий*

I

Куш сайрашидан тонгда гул уйғонса ажабмас,
Гул бокса, анинг бўғзида куй ёнса ажабмас.

Гар ноз ила тебранса сабо мавжида ногоҳ,
Гул бўйи фалак токига бўйлонса ажабмас.

Гул кулса-ю тарқалса анинг меҳри жаҳонга,
Бемехрлигидан куёш уфтонса¹ ажабмас.

Лекин арази музлатар асру² саратонни,
Муз гулханида ёзу қиш ўртонса ажабмас.

Ваҳ, сунъига қойилман ўшал Сунъ маликин³
Ким, даҳр⁴ гулин шавқида бурконса ажабмас.

1 Уфтонмоқ – уялмоқ.

2 Асру – кўп, жуда.

3 Сунъ – санъат, Сунъ малики – Яратувчи, Аллоҳ.

4 Даҳр – дунё.

Алишер САБРИЙ – 1995 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филология факультетини тамомлаган. Республика матбуотида шеърлари эълон қилинган.

Ҳам жилға кулиб пойида, лекин ета олмай
Абр этаги қон ёш ила булғонса ажабмас.

Сабрий, бу кўнгул сабр ила улфат дема асло,
Бир бокса хумор ул сара гул, тонса ажабмас!

II

Умримни единг, эй гул, тўймайсан, ажабмасму?
Уйкумга хужум айлаб, қўймайсан, ажабмасму?

Мен дейсану мен дейсан, йўқ мен била⁵ тенг дейсан,
Дейсанки: “Дилинг, эй сан, ўймайсан, ажабмасму?”

Билмасга солиб ўзни, туғёнга қарорўзни⁶...
Ҳам чинга бирор сўзни йўймайсан, ажабмасму?

Боғ аҳли ғаминг тортар, доғ аҳли ғами ортар,
Бир йўли чекиб ханжар сўймайсан, ажабмасму?

Қонимни тўкар хоринг⁷, ҳар лаҳза сабо ёринг,
Рашк ўтида хунборинг⁸...Қўймайсан, ажабмасму?

Тинглаб кечалар додим, тоғлар отади одим,
Сен нолаю фарёдим тўймайсан, ажабмасму?

Хушёрлиги тундай Сабрийни ютар, бундай
Чехранг каби гулгун май қўймайсан, ажабмасму?

III

Танингда жон бўламан мен десам, ажабланади,
Гулим, ҳамон⁹ бўламан мен десам, ажабланади.

Чаманда кўрмасам ар¹⁰ қоматингни, сарви равон,
Қади камон бўламан мен десам, ажабланади.

Бу иштиёқ билан телбараб, чунон беҳуд¹¹
Замон-замон бўламан мен десам, ажабланади.

5 Била – билан.

6 Қарорўз – куни кора, бечора.

7 Хор – тикон, наштар.

8 Хунбор – қонли ёш ёғдирувчи, аччиқ йиғловчи.

9 Ҳамон – ўша, худди ўзи.

10 Ар – агарнинг қисқа шакли.

11 Беҳуд – ўзида эмас, хушсиз.

Замона гуллари бир ёну сен эсанг бир ён,
Сенинг томон бўламан мен десам, ажабланади.

Қошингда кўрсам агар ўзга андалиб¹², шу он
Туси сомон бўламан мен десам, ажабланади.

Магар нафис дилингга ғубор келса яқин,
Ишон, ёмон бўламан мен десам, ажабланади.

Ажабки, олсанг ўзинг сабрсиз бу жоним, гул,
Абад омон бўламан мен десам, ажабланади.

* * *

Мусоҳиб¹³, дардинга дармон тилайдирсан, топилмайдир,
Тинимсиз давр этиб даврон тилайдирсан, топилмайдир.

Эгизтуғгич бу зиллатлар туғар ҳар лаҳза иллатлар,
Аларни қовғали гаврон тилайдирсан, топилмайдир.

Жафо явми¹⁴ магар етган, вафо қавми бадар кетган,
Сафо қасд айлаган қарвон тилайдирсан, топилмайдир.

Қаён боқма, риё, найранг: “Олинг ошдан... Қани, сайранг!”
Ҳамият – ложарам, армон. Тилайдирсан, топилмайдир.

Неча довдир, неча довлар, қўйиб берсанг, кўзинг ковлар,
Футувват¹⁵ бирла андармон тилайдирсан, топилмайдир.

Соларга бахту ранжингни, муҳаббат – тоза ганжингни
Қароқчи тешмаган қармон тилайдирсан, топилмайдир.

Бас, эй Сабрий, совуқ сув сеп кўнгилга, англагай у деб
Ўзингдай зору саргардон тилайдирсан, топилмайдир.

* * *

Андомин¹⁶ этиб дом ҳам ул холини дона,
Сайд этди кўнгул тайрини¹⁷ сайёди замона.

12 Андалиб – булбул.

13 Мусоҳиб – суҳбатдош.

14 Явм – кун.

15 Футувват барча қилмақдур, демак йўқ. (Алишер Навоий)

16 Андом – ташки қўриниш; маж. чирой.

17 Тайр – қуш.

То тушди анинг кўз учи, фарқимга¹⁸ тушиб барқ¹⁹,
Тинмай кезаман сарсари лов-лов ёна-ёна.

Бир кош учуриб қилди такаллум²⁰ гули хандон,
Йиғлаб неча, тил келмади қошида баёна.

Жонимни олиб илкига ўйнаб отаберди,
Ҳайрона боқиб турдим ўшал жону жаҳона.

Бир жилва билан тўқди тамом ақлу хирадни,
Билмамки, фано дайри надир, мулки бақо на?

Эй телба кўнгул, тунлари васлини суриб ўй,
Кундуз кидириб дарбадару хона-бахона²¹,

Сабримни синайсанму санам сарви сумандек?
Бошимга бало бўлғали булдунгми²² баҳона?

* * *

Ё магар дарду балодан хабаримсан, гулимоҳ,
Не хабар, балки бало ҳам хатаримсан, гулимоҳ.

Тўрт ёндан келадур бостириб андоқ тиканинг,
Телба кўнглимни танимга қабаримсан²³, гулимоҳ.

Ғайр бирла кулишиб, май тўла соғар²⁴ улашиб,
Рашким ўтига аламлар қаларимсан, гулимоҳ.

Хуш ифоринг била нурингни тиларман кечалар,
Бағри қаттиқ гулу саркаш қамаримсан²⁵, гулимоҳ.

Менми кирдим бу ҳалокат ўзанига дур учун,
Ё вужудим ура ютган камаримсан, гулимоҳ?

Бу жаҳон ичра менинг якка қувончим сен ўзинг,
Бу жаҳон ичра ягона қадаримсан, гулимоҳ.

Гулим, “Оҳ, ўлди бу Сабрий ситамимдан!” демаким,
Гарчи қабрим қазаримсан – қадаримсан²⁶, гулимоҳ.

18 Фарқ – бош.

19 Барқ – чақмоқ.

20 Такаллум – гапириш.

21 Хона-бахона – уйма-уй.

22 Булмоқ – топмоқ.

23 Қабамоқ – қамамоқ.

24 Соғар – қадах, жом.

25 Қамар – ой, моҳ.

26 Қадар – казо, тақдир, қисмат.

* * *

Тун зулфи муаттар²⁷, хати²⁸ мушкин гулираъно,
Кун хозини²⁹ – кўйингдаги мискин³⁰, гулираъно.

Оламни асир айлагали қўпса рақамлар,
Рағмида³¹ ифоринг манга таскин, гулираъно.

Тонг чоғи чаман саҳнида юз очсанг, этиб лаҳн³²
Булбуллар ўқир ҳуснинга таҳсин, гулираъно.

Наргис кўзи куйгай сени кўрганда валекин,
Савсан тили сурмас санга баҳсин, гулираъно.

Гулшанда кезар Сабрий атайлаб кўрайин деб,
Лутф айла, раво кўр анга бахтин, гулираъно.

Офарин!

Бошда ғурур ўчоғида ғарра³³ бўлибман, офарин!
Нафс итининг кучоғида барра³⁴ бўлибман, офарин!

Сўнгра тушиб санга кўзим, кибрларим топиб тўзим,
Шамс³⁵ билиб сени, ўзим зарра бўлибман, офарин!

Қамчи солиб, кеча жаҳон аҳлин этиб дилини қон,
Бул кун ўзимга ногаҳон дарра бўлибман, офарин!

Жонга тушиб, ажаб, ғаминг, бўлмаса ҳам бирор каминг,
Жону жаҳони садқа минг карра бўлибман, офарин!

Чўққи эдим ҳавас нукул бургут учун, кийик тугул,
Энди санга босилган ул марра бўлибман, офарин!

Дедим, аё жамоли хуш, бизга қара, заминга туш...
Ваҳки, санингча, бадбуруш – нарра³⁶ бўлибман, офарин!

Сабрий – ўзим саботи зар, сен дея тоғу тош кезар,
Бахтинг учун йўлим кесар арра бўлибман, офарин!

27 Муаттар – атирли, хушбўй.

28 Хат – лаб устидаги майин тук.

29 Хозин – хазиначи.

30 Мискин – фақир, бечора, нотавон.

31 Рағм – кимгадир ёки нимагадир қарама-қарши иш тутмоқ.

32 Лаҳн – ёқимли хониш.

33 Ғарра – густох; мағрур, такаббур.

34 Барра – кўзичок.

35 Шамс – қуёш, офтоб.

36 Нарра – хунук, бадбашара.



**Отабек
ДҶСТЁРОВ**

Илм сари саодатли йўл

Ҳар қандай халқ, мамлакат нуфузини белгилайдиган омиллардан энг муҳимларидан бири жаҳон андозасига жавоб бера оладиган кадрлар тизими ҳисобланади. Юртимизда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун Малайзия, Сингапур, Япония, Хитой, Корея ва бошқа кўплаб давлатлар олий таълим тизимлари ўрганилиб, уларнинг айримлари ҳаётга тадбиқ этилаётгани бежиз эмас.

Масалан олийгоҳлар қабул квоталарини доимий ошириб борилиши, кириш имтиҳонларининг соддалаштирилиб, давлат грантлари сонининг икки бараварга орттирилгани, таълим соҳасида коррупцияга йўл қўймаслик бўйича қатор чоратадбирларнинг белгиланиб, ҳаётга тадбиқ этилаётгани бунинг исботи бўлмоқда.

Масалан биргина 2021 йилда нодавлат олий таълим муассасалари сонининг 21 та хорижий олий таълим муассасалари 30 та давлат олий таълим муассасалари сони 106 тага етказилгани, ОТМга ўқишга кириши учун ёшларимизга йигирмага яқин имтиёзларнинг берилгани ва абитуриентларнинг асосий қисми шу имтиёзлар сабаб давлат гранти асосида ўқишга қабул қилингани каби янгиликлар нафақат ёшлар, балки умумжамият интеллектуал салоҳияти ошаётганидан ҳам далолат бермоқда. Ёшларимизнинг илм олишга ҳаракат ва кизиқишларини янада оширмоқда.

Аммо шу билан бирга ҳозирги ёшлар орасида ўқиш, илм олиш ўрнига ўзлари наздидаги яхши ҳаётга, бахтга эришиш йўли фақат пул топишда деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бундай ёшларнинг аксарияти олтинга тенг вақтини нуқул ҳуда-беҳуда ҳою-ҳавасларга сарфлаётгани кишини ўйлантириб қўймоқда.

Бунга яқинда “фейсбук” ижтимоий тармоғидаги бир мақолада кўтарилган муаммода нега олий таълим муассасасини “аъло” баҳоларга битирганлардан кўра зўрға “кониқарли” баҳога ўқиганлар ҳаётда кўп пул топаётгани ҳақида гапирилгани ҳам сабаб бўлди.

***Отабек ДҶСТЁРОВ** – 1993 йилда туғилган. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтини тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида эълон қилинган*

Беихтиёр ўйланиб қоласиз. Аввало бундай сўроқнинг ўзиёқ бошқа бир саволни юзага келтиради: қачондан буён билим фақат моддий эҳтиёж манбаи ҳисоблана бошланди? Бир инсоннинг илм даражаси унинг қанча маблағ топаётгани билан боғлиқ омади ёки муваффақиятсизлиги билан ўлчаниши тўғрими? Бундай қараш олий маълумотли бўлишга интилаётган миллионлаб ёшларнинг асосий мақсади келажакда ўз моддий эҳтиёжини қондириш учунгина ҳаракати каби мантиқсиз тушунчани юзага келтирмайптими?

Майли, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги табиий ҳолат ҳам дейлик. Чунки турлича қарашлар ўз-ўзидан эмас, балки кўплаб ташқи омиллар таъсирида вужудга келади, ривожланади. Қолаверса, тан олиш керак, айнан ўзимиз – ёши катталар орасида ҳам фарзандларини олий маълумотли қилишдан асосий мақсад – моддий манфаатдорлик ёки ёш авлодининг келажакда қийинчиликсиз турмуш кечиришинигина ўз наздимизда таъминлашдан иборат эканлиги ҳам бор гап.

Бу ҳам етмагандек телевидение, интернет, ижтимоий тармоқлардаги енгил-елпи, савиясиз “сохта маданият”нинг тинимсиз кўз-кўз этилиши, шу кунгача ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий ғурур, дид ва фаросатимизни ўтмаслаштириб қўяётгани, ёшларнинг билим ва маърифатлилар қолиб, кўп пул топадиган ёки машхур бўлиб кетганларга ҳавас қилиши бутун жамиятимизнинг маънавий жабр кўраётганидан ҳам далолат эмасми?

Ёшлар-ку майли, кўпчилик ота-оналар фарзандининг сифатли таълим олишини пуллик бўлса ҳам нуфузли мактабда ўқитишда деб биладилар. Кези келса, бола фанларни яхши ўзлаштириши учун ўзи ҳам ҳаракат қилиши кераклиги эмас, пул тўланадиган репетитор хизматида фойдаланишни афзал кўришади. Фарзанд вояга етгач эса уни ўзлари “сердаромад” ҳисоблайдиган касбни танлашга ундайдилар. Ёки “муҳими дипломинг бўлсин, пичоғинг мой устидадир” каби “маслаҳат”лари билан “қўллаб-қувватлайди”лар. Буларнинг барчаси охир-оқибат илм фақат пул топиш учун хизмат қилсагина зарур, йўқса ундан нима фойда деган тор қарашимизни ёшлар онгига сингдириш эмасми?

Бундай қарашимиз оқибатида Абдулла Авлониининг барчамизга яхши таниш “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё фалокат, ё саодат ё ҳалокат масаласидир”, деган фикридан ҳаётни танламоқдамизми, мамотни? Нажотними ё фалокатни? Фарзандлар камолотида маънавий бўшлиқни ўз қўлларимиз билан яратмаяпмизми?

Шу ўринда “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилган, ёш ижодкор Феруза Хайруллаеванинг “Юртнинг бир бўлагимиз” мақоласидаги ушбу парчани ёдга олсак. “...Бир вақтлар ўқигандим, циркда филларни болалилигидан қўлга ўргатишар экан. Албатта, ўрмонда эркин юрган ҳайвоннинг қўлга ўрганиши қийин, улар доим қочишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ўргатувчилар фил болаларининг оёғидан қалин арқон билан боғлаб қўйишади. Филчалар аввал бошида қочишга кўп ҳаракат қилишади, аммо қалин арқонларга кучи етмайди. Бора-бора улар қутулиб кетолмаслигига ишониб, қочишга ҳаракат қилмай қўяди. Кейинчалик улғайиб, кучга тўлиб, арқонни уза оладиган бўлганларида эса ўша болалиликдаги қочолмасликларига бўлган ишонч сабаб, арқонни узмайди. Ва бир умр эрксизликда қолишади. Бугун аллақачон озод бўлган юртда юқоридан топшириқ кутадиган, ўзидан қўйидагиларнинг фикрини бўғадиганлар шу филлар каби туюлади менга. Шу филлардек бир жойда айланаверадиган, кенгликларни унутган, ўз кучини билмайдиган ва фақат қорин тўйишини кутиб яшайдиганлар...”

Энди ўйлаб кўринг. Биз ҳатто таълимни ҳам пул топиш манбаи сифатида кўришимиз ва ўз ҳаракатларимиз билан ёшларга ҳам шуни уқтиришимиз фарзандларимизни шу филчалар ҳолатига солиб қўймайдими? Ахир илм олишдан мақсад – бирор лавозим эгаси бўлиш, моддий манфаат кўриш, асосийси дипломли бўлиш деган тушунчаларнинг замони аллақачон ўтиб кетди.

Бу билан ҳамма ҳам шундай фикрлайди демоқчи эмасман, йўқ. Кўплаб зиёли, ўқимишли оилалар фарзандлари қайси олий таълим муассасасига кириш ва ўқишни ўзлари танлашади. Таҳсил даврини эса шунчаки ўқув курсларини “эсон-омон” битириб олиш эмас, ўзи қизиққан соҳасини янада чуқур ўрганишга бағишлайди. Шу билан бирга улар билан бир аудиторияда ўтирганларнинг қанча-қанчаси эса “амаллаб ўқишни тугатиб олай, у ёғи бир гап бўлар” деб юришибди, холос. Ва айнан улар айтгандек бўлади ҳам: оёғидан тушовланган филчалар улғайгани, кучга тўлгани, бундан кўра кўп нарсаларга қодирлигини мушоҳада ҳам қилиб ўтиришмайди. Бошида оилада берилган ва уқтирилган мантиқ бўйича соҳасига доир бўлмаган, аммо диплом сўраладиган бирор иш ёки лавозимни эгаллаб, имкон қадар шу жойда муқим қолиш ҳаракатида бўладилар. Оқибатда ўша – буни қаранг, зўрға ўқиганлар аълочиларга нисбатан кўпроқ пул топаяпти-ку, каби мантиқсиз хулосалар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлаверади.

Бундай хулосаларни чиқарувчилар ким? Фарзандини олий маълумотли қилишга уринса-да, аммо ўзи китоб ўқимайдиган одам. Илмнинг кадри пулдан кўра юқори, анча баланд туришини англамайдиган инсон.

Чунки китоб ўқимайдиган одам ўзининг эмас, атрофдагилар, кўча фикри билан яшайди. Масъулиятни бўйнига олиб ҳаракатланишдан кўра бошқалар кўрсатмасига амал қилиб яшашни афзал билади. Ва шу тариқа ҳаёти қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолади. Ачинарлиси, улар фарзандларининг ҳам оёғидан боғлаб, шу тушовдан узоқлашмай яшашига сабаб бўладилар.

Чунки мустақил фикрламайдиган инсоннинг ўз йўли ва мақсадига эришиши мушкул. Бу мақсадни топиши, англаши ҳам қийин кечади. Энг ёмони фикрсизлик – инсон қандай маълумотга эга бўлишидан қатъи назар маданият кушандаси, маънавий ўлим бўлиб қолаверади.

Фикр йўқ жойда эса жоҳиллик кўпчийди. Бунга дунёда бўлиб ўтаётган фавқулудда ҳолатлар ҳам гувоҳлик бериб турибди.

Масалан ҳозирги кунда динни ниқоб қилиб олган радикал ғоялар кўп. Улар таъсирига тушиб қолаётганларнинг аксариятини эса ёшлар ташкил этмоқда. Ҳайрон қоладиган жиҳати, бундай ёшларнинг ҳаммаси ҳам “кўча безорилари” эмас, ўқимишлилари ҳам бор.

Энди ўйлаб кўринг: муқаддас динимизга соя солишга ҳам хизмат қилаётган бундай “радикал куч”лар нега айнан ёшларни ўзига осон ва тез жалб қилмоқда? Бунинг жавоби оддий: демакки биз фарзандларимизга бермаган диний, маънавий, маърифий тарбия ўрнидаги бўшлиқни интернет, ғарблашиш ёки радикаллашиш каби “билим” эгаллаб бормоқда. Агар биз ёшларга болалигидан тўғри тарбия бериб, нима яхши-ю нима ёмонлигини ўз вақтида тушунтира олганимизда, уларга яшашдан, таълим олишдан мақсад танлаган соҳасининг устаси бўлиш, атрофдаги бошқа инсонлар ва жонажон ватанига нафи тегадиган мутахассис бўлиб етишиш эканлигини уқтира билганимизда, улар онгида сохта ғоя ёки тарбияга жой қолмасди. Билим олишдан мақсад яхши пул топишдангина иборат деб ҳисобланмасди. Чунки ўз касбининг моҳир устаси бўла олган илмли инсоннинг пул ортидан югуришга

эхтиёжи йўқолади. Пул учун ўзига номаълум йўлларга кириб кетмайди. Етук мутахассис, илмли, ўз ишининг устаси бўлганларни пулнинг ўзи топиб келади. Бундай инсонга ишонувчилар, эргашувчилар кўпаяди.


Бунинг учун фарзандларимиз муваффақияти аслида бизнинг уларга нисбатан муносабатимизга боғлиқ эканлигини ёдда тутишимиз шарт. Ёшлар ўз тўғри йўлини танлаганда мақсадни пул эмас, балки кунт билан билим олишда деб билиши уларни ҳаётдаги омадсизликлар, хатолар, қийинчилик ёки бошқа муаммолардан юз фоиз ва кафолатли асрай олмаслиги мумкиндир, аммо ички – билим деб аталувчи маёқ ҳар қандай вазиятда ҳам энг тўғри йўлни кўрсатишга қодирлигича қолаверади.

Яъни пойдевори мустаҳкам иморат инсонларга қай даражада узоқ хизмат қилгани каби фарзандларимизга берадиган илк тарбиямизнинг ўзидаёқ комиллик, тугаллик, бутунлик бўларкан, улар ўз келажагини моддий етишмовчилик қаршисидаги қўрқувларсиз ҳам таъминлай олади.

“Билим” аталмиш сўнмас маёқ эса, аввало, болани мутолаага ўргатишдан бошланади. Ўқиш ва ўқишнинг илк завқини оиласида, яқинларидан ола билган фарзанд келгусида қай йўналишни танлашидан қатъи назар биринчи ўринда соғлом тафаккур қилади. Яқинлари, Ватани, келажак олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этади. Унинг ўз мустақил онги бошқа фикрлар оқимида тўғридан-тўғри эмас, таҳлил ғалвиридан ўтказиб, фақат фойдали ва керакли бўлганларинигина олишга ҳаракат қилади.

Ҳар қандай шахснинг билимли, маърифатли, кенг фикрли бўлишнинг асосий омили эса китоб ҳисобланади. Шундай экан, мутолаага меҳр биринчи ўринда оилада шакллантирилиши керак. Чунки илмга муҳаббатни бола мактабга чиққунига қадар даставвал ўз уйида китобни севадиган, мутолаани ардоқлайдиган, илмга чанқоқ инсонлари – ота-она бўлсин, бобо ё буви, ака-опалари, умуман катталар муҳитидан олади. Аввалига китобдаги матнларни ўқишни ўрганса, кейинроқ эса уларни мазмун-моҳиятига кўра танлайди. Пайти етиб айнан шу жараёнлар таҳлилий, мантикий фикрлашнинг илк сабоқлари сифатида онгидан ўрин эгаллай бошлайди. Бежизга қаерда ўқиганлик эмас, балки ўқимишли бўлиш ҳамма замонларда, барча халқларда қадрланиб келинмайди. Чунки илм ҳар бир инсонни бахт сари етакловчи энг ишончли йўл ҳисобланади.

Шундай экан, ҳаёт ҳар қанча шиддат билан ривожланмасин, ўзгармасин, ёш авлод маънавияти ҳар доим ҳам энг долзарб масала эканлигини унутмайлик. Уларга берадиган тарбиямиз саодатли бўлишига ҳаракат қилайлик. Ана шундагина илмга пул топиш эмас, халқ фаровонлигини таъминлаш учун интилувчи ёшлар сафи янада кенгаяди. Юртимизда Ал Беруний, Ибн Сино, Самарқандий, Ал Хоразмийлар, Термизий, Насафий, Авлоний каби жаҳонга машхур олим ва ихтирочилар сони янада кўпаяди.



Sozning sarxush sadosi

Nabijon ERMAT

Debocha

Milliy sozlar jam bo‘lib,
Tortishib qolishdilar.
Har bir soz navolanib,
Besamar olishdilar.

Xalqimning hamma sozi,
Qizishdi bora-bora.
Eshu qo‘sh zarblandilar,
Bahs avjlanar tobora.

Maqtanishdi kerilib,
Men zo‘rman deb, davrada.
Sadolarim jarangin
Qadrlaydi sozanda.

Nay

Mening nola navomga,
Sozlanadi hamma soz.
Ijrolar shiralanur,
Nozlanib bo‘lar hamroz.

Tinglang nozik xonishim,
Birinchidur, hoynahoy.
Jo‘r bo‘lib tebranishar,
Ijroda o‘lcham chiroy.

Nabijon ERMAT – 1949 yilda tug‘ilgan. Nizomiy nomidagi pedagogika institutini madaniy-oqartuv bo‘limini tugatgan. O‘ttizdan ortiq kitoblari nashr qilingan.

Yarim gazcha bo'yim bor,
Shira to'la kuyim bor.
Lab, barmoq, til xizmati,
Oqibatli himmati.

Sibizg'a

Sibiziq qamish nayi
Tilli puflama sozman.
Cho'ponlar sevib chalar,
Hozirda juda ozman.

Uzunligim qo'shnaycha,
Uch teshik bor bo'yimda.
Ovozim balandligi
"Seksta"¹lanar kuyimda.

Menda ko'proq mashq chaling:
Qo'shiq oqar, kuylar ham.
O'zbekda bo'lmas aslo,
Sibizg'asiz to'ylar ham.

G'ijjak

Al Farob bobomlarning,
Kitobiga kirganman.
Sozanda tizzasida,
Erkalanib turganman.

Dastam uncha uzunmas,
Bepardaman, arzim bor.
Kamon cho'pda kuy tarash,
Tinglovchiga qarzim bor.

Qashqar rubobi

Dastam uzun cho'michli,
Shoxim, qornim boshida.
Yuzimga baliq teri,
Tortdim bola yoshimda.

Sovuq simdan kuy tarab,
Dilni maftun qilaman.
Usta sozandalarning
Qo'llarida kulaman.

Muhammadjon Mirzoning,
Sevgan sozi bo'lganman.
Bugun Shavkat qo'lida
Munojotga kulganman.

¹. Asosiy tovishdan oltinchi tovush oralig'ida

Dutor

Ikki torim sehriga,
Tinglovchilar berar tan.
Bo‘ydorman nozik dastam,
Pardalarim yarashgan.

To‘rtga maktab ilmini,
O‘rganishar zarblashib.
Samarqandu Toshkentim,
Andijon, Xorazmlashib.

“Chertmak” kuyin chertishib,
Bahs qilar sozandalar.
Qirq qizning barmoqlari,
Torlar uzra nozlanar.

Qayroqtosh

O‘zbek, tojik xalqining
Urma cholg‘u soziman.
Raqqosa, raqqoslarning
O‘yining noziman.

Ikki juft silliq yupqa,
Tosh bo‘lagi bor-yo‘g‘im.
Kaft ichiga joylashib,
Dil qitiqlar ovozim.

“Lazgi”, “Bahor”, “Shodlik”da
Qayroqtoshsiz raqs bo‘lmas.
Qars-qars rezgim sadosi
Bo‘lmasa ko‘nglim to‘lmas.

Tanbur

Meni chalgan sozanda,
Moziyga yurish qilar.
Agar chalsa azonda,
Tashna qalb turish qilar.

“Noxun” zarbi kamondan,
Dilga kuy oqar mayin.
Qalbingni rom aylaydi,
Nolalar oqqan sayin.

Nog‘ora

Ikki kichik xumchamiz,
Yuzimiz terilangan.
Cho‘plar zarbini yebon,
Ovozlar rezgilangan.

Birimizda “bum” sado,
Ikkinchimiz berar “bak”.
Tovushlar navolansa,
Dil yayraydi biz kulsak.

Surnay

Mensiz milliy to‘y, bayram,
O‘tmasligin bilaman.
Sozandam dildan chalsa,
Navolarga to‘laman.

Naypachoq tillarim bor,
Og‘zing to‘sar qalqonim.
Nafaslaringni o‘lchab
Sadolayman, shu shonim.

Xotima

Qarang, do‘stlar kelishsak,
Maqsad bo‘lar mustajob.
Tinglab hordiq olishlik
Hayotga ham berar tob.

Sozlarning ijrosini,
Boshqarsinda dirijyor.
Zarb, ohanglar qorishib,
Qalbga oqsin sarxush qo‘r.

Hoy, sevimli sozlarim,
Bir-birdan ortishmangiz.
Hammaning o‘z o‘rni bor,
Besamar tortishmangiz.

Jo‘r bo‘lsangiz hayotda,
Yangraydi xush navolar.
Olqish yog‘ar sizlarga,
Ohanglar havolanar.

Sozning sarxush sadosi,
Kimni maftun etmaydi.
Maroqli hordiq uchun,
Xizmat zoye ketmaydi.

Tortishuvdan yo‘q foyda,
Jo‘rnavoz bo‘ling hay-hay.
Qablar intiq kutadi,
Boshlab bergin jajji nay.

Адабий ҳаёт

* * *

3 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида янги таркибдаги Таржима ижодий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Таржима кенгашининг 2022 йилда бажариши кўзда тутилган вазифалари муҳокама этилди. Бадий таржима соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикр билдирди. Йиғилишда, шунингдек, жорий йилда нашр этилиши назарда тутилган “Туркий адабиёт хазинасидан” юз жилдлик асарлар мажмуаси устидаги ишларни жадаллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

* * *

4 февраль. Буюк мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги ва шоирнинг “Лайли ва Мажнун” достонининг зуллизонайн тожик шоири Жонибек Қувноқ таржимасидаги китоби тақдироти бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Республика Тожик миллий маданий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган тадбир “Навосиз улуснинг навобахши бўл...” деб номланди.

* * *

7 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Божхона институти томонидан Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги муносабати билан “Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил” деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирда Божхона қўмитасининг 30 йиллиги муносабати билан институт бошлиғи Восид Эргашев уюшма раиси Сирожиддин Саййидга, раис ўринбосари Ботир Эргашевга қўмитанинг “Кўкрак нишони”ни топширди. Талабалар Навоий ғазалларидан ўқиди. Институт курсантларига уюшманинг қирқ номдаги уч юз дона китоби совға қилинди. Божхоначиларнинг шарафли меҳнати адиблар томонидан эътироф этилди.

* * *

9 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги муносабати билан Адиблар хийбонидаги шоир ҳайкали пойида адабий-маърифий тадбир ҳамда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, куннинг ўзида Ёзувчилар уюшмасида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” мавзусидаги халқаро симпозиум ўтказилди.

* * *

10 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида навоийшунос олим, академик Абдулла Аъзам “Аброрлар ҳайрати” номли янги китобини тақдим этди. Ушбу китоб Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонига бағишланган. Асар шоир ғазаллари таҳлилини ва бошқа ҳодисалар тафсилотларини ўзида жамлаган.

* * *

11 февраль. Адабиётшунос олим Сайди Умиров ҳаёти ва ижодига бағишлаб чоп этилган “Сайди Умиров замондошлари хотирасида” китобининг тақдимоти ҳамда “Соғинч” деб номланган маърифий анжуман ўтказилди.

* * *

14 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 539 йиллиги мамлакатимиздаги барча таълим масканлари, илмий-маърифий муассасалар, кутубхоналар, маҳаллалар, ижодий жамоалар, ҳарбий қисмларда кенг нишонланди.

* * *

17 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма аъзоси, ёзувчи Наби Жалолиддиннинг “Урушнинг давоми”, “Умар Хайём” ва “Жаллод аёл” деб номланган китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамкорлигида “Ғазал ғизоли” баёзининг тақдимот маросими ўтказилди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, баёзга ғазаллари кирган муаллифлар, ёш ижодкорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

* * *

21 февраль. Уч авлод дейилганда кўз олдингизда ўтмиш, бугун ва келажак намоен бўлади. Кейинги вақтлар уч авлод вакиллари бир даврада жам бўлиб, маънавий-маърифий суҳбатлар ташкил этилиши гўзал анъанага айланди.

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлимида соҳа ходимлари ва Тошкент юридик техникуми ўқувчи ёшлари иштирокида “Шарқ юлдузи” ҳамда “Звезда Востока” журналлари жамоаси билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

* * *

24 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Адабий-танқид кенгашининг 2021 йил фаолияти якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган йил давомида ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётига доир ўттизгага яқин монография ва рисоалар, беш юзга яқин адабий-танқидий мақолалар нашр этилган. “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Ёшлик” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси”, “Хуррият” каби газеталарда нашр этилган адабиётшунослик ва адабий-танқидга доир мақолалар таҳлил этилди.

* * *

25 февраль. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби адабиётшунос олим Абдуқаҳҳор Иброҳимов хотирасига бағишланган “Кеча, бугун ва эртага” китоби ҳамда адибнинг “Муфтийлар сулоласи” бадиалар тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА	
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ. Ҳар ошкор ичиди бир сир яширин. .4	
НАСР	
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ. Гладиолус. <i>Ҳикоя.</i>9	
Олмалик ДАЙНОВ. Зубайда. <i>Қисса.</i>30	
Умид АЛИ. “МЕН”. <i>Ҳикоя.</i>143	
Рисолат ҲАЙДАРОВА. Мураббий. <i>Эссе.</i>101	
НАЗМ	
Аҳмад ХЎЖА. Кунлар кўтармоқда йиллар юкини.22	
Малоҳат МИРЗАЕВА. Юрагимга қайтсин шафақнинг туси..... 26	
Турсун А.ЛИ. Тунларим оқади кузги сой каби.88	
МУСАЛЛАМБОНУ. Энди ҳақимиз йўқ хато қилмоққа93	
Шермурод СУБҲОН. Кетмокдасан кўзларимга қадаб нигоҳинг...96	
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Саъдулло ҚУРОНОВ. Навоий сиймосининг янги талқини.123	
ТАҲЛИЛ	
Мунир Саййид Мухаммад УТАЙБА.	
Жанр ва жамият дилкашлиги.129	
МУТОЛАА	
Отабек ДЎСТЁРОВ. Илм сари саодатли йўл.166	
ТАДҚИҚОТ	
Баҳодир ЖОВЛИЕВ. XX аср адабиётида янги метафоралар.....150	
Элнура ҚУРБОНОВА. Яссавийнинг икки муршиди.156	
БУ БЎСТОН САҲНИДА	
Алишер САБРИЙ. Булжажаблар.161	
ЁШЛАР ИЖОДИ	
Сирожддин ИБРОҲИМ. Унга асир бўлдим пинҳона.135	
Юлдуз ЎРМОНОВА. Борар ишқ йўлларим қадимий бўлсин. ...139	
BOLALAR DUNYOSI	
Nabijon ERMAT. Sozning sarxush sadosi.170	
Адабий ҳаёт.174	

Шарқ юлдузи

2022

2-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.
Телефонлар:
71231-23-65, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
15.03.2022
Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади нусха.3400
Буюртма №08

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмаҳонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“Тирografiya Poliar” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани. Ифтихор кўчаси 117-уй 19- хонадон.
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳиҳлар:
Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Хусанова
Саҳифаловчи-дизайнер:
Мухаммадсодиқ Сайфуллаев
Copyright © “Шарқ юлдузи”